Investitsiya loyihasi tushunchasini uning yo'naltirilgan maqsadini amalga oshirish uchun texnologik jarayonlarni, texnik va tashkiliy hujjatlashtirish jarayonini, ob'ektlarni barpo etish va ishga tushirish jarayonini, moddiy, moliyaviy, mehnat resurslarining harakatini, shuningdek, tegishli boshqaruv qarorlari va tadbirlarni o'zida mujassamlashtiruvchi tizim sifatida talqin qilish maqsadga muvofiqdir.

Hozirgi kunda O'zbekiston iqtisodiyotining barcha sohalarida o'zgarishlar, tarkibiy islohatlar olib borilmoqda. Bunday islohotlarning olib borilishi bevosita mamlakatdagi investitsion jarayon, davlatning investitsion siyosati, uning ustuvor yo'nalishlari va mamlakatdagi korxonalar investitsion faolligiga bog'liq. Mustaqilligimizning qisqa davrida investitsion faollikni oshirish, uni kuchaytirish



borasida qator amaliy chora-tadbirlar o'tkazildi, investitsion faoliyatni tartibga solib turuvchi qator qonun va qonun osti hujjatlari chiqarildi va hayotga tadbiriq qilinmoqda.

Bu yo'lda investitsiya siyosatining ahamiyati juda katta. Chunki investitsiyalar iqtisodiyotda tarkibiy o'zgarishlar, texnik va texnologik yangilanishlar, korxonalarni qayta ta'mirlash ishlarini amalga oshirishni rag'batlantiradi, mamlakat eksport va import salohiyatini oshirishga imkon yaratadi. Shu jihatdan O'zbekiston davlati o'z investitsiya siyosatini olib bormoqda.


*Investitsiya siyosati* – bu iqtisodiyotning ustuvor tarmoqlarini rivojlantirish, qo'llab-quvvatlash, markazlashgan investitsiya jarayonidan nomarkazlashgan investitsiya jarayoniga o'tish, ustuvor investitsion loyihalarni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan mexanizm, uslublar yig'indisi hisoblanadi. Davlat investitsiya siyosatini amalga oshirishda ko'proq ustuvorlik kichik biznes subyektlari, xorijiy investitsiya ishtirokidagi korxonalar tuzishga hamda mavjud kamchiliklarni bartaraf etish, muammolarni tezkorlik bilan hal etish va shu asnoda investitsiya ishtirokchilarining erkin harakat qila olishlari uchun qulay iqtisodiy, investitsion muhit yaratishga qaratilgan.

Davlat investitsiya siyosati hududlar, tarmoq va korxonalar investitsiya siyosatidan tarkib topib, ular o'zaro bag'liqdir. Hududlar investitsiya siyosati investitsiyani sariflashda aholi, hudud va investor manfa'atlarini hisobga olgan holda samarali ishlatishga imkon beruvchi hududda olib boriladiga chora-tadbirlar majmuyi. Tarmoq investitsiya siyosati esa bu mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishini ta'minlovchi tarmoqlar, sanoat mahsulotlarini eskport qilish, import o'rnini bosuvchi ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish, ilmiy-texnika taraqqiyotini investitsiya yo'li bilan qo'llab-quvvatlash hisoblanadi.

O'zbekiston iqtisodiyotiga investitsiyalar kiritish, avvalo, ichki manbalarni safarbar etish hisobidan iqtisodiyotimizning muhim tarmoqlarini jadal modernizatsiya qilish, texnik va texnologik qayta jihozlash, transport va aloqa sohasini yanada rivojlantirish hamda ijtimoiy infratuzilma ob'yektlarini barpo etish hal qiluvchi ustuvor yo'nalishlarga aylandi.

Respublika iqtisodiyotining ustuvor tarmoqlarida investitsiya loyihalarini amalga oshirishning zaruriyati quyidagilardan kelib chiqadi: ishlab chiqarish quvvatlarining jismoniy va ma'naviy eskirganligi, ularning qayta tiklashga yoki texnik jihatdan qayta jihozlashga yoki umuman yangilashga oid bo'lib qolganligi; sanoat tarmog'ida moddiy texnika bazasining o'ta pastligi va ko'pgina zarar ko'rib ishlaydigan korxonalarining mavjudligi; respublika milliy daromadida jamg'arish bilan iste'mol o'rtasidagi nisbatning iste'mol tomonga ko'plab sarflanayotgani va jamg'arishning investitsiya manbayi sifatida kamayib borayotganligi; O'zbekistonning tabiiy boyliklarga boyligi va bu erda ko'plab qayta ishlovchi korxonalarni qurish imkoniyating mavjudligi; aholi sonining


o'sib borayotganligi (mehnat resurslari) va kichik zamonaviy ixcham korxonalarni barpo etish, ularni mehnat resurslarining manbayi bo'lmish qishloqqa yaqinlashtirish zarurligi; respublika eksportida xom ashyo salmog'ini kamaytirish va ko'plab tayyor mahsulotlar chiqarish imkoniyatiga ega bo'lish zarurligi va boshqalar.



2-rasm. Hududlar kesimida asosiy kapitalga investitsiyalar


Investitsiya faoliyatining rivojlanishida turli manabalar hisobidan mablag'larning jalb etilishi holati o'rganilishi va ular hisobiga investitsiyalarni moliyalashtirish holatining rivojlanishini tahlil qilish muhim ahamiyat kasb etadi va quyidagi jadvallarda so'nggi yillarda turli manbalar hisobiga investitsiyalarning moliyalashtirilish tarkibi va uning o'zgarishi keltirilgan.

Asosiy kapitalga investitsiyalarning hududiy tarkibida hamon Buxoro, Toshkent shahri va Qashqadaryo viloyatlari yetakchilik qilmoqda. Qashqadaryo viloyati asosiy kapitalga investitsiyasi Samarqand viloyatidan qariyb 59% ga ko'p ya'ni 3533.1 mlrd. so'mni tashkil qilmoqda. Buxoro viloyati, Toshkent shahri va Qashqadaryo viloyati jami qolgan viloyatlar ko'rsatkichidan farqi 5.4% ni quramoqda. Bu ko'rsatkich bo'yicha Sirdaryo va Jizzax eng oxirgi o'rinlarda qolyabdi.(2-rasm)



3-rasm. Yanvar-sentabr oylarida iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha asosiy kapitalga investitsiyalar (jamiga nisbatan % da)

Turar-joy qurilishi, tashish va saqlash kabi faoliyat turlariga investitsiyalar ulushi 2017-yilda 2016-yil mos davridagiga nisbatan kamaygan bo'lsa, tog'-kon sanoati, ishlab chiqarish sanoati, elektr va gaz bilan ta'minlash kabi faoliyat turlariga investitsiyalar hajmi ortdi.(3-rasm)



4-rasm. Asosiy kapitalga investitsiyaning 5-rasm. Asosiy kapitalga xorijiy takror ishlab chiqarish tarkibi investitsiyalar tarkibi mlrd.so'm

O'zlashtirilgan xorijiy investitsiya va kreditlarning asosiy qismini, 79,7% ini to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiya va kreditlar tashkil etgan bo'lsa, 18,1% ini O'zbekiston Respublikasi kafolati ostidagi xorijiy kreditlar va 2,2% ini boshqa investitsiya va kreditlar tashkil qilmoqda.(5-rasm) [4]

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, investitsiya loyihalarini amalga oshirish orqali iqtisodiyotda tub o'zgarishlarni amalga oshirish imkonini beradi va bu iqtisodiyotda yangi ish o'rinlarini tashkil etish va rivojlanish garovi bo'lib xizmat qiladi. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoyitida Yurtimizga zamonaviy texnologiyalar olib kelib, sanoat ishlab chiqarishini yangilash va modernizatsiyalash jarayonlarini olib borishni investitsiya faoliyatisiz tasavvuz etib bo'lmaydi. Investitsiya loyihalarini jalb qilish nafaqat davlat iqtisodiyotini yuksaltiradi, balki aholi turmish darajasini yaxshilashda ham katta samara beradi. Yani maishiy muhtojliklarning katta bo'limi qanoatlantiriladi, ishlab chiqarish kengayadi, yangi mehnat kuchlari shakillanadi, eski va og'ir mehnat turmishidan yangi, yengil va samarali mehnat faoliyatiga o'tiladi. Davlatning kelajakdagi iqtisodiy yuksalish darajasini bugungi jalb qilingan investitsiya loyihalari va investitsion jarayonlar belgilab beradi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Sh.Q.Fozilchaev, N.G'. Xidirov "Investitsiya va lizing asoslari";
2. O'zbekiston Respublikasining 2014-yil 29-oktyabr "Investitsiya faoliyati to'g'risida "gi qonunining yangi tahriri;
3. A.N.Jo'raev "Investitsiya loyihalarini moliyalashtirish manbalari qiymatini baholash";
4. www.stat.uz Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari.

### **References**

1. Sh.Q.Fozilchaev, N.G'. Xidirov "Investitsiya va lizing asoslari";
2. O'zbekiston Respublikasining 2014-yil 29-oktyabr "Investitsiya faoliyati to'g'risida "gi qonunining yangi tahriri;
3. A.N.Jo'raev "Investitsiya loyihalarini moliyalashtirish manbalari qiymatini baholash";
4. www.stat.uz\_Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari.

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎРНИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Abdulhalilova Sabohat Naimovna  
Umaraliyev Zoxidjon Boxodirjon o'g'li  
uzbzohidjon@mail.ru  
Toshkent Moliya instituti

**Аннотация:** Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги тармоғи республикамизнинг миллий маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий тармоқларидан бири эканлиги, ўзининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш билан бошқа соҳа ва тармоқлардан афзаллиги каби хусусиятлари баён қилинган. Мазкур тармоқ юқори салоҳиятга эгаллиги сабабли, унда эҳтиёжларни қондириш учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида самарадорликнинг ошиши, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш имкониятлари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, тармоқ, қўшимча қиймат, аҳоли эҳтиёжи, миллий маҳсулот, инновацион ривожланиш, лойиҳалар, ишлаб чиқариш.

## THE ROLE AND CHARACTERISTICS OF AGRICULTURE IN THE ECONOMY OF UZBEKISTAN

Abdulhalilova Sabohat Naimovna  
Umaraliyev Zoxidjon Boxodirjon o'g'li  
uzbzohidjon@mail.ru  
TFI

**Abstract:** This article describes the features of the agricultural sector as one of the main sectors of national production, its value added, its role in meeting the needs of the population and its advantage over other industries and sectors with a high level of production. Due to the high potential of this sector, it has studied the possibilities of increasing the efficiency of agricultural enterprises and the production of products necessary to meet the needs, to improve the living standards of the population.

**Keywords:** agriculture, industry, value added, population needs, national product, innovative development, projects, manufacturing.

Ҳозирги кунда бутун дунёда тобора кенгайиб бораётган глобал ҳодиса COVID-19 пандемияси фонида дунё ҳамжамиятида кузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз, турли давлатларда намоён бўлаётган демографик вазият иқтисодиётнинг барча тармоқларига, айниқса дунё аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмоқда. Мамлакат аҳолисининг маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш асосан қишлоқ хўжалик тармоғини ривожлантириш тадбирларига бевосита боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида соҳага замонавий ва инновацион услубларни жорий этишни тақозо этади. Замонавий инновацион усуллар эса инвестицияларсиз амалга ошмайди.

Инвестицияларнинг илмий-назарий асослари Ж.М.Кейнс, Е.Бём-Баверк, И.Фишер, Р.Харрод, Г.Марковиц, Р.Мертон, М.Миллер, Ф.Модильяни, Ж.Тобин, М.Шоулз, Е.Альтман, Р.Дорнбуш, Р.Макконнелл, Р.Шмалензи каби иқтисодчи-олимларнинг асарларида ёритиб берилган<sup>1</sup>. Хорижлик олимлардан Ж.Н.Беланже, Ж.В.Бэйли, И.А.Бланк, В.В.Бочаров, П.Л.Виленский, М.А.Николаев, В.М.Павлюченко, С.А.Смоляк В.В.Шеремет, В.Д.Шапиро, К.П.Янковский ва бошқа бир қатор олимларнинг илмий изланишларида инвестициялар, инвестицион фаолият ва инвестицияларни бошқариш назариялари ўрганилган<sup>2</sup>.

Ўзбекистонлик олимлардан Ақобирова Д, Б.Ғойибназаров, М.А.Икрамов, А.Қодиров, Н.М.Махмудов, М.Маҳкамова, С.Насретдинов, Б.Т.Салимов, Б.Самарходжаев, А.Собиров, М.Л.Турсунхўжаев, А.С.Турдиев, Б.Ю.Ходиев, Н.А.Хашимова сингари олимлар инвестициялар, корхоналар инвестицион жозибдорлигини ошириш ва инвестицияларни жалб этиш, минтақалардаги табиий ресурслар захираси, инвесторлар учун яратилган имтиёзлар, инфратузилма ҳолати, тадбиркорлик субъектларининг инвестицион-

<sup>1</sup>Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное.-М.: Эксмо, 2007. -960 с.; EugenBohn-Bawerk. Positive Theory of Capital.//Economic Logic.-3rd ed.-Washington:Capital Press, 2010. -P.265-266.; Fisher Irving. The Theory of Interest. New York. The Macmillan company.1930.;Harrod R.F. Doctrines of Imperfect Competition// Quarterly Journal of Economics 48 (May 1934). -P.442-470.; Markowitz H.M. Portfolio Selection: Efficient Diversification of Investment. Wiley. -New York. 1959.; Merton Robert K. "The Unanticipated Consequences of Purposive Social Action" American Sociological Review. 1 (6). -P. 894-904.; Myron Samuel Scholes. Financial Infrastructure and Economic Growth, 1996.; Altman Edward. Corporate Financial Distress and Bankruptcy, 3rd edition.- John Wiley and Sons, 2005.


<sup>2</sup>Беланже Ж.Н. Вопросы определения надлежащей макроэкономической политики в странах, осуществляющих переход к рыночной экономике. Опыт стран Центральной и Восточной Европы//Сборник докладов на тему «Экономические реформы в России и других странах с переходной экономикой: проблемы и перспективы». – М.:Экономика,1994. – С.61.<https://privatthb.ru/ekonomika/mezhdunarodnye-investitsii-v-sovremennom-mirovom-hozyajstve.html>.; Янковский К.П. Организация инвестиционной и инновационной деятельности: учебник. – СПб.: Питер, 2006. -234с.; Уильям Ф.Шарп, Гордон Дж. Александер, Джеффри В. Бейли. Инвестиции. – М.: Инфра-М., 2003.-103с.; Гулькин П. Основы венчурного инвестирования. //Банковский вестник, 2012.-С.52-61. <http://www.ofin.ru/investor/venture-glossary>.; Дворжак И. Венчурный капитал в странах Центральной и Восточной Европы.//Международный журнал «Проблемы теории и практики управления» -С.23-29. <http://ptpu.ru/Issues>.

инновацион фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлар<sup>3</sup>.

Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишига ҳисса қўшиб келаётган соҳалардан бири қишлоқ хўжалигидир. Иқтисодиётнинг мазкур тармоғи ҳам юқори салоҳиятга эга бўлиб, унда аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, қишлоқ хўжалиги корхоналарида самарадорликнинг ошиши аҳоли турмуш даражаси яхшиланишини таъминлайди. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш борасида туб ислохотларнинг амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий, техник ва молиявий салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда аҳоли турмуш даражасини оширишни талаб этади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида самарадорликнинг ошиши бугунги кунда уларда инновацияларнинг қўлланилиши билан боғлиқ. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича турли дастурлар ишлаб чиқилиб, улар асосида кўплаб лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган дунёдаги бешта давлат қаторига киради. Бунинг яққол исботи сифатида мамлакатимизда қилинган ишлар натижалари кўрсатиб турибди. Қишлоқ хўжалиги тармоғи республикамизнинг миллий маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий тармоқларидан бири ҳисобланиб, ўзининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш билан бошқа соҳа ва тармоқлардан афзаллиги билан тубдан фарқ қилади. Мазкур тармоқ юқори салоҳиятга эга бўлиб, унда эҳтиёжларни қондириш учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида самарадорликнинг ошиши, аҳоли турмуш даражасини яхшилашдан иборат. Юқоридагилардан кўринмоқдаки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг инновацион ривожланиши иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлайди. Буни макроиқтисодий жараён сифатида қуйидагича ифодалашимиз мумкин (1-расм):

<sup>3</sup> Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқувқўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.; Э.А.Махмудов. Организационно-экономический механизм привлечения прямых иностранных инвестиций в экономику Узбекистана: Диссертация на соиск.уч.степени к.э.н. – Т.: Институт экономики АНРУз., 2005.-27с.; У.С.Надырханов. Прямые иностранные инвестиции в Узбекистане: опыт, проблемы, перспективы роста. – Т.: Фан ва технология, 2011.-184с.; А.Сабилов. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибга солиш механизми ринитакомиллаштириш. Иқт. фан. ном. илмий даражасини олиш учун ўзилган дисс. – Т.: ТДИУ, 2009.-256.; Ғозибеков Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003.-332б.; Хашимова Н.А. Совершенствование научно-теоретических основ развития инвестиционного потенциала в Республике Узбекистан. Автореферат докторской диссертации. – Т.: 2017. -37с.; Алматова Д.С. Минтақалар датартиб қорлик фаолиятини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни таъминлаштириш. И.ф.д. дисс. Автореферати. – Т., 2018. -76 б.; Махмудов Н., Ақобирова Д. Стратегия инновационного развития промышленности Республики Узбекистан в период модернизации экономики. /Монография, –Т.: Иқтисодиёт, 2011. -330 с.; Д.Ақобирова Инновационная стратегия. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. -350 с.;



1-расм. Қишлоқ хўжалигининг инновацион ривожланиши натижалари

- мамлакатда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш тадбирларининг амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқаришга янги техника ва технологиялар киритилиши билан саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унумдорлиги ошади;
- корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши аҳолининг импорт товарлар ўрнини босадиган маҳаллий истеъмол товарларини сотиб олиш имкониятини оширади ва бу аҳоли турмуш даражаси ошишини таъминлайди;



➤ қишлоқ хўжалиги тармоқларида меҳнат унумдорлигининг ошиши қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ишловчилар оладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларни ошишига олиб келади;

➤ қишлоқ хўжалиги корхоналарининг инновацион ривожланиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиши ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши давлат бюджетига олинадиган солиқларнинг кўпайишига хизмат қилади;

➤ давлат бюджетига тушадиган солиқларнинг кўпайиши натижасида кўшимча олинган маблағлар бюджетнинг қайта тақсимлаш функцияси орқали аҳолига трансферт тўловлари сифатида берилиши мумкин ва бу мамлакатда аҳолининг даромадлари ва турмуш даражаси ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Демак, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг такомиллаштириб борилиши иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида хизмат қилади. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда жаҳон иқтисодий марказининг Ғарбдан Шарққа томон силжиши иқтисодиётга маҳсулотлар бозори ва капитал манбалари сифатида янги инвесторларни жалб этиш зарурлигини билдириб, технологик базанинг янгиланиш жараёнлари иқтисодий ўсишнинг сифатига янги талаблар қўяди ҳамда ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигининг ошиши ва кўшилган қийматни шакллантиришнинг глобал занжирини яратиш иқтисодий ўсиш салоҳиятини ошириш омили бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда жадал суръатлар билан олиб борилаётган иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар, модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш жараёнлари иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги тармоқларида сифат жиҳатдан ўсишга олиб келмоқда. Бу эса пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори даражада барқарор ўсиб бораётган давлатлар қаторида бўлишини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан ушбу йўналишда олиб борилаётган фаолият натижасини танқидий таҳлил қилган ҳолда камчилик ва нуқсонларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш, шунингдек, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги тармоқларини таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш жараёнларини такомиллаштириш механизмларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг мазмун моҳияти, хусусиятлари, иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида тутган ўрни ва роли, республика қишлоқ хўжалигининг тармоқлар ҳамда ҳудудий таркиби, ишлаб чиқариш салоҳияти, ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланиши муаммолари билан боғлиқ тасаввур, билим ва кўникмаларни шакллантириш масаласига тўхталсак:

- ✓ иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан биридир;
- ✓ қишлоқ хўжалиги мамлакат хўжалигининг энг мавсумий характерга эга,
- ✓ унинг ривожланишиоб-ҳаво, иқлим шароитларига чамбарчас боғлиқ;
- ✓ қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, саноатга, айниқса унинг енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожланишига кучли таъсир кўрсатади;
- ✓ ареалсимон характерга эга (саноат нуқта шаклида, транспорт чизиқсимон, тасмасимон);
- ✓ қишлоқ хўжалигининг меҳнат унумдорлиги -саноатга нисбатан пастроқ;
- ✓ ресурслар яъни ҳарорат, намлик ва тупроқ асос бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги сиёсатидаги асосий устувор аҳамият институционал ислохотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бориш, саноат ишлаб чиқаришини модернизация ва диверсификация қилиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ўрта ва узоқ муддатли даврда саноатни ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Большедворская В.К. Экономика АПК: экономика овощеводства. Учебное пособие – Иркутск: Изд-во ИрГСХА, 2013 – 120 с.
2. Василенко В.П., Козлова А.П. Кооперативные и агропромышленные организационно-хозяйственные структуры. М.: “Дело”, 1996 – 64 с.
3. Горьковский В.В. Сущность и формы государственного регулирования рынка и рыночных отношений в АПК. Научные основы аграрной реформы и социального развития село сборник научных трудов Ростов-на-Дону 1994-45с.
4. Чалбаев К.К. Интенсификация производства и рыночные отношения. М.: Экономика, 1990. – 201 с.
5. Портер М. Международная конкуренция. Конкурентные преимущества стран. – М., 1993.
6. Solvell O., Lindqvist G., Ketels C. The Cluster Initiative GreenBook, 2003. Электронный ресурс: <http://www.cluster-research.org>.

### References

1. Большедворская В.К. Экономика АПК: экономика овощеводства. Учебное пособие – Иркутск: Изд-во ИрГСХА, 2013 – 120 с.
2. Василенко В.П., Козлова А.П. Кооперативные и агропромышленные организационно-хозяйственные структуры. М.: “Дело”, 1996 – 64 с.

3. Горьковий В.В. Сущность и формы государственного регулирования рынка и рыночных отношений в АПК. Научные основы аграрной реформы и социального развития села сборник научных трудов Ростов-на-Дону 1994-45с.

4. Чалбаев К.К. Интенсификация производства и рыночные отношения. М.: Экономика, 1990. – 201 с.

5. Портер М. Международная конкуренция. Конкурентные преимущества стран. – М., 1993.

6. Solvell O., Lindqvist G., Ketels C. The Cluster Initiative GreenBook, 2003. Электронный ресурс: <http://www.cluster-research.org>.

## **XITOIY VA GLOBALLASHUV (WILLIAM G. OVERHOLT TAHLILLARI BO'YICHA)**

Yusubova Maxliyo, Xolmurodov Muslim  
xomurodovmuslim@mail.ru  
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti

**Annotatsiya:** Maqolada mashhur amerikalik sotsiolog, xitoyshunos Uilyam Overholtning Xitoy va zamonaviy global dunyodagi o'rnini tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** Globalizatsiya, modernizatsiya, uzoq sharq, ingliz tili

## **CHINA AND GLOBALIZATION (BASED ON WILLIAM G. OVERHOLT'S ANALYSIS)**

Yusubova Mahliyo, Kholmurodov Muslim  
xomurodovmuslim@mail.ru  
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

**Abstract:** The article analyzes the role of the famous American sociologist, Chinese scholar William Overholt in China and the modern global world.

**Keywords:** Globalization, modernization, Far East, English

Xitoy o'zini dunyodagi globallashuvning eng katta raqibidan va Aqsh yaratgan global institutlarning katta buzuvchi ro'lidan, o'sha institutlarning sodiq azolariga va globallashuv tarafdorlariga aylandi. Hozir bu Yaponiyaga qaraganda ancha ochiq iqtisodiyotdir va ular o'z institutlarini global miqyosida yuqoriga olib chiqmoqda, qaysiki Yaponiyadagi Meydzi davridan beri ko'pgina katta shaharlarda ko'rilmagan. Qonun ustuvorligini, raqobatga sodiqlikni, ingliz tilini keng qollanilishini, boshqa chet el ta'limlarini va koplak chetel qonunlarini ta'minlash va bu institutlar nafaqat Xitoy institutlarini zamonaviylashtirish balki Xitoy sivilizatsiyasini o'tish bosqichiga olib kirdi. Xitoyning barcha iqtisodiy yutuqlari liberallashtirish va globallashuv bilan chambarchas bog'liq va globallashuvning har bir yo'nalishi Xitoyga yanada muvaffaqiyat olib keldi. Ko'p ishchilar turmush darjalarini shu qadar tezlik bilan yaxshiladilarki dunyo tarixida bunaqasi kuzatilmagan. Shunday qilib ommaviy qo'llab-quvvatlash Yaponiyaga qaraganda ildamroq, yani urushdan keyingi tiklanish bu yuqori darajada boshqariladigan iqtisodiyotda yoki sobiq Sovet ittifoqidagi jamiyatga zarar yetkazgan urushdan keyingi tiklanish bosqichida sodir boldi. Natijada, Xitoy samarali ravishda Yaponiya, Hindiston va Braziliyada ham amal qiladigan Amerikaning ittifoqchisiga va Janubi-Sharqiy Osiyoda erkin savdo va investitsiya hamkoriga

aylandi. Shunga qaramay, Xitoyning tezkor globallashuvi keskin o'zgarishlarni talab qildi. Davlat korxonalarining bandligi 44 millionga kamaydi. Xitoy 25 million ishlab chiqaruvchi ish o'rinlarini yo'qotdi. 125 ta avtomobil kompaniyalari tezda 3tadan 6 tagacha birlashishi kutilmoqda. Xitoyning globallashuv yutuqlari qo'shni mamlakatlarga ham o'zining katta tas'sirini ko'rsatmoqda. Masalan: Hindiston esa Xitoydan ancha ochiq bo'lgan iqtisodiyotning afzaliklarini o'rganib oldilar. Osiyaliklar esa chet el investitsiyasiga va proteksionistik udumli Lotin Amerikaliklarga antipatiya ruhida o'qitilgan. Xitoy bilan raqabatdosh bo'lish uchun chet el investitsiyalariga ochiqlik bilan qarab kreditlarga kamroq muhtoj bo'lishi kerak. Bu omillar 3-dunyo miqyosidagi rivojlanish strategiyalarini va Aqsh kompaniyalari uchun yanada kengroq global imkoniyatlarni yaratadi. Dastlabki qo'ruqlardan farqli o'laroq, Xitoyning o'sishi qo'shni mamlakatlar savdosining va tashqi investitsiyalarni mahrum qilmasdan aksincha faollashtirdi. Darhaqiqat, Xitoyning so'ngi o'sish sur'atlari Yaponiya iqtisodiyotini jonlantirdi va asosiy qo'shni davlatlarni tanazzuldan saqladi, ehtimol global inqiroz xavfining oldini oldi ham. Xitoyning o'sishi Amerika kompaniyalariga yangi savdolarini olib keldi. Xitoydan Amerikaga bo'lgan daromadlar oqimi tovarlar oqimi kabi nomutanosibdir. Arzon mahsulotlar standartlarga nisbatan qashshoqroq bo'lgan Amerikaliklarning turmush darjasini sezilarli ravishda yaxshiladi. Arzon Xitoy tovarlari va Xitoyning AQSHni tanqislik inflatsiyasini ushlab turishini moliyalashtirdi va foiz stavkalari pasaydi va iqtisod jadal ravishda ko'tarilishini davom ettirdi. Shu bilan birga savdo kamomadini va ijtimoiy o'zgarishlarni keltirib chiqardi. Ko'pgina Aqsh kompaniyalari uchun Xitoyning intellektual mulkni noqonuniy tarzda o'zlashtirilishini yo'qotishni keltirib chiqardi. Qurilishga tegishli bo'lgan hizmat ko'rsatishda sensatsiya yuz berdi, global ravishda xom ashyo narxlari ishlab chiqaruvchilarning katta foydasi va istemolchilar uchun katta xarajatlarga o'zgardi.

Xitoyning muvaffaqiyati zamonaviy tarixning eng muhim rivojlanishlaridan biridir, ammo Xitoyning ayni damda o'sgan global hukmronligini yoki Aqsh aholisiga tahdidlarini pragnoz qilish bu noto'g'ri. Sobiq Sovet ittifoqidan farqli o'laroq, islohatchi Xitoy boshqa davlatlarning turmush tarzini hech narsasini o'zgartirishga intilmaydi va uning iqtisodiyoti dunyo tarixining eng og'ir kombinatsiyasi hisoblangan bank ishiga duch keladi, urbanizatsiya va bandlik muammolari va 2020 –yilga qadar demografik siqish yuzaga keldi.

Islohatdan oldin, Xitoy Aqsh uchun globallashuvning eng asosiy raqibi edi. Autarkik iqtisodiyotda edi. Bu global iqtisodiy tartibga qarshi chiqdi. Bu global siyosiy tartiblarga va XVF yoki Jahon banki kabi yirik global institutlarga qarshi chiqdi. Bu global tartibsizliklar yaxshi ekanligi tushinildi va Mao Tse Dung ostida butun dunyo boylab tartibsizlikni targ'ib qilishda faollik korsatdi, shu jumladan aksariyat hollarda Xitoyga qo'shni davlatda bo'lgan isyonchilarni, Afrika va Lotin Amerikasining ko'pgina mamlakatlarida va Aqsh universitetlarni qo'llab-quvvatladi.

Madaniy inqilobda 1966-1976-yillar Xitoy talabalari va boshqalar, chiliazm dehqonlari Mao Zedongning rahbarligida yuqori hukumat va partiya rahbarlarini kamsitdi, ijtimoiy sohalar va siyosiy institutlarga hujum qilishdi, Xitoyning ko'pgina madaniy merosini yo'q qildi va umuman olganda mamlakatning idoralari buzishga harakat qildi.

Ikki asr davomida sotsializm, kapitalizm, imperiya, respublika, harbiy diktatorlik, diniy fundamentalizm kabi turli yo'llar orqali harakat qildi. Hammasi amalga oshmadi. Separatizm studentlar bilan bir qatorda jiddiy tus ola boshladi, ko'pgina mamlakatlar dunyoning iqtisodiy ahvolini va tartibini tan olgan va Xitoyning iqtisodiy va siyosiy tartiblari shu darajada qarshi qoyilgan ediki har qanday muvofaqiyatga eltuvchi yo'l mavjud tartiblarni yo'q qilishni boshlashi kerak edi.

Ayniqsa madaniy inqiloblar Xitoyning qashshoqligida va dunyo uchun va ayniqsa Aqsh uchun yaratilgan siyosiy tafovutlar kichik bir qism edi holos. Agar Xitoy XX asr davomida gullab-yashnagan va birlashgan bo'lganda edi, Aqshda 2-jahon urushi yoki birinchi jahon urushidan farqli ravishda 2-yevropa urushi bo'lgan bo'lar edi. Xitoy esa yapon tajavuzini oldini olishga yoki uni yengishga qodir bo'lar edi. AQSH bilan bo'lgan mojarolarning bahosi ancha kamroq bo'lar edi chunki Perl Harbor yoki shunga o'xshash hodisalar yuz bermagan bo'lar edi.

Xitoyning muvaffaqiyatli globallashuvi tufayli Aqsh uchun endi bunday muammolar bo'lmaydi. Endi Xitoy dunyoning ulkan kuchlarini katta mojarolarga aylantiradigan vakum emas. Xitoy endi Janubi-sharqiy Osiyodagi, Afrika va Lotin Amerikasidagi isyonlarga homiylik qilmaydi. Xitoy endi global moliyaviy institutlarni izdan chiqarishga intilmaydi. Aqsh hukumati Tailand va Filippinda barqaror kapitalistik demokratiyani qo'llab-quvvatlaydigan, XVF, Jahon banki va JSTga azo bo'lgan Xitoydan foyda oladi :va bu qo'shni mamlakatlarga siyosiy barqarorlik, erkin savdo va erkin sarmoyaning foydalari haqida maslahat beradi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Madalimov, T. (2019). Қадимги Ҳиндистондаги Нья фалсафий мактабининг билиш муаммолари. *Фалсафа ва ҳуқуқ*, 1(13), 33-36.
2. Madalimov, T. (2020). Qadimgi Xitoyda mantiq ilmining shakllanishi. *Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi*, 5(1), 51-52.
3. Madalimov, T. (2020). Qadimgi Hindistonda mantiq ilmining shakllanishi. *Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi*, 2(2), 37-39.
4. Madalimov, T. (2020). Мирзо Ғолиб фалсафасига қадимги ҳинд фалсафий мактабларининг таъсири. *Tamaddun nur*, 1(1), 52-55.
5. Madalimov, T., Akhatov, L., Haytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review*, 1(1), 29-32.

6. Madalimov, T., Karimov, N., Is'haqov, M., Sulaymonov, J., & Alimova, R. (2019). Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith. *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)*, 9(1), 593-599.
7. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). THE PROBLEM OF TOLERANCE IN ORIENTAL PHILOSOPHY. *JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.
8. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). the PROBLEM of HUMAN PSYCHOLOGICAL CRISES in the VIEWS of EMIL DURKHEIM. *НАУКА ОБРАЗОВАНИЕ И КУЛЬТУРА*, 50(6), 50-57.
9. Madalimov, T., Mullajonov, I., Pulatov, S., Qodirov, M., & Valiyev, L. (2020). Some Characteristics of Modern Indian Philosophy. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 2(11), 47-49.
10. Xaytmetov, R., Akhatov, L., & Madalimov, T. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2(1), 53-61.
11. Xaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The spiritual connection of Sufism and Tolerance in the works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 1(2), 1-4.
12. Madalimov, T. A. (2019) "PROBLEMS OF KNOWING THE NYAYA PHILOSOPHY SCHOOL IN ANCIENT INDIA, " *Central Asian Problems of Modern Science and Education: Vol. 4 :Iss. 2*

### References

1. Madalimov, T. (2019). Қадимги Ҳиндистондаги Нъя фалсафий мактабининг билиш муаммолари. *Фалсафа ва ҳуқуқ*, 1(13), 33-36.
2. Madalimov, T. (2020). Qadimgi Xitoyda mantiq ilmining shakllanishi. *Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi*, 5(1), 51-52.
3. Madalimov, T. (2020). Qadimgi Hindistonda mantiq ilmining shakllanishi. *Xorazm Mamun akademiyasi axborotnomasi*, 2(2), 37-39.
4. Madalimov, T. (2020). Мирзо Ғолиб фалсафасига қадимги ҳинд фалсафий мактабларининг таъсири. *Tamaddun nur*, 1(1), 52-55.
5. Madalimov, T., Akhatov, L., Xaytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review*, 1(1), 29-32.
6. Madalimov, T., Karimov, N., Is'haqov, M., Sulaymonov, J., & Alimova, R. (2019). Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith. *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)*, 9(1), 593-599.
7. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). THE PROBLEM OF TOLERANCE IN ORIENTAL PHILOSOPHY. *JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.

8. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). the PROBLEM of HUMAN PSYCHOLOGICAL CRISES in the VIEWS of EMIL DURKHEIM. *НАУКА ОБРАЗОВАНИЕ И КУЛЬТУРА*, 50(6), 50-57.

9. Madalimov, T., Mullajonov, I., Pulatov, S., Qodirov, M., & Valiyev, L. (2020). Some Characteristics of Modern Indian Philosophy. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 2(11), 47-49.

10. Xaytmetov, R., Akhatov, L., & Madalimov, T. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2(1), 53-61.

11. Xaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The spiritual connection of Sufism and Tolerance in the works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 1(2), 1-4.

12. Madalimov, T. A. (2019) "PROBLEMS OF KNOWING THE NYAYA PHILOSOPHY SCHOOL IN ANCIENT INDIA, " *Central Asian Problems of Modern Science and Education: Vol. 4 :Iss. 2*



## МОДЕРНИЗАЦИЯ НАЛОГОВОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ НАЛОГА НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

Ваққосов Сирожиддин Алимжонович  
sirojiddinvaqqosov@gmail.com

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

**Аннотация:** В данной статье проанализированы проблемы и методики совершенствования налога на добавленную стоимость. Тема рассмотрена как с теоретической точки зрения, так и с практической части применения.

**Ключевые слова:** модернизация, налоговое администрирование, администрирование, налог на добавленную стоимость, НДС, налоги, государство.

## MODERNIZATION OF TAX ADMINISTRATION VALUE ADDED TAX

Vakkosov Sirozhiddin Alimzhonovich  
sirojiddinvaqqosov@gmail.com

Banking and finance academy of the Republic of Uzbekistan

**Abstract:** this article analyzes the problems and methods of improving the value added tax. The topic is considered both from the theoretical point of view and from the practical part of application.

**Keywords:** modernization, tax administration, administration, value added tax, VAT, taxes, state.

На сегодняшний день до сих пор нет достоверного и официально-признанного понятия, что из себя представляет налоговое администрирование, но данное определение всё чаще используется в официальной документации, которая рассматривает вопросы состояния налоговой политики страны. В научной литературе точно также отсутствует конкретная формулировка понятия «налоговое администрирование», однако существует не одна точка зрения рассматриваемого понятия, которые приведены в таблице 1.

Таблица 1

Определения налогового администрирования разных учёных

Автор	Определение
О.А.Ногина	Совокупность мер, которые направленные на полноценные и вовремя уплаченные налоги в большем размере при меньших потерях [1]

В.М.Фокин	Рассматривая в более широком понимании, налоговое администрирование возможно рассмотреть следующим образом, что это комплекс процессов и явлений, связанных с правоотношениями по налоговому законодательству и включающих в себя действия участников <del>налоговых правоотношений</del> [2]
С.В.Рыбакова	Комплекс мероприятий, которые акцентированы помимо стимулирования добросовестной реализации налогоплательщиками, возложенных на них обязанностей, так и на их принудительное исполнение и привлечение к ответственности, за совершение налоговых <del>правонарушений</del> в финансово-правовой (налоговой) сферах [3]
М.Н.Денищенко	Налоговое администрирование - это и обработка нормативно-правовых основ сферы налогообложения на основе опыта истории, актуальной экономической науки и практики; формирование условий для функционирования определённого налогового механизма, а конкретно его частей (контроля, регулирования, планирования); одобрение и созидание учётно-аналитических, отчётных правил, документов, и многое <del>иное</del> [4]

Налоговое администрирование - это система управления налоговыми отношениями в стране, функционирующая на основе законодательной деятельности налоговых органов на всех уровнях [5].

Государству необходимы средства для стабильного и устойчивого функционирования, которые стекаются в виде налоговых поступлений. Для того, чтобы налоговая система являлась оперативной, а также надлежаще и соразмерно откликалась на модернизацию в стране, то такой систему нужно регулировать и управлять ею. Такое регулирование и управление, осуществляющиеся на уровне государства и определяется налоговым администрированием.

Под налоговым администрирование понимается не разработка и создание законодательных и нормативно-правовых актов в сфере налогообложения, а конкретно регулирование и управление, т.е. координирование выполнения указанных актов и обнаружение обстоятельства, мешающих их продуктивной работе.

В качестве цели налогового администрирования можно выявить, как результат предельно-максимального эффекта действий для бюджетной системы при меньших растратах, при соблюдении условия рациональной совокупности методов и способов налогового контроля и налогового регулирования.

По содержанию, налоговое администрирование, интерпретируется в качестве сквозным звеном налоговых отношений, которое предоставляет для их полноценной работы и функционирования нужную организационную составляющую, а также конструктивно-технические средства, контролирующим полноту и безошибочное пользование нормативно-правовой базы налогообложения на практике.

На данный момент большое количество споров и вопрос о методах и формах

администрирования касается по исчислению и уплате налога на добавленную стоимость, являющийся одним из основополагающих и постоянных источников бюджета страны. От объёма поступлений налога на добавленную стоимость в большей степени зависит соблюдение и исполнение бюджета.

Чтобы быть уверенным в фактическом ведении бизнеса контрагентом, даются следующие советы:

проверить наличие офиса, склада - не на бумаге, а фактически убедиться в их реальности;

проанализировать его бухгалтерскую отчётность на предмет наличия активов, особенно таких, как основные средства и не материальные активы;

проверить судебную историю контрагента;

проверить присутствие контрагента в Интернете: наличие сайта, отзывов о работе компании или даже отзывы сотрудников фирмы как о работодателе, есть ли рекламные объявления

Однако, юридически не закреплён тот факт, что налогоплательщик в обязательном порядке должен проверять своих контрагентов, есть только рекомендации суда, влияющие на итог дела. Впрочем, порядок проверки добросовестности контрагента законодательно не регламентирован и также не закреплён список документов или действий, которые необходимы для их проверки. Исходя из оценки рисков, вердикт налогоплательщиком принимается индивидуально.

Необходимо законодательное закрепление обязанностей налоговых органов при помощи соответствующих программных продуктов в положенный срок сообщать информацию предприятию о том, что работающий с ним поставщик находится в красной зоне, чтобы предприятие убрала вычеты по этому поставщику или же, чтобы разобралась с поставщиком и определила насколько он надёжен. Разумным решением будет внесение данных классификации по зонам в общий доступ.

В прочем, не менее важным является еще и закрепление законодательно, обязанность налогоплательщиков выражать внимательность, при использовании данных из соответствующих программных продуктов, сервисов ГНК РУз, единого государственного реестра юридических лиц, реестра недобросовестных поставщиков и других информационных ресурсов, выполняя ряд следующих действий:

1. Запрос документов у контрагента до заключения сделки (свидетельство о постановке на налоговый учёт; свидетельство о государственной регистрации; устав);

2. Достоверность того, что потенциальный контрагент не находится на стадии банкротства, реорганизации, ликвидации;

3. В отношении контрагента не должно вестись исполнительного производства;

4. Наличие лицензии, если её наличие обязательно для осуществляемой контрагентом деятельности;

5. Ознакомиться с годовой бухгалтерской отчётностью контрагента;

6. Проверить полномочия лица, подписывающего договор.

В свою очередь введение данных мер упростило бы администрирование НДС, снизило нагрузку на экономические суды и решило огромное количество споров в пользу налоговых служб. Как следствие, снизится количество технических организаций, которыми часто пользуются недобросовестные налогоплательщики.

### **Использованная литература**

[1] Ногина О.А. Налоговый контроль: вопросы теории. - СПб., 2002 (цит. По: Абрамчик Л.Я. Развитие налогового администрирования в Республике Беларусь // Налоговое администрирование: ежегодник-20017 / под общ. Ред. С.В. Запольского, Д.М. Щекина. - М., 2008. - с. 74)

[2] Фокин В.М. Правовые аспекты соотношения налогового администрирования с налоговым регулированием // Налоговое администрирование: ежегодник-2007 / под общ. Ред. С.В. Запольского, Д.М. Щекина. - М., 2008. - с. 16.

[3] Рыбакова С.В. Участие кредитных организаций в процессе налогового администрирования: вопросы теории // Банковское право. - 2008. - №2.

[4] Карасева М.В. Указ. соч. - с. 49.

[5] Налоговое администрирование: Учебник для студентов вузов, обучающихся по профилям направления «Экономика» и специальностям «Налоги и налогообложение», «Экономическая безопасность» / [О.А. Мироннова, Ф.Ф. Ханафеев и др.]; под ред. О.А. Мироновой, Ф.Ф. Ханафеева. - 3е изд. - Йошкар-Ола.: ООО «Стринг», 2013. - 418 с.: ил. табл. + CD. - (Высшее образование). - с. 44.

## SOLIQ VA BOSHQA MAJBURIY TO'LOVLAR BO'YICHA QARZDORLIKNI KAMAYTIRISH MASALALARI

Tohirov Shuhrat Niyoz o'g'li

Tokhirov.shukhi@mail.ru

O'zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi

**Annotatsiya:** Maqola soliq va boshqa majburiy to'lovlar bo'yicha qarzdorlikni kamaytirish yo'llariga bag'ishlangan bo'lib, qarzdorlikni majburiy undirish mexanizmidagi o'zgarishlar va takomillashtirish masalalari atroflicha yoritilgan. Tadqiqot natijasida tegishli xulosalar shakllantirilib, ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** soliq qarzi, qarzdorlik, majburiy undirish, soliq ma'muriyatchiligi, Soliq kodeksi, imtiyozlar, soliq to'lovchi, soliq majburiyati, tadbirkorlik subyektlari.

## ISSUES OF REDUCING TAX ARREARS AND OTHER MANDATORY PAYMENTS

Tokhirov Shukhrat Niyozovich

Tokhirov.shukhi@mail.ru

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

**Abstract:** The article is devoted to ways to reduce the debt on taxes and other mandatory payments, and also details the issues of changing and improving the system of mandatory debt collection. As a result of the research, relevant conclusions were formulated, scientific proposals and practical recommendations were developed.

**Keywords:** tax debt, mandatory payments, tax administration, Tax code, benefits, taxpayer, tax liability, business entities.

O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti daromadlarining asosiy qismi aynan soliqlar va yig'imlar hisobidan shakllanadi. Mamlakatimizda mustaqillik yillarida amalga oshirilgan keng ko'lamli islohotlar natijasi o'laroq byudjet daromadlarining samarali shakllanishiga erishildi, pirovardida davlatimiz o'z oldiga qo'ygan muhim vazifalarni amalga oshirish hamda ko'zlangan marralarni zabt etish maqsadlarini ro'yobga chiqarish uchun zarur shart-sharoitlar yaratildi.

Yurtimizda olib borilayotgan islohotlar samarasini yana-da oshirish, davlat va jamiyatning har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, mamlakatimizni modernizatsiya qilish hamda hayotning barcha sohalarini liberallashtirish bo'yicha ustuvor yo'nalishlarni amalga oshirish maqsadida 2017-2021

yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi ishlab chiqildi [1].

O'tgan davr mobaynida Harakatlar strategiyasida rejalashtirilgan Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirish borasida ham bir qator ustuvor yo'nalishlar belgilangan bo'lib, ularni amalga oshirish maqsadida har yili Davlat dasturlari doirasida keng ko'lamli islohotlar olib borilmoqda. So'zimizning isboti sifatida yaqin vaqt ichida quyidagi amalga oshirilgan samarali ishlarni alohida ta'kidlab o'tish o'rinlidir:

- \* soliq ma'muriyatchiligi sifati va samaradorligini yaxshilash, tadbirkorlikni rivojlantirishga ko'maklashish maqsadida soliqqa tortishni takomillashtirish;

- \* soliq yukini kamaytirish va soddalashtirish, shu asosda ishlab chiqarishni va soliqqa tortiladigan bazani kengaytirish;

- \* soliq ma'muriyatchiligi va nazoratini tashkil etish tartibi va metodologiyasini tubdan takomillashtirish, ushbu tizimni ilg'or xalqaro standartlar talablariga muvofiqlashtirish;

- \* «xufyona iqtisodiyot» salmog'ini iqtisodiy usullarni ishlatgan holda qisqartirish;

- \* qo'shimcha imkoniyat va manbalar hisobidan byudjet defitsitini kamaytirish;

- \* byudjet mablag'laridan samarali foydalanish tizimini yana-datakomillashtirish;

- \* byudjetlararo munosabatlarni takomillashtirish va mahalliybyudjetlarning yuqori turuvchi byudjetlarga bog'liqligi darajasini qisqartirish;

- \* samarali soliq ma'muriyatchiligini yo'lga qo'yish;

- \* Soliq kodeksining yangi tahririni ishlab chiqish;

- \* soliq islohotlarini amalga oshirish davrida iste'mol mahsulotlarinarxining barqarorligini va inflyatsiya darajasi prognoz ko'rsatkichlaridanoshmasligini ta'minlash;

- \* soliq va bojxona imtiyozlarini bosqichma-bosqich bekor qilish;

- \* to'lovga qobiliyatsizlikni hal qilish masalalarini takomillashtirish kabi amalga oshirilgan ishlarni sanab o'tishimiz mumkin.

Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirish borasida amalga oshirilayotgan ishlar soliqlar va yig'imlarning belgilangan muddatda, to'liq hajmda tushishiga, byudjet va maqsadli jamg'armalarning xarajat qismini o'z vaqtida moliyalashtirishga, pirovard natijada esa vatan ravnaqi va aholi turmush darajasining yana-da yaxshilanishiga xizmat qiladi.

O'z navbatida, ushbu mablag'larning belgilangan muddatda va to'liq hajmda tegishli byudjet va maqsadli jamg'armalarga kelib tushmasligi, davlatning ma'lum davr uchun belgilangan vazifalarni amalga oshirilishiga to'sqinlik qilishi mumkin.

Bu o'rinda soliq to'lovchilar va davlat oldida majburiyatni bajarmaslik yoki "qarz" degan tushunchasi paydo bo'ladi. Qonunchilikda majburiyat tushunchasiga

ta'rif berilishicha, fuqarolik huquqiy munosabatda bir shaxs (qarzdor) boshqa shaxs (haqdor) foydasiga muayyan harakatni amalga oshirishga, mol-mulkni topshirish, ishni bajarish, xizmatlar ko'rsatish, pul to'lash va hokazo muayyan harakatdan o'zini saqlashga majbur bo'ladi, haqdor esa qarzdordan o'zining majburiyatlarini bajarishni talab qilish huquqiga ega bo'ladi.

Shundan xulosa qilinadiki, soliq to'lovchilarning davlat oldida pul to'lash majburiyatini to'liq yoki qisman bajarmasligi soliqlar va yig'imlardan qarzdorlikning paydo bo'lishiga sabab bo'ladi.

Soliq to'lovchining muayyan soliq yoki yig'imni to'lash, mavjud soliq qarzini uzish majburiyati belgilangan soliqlar va yig'imlarni o'z vaqtida hamda to'liq hajmda hisoblab chiqarish va to'lash majburiyati hisoblanadi. Soliq majburiyatini ta'minlashning qonunchilikda belgilangan bir nechta usullari mavjud [2]:

- bank kafolati;
- mol-mulk garovi;
- kafillik;
- soliq to'lovchining mol-mulkini xatlash;
- bankdagi hisobvaraqlar bo'yicha operatsiyalarning to'xtatilishi;
- penya

Hisoblab chiqarilgan (hisoblangan) va belgilangan muddatlarda to'lanmagan soliqlarning, shu jumladan ular bo'yicha bo'nak va joriy to'lovlarning summalari, shuningdek Soliq kodeksida belgilangan muddatda to'lanmagan moliyaviy sanksiyalar va penyalar soliq qarzi deb e'tirof etiladi [3].

Soliq majburiyatining bajarilishini ta'minlash usullari yordamida majburiyat bajarilmagan taqdirda ya'ni, soliq qarzi to'lanmasa, mamlakatimizda soliqlar va yig'imlardan bo'lgan qarzdorlikni qonunchilikda belgilangan me'yorlar asosida majburiy tartibda undirish choralari qo'llaniladi.

Amaliyotda soliq qarzini majburiy tartibda undirish choralaridan tashqari ayrim hollarda soliq to'lovchilarni qo'llab quvvatlash maqsadida ularning soliq qarzidan qisman, to'liq voz kechish, hisobotlarini kechiktirib topshirishga ruxsat berish va to'lash muddatlarini kechiktirish kabi imtiyozlar va imkoniyatlar berish holatlari ham uchray turadi.

Bunga misol tariqasida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 27 iyulda qabul qilingan "Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5490-son Farmoniga asosan 2018 yil 1 aprelga qadar yakka tartibdagi tadbirkor maqomini yo'qotgan jismoniy shaxslarga va 2018 yil 1 apreldan moliyaviy-xo'jalik faoliyatini amalga oshirmayotgan (shu jumladan, faoliyatini vaqtincha to'xtatgan) yakka tartibdagi tadbirkorlarga va davlat ro'yxatidan o'tmasdan tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanganligi uchun bir yillik qat'iy belgilangan soliq

summasi hisoblangan jismoniy shaxslarga mavjud bo'lgan qat'iy belgilangan soliq va ushbu qarzdorlik uchun hisoblangan penyalalar bo'yicha qarzdorlikni, shuningdek, moliyaviy jarimalar va sud xarajatlari (sud chiqimlari bundan mustasno) bo'yicha hisoblangan qarzdorlikni hisobdan chiqarilganligini [4], O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 19 martdagi "Koronavirus pandemiyasi va global inqirozli hodisalarning iqtisodiyot tarmoqlariga salbiy ta'sirini yumshatish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5969 sonli hamda 2020 yil 3 apreldagi "Koronavirus pandemiyasi davrida aholi, iqtisodiyot tarmoqlari va tadbirkorlik subyektlarini qo'llab-quvvatlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5978 sonli Farmonlariga muvofiq tadbirkorlik subyektlari va iqtisodiyotning muhim tarmoqlariga berilgan manzilli imtiyozlar va imkoniyatlarni aytib o'tishimiz mumkin [5].

Шахсга йўналтирилган технологияларда таҳсил олувчи шахс таълим жараёни марказига қўйилади, асосий эътибор унинг ривожланишига ва табиий имкониятларини рўёбга чиқаришга қулай шарт-шароит яратиш, интеллектуал ва эмоционал-мотивацион ривожланиши, билим ва касбий малакалар шаклланиши, таълим жараёнига қадрият сифатида ёндашиш муносабатини таъминлаш, фаолликни ошириш, ўз-ўзини англаш ва мустақиллигини шакллантиришга қаратилади. Шунинг учун бу технология ўқувчининг фақат умумтаълим фанларидан билимлар, кўникмалар ва малакаларнигина эмас, балки шахсий имкониятларини ривожлантиришни ҳам назарда тутди. Анъанавий таълимда ўқувчини ўқитиш жараёнида ўқувчи шахсининг ривожланишига маълум даражада аҳамият беради, аммо бунда мазкур ривожланишни касб фаолияти учун зарур бўлган билим ва кўникмаларнинг маълум тўпламининг шаклланиши, шахсининг касб қобилиятлари ва касбий муҳим сифатларининг ривожланиш натижаси сифатида қараб чиқилмайди. Шахсга йўналтирилган технологиянинг асосида касбий мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган, шахсининг касбий билимлари, кўникмалари, малакалари ва сифатларининг тўпламини шакллантириш ётади. Унда биринчи

ўринга шахснинг интеллектуал ва маънавий имкониятлари, мураккаб ижтимоий ва касбий вазиятларда эркин ўз йўлини топа олиш қобилияти, инновацион, ижодий жараёнларни амалга ошириш қобилиятини очиб бериш ётади <sup>1</sup>.

Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш тизимининг таркибий қисми ўзгарувчан (мослашувчанлик), модуллилик, индувидуаллаштириш тамойилларига асосланган. Бунда ривожлантирувчи таълим модели ва тамойилларидан фойдаланилади. Унинг мақсади – ўқувчининг касбий сифатларини ривожлантиришдан иборат.

Ривожлантирувчи таълим модели муаммоли-изланувчан, коммуникатив ва иммитацион-ролли технологияларнинг комплекс қўлланиши шароитида амалга оширилиши мумкин.

Муаммоли-изланувчан технологиялар ўқувчиларнинг муаммони мустақил англаши ва уни ҳал этиш усулларини излашини назарда тутди.

Коммуникатив технологиялар жамоавий фикрлаш фаолиятини ташкил этишга имкон беради.

Иммитацион-ролли технологиялар ўқувчиларда турли хил вазиятларда амалий ҳаракатлар ва юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилади.

Шахсга йўналтирилган технология доирасида ўқув-тарбиявий жараён қуйидаги тамойиллар йиғиндиси асосида тартибга солинади: субъективлик, интегративлик, дифференционал (табақаланиш), индувидуаллаштириш, мосланувчанлик ва рефлексивлик.

Субъективлик тамойили ўқувчининг ўқув-тарбиявий жараённинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлишни назарда тутди: ўқитишнинг йўналиши ва суръатини мустақил белгилайди, унинг натижаларини олдиндан башорат қилади. Бунда ўқитувчи асосан маслаҳатчи ролини бажаради.

Интегративлилик тамойили ўқувчи фаолиятнинг жамоавий шаклларида киритишини, фанлараро ва касбдан юқори билимларни трансляция қилиш асосида тадбиркорликка тайёргарликни ташкил этишни тартибга солади.

Дифференционал (табақаланиш) тамойилини амалга ошириш ўқувчиларни уларда тадбиркорлик компетенцияларини шакллантириш билан биргаликда касбга йўналтиришни таъминлайди.

Индивидуаллаштириш тамойили ўқув-тарбия жараёнини ҳар бир ўқувчининг шахсий сифатларини ҳисобга олган ҳолда қуриш, унинг индивидуаллигини ривожлантириш зарурлигини белгилайди.

Мослашувчанлик тамойили юзага келаётган янги вазифалар, ўқитишнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз бўлишига мос ҳолда бажарилади.

<sup>1</sup> Рахматуллаева Д.Р. Ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишга оид ёндашувлар. / «Таълим, фан ва инновация», Т., 2016, 4-сон. –86-91-б.

Рефлексивлик тамойили ўқувчиларда мунтазам равишда ўзини-ўзи таҳлил қилиш ва бу фаолиятга эҳтиёж кўникмаларини шакллантиришни назарда тутди<sup>2</sup>.



1-расм. Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш тизими тамойиллари

Таълим жараёнида барча тамойилларни биргаликда амалга ошириш ўқувчиларнинг билимини ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш, бошқарув ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қадриятли муносабатларни ривожлантириш, касб муаммоларини ҳал этиш тажрибасини шакллантириш, натижаларни баҳолаш мезонларини англашга эришишга олиб келади.

Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш тизимининг асосий мақсади – ўқув-тарбиявий жараённинг турли хил бўғинларнинг мазмуни, воситалари, шакллари ва услубларининг маълум даражада келишини мувофиқлаштиришни назарда тутди. Ўқув-тарбиявий жараённинг барча бўғинларининг зарур даражада ўзаро таъсирлашуви, мустақил интегрatív жараёнларнинг фаолият юритишини таъминлаш мумкин. Ҳар қандай интегрatív жараён маълум бир педагогик устуворликка мос келади, у ўзининг мазмуни, воситалари, амалга ошириш усулларига эга бўлади.

Интегрatív жараёнлар ўзининг барқарорлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиб, маълум даражада ўзаро таъсирланади ва бир-бирини тўлдириб, бу билан ўқувчиларда умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтиришни рефлексив бошқариш технологиясини изчил ёяди. Мазмун жиҳатдан интегрatív

<sup>2</sup> Рахматуллаева Д.Р. Бўлажак мутахассисларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш технологияси. / «Замонавий таълим / Современное образование», Т., 2017, 1-сон. –70-74-б.



жараёнлар деярли барча ўқув фанларни танлаш орқали амалга оширилади ва илмий билиш услублари билан белгиланади.

Ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг ижодий вазифаларини амалга ошириш интеллектуал зўриқишни таъминловчи ахборотдан фойдаланиш, ички ҳаяжонланиш, ўқувчиларнинг маълум хислатлари, қизиқувчанлик муносабатларини талаб этади.

Ўқувчиларда тадбиркорлик сифатларини шакллантириш олти босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда тадбиркорлик фаолияти тўғрисида умумий тушунчалар берилиши керак. Иккинчи-учинчи босқичлар доирасида тадбиркорлик ғоялари ва муаммоларини таҳлил қилишда схема ва усулларга ишлов беришни амалга оширилиши керак. Тўртинчи-бешинчи босқичлар кўпроқ тадбиркорлик кўникмалари ва малакаларини бевосита шакллантиришга бағишланади. Сўнгги олтинчи босқич эгалланган билимлар ва фаолият усулларини сифат жиҳатдан янги даражада, лойиҳалаш жараёнида умумийлаштиришни назарда тутади.

Ўқитишнинг вазифалари ва мақсадларини ўқув-тарбиявий жараёнида фойдаланган ҳолда ўқувчининг тадбиркорлик фаолиятига тайёргарлиги, билимлар ва маълум шахсий тажрибага асосланган муносабатлар кўринишидаги шахсий сифатларни шакллантириш ҳамда салоҳият назарда тутилади.

Шундай қилиб, умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш тизимининг бош мақсади мактаб ўқувчиларининг тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш орқали уларнинг касбий фаолиятига тайёргарлигини шакллантириш учун қулай шароитлар яратиш ҳисобланади.

Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш тизимини моделлаштиришдаги концептуал қоидалар:

- тадбиркорлик фаолиятининг замонавий жамиятда ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан муваффақияти бўлажак тадбиркорнинг касбий тайёргарлик даражаси ва тадбиркорлик фаолиятига тайёргарлиги билан белгиланади;

- умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш тизимининг мақсади ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасидан, меҳнат бозоридан келиб чиқиб белгиланади, ишни энди бошлаган тадбиркор ўз фаолиятида бошидан ўтказадиган қийинчиликларни, бизнес соҳаси ва тадбиркорлик маданиятининг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олади;

- тадбиркорлик фаолиятига тайёргарликни шакллантириш ўқувчиларнинг ўзига хос компетенциялари, ижодий ёндашуви ва етакчилик сифатларини шакллантиришга имкон берувчи тадбиркорлик фаолияти ва ўқитиш технологиясининг мазмуни, хусусияти ва характерини очиб бериш учун ўқув

фанларининг ўргатувчи ва тарбияловчи имкониятлари воситаси билан ўқувчиларни синфдан ташқари касбий тайёрлаш жараёнида амалга оширилади. Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш жараёнининг олтига босқичи турли хил мазмун ва ўқитиш методлари мажмуини назарда тутди.

Демак, умумтаълим фанларини тадбиркорликка яъни шахсга йўналтирилган технология асосида ўқитиш тизими жамиятнинг маънавий ва моддий салоҳиятини оширишга имкон беради, ҳар бир шахснинг туғма ва ўзлаштирилган қобилиятлари ва истеъдодларини амалий жихатдан амалга ошириш учун замин яратади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда бозор иқтисодиёти шароитида мактаб педагог ходимига қуйидаги тадбиркорлик талаблари қўйилади: масъулиятни ўз бўйнига олиш ва ҳис этиш; бозор қонун-қоидаларини, талабларидан келиб чиққан ҳолда дарс машғулотларини ташкил этиш; тараққиёт билан баробар қадам ташлаш; кўпчилик дарди билан яшаш; ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ҳамижодкорлик билан иш юритиш; мустақил фикр юрита олиш; мақсадни аниқ қўя олиш; ишбилармонлик; самимий, вазмин, бағрикенг; ижодкор, бунёдкор, яратувчи; талабчан ва меҳрибон; вақтнинг қадрига етадиган; хушмуомала инсон бўлиши керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - Т.: ТДПУ, 2003. –174-б.
2. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М.: «Педагогика», 1989. –С. 192.
3. Кларин В.М. Педагогическая технология в учебном процессе. - М.: «Знание», 1989. –С. 75.
4. Рахматуллаева Д.Р. Ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишга оид ёндашувлар. / «Таълим, фан ва инновация», Т., 2016, 4-сон. –86-91-б.
5. Рахматуллаева Д.Р. Бўлажак мутахассисларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш технологияси. / «Замонавий таълим / Современное образование», Т., 2017, 1-сон. –70-74-б.
6. Рашидов Х., Хабиб Х., Елдашева Г., Закиров А. «Касбий педагогика» блокни ўқитиш методикаси. – Т.: «Фан ва технология», 2007. –46-б.
7. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар: назария ва амалиёт. – Т.: «Молия», 2003. -172-б.
8. Талызина Н.Ф. Педагогическая психология: Учеб. пособие для студ. сред. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр «Академия», 1998. -С. 288.

9. <http://www.psych.nyu.edu/bruner/index.html#publications>

### References

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - Т.: ТДПУ, 2003. –174-б.
2. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М.: «Педагогика», 1989. –С. 192.
3. Кларин В.М. Педагогическая технология в учебном процессе. - М.: «Знание», 1989. –С. 75.
4. Рахматуллаева Д.Р. Ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишга оид ёндашувлар. / «Таълим, фан ва инновация», Т., 2016, 4-сон. –86-91-б.
5. Рахматуллаева Д.Р. Бўлажак мутахассисларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш технологияси. / «Замонавий таълим / Современное образование», Т., 2017, 1-сон. –70-74-б.
6. Рашидов Х., Хабиб Х., Елдашева Г., Закиров А. «Касбий педагогика» блокини ўқитиш методикаси. – Т.: «Фан ва технология», 2007. –46-б.
7. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар: назария ва амалиёт. – Т.: «Молия», 2003. -172-б.
8. Талызина Н.Ф. Педагогическая психология: Учеб. пособие для студ. сред. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр «Академия», 1998. -С. 288.
9. <http://www.psych.nyu.edu/bruner/index.html#publications>

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЖУРНАЛИСТ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТАРИХИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Кенесбаев Куралбай

kural\_94k@mail.ru

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети Нукус филиали

**Аннотация:** мақолада журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласи, айниқса, Қорақалпоғистонда журналист мутахассисларни тайёрлаш жараёни, қисқача тарихи сўз этилган.

**Калит сўзлар:** журналистик таълим, кадр тайёрлаш, малакали мутахассис, такомиллаштириш.

## HISTORY AND DEVELOPMENT OF JOURNALIST TRAINING IN KARAKALPAKSTAN

Kenesbaev Kuralbay

kural\_94k@mail.ru

Nukus branch of the Uzbek state university  
of physical education and sport

**Abstract:** this thesis deals with the brief history and issues of journalism, especially the process of training journalists in Karakalpakstan.

**Keywords:** journalism education, training, qualified specialist, improvement.

Ўтган аср 20 йилларнинг бошида қорақалпоқ тилида дастлабки газета нашр этилган бўлса, 30 йилларга келиб қорақалпоқ матбуоти шакллана бошлади. Газеталарда шу даврнинг белгили ёзувчи ва шоирлари ёки адабиётга яқин инсонлар хизмат этди. Кейинчалик радио (1932 йил) ва телевидениенинг (1964 йил) кирип келиши билан Қорақалпоғистонда журналистика тизими шаклланди ва янги мутахассислик бўлган журналист касбининг пайдо бўлишига асос яратди.

Оммавий ахборот воситаларининг вужудга келиши ва тараққий этиши натижасида тахририятларга билим даражаси ва касбий маҳорати юқори бўлган журналист кадрлар зарурлиги ҳаётнинг ўзи кўрсатиб қўйди. 1949 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультети ҳузурида олий маълумотли журналистлар тайёрлайдиган махсус бўлимнинг ташкил этилиши ва 1967 йили алоҳида факультетга

айландирилиши [1-130] Ўзбекистонда журналист мутахассисларни тайёрлашда аҳамиятли бўлди. Бу журналистика факультети Қорақалпоғистан Республикаси учун ҳам дастлабки журналист кадрларни тайёрлаб беришда ўрни беҳиёс эди. Чунки, бу йиллари бир қатор қорақалпоғистонли ёшлар ушбу даргоҳда таълим олди ва журналист мутахассис бўлиб етишиб, республикаimizдаги оммавий ахборот воситаларида самарали меҳнат қилди.

Лекин, олис Тошкент шаҳрига бориб таълим олиш республика ёшларига катта машаққат тўғдирадиган эди. Мана шу муаммо Қорақалпоғистон Республикасида журналистик таълимнинг ижтимоий заруратга айланганини сездирди ва 80 йилларнинг бошида махсус журналистик таълимнинг пайдо бўлишига асос бўлди.

Қорақалпоғистонда журналист кадрларни тайёрлаш тарихи ва тараққий этиш босқичларини қуйидагича ўргандик:

1. Махсус журналистик таълимнинг шаклланиш босқичи.
2. Журналист мутахассисларни тайёрлашнинг янги босқичи.

*Махсус журналистик таълимнинг шаклланиш босқичи.*

Қорақалпоғистондаги журналистик таълим тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Нукус давлат университети (ҳозирги Қорақалпоқ давлат университети)да 1983/1984 ўқув йилидан бошлаб журналист мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Филология факультети таркибида «Журналистика» кафедраси ташкил этилди. Лекин, кейинги ўқув йилидан то 1989 йилга қадар қабул вақтинча тўхтатилиб, шу йилдан яна олий таълимга қабул қилиш бошланди. Факультет таркибида «Адабиёт назарияси ва журналистика» кафедраси ташкил этилиб, унга филолог, ёзувчи, профессор К.Мамбетов раҳбарлик қилди. Дастлабки йиллари филолог профессор-ўқитувчилар С.Ахметов, Г.Есемуратов, К.Мамбетов, А.Нажимов, С.Садықов, К.Алламбергенов, И.Өтеўлиев ва бошқалар журналист талабаларни ўқитишда самарали фаолият кўрсатди. Шунингдек, ЎЗМУнинг журналистика факультетини тамомлаган Ш.Уснатдинов, М.Жумамуратова, Ш.Аяпов, Р.Дўлетмуратов, К.Реймов, Ө.Есбергенов каби соҳанинг етук мутахассислари талабаларга зарур касбий билимларни бериб келди. Бу босқич, қисқа давр мобайнида Қорақалпоғистон журналистикасига махсус дипломга эга дастлабки маҳаллий кадрларни тайёрлаб чиқариш билан аҳамиятли ҳисобланади.

*Журналист мутахассисларни тайёрлашнинг янги босқичи.*

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан барча соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Янги демократик давлат ва эркин фуқоралик жамият қуришга қадам ташлаган Ўзбекистон Республикасида янги, замонавий миллий журналистикани шакллантириш ва янада ривожлантириш, ОАВнинг очиқлиги ва ошқоралиги,

эркинлигини таъминлаш бўйича қатор стратегик ишлар амалга оширилди. Айниқса, соҳага ҳар томонлама билимли, етук мутахассислар тайёрлаш жараёнига эътибор кучайди.

1992 йили Бердоқ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида алоҳида «Журналистика» кафедраси ташкил этилиши республикада журналист мутахассисларни тайёрлашнинг истиқболдаги йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 февральдаги «Журналист кадрларды тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 88-сонли қарорига биноан, 1999-2005 йиллар мобайнида «Журналистика» кафедраси алоҳида бўлим сифатида фаолият юритди. Бугунга қадар бўлим ва кафедрага профессорлар Ю.Пахратдинов, Б.Абдикамалов, Ш.Абдиназимов, шунингдек, доцентлар М.Жумамуратова, Б.Генжемуратов, З.Қожықбаева, Б.Палўанов, Д.Бекбаўлиев ва З.Оразымбетовалар раҳбарлик қилиб, бўлажак журналистларни тайёрлашнинг ўқув-услубий ва педагогик жараёнини жаҳон андозаларига мос ривожлантириб боришга эътибор қаратди.

Ушбу босқичнинг асосий хусусияти ва самарали томони шундаки, журналистикада илмий-педагогик кадрлар тайёрлашнинг йўлга қўйилганлиги бўлди. Ўтган йиллар давомида 10 га яқин профессор-ўқитувчи ўзларининг номзодлик ва докторлик (кейинчалик PhD ва DSc) диссертацияларини ҳимоя қилиб, республикада зарур олий маълумотли ва малакали журналист мутахассисларни тайёрловчи илмий-педагогик кадрлар етилишиб чиқишига замин яратди. Шу билан бирга, кафедранинг профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган 30 га яқин ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар, монографиялар қорақалпоқ журналистикасининг ўқув-услубий жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган асрнинг 80 йилларида Қорақалпоғистон Республикасида олий маълумотли журналист мутахассисларни тайёрлайдиган махсус касбий таълимнинг юзага келиши ва ўтган йиллар мобайнида тараққий этиб бориши Қорақалпоғистон журналистикасининг ривожланишида муҳим пойдевор бўлди.

Бугун ушбу махсус журналистик таълим ривожланишнинг замонавий босқичида турибди. Бу даврда журналистик таълимни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш учун нуфузли чет давлатларнинг олий таълим муассасалари тажрибасини ўрганган ҳолда ўқув-услубий ва педагогик жараёнини янада такомиллаштириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш асосий масала бўлиб ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Jurnalistikaga kirish: Darslik / T.M.Qozoqboev, M.Xudoyqulov; - T.: "Iqtisod-Moliya", 2018. – 352 b.
2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. [www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)

### **References**

1. Jurnalistikaga kirish: Darslik / T.M.Qozoqboev, M.Xudoyqulov; - T.: "Iqtisod-Moliya", 2018. – 352 b.
2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. [www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)

## ACTIVITIES TO USE IN THE THEMES OF TRADITIONS IN TEACHING ENGLISH

Sarvinoz Komilova

sarvinozkomilova95@gmail.com

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region

**Abstract:** In this article it is given some activities that can be utilized in teaching process. It informs that how to use activities related to traditions in order to teach more effectively.

**Keywords:** traditions, cultural differences, culture, English classroom, activities.

With the rapid growth of globalization, it is becoming more and more important to be aware of cultural differences, traditions, values and so on. Therefore, the need to comprehend the cultures and traditions of other countries is undeniable thing. It is also considered an essential one to create a real English atmosphere.

Which is the best way to teach others' traditions to students? In the beginning, a better teacher knows how to teach them more easily. For this, using a number of cultural activities can open the door to the English universe. Planning an activity which fits all students is a utopian dream. But, if we keep our feet on the ground, we need to think about strategies that respond to the different levels and interests present in our classroom. Let's have a look at some ideas for dealing with diversity in activities involving the four traditional skills. [9]

It is a fact that while learning any kind of language including English it is considered a crucial part knowing about its own cultures, traditions, customs. Due to the fact that it assists to gain a deeper understanding the language. Teachers can obviously attract students to the lesson by amazing activities. Why learning about traditions is so vital? Since it helps students to broaden their horizon and make them study more. All students are different from each other. We are all different from each other: different personalities, different tastes, different hobbies, different backgrounds, different dreams or different learning styles. [9]

A lot of scientists made researches to define the significance of the language and the ways of identifying the culture of different countries. But consequently they found one phenomenon that makes them feel contented. Interconnection – which extend the theory of language and culture and their interconnection. Generally, both of these terms fulfil each other. Without language culture does not exist and in reverse.

By investigating such research finding many governments tend to study foreign languages and obtain some skills which provide them opportunity to know more



about the countries. And, when they are informed enough, they are able to construct brighter future. With the help of relevant and reliable information about the country you start comparing your field of action, analyse the fails and achievements and learn literature, economy, history and other basic directions that brought that country to the top. You after knowing all about such qualities may apply them in yours and somehow effect the development go high. As we can see everything which mentioned above was done via the use of language.

From here we may conclude that possessing a new language is very significant action we have to proceed. We today as a citizen of Uzbekistan are witnessing the changes happening in education. Studying a foreign language has gained governmental attention. The creation of the decree by the initiation of our first president I. A. Karimov "Further measurements of foreign language teaching" gave first step to reach mastering skills in language field. This decree is the fundamental document that supports all people no matter whether they are related to education field or not, they can still learn and study a language and use it in their own majoring field. It means if we know the active languages of the universe we at the same time will be familiar with the active countries of the universe. It signifies that in the future more collaboration, investments, interconnection, sharing and exchanging procedures are awaiting us. [7] Certainly these processes are the main factors of having bright future.

Teaching the language, as well as, traditions relies on culture, so intercultural communication is also a must that learners should take into consideration. In teaching intercultural tolerance, it is important that pupils learn the culture of the country or other cultures where the language is being studied. It is very important to hold a "culture briefing". In this case, the student chooses a country he knows or has little knowledge of, and prepares a brief presentation about it. In this case, the learner chooses at least six of the following views of the culture of the country in which s/he is preparing a dialogue or task [8]:

- relationship to foreigners;
- ways to act in an emergency;
- population;
- dress etiquette in business;
- a brief history or geography of the country;
- hospitality;
- local products;
- meal times;
- rules for filling tea in restaurants;
- distance during communication between people;
- the political system of the country;

- public transport;
- time of shops.

Furthermore, by practising more activities they will be able to imagine about different cultures, different lifestyles and different beliefs than themselves.

What's more, it should be a crucial part of every English classroom in order to see future perspective and appreciation. Students can learn more when they do it. That's why teachers ought to try to draw students' attraction by funny and amusing activities. As a general rule, take advantage of any opportunities to talk about culture with an open mind.

You will be a better teacher for it, and your students will be better leaders of their nations. Moreover, traditional stories such as folk tales or tall tales are another way to bring culture and history into the classroom. You can have your students read English translations of traditional tales or have your students tell the stories to their classmates. By noticing who plays prominent roles in the stories and how they handle conflict, you and your students will see some more of what motivates and challenges a national group.

Getting accustomed to different traditions may be difficult, especially when a second language is involved. However, interesting and amazing activities will make it much easier for the students, exposing them to glimpses of various cultures in the classroom. Consequently, they'll become confident, well- rounded English speakers, as well.

Lessons in which students are allowed to explore various topics and learn new things give them an opportunity to share what they have learned with their classmates in the form of gallery walks for quieter classes, or presentations and discussions for more active and enthusiastic learners. Information could be presented to students in the form of reading and listening tasks as well for skills practice. They present the circumstances for sharing opinion, and information, and hence, developing understanding and awareness, in a communicative language set up. As a final point, it should be noted that a lot of the vocabulary that culture brings into the classroom are not English words, but are words that have no equivalent in English and so have been borrowed into the language. Examples include saree, which is a type of Asian clothing for women, or sambal, which is a type of sauce, for which the word comes from Malay. Two points to be noted here are firstly, language like this allows students to explore spelling rules and sounds in English, comparing them to other languages, which would be particularly useful and interesting if students are comparing words in English to their own language. Secondly, they present to students the important fact that at some point in time, all cultures come together to take from and share with each other, which is a significant way to live by for the sake of a global humanity. [1; 5] In conclusion, language provides so many pathways into

culture and as teachers of English, this is something we should utilize if not for ourselves and for the sake of exciting lessons, then for the sake of our students as we prepare them for a shrinking world that is soon becoming one very large melting pot of cultures, traditions and beliefs.

### References

1. *Celebrating traditions*. TeachingEnglish | British Council | BBC. Retrieved from <https://www.teachingenglish.org.uk/blogs/zahrazuhair/celebrating-traditions>
2. Ilhomov, Z. A., & Muxammadiev, L. G. (2020). Theoretical issues of history in Beruni's work "Monuments of ancient peoples". *International Journal of History*, 2(1), 35-36.
3. Juldasheva, N. N. (2020). Хорижий тилларни ўқитишда ахборот технологиялар ва инновацион методларнинг ўрни. *Молодой ученый*, (12), 332-333.
4. Jumanova, K., & Makhmudov, K. (2020). Teaching Culture as a Tool to English Teaching Methodology. *Science and Education*, 1(3), 591-594.
5. Kalts, R. (2014, October 24). Disney's 'Big Hero 6' animates a bridging of cultures. *The Japan Times*.
6. Khodjamkulov, U., Botirova, S., Shofkorov, A., & Abdirimova, I. (2020). Bases of Organizing Cooperation between Educational Institutions through Clusters (on the Example of the Education System of Uzbekistan). *Journal of Critical Reviews*, 7(12), 166-169.
7. Makhmudov, K. (2020). Integrating a Mother Tongue while Teaching a Foreign Language: Problems and Solutions. *The Issues of Language, Literature and History*, (1), 89-91.
8. Makhmudov, K., & Djumanova, B. (2020). Practical Techniques for Cultural-Based Language Teaching in the Classroom. *Young Scientist*, 26(316), 301-303.
9. Mosquera, I. *Managing differentiated learning in traditional language skills activities*. TeachingEnglish | British Council | BBC. Retrieved from <https://teachingenglish.britishcouncil.org.cn/blogs/ingrid-mosquera-gende/managing-differentiated-learning-traditional-language-skills-activities>
10. Yusupova, M. (2019). Development of Communication Competence while Using Project Work in Teaching English to Students in Higher Education as an Actual Problem. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 7(12), 328-331.

## INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA VATAN VA ONA DIYOR GURUHIGA MANSUB MAQOLLARNING SEMANTIK AHAMIYATI VA TEMATIK KLASSIFIKATSIYASI

Sitora Xusanova  
JIDU

**Annotatsiya:** Maqolada ingliz va o'zbek tillarida vatan va ona diyord guruhiga oid maqollarning semantik ahamiyati tahlil qilinib, ushbu guruhga oid maqollarning tematik klassifikatsiyasi haqida so'z yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** vatan, ona diyord, semantika, lingvostatistika, klassifikatsiya, sinonimiya, antonimiya, parafraza.

## СЕМАНТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ И ТЕМАТИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ПРАВ ПРИРОДЫ И МОДЕРЛАНДА НА АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Ситора Хусанова  
ЖИГУ

**Аннотация:** В статье анализируется семантическое значение пословиц в группе родина и родной край на английском и узбекском языках, а также обсуждается тематическая классификация пословиц относящихся к этой группе.

**Ключевые слова:** родина, родной край, семантика, лингвостатистика, классификация, синонимия, антонимия, парафраз.

## SEMANTIC SIGNIFICANCE AND THEMATIC CLASSIFICATION OF PROVERBS OF THE COUNTRY AND MOTHERLAND IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

Sitora Xusanova  
JISU

**Abstract:** The article analyzes the semantic significance of proverbs of the group of homeland and native land in English and Uzbek, and discusses the thematic classification of proverbs related to this group.

**Keywords:** homeland, motherland, semantics, linguostatistics, classification, synonyms, antonyms, paraphrasing.

Dunyodagi eng go'zal va buyuk so'zlardan biri bu vatan so'zidir. Ona kabi yagona bo'lgan vatan tushunchasi hech qachon o'zgarmaydigan va eskirmaydi. Uning qudrati va qadrini aziz volidaga tenglashtirib ona vatan deyilishi ham ma'lum. Vatanni, ona vatanni volidayi muhtarama kabi sevish, uni ardoqlash lozim. Zero, vatanni sevmoq – iymondandir!

Vatan – inson tug'ilgan muqaddas zamin, bu zamin uning qalbida abadiy qoladi va hech qachon unutilmaydi. Vatan tushunchasi va unga bo'lgan muhabbat ona suti, ona bag'ri, ona mehr-muhabbati, ona allasi bilan bola yuragiga jo-bajo bo'ladi. Vatanning ta'rif-tavsiri ham ko'p: ona-vatan, zamin, ona-yer, ota-yurt, ona mamlakatim, ona tuprog'im, jonajon o'lkam, tug'ilgan diyorum kabi o'nlab nomlar bilan ataladi vatan! Buyuk mutafakkir Abdulla Avloniy: "Har bir kishining tug'ilib o'sgan shahar va mamlakati shul kishining vatani deyilur" deb vatanga ta'rif beradi.

Vatan haqida O'zbek tilining izohli lug'atida esa quyidagicha ta'rif beriladi. Vatan – bu:

1. Kishi tug'ilib o'sgan va o'zini uning fuqarosi hisoblagan mamlakat, ona yurt.
2. Kishining tug'ilib o'sgan o'lkasi, shahri yoki qishlog'i, yurt, diyorum.
3. Turar joy, boshpana, makon, uy [1; 6].

Vatan va ona diyorum so'zlari ingliz tilida bir nechta tarjimalarga ega. Bulardan motherland, fatherland, mother country larni keltirish mumkin, bunda motherland ona yer, fatherland ota yer, mother country ona yurt deya tarjima qilinishi mumkin. Oxford English Dictionaryning ta'rificha, motherland ya'ni ona yurt biror bir insonning tug'ilgan yurtidir [6]. Collins lug'ati esa yanada kengroq ta'rifni taklif qiladi: ona vatan bu avlodlariz tug'ilgan zamin bo'lib, garchi undan uzoqda bo'lsangiz ham qalban bog'angan yurtingiz [2]. Macmillan Dictionaryda esa bu ta'rifga qo'shimcha tushunchalar ham kiritiladi: ona vatan bu tug'ilgan zamin, unga nisbatan sodiqlik va sevgi his qiluvchi yurtingizdir [3].

Ingliz va o'zbek tillarida vatan va ona diyorum guruhiga oid maqollarning semantik ahamiyati haqida so'z borarkan, avvalam bor maqollarni o'rganishning asosiy sabablarini sanab o'tish lozim. Bunda Norrik quyidagi sabablarni sanab o'tadi:

1. Maqollarning tilning bir parchasi;
2. Maqollarni o'rganishning ahamiyati ular orasidagi semantik bog'liqlik bilan izohlanadi [5; 4, 5]

Shuningdek, Norrik Nil maqollarning semantikasini o'rganishda asosiy aspektlarni yoritadi. Maqollarning matnda va suhbat chog'ida qo'llanilishi va ma'nosi jihatdan o'rganilishi. Bunda maqollarning adabiyotda va matbuotda ishlatilishi hamda maqollarning folklorning ajralmas qismi sifatida o'rganilishi haqida yoziladi. Maqollarning lingvistik nuqtai nazardan tadqiq etish ularning leksiko-semantik ahamiyatini ochib berishni taqazo etadi. Ingliz va o'zbek tillaridagi vatan va ona diyorum guruhiga mansub maqollarning semantik ahamiyatini ochib

berishda O'zbek xalq maqollari va The Concise Dictionary of Proverbs manbalaridagi maqollardan foydalanildi.

Ingliz tilidagi vatan va ona diyoy guruhiga mansub maqollarning semantik ahamiyatini ko'rsatish uchun avvalo maqollarning paydo bo'lishi asosida yotgan dinning ahamiyati izohlandi. Bunda Injildan olingan va keng ko'lamda iste'molga kirgan hikmatlar xalq durdonalaridan ham o'rin olganligi isbotlandi. Ijobiylik va salbiylik jihatlari hisobga olinganda ingliz tilidagi ushbu guruhga kiruvchi maqollarning aksariyati ijobiy chunki mantiqiy jihatdan vatandek tushuncha bilan bog'liq maqollarda ijobiylik jo'sh urishi insonni ajablantirmasligi kerak. Shuningdek, sinonimik juftlari mavjud va parafraza yo'li bilan hosil bo'lgan maqollar ham aniqlandi. Shu bilan birga, ingliz maqollarida antonimlardan juda mohirona foydalanigani ularning semantik ahamiyatini yanada oshirganini e'tirof etib o'tish lozim.

O'zbek tilidagi vatan va ona diyoy guruhiga oid mansub maqollarning semantikasini yoritish maqsadida maqollarning sinonimik, antonimik juftlari, parafraza yo'li bilan hosil bo'lgan maqollar, ijobiy va salbiy bo'yoqdorlikka ega bo'lgan maqollar aniqlandi. Ushbu semantik bo'linish natijasida, sinonimik juftlarga ega va parafraza yo'li bilan hosil bo'lgan maqollar, ijobiy va salbiy bo'yoqdorlikka ega bo'lgan maqollar soni ko'pchilikni tashkil etishi aniqlandi. Shuningdek, o'zbek maqollarining qadimiy yozuvlarda va asarlarda ishlatilganligi keltirildi. Bular jumlasida, "Alpomish" va "Ravshan" dostonlari. Mahmud Ko'shg'ariyning "Devoni lug'oti turk", Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig", O'rxun-Enasoy obidalari va boshqa asarlar.

Ingliz va o'zbek tillaridagi vatan va ona diyoy guruhiga mansub maqollarning semantik klassifikatsiyasi natijasida ingliz tilidagi maqollarning semantik guruhlari quyidagidan iborat: ona diyoy aziz va qadrlil, yurt egasi, vatangadolik va yurtidan ayrilganlik, vatan manguligi, yagonaligidir. O'zbek tilidagi semantik guruhlar sirasiga esa quyidagilarni kiritish mumkin: ona diyoy aziz va qadrlil, vatanning taqdiri – sening taqdiring, yurt egasi, vatangadolik va yurtidan ayrilganlik, vatan manguligi, yagonaligi hamda yurtga muhabbat va elga xizmat. Ko'rinib turibiki, ingliz maqollarning semantik guruhlari o'zbek maqollarning semantik guruhlaridan kam. Buning asosiy sababi sifatida ingliz tilida vatan va ona diyoy mavzusida to'plangan maqollar kamchilik (19 ta)ni tashkil etganligini keltirishimiz mumkin.

Ingliz va o'zbek tillaridagi vatan va ona diyoy guruhiga oid maqollarning semantikasidagi o'xshash va farqli jihatlarni tahlil qilishda har ikkala tildagi maqollarning turli manbalarga oidligi va har xil ildizlarga taqalishiga qaramay, ularning mazmunida ayni tushunchalar ifodalanayotganiga guvoh bo'lish mumkin.

Ushbu o'xshashlik maqollarning universallik belgisidir. Shuningdek, har ikkala tildagi maqollarning aniq muallifga egaligi, tarixiy hodisalarning mavjudligi jihatidan

o'rganildi hamda leksik jihatdan geografik joylarning ishlatilishi va obrazlarning o'xshash va farqli jihatlari aniqlandi. Tarjima qilish nazariyasidan kelib chiqib, ingliz maqollarini o'zbek tiliga ogirishda ingliz tilidagi variant o'zbek tiliga umuman to'g'ri kelmaydigan maqollar aniqlandi. Bunda ingliz maqoliga ikki va undan ortiq o'zbek maqollari ekvivalent sifatida to'g'ri keladi.

Ingliz tilidagi maqollarning semantikasi va lingvostatistikasi ustida ishlash uchun asos qilib olingan Concise Dictionary of Proverbs ham ko'plab qulayliklarga ega maqol lug'atlari sirasiga kiritish mumkin. Concise Dictionary of Proverbs lingvistik lug'atlar sirasiga kirib, jadalligi jihatidan hozirgi paytda ishlatiladigan maqollarni qamrab olish bilan bir qatorda bir nechta tarixiy misollarni isbot tariqasida keltiradi.

Ushbu lug'atda qamrab olingan til monolingual bo'lib, klassifikatsiyasi alifbo tartibida berilgan. Lug'atda har bir maqolga alohida izoh berilib, uning qo'llanilishi va kelib chiqishi ya'ni etimologiyasini ta'kidlovchi aynan dalillar aniq qilib ko'rsatilgan.

Lug'atdagi maqollar alifbo tartibida berilgan bo'lsada ham, ulardagi kalit so'zlar ajratilib ko'rsatilgan. Shu nuqtai nazardan Concise Dictionary of Proverbsni qandaydir ma'noda semantik deya ta'riflash ham joizdir. Aynan kalit so'zlar yordamida bir maqoldan boshqa maqollarga havolalar berilgan.

O'zbek maqollarining semantikasi va lingvostatistikasi ustida ishlash uchun asos qilib olingan T. Mirzayev tomonidan nashr etilgan "O'zbek xalq maqollari" kitobining tahlili haqida to'xtalib o'tish joizdir. Ushbu lug'at kitobi materiallarining ifoda tarzining yo'nalishi nuqtai nazaridan mohiyatini hisobga olgan holda tematik lug'atlar guruhiga kiritish mumkin. Kitobdagi o'zbek xalq maqollari tematik ya'ni mavzudan kelib chiqqan holda klassifikatsiyalangan bo'lib, har bir mavzuga oid maqollar alifbo tartibida berilganligiga qaramay, mavzular alifbo tartibida emas.

O'zbek xalq maqollari lug'ati tarkibiga kiritilgan deyarli hamma mavzular antonomik tarzda tuzilgan. O'zbek va ingliz tillarida vatan va ona diyor guruhiga oid maqollarning semantikasi va lingvostatistikasi ustida ishlash jarayonida ushbu guruhga oid maqollarning tematik klassifikatsiyasi amalga oshirildi.

Bunda, ingliz va o'zbek maqollari quyidagi tematik guruhlarga ajratilib, har bir tematik guruhdagi maqollar alifbo tartibida joylashtirildi.

Natijada quyidagi tematik guruhlar vujudga keldi:

- Ona diyor aziz va qardli;
- Vatanning taqdiri – sening taqdiring;
- Yurt egasi;
- Vatan va yurtdan ayrilganlik;
- Vatanning manguiligi, yagonaligi;
- Yurtga muhabbat va elga himmat

Tematik guruhlarning nomlanishi bir-biriga sinonimik soʻzlar yaʼni “ona diyor”, “vatan” va “yurt ” soʻzlari qoʻllanildi. Shuningdek, T. Mirzayevning “Oʻzbek xalq maqollari” kitobidagi antonimik guruhlardan farqli oʻlaroq sinonimik guruhlar nomlari tanlandi.

Xulosa qilib aytganda, oʻzbek va ingliz tillarida vatan va ona diyor guruhiga oid maqollarning semantikasi va lingvostatistikasi ustida ishlash jarayonida har ikkala tildagi maqollarning sematikasi, etimologiyasi ushbu til xalqlarining boy tarixiy oʻtmishiga asoslangan turli tushunchalarini oʻz ichiga qamrab olib, madaniyati, mentaliteti, urf-odatlar bilan yoʻgʻrilganligiga yaqqol guvoh boʻlindi. Shuningdek, lingvostatistikaning rivojlanishi va paremiologiyada oʻzbek tilida yozilgan ilmiy asarlarning koʻpayishini koʻzda tutgan holda ushbu sohaning kengayishi yanada koʻproq ahamiyat berilishi lozimligini aytib oʻtish joizdir. Kelajakda nafaqat vatan va ona diyor guruhiga oid maqollar balki boshqa mavzularga oid maqollar ustida ishlash koʻzda tutilmoqda.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Aminov N. Durdona //Mir Kulol va Shohi Naqshband maqomatlaridan. – Toshkent: Sharq, 1993. – 74 b.
2. Collins Cobuild Advanced Learner’s English Dictionary. New Digital Edition. Harper Collins Publishers, 2008.
3. Macmillan English Dictionary. Second Edition. Macmillan Publishers Limited, 2007.
4. Mirzayev T. Oʻzbek xalq maqollari. – T.: Sharq, 2012. – 512 b.
5. Norrick N. R. How Proverbs Mean. Semantic Study in English Proverbs. New York: Mounon, 1985. p. 213.
6. Oxford American Dictionary, 2005.
7. Simpson J. and Speake J. Oxford Concise Dictionary of Proverbs. Oxford University Press, 2003.



## ТАРЖИМАНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Газиева Саида  
Узбеков Асилбек  
Фарғона политехника институти

**Аннотация:** Мақолада таржима жараёнида ўзбек тилдаги тил бирликларни инглиз тилдаги тенг қийматли тил бирликларига алмаштириш ёки иккинчи тилдаги муқобил вариантни беришдаги муаммолар кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** таржима, лингвокультурологик, муаммо, тил, бирлик.

## LINGUACULTURAL PROBLEMS OF TRANSLATION

Gazieva Saida  
Uzbekov Asilbek  
Fergana Polytechnic Institute

**Abstract:** The article discusses the problems of replacing Uzbek language units with equivalent English language units or providing an alternative to a second language in the translation process.

**Keywords:** translation, linguacultural, problem, language, unit.

Халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган лисоний воситалар хос сўзлар, дейилади. Муайян бир халқ, миллат ва элатга хос тушунча, нарса ва ходисаларни акс эттирадиган лисоний воситалар бадий асарнинг миллий хусусиятини белгилайдиган асосий воситалардан ҳисобланади. Демак, ҳар қандай бадий-ғоявий баркамол асар ўзида бирдай ҳам байналмилалликни, ҳам миллийликни мужассам этиши билан ажралиб туради. Байналмилаллик асарнинг мазмуни ва ғоясида, миллийлик эса унинг шаклида намоён бўлади. Бадий асарнинг шакли қатор жиҳатлари билан бирга унинг тилини, хусусан луғат таркибини ўз ичига олади: асарнинг миллий хусусияти асосан лексик ва фразеологик бирликлар ёрдамида яратилади.

Байналмилаллик билан бир қаторда миллийлик хусусиятини ҳам ўзида мужассам этган тилнинг луғат таркиби ўзи мансуб бўлган тил жамоасининг моддий-ижтимоий ҳаётини, чунончи, миллий урф-одат ва анъаналарини, географик тасаввурини, маънавияти ва дунёқарашини, диний эътиқодини, ахлоқий меъёрларини, тафаккур йўналишини моддий акс эттиради.

Тиллар орасидаги тафовут эса одатда бир халқ моддий ҳаётида мавжуд муайян тушунчалар, воқеа-ходисалар, урф-одатларнинг иккинчи халқ турмуш

тарзида учрамаслиги, шу туфайли улар номларининг ҳам айна халқ тилида табиий равишда йўқлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, луғавий эквивалентлик муносабатида бўлган айрим икки тил жуфтликлари бир-бирларидан бирор хусусиятлари билан ўзига хос равишда фарқ қилишлари мумкин. Бу ҳол тил бирликларининг миллий хусусиятини белгилаш бараварида уларнинг таржимада ўзаро алмашинувларига тўққинлик қилади.

Аслиятнинг ўзига хослиги асосан унинг таркибидаги лисоний воситаларнинг миллий хусусияти билан белгиланар экан, аслиятнинг бадиий-ғоявий заминини аслиймонанд тиклаш асарнинг миллий бўёғини қайта яратиш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам таржимада миллий хусусиятни тиклаш масаласи кейинги пайтларда таржимонларнинг ҳам, таржимашуносларнинг ҳам эътиборини ўзига борган сари кўпроқ тортиб келмоқда. Чунки таржимавий нуқсонларнинг кўпчилиги миллий хусусиятни акс эттирадиган тил воситалари улушига тўғри келмоқда. Зеро, таржима амалиётида ҳанузгача йўл қўйиб келинаётган хато ва камчиликларнинг кўпчилиги таржимада миллий хусусиятни тиклаш билан боғлиқ бўлиб, бу масала ҳанузгача назарий жиҳатдан ҳам, амалий хусусдан ҳам қониқарли даражада ҳал қилинган эмас.

Илмий адабиётда халқлар турмуш тушунчаларини ифода этадиган лексик бирликларни қайси пайтларда таржима амалиётининг қандай синалган усуллари воситасида талқин этиш лозимлиги ҳақида ягона фикр учрамайди. Таржиманинг ижодий жараёнлиги туфайли, бундай фикрнинг учраши ҳам гоҳо амри маҳол. Бирок баён этилган илмий-танқидий фикр-мулоҳазалар таржимоннинг муайян ҳолатда қандай йўл тутиши лозимлиги ҳақидаги тасаввурини бойитади, унинг амалда йўл қўйилиши мумкин бўлган турлитуман тасодифий тугунларни ечишига кўмаклашади, унда амалий машғулотларни моҳирона енгиш малакаси ҳосил қилади.

Халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган сўзлар шубҳасиз бадиий ёдгорликнинг миллий бўёғини, унинг ўзига хослигини ташкил этади. Асарнинг миллий фазилатини белгилайдиган яна шундай омиллар ҳам учраб турадики, улар халқнинг миллий-маданий руҳияти билан боғлиқ бўлади. Бундай хусусиятларнинг таржимада эътибордан соқит қилиниши прагматик адекватликнинг яралмай қолишига олиб келади.

Хос сўзларни она тилига ўгиришда аввало уларнинг муайян контекстларда ўтаб келаётган ахборий ва услубий вазифаларини аниқлаш, сўнгра таржима тилида уларга ҳар жиҳатдан мос, айна пайтда шу хил меъёри ва маданияти даражасидаги лисоний воситалар танлаш зарурати туғилади. Миллий тушунчаларни ифода этадиган хос сўзларнинг айримлари аслият мансуб бўлган тилдан ташқари яна қатор халқлар лафзларида учраши, жумладан таржима тили луғат захирасининг ҳам таркибий қисми ҳисобланиши мумкин.

Муайян халқ турмуш тушунчаларини англатадиган кўпчилик хос ўзларнинг маънолари ва ўтайдиган вазифалари мамлакатларнинг ўзаро маданий, маърифий, иқтисодий, сиёсий алоқалари натижасида қатор халқлар вакилларига, шу жумладан таржима тили соҳибларига ҳам таниш бўлиб қоладики, таржимонлар бундай сўзларга ўз тилларида муқобил лисоний воситалар қидириб юрмасдан, уларни транслитерация йўли билан талқин этаверадилар.

Транслитерация услидан фойдаланишнинг асосий сабаби аслиятда қўлланилган миллий хусусиятли лисоний воситаларнинг таржима тилида мавжуд бўлмаганлиги туфайли аслиятнинг миллий хусусиятини таржима тили соҳибларига хос хусусият билан алмаштириб қўйиш ёки таржимани умуман бундай хусусиятдан маҳрум этиш каби ҳолатларга йўл қўймасликдан иборатдир.

Шундай қилиб, транслитерация халқлар турмуш тушунчаларини акс эттирадиган хос сўзларни таржимада талқин этишнинг энг самарали усулларида бўлиб, унинг ёрдамида аслиятнинг миллий хусусияти сиқик ҳолда талқин этилади.

Асосли транслитерация китобхон тасаввурини бойитади, унинг тили луғат захирасини кенгайтиради. Масалан, ўзбекча «рақсга тушмоқ» сўзи ўзининг биргина маъноси билан ўзбекча «to dance» бирикмасига мос эквивалент бўла олар эди. Унинг бошқа бир маъноси - эркак ва аёлнинг белу қўл ушлашиб даврада айланиши, бу усулда рақсга тушиш ўзбекларга хос бўлмагани туфайли, ўзбек тилида ўз эквивалентига эга эмас. Мазкур сўзни транслитерация усулида талқин этиш эса ўзбек тили луғат бойлигини кенгайтиради. Ҳозирги умумхалқ тили луғат таркибидан ўрин олган «танса қилмоқ.» бирикмаси азалдан ўзбекча «рақсга тушмоқ» бирикмаси билан синонимик қатор ҳосил қилгани ҳолда, омма тасаввурини бойитди.

Шундай қилиб, таржима амалиётининг транслитерация усули миллий тиллар бойишига кенг йўл очгани ҳолда, уларнинг фикр баён қилиш имкониятини оширади, адекват, шу билан бирга аслият миллий бўёғини китобхон кўз олдида айнан жонлантирадиган ифодалар вужудга келтиради. Ҳозирги кунда ўзбек тили жаҳоннинг бой ва қудратли тилларидан бирига айланган экан, уни бу даражага етказган омиллардан бири луғат таркибидаги кўпчилик ўзга халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган лисоний воситаларнинг транслитерация усули билан қабул қилиниб, тилнинг ҳар қандай нозик фикрни ҳам ифода эта олиш лаёқатини ошириб юборганлигидадир.

Аммо баъзан транслитерация усули айрим таржимонлар томонидан суиистеъмол қилинади. Улар миллий бўёқдан холи бўлиб, таржима тилида ўзларининг маъно ва вазифалари жиҳатларидан уйғун эквивалентларига эга

бўлган лисоний воситаларни ҳам мазкур усул ёрдамида талқин этадиларки, бу хол китобхоннинг баён қилинган фикрни англашини мушкуллаштиради. Масалан, ўзбек тилидан русчага ўгирилган қатор асарлар таржимасида «раис», «хаммом», «ака», «ука», «ёр», каби кўпчилик миллийликдан холи сўзларнинг миллий хусусиятли ҳисобланиб, бетаржима қолдирилиши таржимонларнинг миллий хусусиятни ўзгача тасаввур этишларидан дарак беради.

Шарқ ғазалиёти мафтуни бўлмиш буюк олмон шоири Гёте ўз тилига нафақат «ғазал» сўзини транслитерация воситасида олиб кирди, балки шу жанрда ўзи ҳам ижод қилди ва бошқа ватандошларини ҳам бунга даъват этди. Вазифавий уйғунлик ҳақида гап кетар экан, шуни қайд қилиш лозимки, асарларида Шарқ ҳаётини тасвирлаётган айрим ўзга миллат ёзувчилари ҳам ўз тилларида мавжуд қатор лисоний воситалар ўрнига, эҳтиёж сезилмаса-да, уларнинг луғавий эквивалентлари бўлмиш шарқона сўз ва сўз бирикмаларини қўллайдилар. Бу сўзлар, ҳамма вақт ҳам муаллифлар истагига бўйсуниб, шарқона буёқни яратавермайди, чунки улар кўпинча ҳеч қандай қўшимча мазмун ёки миллий буёқ касб этмасдан, ўзлари мансуб бўлган тилларнинг ахборий вазифали, шу билан бирга бошқа тилда ўз луғавий эквивалентларига эга бўлган воситалари ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Белявская Е. Г. Семантика слова. – Москва. Высшая школа, 1987 – 126 с.
2. Казакова Т. А. Практические основы перевода. – СПб: Союз, 2002.
3. Котелова Н. З. Значение слова и его сочетаемость. – Л.: Наука, 1975-162с.

### **References**

1. Белявская Е. Г. Семантика слова. – Москва. Высшая школа, 1987 – 126 с.
2. Казакова Т. А. Практические основы перевода. – СПб: Союз, 2002.
3. Котелова Н. З. Значение слова и его сочетаемость. – Л.: Наука, 1975-162с.

## TA'LIM TIZIMINI MODERNIZATSIYALASH SHAROITIDA INNOVATSIYALARNI JORIY ETISH VA ULARDAN SAMARALI FOYDALANISH ISTIQBOLLARI

Pardayeva Maftuna Ulug'bek qizi  
Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti

**Annotatsiya:** Maqolada O'zbekiston Respublikasi ta'lim tizimini rivojlantirishda yangi va ilg'or pedagogik texnologiyalarni joriy etilishi va ushbu jarayonning samarali tashkil etilishida bir nechta muhim omillar qay darajada ahamiyat kasb etishi va istiqboldagi samarali jihatlar haqida ilmiy fikr va mulohazalar yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** zamonaviy texnologiya, ilg'or pedagogik texnologiya, axborot texnologiya, raqamli texnologiya, metod, virtual- stand, internet, xalqaro tajriba, kredit-modul tizimi.

## ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИЙ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИХ

Пардаева Мафтуна Улугбек кизи  
Каршинский инженерно-экономический институт

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы внедрения новых и передовых педагогических технологий в развитие системы образования Республики Узбекистан, а также значимость ряда важных факторов в эффективной организации этого процесса и перспективы на будущее.

**Ключевые слова:** современные технологии, передовые педагогические технологии, информационные технологии, цифровые технологии, метод, виртуальный стенд, интернет, международный опыт, кредитно-модульная система.

## INTRODUCTION OF INNOVATIONS IN THE CONDITIONS OF MODERNIZATION OF THE EDUCATION SYSTEM AND PROSPECTS FOR THE EFFECTIVE USE OF THEM

Pardayeva Maftuna Ulugbek qizi  
Karshi Engineering and Economics Institute

**Abstract:** The article of the education system and the introduction of new and advanced technologies in the development of this process is effective in the creation of a number of important factors, and how important and effective approach for the future of scientific opinions and comments about the coverage.

**Keywords:** modern technologies, advanced pedagogical technologies, information technologies, digital technologies, method, virtual stand, internet, international experience, credit-module system.

Ma'lumki dunyodagi mavjud barcha jamiyatning kelajagi, taraqqiyoti ta'lim tizimining qay darajada taraqqiy etgani bilan belgilanadi. Shu boisdan ham, hozirda mustaqil taraqqiyot yo'lidan ildam borayotgan davlatimizning uzluksiz talimni isloh qilish va takomillashtirish, yangi sifat bosqichiga ko'tarish, unga ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish hamda samaradorligini oshirish davlat siyosati darajasiga ko'tarilgani ham sir emas. Ta'lim-tarbiya jarayoni murakkab jarayon hisonlanadi. Uning murakkabligi shundaki, modernizatsiya sharoitida ta'limning samaradorligiga erishishdir, samaradorlikka erishish esa ko'plab omillar, xususiyat va tendensiylar bo'lishini talab etadi. Birinchi navbatda, ta'lim oluvchi va ta'lim beruvchida motiv shakllanganligi, ularning orasida o'zaro munosabat faollik nuqtai nazaridan bog'langanligi, ta'lim oluvchi yangi bilimlarni egallashga bo'lgan ehtiyojini qondirishga harakatda bo'lishi, ta'lim beruvchi esa darsni tashkil etishda uning mukammalligiga, to'g'ri tashkil etilishiga, metodika esa talabga javob beradigan darajada tuzilganligi kabi xususiyatlarni o'zida mujassamlashtirgan bo'lishi lozim.

Yurtboshimiz tashabbuslari bilan yangi davrga qadam qo'yilayotgan bir davrda keng fikrlash doirasiga ega, bilimlarni chuqur egallagan, o'z sohasida yetuk va davr talabiga javob beraoladigan shaxslarga bo'lgan etibor va talab kuchayotgani yana bir karra, modernizatsiyalangan ta'limni va sifatli tashkil etilgan ta'limni joriy etish masalasini ko'ndalang qilib qo'yadi. Shu sababli ham, bilimdon, tashabbuskor, jamiyatda faol va o'z mehnatida bilan dunyoni zabt etaoladigan shaxs shakllantirilishi lozim. O'ylaymanki, hozirgi davr nuqtai nazaridan kelib chiqib bunday talablarga javob bera oladigan va yuqorida sanab o'tilgan xususiyatlarni o'zida mujassamlashtirgan shaxsni shakllantirishda quyida mezonlarni tashkil etilish muhim ahamiyat kasb etadi:

- Zamonaviy va ilg'or ta'lim texnologiyalari
- Raqamli texnologiya + zamonaviy va ilg'or pedagogik texnologiya
- Xalqaro tajribalar

Avvalo ta'lim texnologiyalari haqidagi tushunchaga urg'u bersak, ta'lim texnologiyalari ta'lim tizimini konseptual asoslariga dalil keltirishdan, o'quv materiallarini tanlash va strukturalashdan, ta'lim modelini tanlashdan to ularni amalga oshirishgacha, ularning optimallik va samaradorlik darajasini baholashgacha

loyihalashtirishdan tashkil topganligi uning tub mohiyatini ochib beradi. Vaholangki, optimallik va samaradorlik darajasini noan'anaviy usullarini ta'limga olib kerish va uning ilg'origini ta'minlash zamonaviy pedagogik texnologiyalarning tashkil etishga zamin yaratadi.

Zamonaviy pedagogik texnologiya mohiyati shundan iboratki, u mavjud texnologiyalari bilan bir safda turadi, buning sababi har bir texnologiya o'zining metodi, shakli, uslubi va qo'llanish doirasiga egaligidir. Ammo ta'kidlab o'tilgan zamonaviy pedagogik texnologiyalar tubdan farq qilib, ular murakkab va tushunish ancha chigal bo'lgan kompleks tushuncha yoki pedagogikaga xos bo'lgan bilimlar sohasini aniq va tushunarli ifoda eta olishi bilan mavjud texnologiyalardan farq qiladi. Masalan, "Klaster" metodi, "3X4" metodi, "Bumerang" metodi, "Iyearxiya" metodi, "Muammoli ta'lim" metodi, "Keys stadi" metodi va bu metodlarni ko'plab davom ettirishimiz mumkin. Quyida keltirib o'tilgan metodlar ta'limda joriy etilgan zamonaviy pedagogik texnologiyalar turkumi bo'lib, ularning maqsadi bilimlarni puxta egallashga ko'mak berish, samaradorlikni ta'minlash ongni yuksalshtirish va talabalarni har xil vaziyatlarga moslashuvchanligini ta'minlashdir.

Shuni ta'kidlab o'tish joizki, zamonaviy pedagogik texnologiyalar boshqa sohalardagi texnologik jarayonlar bilan birgalikda birlasha oladi, o'z mazmun mohiyatini boyitib boradi va ta'lim jarayonida samarali yondashuvning yangi imkoniyatlarini ochib bera oladi. Bunga misol tariqasida axborot texnologiya, raqamli texnologiya va zamonaviy pedagogik texnologiyalar uyg'unlashuvini misol qilib keltirish mumkin. Fikrimizni oydinlashtiradigan bo'lsak, axborot texnologiya, raqamli texnologiya va zamonaviy pedagogik texnologiyalar uyg'unlashuvi <Talaba-kompyuter-simsiz tarmoqlar(internet)-pedagog> o'rtasidagi muloqot deb atash mumkin. Bular yangi davr pedagogik texnologiyaning tarkibiy qismi bo'lib, u ta'lim jarayonida texnik vositalarning mukammallashgan zamonaviy turi sifatida qo'llana boshlandi. Yurtimizda hukm surayotgan pandemiya sharoitida, ta'lim berish va ta'lim olishning yangi, zamonaviy turi keng jamoatchilikka havola etildi ya'ni masofaviy ta'limda ta'lim olishga muvaffaq bo'ldik, albatta masofaviy ta'limni biz «Talaba-kompyuter-simsiz tarmoqlar(internet)-pedagog» larning uyg'unlashuvisiz tasavvur eta olmaymiz. Bu kabi dars mashg'ulotlarini yo'lga qoyilishida raqamli texnologiyalar muhim ahamiyat kasb etdi. Biz albatta, simsiz tarmoqlari, internet tarmoqlari va albatta kompyuter texnologiyalar bilan darsni maqsadini ushbu sharoitda amalga oshirdik. Bu esa hozirda ta'limdagi eng zamonaviy yondashuv hisoblanib, shu sabadan ham ta'limda yangicha yo'nalish olib kira oldik desak mubolag'a bo'lmaydi. Masovafiy ta'limdan tashqari raqamli texnologiya-axborot texnologiya- zamonaviy pedagogik texnologiyani uyg'unlashuviga dastur ilovalar orqali darsni tashkil etish haqida ham ko'plab ma'lumotlar keltirish mumkin. Hozirda joriy etilgan va boshqa o'quv yurtlarida tashkil etilayotgan «online jurnal» dasturini,

videokonfrensiyalar o'tkazishni, «videotopishmoq» ta'lim texnologiyasini va virtual stendlarni misol tariqasida keltirish mumkin.

Shu o'rinda virtual stend tushunchasiga tushuntirish beradigan bo'lsak, virtual stend – o'quv amaliy stendi yoki o'quv-malaka ustaxonasi bo'lib, o'quvchi-talabalarning nazariy bilimlarini mustahkamlashga, kompyuter dastur va texnologiyalari orqali ma'lum yo'nalishda zaruriy ko'nikmalarni hosil qilishga yordam beradi. Virtual stendlar har bir o'quvchi-talaba uchun texnikaga o'zining kirish parametrlarini «buyurishga», o'z bilimlarini nazorat qilishga imkon beradi.

Ta'limni modernizatsiyalash va samaradorligi haqida so'z yuritarkanmiz, unda yana bir muhim omil xalqaro tajribalar o'zlashtirishni nazarda tutish maqsadga muvofiq albatta. Xalqaro, chet el tajribasi ya'ni ta'limda o'z yo'nalishiga va uslubiga ega bo'lgan davlatlarning ilg'or tajribalarini olib kirish hozirda mamalakatimiz davlat siyosati oldida turgan maqsadlardan biri desak mubolag'a bo'lmaydi. Birobarin, "O'zbekiston Respublikasi Xalq tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi" sini tasdiqlanishi buning yaqqol isbotidir.

Ushbu konsepsiya O'zbekiston Respublikasi umumiy o'rta va maktabdan tashqari ta'lim tizimini tizimli isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, o'sib kelayotgan yosh avlodni ma'naviy-axloqiy va intellektual rivojlantirishni sifat jihatidan yangi darajaga ko'tarish, o'quv- tarbiya jayoniga ta'limning innovatsion shakllari va usullarini joriy etish maqsadida tasdiqlandi, shu bilan birga O'zbekiston respublikasining 2030-yilga kelib PISA (The Programme for International student Assessment) Xalqaro miqyosda o'quvchilarni baholash dasturi reytingi bo'yicha jahonning birinchi 30 ta ilg'or mamlakati qatoriga kirishishiga erishish yana bir ustuvor maqsaddir, shuningdek

- uzluksiz ta'lim mazmunini sifat jihatdan yangilash, shuningdek professional kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish
- o'qitish metodikasini takomillashtirish, ta'lim tarbiya jarayonida individallashtirish tamoyillarini bosqichma-bosqich tatbiq etish,
- xalq ta'limi sohasidagi zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalari va innovatsion loyihalarni joriy etish

kabi vazifalarni bajarish odinga maqsad qilib qo'yildi va vazifalarni bajarish bo'yicha ilk qadamlar tashlanmoqda.

Yana bir xalqaro tajribalarni joriy etish doirasida, Koreya davlatining tajribasi olib kirildi bu tajriba barchaga ma'lum bo'lgan kredit-modul tizimidir. Ushbu kredit-modul tajribasi Koreya davlatida yaxshi samara berganligi sababdan ham, bu xalqaro va ilg'or tajriba ayrim oliy o'quv yurtlarimizda tashkil etildi. Va o'quv yurtlarida ta'lim kredit-modul tizimini joriy etish bilanoq, ta'limda sifatni yanada yaxshilanganligini ko'rish mumkin. Darhaqiqat bu kabi o'z sinovidan o'tgan va yaxshi samara beradigan xalqaro tajribalar bundan keyin ham o'zlashlashtirib boriladi



va umid qilamanki, ta'lim tizimimizni modernizatsiya qilishda o'zining samaradorligi bilan namoyon bo'ladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

[1] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Xalq ta'lim tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora tadbirlari to'g'risida" gi farmoni PF-5538 son. 05.09.2018 yil.

[2] N.Muslimov, Z.Raximov, X.Qodirov "Ta'lim texnologiyalari" darslik. Toshkent-2017. 11-bet.

[3] M.F. Hakimova, N.X. Xo'jayev, D.Q. Axmedov. Zamonaviy pedagogik texnologiyalar. O'quv qo'llanma.– T.:TDIU nashr., 2006y, 52-53-betlar.

## ONA TILI DARSLARIDA YUKLAMALARNING O`QITILISHI

Polvonova Nigora Oribjonovna  
nigrapolvonova1972@gmail.com  
Farg`ona viloyati, Farg`ona shahar, 1-maktab

**Annotatsiya:** Ushbu ilmiy maqola “Ona tili darslarida yuklamalarning o`qitilishi” mavzusida yozilgan bo`lib, maktab ta`limida mazkur mavzuni o`quvchilar ongiga singdirish usullari zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida yoritilgan.

**Kalit so`zlar:** yuklamalar, so`z, qo`shimcha, bog`lovchi, ko`makchi, vazifadosh, ta`lim.

## TEACHING METHODS OF AUXILIARY WORDS IN UZBEK LANGUAGE

Polvonova Nigora Oribjonovna  
nigrapolvonova1972@gmail.com  
Ferghana region, Ferghana city, School №1

**Abstract:** This scientific research is based on Methodologies in Teaching Conjunctive Words and Phrases in Uzbek Language focus on implementing new technologies in the classroom learning.

**Key words:** Conjunctive words, education, methodology, word, suffix.

*Dunyo shiddat bilan o`zgarib barqarorlik va xalqlarning mustahkam rivojlanishiga rahna soladigan turli yangi tahdid va xavflar paydo bo`layotgan bugungi kunda ma`naviyat va ma`rifatga , axloqiy tarbiya, yoshlarning bilim olish, kamolga yetishga intilishiga e`tibor qaratish har qachongidan ham muhimdir.*

*Sh.Mirziyoyev*

1.Yuklamalarning maktab ta`limida berilishi.

Yordamchi so`z turkumlari o`ziga xos xususiyatlarga ega bo`lib, ularning uch turi mavjud: bog`lovchi, ko`makchi va yuklama. Ular 5-7-8-sinflarda o`rganiladi.

5-sinfda yuklamalar uchun bir soat ajratilgan. Unda yuklamalar haqida umumiy ma`lumot, so`z va qo`shimcha yuklamalar tasnifi berilgan. Demak, o`quvchilar 5-sinfda yordamchi so`zlar haqida umumiy ma`lumot oladilar xolos.

7-sinfda yuklamalar uchun yetti soat ajratilgan bo`lib, ushbu sinfda yuklama haqida o`quvchilar ancha keng ma`lumotga ega bo`ladilar. Bu sinfda yuklamalar haqida ma`lumot, sof va vazifadosh yuklamalar, so`roq va taajjub yuklamalari, ayiruv-chegaralov yuklamalari, kuchaytiruv-ta`kid yuklamalari, o`xshatish-qiyoslash yuklamalari, gumon va inkor yuklamalari uchun soatlar ajratilgan.

8-sinfda esa yordamchi so'zlar uchun bir soat ajratilgan. Bu darsda o'quvchilar yuklamalar yuzasidan oldingi sinflarda olgan bilimlarini esga oladilar.

Bu darslar davomida o'quvchilarning yuklamalar haqidagi tushunchalari kengaytirilishi, to'ldirilishi va to'la shakllantirilishi kerak. Buning uchun, avvalo, o'qituvchi yuklama haqida keng va puxta bilimga ega bo'lishi zarur.

Yuklama o'zi nima, u qanday so'z turkumi, ularning gapdagi vazifasi nimadan iborat? Tuzilishiga, ma'nosiga va qo'llanishiga ko'ra qanday turlari mavjud?

Bu savollarga javob topish, ularni o'quvchilar ongiga singdirish, buning uchun ta'limning eng yaxshi va yangi usullaridan foydalanish har birimizning oldimizdagi mas'uliyatli burchimizdir.

Yuklama so'z yoki gaplarga so'roq, ta'kid, ayiruv-chegaralash, gumon, o'xshatish, inkor ma'nolarini yuklovchi so'z va qo'shimchalardir.

Ularga: 1) axir, hatto, faqat, ham, xuddi, go'yo, go'yoki, naq, hech, sira, nahotki, na...na so'zlari;

2) -mi,-chi, -a, (-ya), -ku, -u (-yu),-da, -oq (-yoq), -gina (-kina, -qina ), -dir kabi qo'shimchalar kiradi.

Ularning birinchi guruhi so'z yuklamalar, ikkinchi guruhi qo'shimcha yuklamalar hisoblanadi.

Yuklamalar ma'nosiga ko'ra olti turga bo'linadi:

1. So'roq-taajjub yuklamalari: -mi, -chi, -a (-ya).
2. Kuchaytiruv - ta'kid yuklamalari: hatto, -ki, ham, nahotki, axir, g'irt, -u (-yu), -da, oq (-yoq).
3. Ayiruv-chegaralov yuklamalari: faqat, atigi, -gina (-kina, -qina).
4. O'xshatish-qiyoslash yuklamalari: go'yo, go'yoki, xuddi,naq.
5. Gumon yuklamasi: -dir.
6. Inkor yuklamalari: hech, sira, na...na.

Yuklamalar sof va vazifadosh bo'ladi: -u (-yu), -da yuklamalari o'rnida va bog'lovchisini ishlatish mumkin.

Ham yuklamasini -da yuklamasi o'rnida ishlatish mumkin.

Yuklamalar ichida gumon va inkor yuklamalari murakkabroq bo'lib, o'quvchilar ularni ajratishga qiynaladilar. Gap mazmuniga gumon ma'nosini yuklovchi -dir qo'shimchasi gumon yuklamasi hisoblanadi. Bu yuklama -man, -san qo'shimchalari qatorida turuvchi uchinchi shaxs qo'shimchasi -dir bilan shakldoshdir, -dir yuklamasi urg'u olmaydi.

Suv hayot manbaidir. Bu gapda -dir qo'shimchasi kesimlik qo'shimchasi bo'lib, gumon ma'nosini ifodalamaydi.

Ukam manzilga yetib olgandir. Uyga borayin-chi , onam kelgandir. Ushbu gaplarda esa -dir gumon ma'nosini ifodalovchi yuklamadir. Bu yuklama fe'ldan boshqa so'z turkumlariga qo'shilganda ko'proq kesimlik qo'shimchasi vazifasida

keladi. Ayrim holatlardagina gumon ma'nosini ifodalashi mumkin. Masalan: O'sha kelgan mening onamdir. Endi bunga balki modal so'zini qo'shsak gumon ma'nosi kuchayadi: Balki, o'sha kelgan mening onamdir. Bu gaplardagi gumon ma'nosi ko'proq kontekstda aniqlanadi. Ohangni o'zgartirish orqali ham gumon ma'nosini berish mumkin.

Inkor yuklamasi so'z yoki gapga inkor ma'nosini yuklaydi. Inkor yuklamalariga also, sira, hech, na...na kabilar kiradi. Yuklamalarni o'quvchilarga ongli va qiziqarli tushuntirish, albatta, o'qituvchidan bilim va mahorat talab etadi. Dars jarayoni qiziqarli hamda tushunarli bo'lishi uchun ba'zi usullarni qo'llab ko'rishimiz mumkin.

2. Yuklamalarni o'qitishda interfaol usullardan foydalanish.

Bu mavzuni 7-sinflarda berilgan "Gumon va inkor yuklamalari" uchun ajratilgan dars davomida yana ham yaxshiroq yoritishimiz mumkin.

Avvalo, o'quvchilardan o'tilgan mavzuni so'rab, topshiriqlarni bajarganliklarini bilib olamiz va qay darajada o'zlashtirganliklarini tekshirish uchun o'tilgan mavzu yuzasidan yuklamalar qatnashgan bir necha gaplarni havola qilamiz. O'quvchilar gaplardagi yuklamalarni topadilar. Shundan so'ng o'quvchilar diqqatini doskaga qaratamiz. Doskaga mushuk tasvirini chizish orqali bolalarga "Chol bilan kampir" ertagini ijod qilamiz. Bolalar ertakdagi yuklamalarni topishlari kerak. Mana shu tartibda bolalar ham biror tasvirni yaratish asosida yuklamalarni qatnashtirib ertak yoki hikoya tuzadilar va bu bilan bollalarni ijodkorlikka o'rgatamiz.

Keyingi bosqich yangi mavzuni tushuntirishdir. Inkor va gumon yuklamalarini tushuntirmasdan oldin ushbu yuklamalar qatnashgan gaplardan namunalar beramiz.

1. Mening onam o'qituvchidir.
2. Ular sizni yo'qlab kelishgandir.
3. U na o'qidi, na yozdi.
4. Na ishga bormadi, na uyga qaytmadi.

Birinchi gapda -dir yuklama emas, kesimlik qo'shimchasidir. Ikkinchi gapda esa -dir gumon yuklamasidir. Uchinchi gapda na...na inkor yuklamasi emas, to'rtinchi gapda esa inkor yuklamasidir. Oquvchilar ancha tushunchaga ega bo'lishgach, ularga A.Oripovning "Alisherning onasi" she'rini havola qilamiz, ular she'rdagi yuklamalarni topib daftarlariga yozadilar.

Bilmam, qanday ayol bo'lgan  
 Alisherning onasi?  
 Balki uning aqliga ham  
 Lol qolgan zamonasi.  
 Balki uning ko'zlarida  
 Bo'lgan o'g'ir bir xayol  
 Balki g'amgin bir zotdir u,

Balki sho`xchan bir ayol.

O`quvchilar bu she`rdagi ham, -dir yuklamalarini topadilar. She`rdagi balki modal so`z gumon ma`nosini kuchaytirayotganligi o`qituvchi tomonidan izohlab o`tiladi.

Keyingi etap yangi mavzuni mustahkamlash bo`lib, unda "Sinkveyn tuzish" usulidan foydalanish mumkin. O`quvchilarga shunday topshiriq beriladi:

1-guruh o`quvchilari gumon yuklamasi haqida beshta ma`lumot topib daftarga yozadilar, 2-guruh o`quvchilari esa inkor yuklamasi haqida beshta ma`lumotni daftarlariga yozadilar. Masalan:

- 1) -dir yuklamasi urg`u olmaydi;
- 2) qo`shimcha yuklama;
- 3) -dir kesimlik qo`shimchasi bilan shakldosh;
- 4) Ba`zan balki so`zi bilan birga qo`llanadi;
- 5) Gumon ma`nosini yuklaydi.

"Keragini tanlab ol" usuli ham yuklamalarni o`zlashtirishda yaxshi natija beradi. Bunda yuklamalar aralash qilib beriladi. O`quvchilarni ikki guruhga bo`lib, ularga quyidagicha topshiriq beriladi: 1-guruh kuchaytiruv-ta`kid, ayruv-chegaralov yuklamalarini, 2-guruh esa o`xshatish-qiyoslash, so`roq-taajjub yuklamalarini ajratib o`z daftarlariga yozishlari kerak. Topshiriqni to`g`ri va to`liq bajargan guruh g`olib sanaladi.

KERAGINI TANLAB OL	
-mi, -dir, sira, go`yo, xuddi, faqat, -gina, -u (-yu), go`yoki, ham, naq, hech, nahotki, -oq (-yoq). na...na, atigi, -chi, axir, g`irt, hatto,-ki, -da,-a(-ya)	

Yana bir usul "Boshladim, davom ettir" usulidir. Bunda ikkala guruhdan bittadan o`quvchi doskaga chiqadi va 1- o`quvchi yuklama yozadi, 2- o`quvchi yuklamaga mantiqan mos so`z qo`shadi, 1-o`quvchi uni davom ettirib, gap holatiga keltiradi. Bu holatni o`rin almashib yana takrorlash mumkin. Masalan:

-chi	Seni-chi / akang harbiymi ?
Sira	Sira bu gaplar / xayolimga kelmagan edi-da!
Xuddi	Xuddi onamga / o`xshab ketdingiz.
Nahotki	Nahotki sen / g`alaba qilding.
Faqat	Faqat yolg`iz / o`zi yashaydi.

Navbatdagi usulimiz "FSMU" usulidir. Bunda o`quvchilarga usul shartlari tushuntiriladi.

1. Yuklama haqida fikringizni bayon eting,
2. Fikringizning to`g`riligiga sabab keltiring.

3. Ko'rsatilgan sabablarni misollar bilan asoslang.

4. Fikrlaringizni umumlashtiring.

Masalan:

F Yuklama yordamchi so'z, gap va so'zga qo'shimcha ma'no yuklaydi.	M Qishloqda yashagan damlarim sira yodimdan chiqmaydi. Bu gapda sira inkor yuklamasi bo'lib, gapga inkor ma'nosini qo'shyapti.
S U leksik ma'no bildirmaydi, gapda sintaktik vazifa bajarmaydi, ma'lum bir so'roqqa javob bo'lmaydi.	U Demak, yuklamalar gapga turli xil ma'nolarni yuklab, sozlovchning biror narsaga, shaxsga, voqea-hodisaga munosabatini ifodalaydi.

Yuklamalar haqidagi bilimlarni umumlashtirish uchun Cho'lponning "Ko'ngil" she'rini o'quvchilar e'tiboriga havola etamiz. O'quvchilar undagi yuklamalarni topadilar.

Ko'ngil, sen munchalar nega  
 Kishanlar birla do'stlashding?  
 Na faryoding, na doding bor,  
 Nechun sen muncha sustlashding?  
 Haqorat dilni og'ritmas,  
 Tubanlik mangu ketmasmi?  
 Kishanlar parchalanmasmi  
 Qilichlar endi sinmasmi?  
 Tiriksan, o'lmagansan,  
 Sen-da odam, sen-da insonsen,  
 Kishan kiyma,  
 Bo'yin egma,  
 Ki sen ham hur tug'ilgansan!

O'quvchilar she'rdagi -mi, -da, ham yuklamalarini, na...na inkor bog'lovchilarini topadilar.

Bundan tashqari "Nuqtai nazar", "Sherigini top", "SVOT", "Moychechak", "Ven diagrammasi", "Ikki qarsak" va boshqa usullardan foydalanish mumkin.

Bugungi kunda ta'lim samaradorligini oshirish haqida juda ko'p qaror va farmonlar chiqarildi. Bundan ko'zlangan maqsad pedagogik ta'lim sohasini yanada takomillashtirish, zamonaviy bilim va pedagogik texnologiyalarni qo'llash orqali bilimli, ma'naviyati yuksak, mamlakatimiz ravnaqiga hissa qo'sha oladigan yosh avlodni yetkazib berishdir. Buning uchun ta'lim sohasiga ilg'or ta'lim texnologiyalarini joriy qilish, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020- yil 24- yanvardagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida belgilangan vazifalarni amalga oshirish har bir o'ituvchining pedagogik burchidir.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. B. To`xliyev, M.Shamsiyeva, T.Ziyadova – “O`zbek tili o`qitish metodikasi”, “Yangi asr avlodi” 2006.
2. N.Mahmudov, (A.Nurmonov), A.Sobirov, V.Qodirov, Z.Jo`raboyeva. 5-sinf Ona tili. Toshkent-2015.
3. N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov, D.Nabiyeva. 6-sinf. Ona tili. Toshkent-2013.

### **References**

1. B. To`xliyev, M.Shamsiyeva, T.Ziyadova – “O`zbek tili o`qitish metodikasi”, “Yangi asr avlodi” 2006.
2. N.Mahmudov, (A.Nurmonov), A.Sobirov, V.Qodirov, Z.Jo`raboyeva. 5-sinf Ona tili. Toshkent-2015.
3. N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov, D.Nabiyeva. 6-sinf. Ona tili. Toshkent-2013

## INTERACTIVE METHODS TO TEACH CULTURAL DIFFERENCES

Barno Djumanova

barnobell17@gmail.com

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region

**Abstract:** The purpose of this article is to examine the roles of interactive methods and techniques for teaching cultural differences and share some techniques with teachers. Prior to discuss the theme intercultural competences ought to be introduced. Intercultural competence refers to a set of cognitive (thinking), affective (feeling), and behavioural (doing) skills and characteristics.

**Keywords:** intercultural competences, target- culture, methods and games.

It is vital that, not all teachers and students are not always aware of the culture of target language, however there is inextricable connection between culture and language. Especially, while teaching a foreign language we always require special techniques and different approximations to learn easily and interestingly. Prior to discuss the theme intercultural competences ought to be introduced. Intercultural competence refers to a set of cognitive (thinking), affective (feeling), and behavioural (doing) skills and characteristics. The objective of language learning is no longer defined in terms of the acquisition of communicative competence in a foreign language, which refers to a person's ability to act in a foreign language in linguistically, sociolinguistically and pragmatically appropriate ways. Rather, it is defined in terms of the intercultural competence, which is "the ability of a person to behave adequately in a flexible manner when confronted with actions, attitudes and expectations of representatives of foreign cultures" [1]. Awareness of FL culture should be viewed as an important component of EFL learning and teaching. Therefore, it is a necessity for teachers to include cultural components in EFL teaching to maximize students' learning. Especially, by culture learners can be cultivated sense of critical and analytical thinking, problem- solving, communication and other skills that can contribute their future character and professional careers. Besides that, culture can assist to develop their imagination, initiatives, cultural relations and respect to other nations' customs, traditions and even religions that symbolize worth of human-being. However, teaching culture knowledge is really challenging. Teachers must be acquainted with the differences between linguistic cultures. Teachers can provide cultural information, and teach students to express themselves correctly in different occasions. The key point is how to perform different ways in teaching different cultures. So, according to Stern there are techniques of culture teaching and presents them in eight groups.



It includes:

- creating an authentic classroom environment;
- providing cultural information;
- cultural problem solving;
- behavioural and affective aspects;
- cognitive approaches;
- the role of literature and humanities;
- real-life exposure to the target culture;
- making use of cultural community resources. [5]

They serve to support effective and appropriate interaction in a variety of cultural contexts. Intercultural competences include 3 keys:

Curiosity: Exploring what we don't understand

Cognitive complexity: Seeing through many perspectives

Empathy: Understanding and adapting to different cultural styles.

Nowadays, 21<sup>st</sup> century – teachers are expected to teach not only language, grammar rules or pronunciation but also using this foreign language in real life and for this reason, teachers are trying to choose different methods which are related to real situations according to develop intercultural competences. There are some methods that can be beneficial for teaching and learning.

As M.Yusupova claimed that competence-based learning is the process by which students develop the skills they need to apply the knowledge, skills and abilities acquired by students in their personal, professional and social activities. [6] In her other research she gives a wider definition to communicative competence which is indeed vital to teach English beyond its culture by mentioning that the term communicative competence was first used in 1972 by American Linguist D.Hymes. In his view, this competence means that the language is appropriate in a given situation. The use of rules for understanding and conveying social content demonstrates the emergence of communicative competence. D.Hymes's work is devoted to the development of this type of competence in his native language. The problems of developing communicative competence in teaching a second language were studied in the 1980s by M.Canale and M.Swaine. [7]

*The Intercultural Notebook. This method is for teaching curiosity and it is utilized as a classroom assignment. This notebook asks the students at the beginning of the term to start collecting material from the Internet and other media that illustrates the course concepts. Each case study requires the application of two or three ideas. One primary benefit of this notebook is that from the first day of class, students start viewing the world through intercultural eyes, in order to find the case studies. For example, the task is Collect eight intercultural incidents from the internet or clippings from magazines or newspapers which illustrate primary concepts*

discussed in class. This project will be on-going throughout the semester. It will be too difficult to find useful items all at once, at the last minute. Pace yourself so that you enjoy the process.

The clippings students collect should provide them with an opportunity to analyse the situations described in terms of course concepts such as:

- cultural value differences
- misunderstandings which have occurred as a result of different world views
- stereotypes which have caused serious consequences
- conflicts which could be resolved through intercultural skills
- creative uses of cultural differences to enhance a particular context or situation
- communication style differences that have affected a situation
- ethnic identity development and cultural marginality
- patterns of acculturation, or culture shock
- developmental stages of intercultural sensitivity

*PhotoVoice. Educators use it for teaching empathy and curiosity.*

Photo Voice began as a method for doing action research in communities where there was a commitment to hearing from those who often were not heard or seen. Through a carefully designed, step-by-step process, PhotoVoice gathers data in a familiar way, through the use of a camera or cellphone to record places, persons and processes in order to raise awareness, advocate for change, and engage in dialogue about significant aspects of community interaction. It can be readily adapted to engage learners in intercultural team projects.

Next strategy for teaching culture is also given by Byram M. for non-native speakers of the target language, which can be applied for non-native English teachers:

*Videotaped interviews/Observational dialogues:* Videotaped interviews and role-plays in different situations are very effective for teaching culture because it gives natural, authentic language exchanges. Other important cultural features can be learned as well such as appropriate social distance, eye contact, and others. [2]

In conclusion, teaching culture is really helpful way to introduce a new language. Because of from food, money, holidays or traditions to interesting situations which are accepted differently in native culture, communicative styles, stereotypes or values. Therefore, by interactive methods target – culture is developed in students' minds easily and memorably. We've tried to investigate one of the smallest drops of a huge ocean in my topic using occasions on teaching that have been worked out for us. Using culture, we have learnt to think, learnt to communicate an acquired an intuitive understanding of language. The culture of the target language helps the door open. For this reason, it is the master key to foreign languages. [4] To

give qualified knowledge to young generation a teacher must include every technique of teaching and as a teacher it's worth permanent inquiring for our learners.

### References

1. Bennet, J. M. (2016, February). WISE Conference Winston Salem, North Carolina.
2. Byram, M. (1989). *Cultural Studies in Foreign Language Education*. Multilingual Matters Ltd.
3. Kambarova, D. M. (n.d.). *The Interactive Methods of Teaching Culture*.
4. Makhmudov, K. (2019). Integrating a Mother Tongue while Teaching a Foreign Language: Problems and Solutions. *The Issues of Language, Literature and History*, (1), 89-91.
5. Makhmudov, K., & Djumanova, B. (2020). Practical Techniques for Cultural-Based Language Teaching in the Classroom. *Young Scientist*, 26(316), 301-303.
6. Yusupova, M. (2019). Development of Communication Competence while Using Project Work in Teaching English to Students in Higher Education as an Actual Problem. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 7(12), 328-331.
7. Yusupova, M. A. (2019). Communicative Competence as a Core Competence in Teaching English to Students. *Современные исследования в области преподавания иностранных языков в неязыковом вузе*, (8), 39-44.

## O`ZBEK STEMASINI YARATISH

Ismailov Alisher Shakirovich  
alisherismailov1991@gmail.com  
Andijon mashinasozlik instituti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada an'anaviy qoidalarga asoslangan tizimning simli o'xshashlik yondashuvidan iborat yangi kontekstsiz bepul stemmer taklif etiladi. Ushbu algoritmni gibrid algoritm deb atash mumkin. Bu tilga bog'liq algoritm. Kontekstdagi bepul stemmer degani, kontekstga asoslanmagan so'zni ishlatadigan stemmer degan ma'noni anglatadi, har bir kontekst uchun bunday qoida qo'llaniladi. An'anaviy kontekst bo'yicha erkin qoidaga asoslangan yondashuv yordamida so'zlarni olib tashlaganimizdan so'ng, u dinamik dasturlashning simli o'xshashlik funksiyasini qo'llash orqali engib o'tilgan so'zlarning tagiga yoki tagiga tushishi mumkin. Satrlarning o'xshashligi funksiyasini o'lchash uchun tahrirlash masofasidan foydalaniladi. O'chirilgan inflatsiya qilingan so'z matn bazasida mavjud bo'lgan so'zlar bilan taqqoslanadi. Minimal masofaga ega bo'lgan so'z, olib tashlangan inflatsiya qilingan so'zning o'rnini egallaydi, bu esa uning kelib chiqishiga olib keladi. Ushbu yondashuvda an'anaviy qoidalarga asoslangan tizim va korpusga asoslangan yondashuv tushunchalari keng qo'llaniladi. Ushbu algoritm o'zbek tili uchun sinovdan o'tkaziladi.

**Kalit so'zlar:** Stemming, Text-mining, algoritm, o'zbek tili.

## DEVELOPMENT OF UZBEK STEMMING

Ismailov Alisher Shakirovich  
alisherismailov1991@gmail.com  
Andijon Machine Building Institute

**Abstract:** In this paper, a new context free stemmer is proposed which consists of the combination of traditional rule based system with string similarity approach. This algorithm can be called as hybrid algorithm. It is language dependent algorithm. Context free stemmer means that stemmer which stems the word that is not based on the context, for every context such rule is applied. After stripping the words using traditional context free rule based approach, it may over stem or under stem the inflected words which are overcome by applying string similarity function of dynamic programming. For measuring the string similarity function, edit distance will be used. The stripped inflected word is compared with the words stored in a text database available. That word having minimum distance is taken as the substitution

of the stripped inflected word which leads to the stem of it. The concept of traditional rule based system and corpus based approach is heavily used in this approach. This algorithm will be tested for Uzbek Language.

**Keywords:** Stemming, Text-mining, Algorithm, Uzbek language.

## РАЗВИТИЕ УЗБЕКСКОГО СТЕММИНГА

Исмаилов Алишер Шакирович  
alisherismailov1991@gmail.com


Андижанский машиностроительный институт

**Аннотация:** Этот документ предлагает новый свободный от контекста стеммер, состоящий из подхода проводной аналогии системы, основанной на традиционных правилах. Этот алгоритм можно назвать гибридным алгоритмом. Это зависящий от языка алгоритм. Свободный терминатор в контексте означает терминатор, который использует неконтекстное слово, и такое правило применяется к каждому контексту. После того как мы удалили слова, используя свободный подход на основе правил в традиционном контексте, его можно отбросить или свести к словам, которые были преодолены с помощью функции подобия проводов динамического программирования. Расстояние редактирования используется для измерения функции сходства линий. Удаленное завышенное слово сравнивается со словами, присутствующими в текстовой базе данных. Слово с минимальным расстоянием заменяет удаленное завышенное слово, что приводит к его происхождению. В этом подходе широко используются понятия традиционной системы, основанной на правилах, и корпусного подхода. Этот алгоритм проверен на узбекском языке.

**Ключевые слова:** стемминг, майнинг текста, алгоритм, узбекский язык.

*1. Kirish.* Stema yoki stemming so`zni o`zagini topish deyiladi. Stemming odatda tabiiy til jaroyoni (Natural Language processing), axborot qidiruv (Information Retrieval), (Text Mining) da foydalaniladi.

Misol uchun, "insonlar" so`zini tabiiy til jaroyoni (Natural Language processing) qidirsak, qidiruv tizimni ishlash jaroyonini sekinlashtirishi mumkin, agar so`zni o`zagini ajratib olib qidirsak tizimni ishlash jaroyoni tezlashadi. Stemming so`z jamlanmalari (text mining) da juda muhim o`rin tutadi. Stemming odatda kiritilgan so`zni o`zagani ajratib oladi va bu jarayon axborot qidiruvni ishlash jarayonini yaxshilaydi (*Figure 1*).



2. *Muammo*. Bir stemmerni boshqasidan farqi uni soʻzni qanday oʻzagini ajratib olishda. Buning uchun har xil usullar qoʻllaniladi. Soʻzni oʻzagini topishda prefiks va suffikslarni oʻchirib tashlaganadi. Bu usul agressiv stemmer deb nomlanadi. Bu jarayonda bir nechta muammolar mavjud:

a) soʻzni oʻzagani topishda natija kiritilgan soʻzga bogʻliq boʻlmagan boʻlishi mumkin(over-stemming).

b) soʻzni prefiks va suffikslardan ajratib olishda soʻz oʻzagiga tegishli boʻlgan harfni ham oʻchirib tashlanishi mumkin(under stemming).

Ushbu muammolar algoritmi yangi dasturlarda qoʻllanganda qiyinchiliklar tuʻgdirishi mumkin. Oʻzbek stema alrotimni rivonlantirishdaagi asosiy maqsad yuqorida keltirilgan muammolardan holi algoritim yaratishdir. Ilmiy tilda soʻzni oʻzagini topish lemmatizatsiya deb ataladi[25, 26, 27].

### 3. *Oʻrganilgan Adabiyotlar*

*Stema* mavzusida bir qancha ilmiy ishlar mavjud. Misol uchun, nemis, ispan, hind stemalarini keltirish mumkin. Hind stemasi bir nechta hind tillarida ishlaydi. Ular Tamil, Punjabi, Bengali, Gujarati, Hind va marati tillari. Shunga oʻxshash arab stemalari ham mavjud. Har bir stema yaratuvchilarni oʻzlarini tillarida ishlaydi.

[1] stemasi – arab tili stemasi hisoblanadi. Bu stema 5 usuldan foydalanib yaratilgan. Ulardan 4 tasi soʻzdagi harflarni joylashishi usuli va beshinchi usul qoidalarga asoslangan tizimi (traditional rule based system). Arab stemasida qoidalarga asoslangan tuzatish algoritmi bilan birga ishlaganda yaxshi natija bergan.

[2] stema ham arab tili stemasi. Bu stema mashina oʻrganish tizimidan foydalanilgan va juda yaxshi va aniq natija bergan. Bunday yaxshi natijaga erishish uchun ular Baye va ZeroR va algoritmlaridan foydalanganlar.

[3] - stema yengil stema va axborot qidiruv usullaridan foydalanib yaratilgan.

[4] – stema bir nechta stemming algoritmlari va solishtirish usullaridan foydalanilgan. Ushbu stemada Lovins va Poster stemalaridan foydalanilgan.

[5] – bu maqola stema algoritmini Ingliz tili uchun tayyorlangan va bu stema gibrid usulidan foydalanilgan. Gujarati (hind) va Arab algoritmlaridan foydalanilgan.

### 4. *Taklif qilinayotgan Stema Tizimi (Oʻzbek stema)*

Taklif etilayotgan modelda quyidagilarni hisobga oladi: Prefiks, suffiks va oʻzak.

#### 4.1. Suffiks

Suffiks deb so`zni o`zagidan keyingi qo`chimchalarga aytiladi.

#### 4.2. Prefiks


Bu o'zbek so'zlarning oldingi qismidagi qo'shimchalar.

#### 4.3. O`zak so`zlar

Ushbu algoritm uchun 700 ta o`zak so'zlardan foydalaniladi.

#### 4.4. Gibrid Metodologi

Bu algoritm klassik qoidalarga asoslangan tizim va solishtirish tizimlaridan foydalanib yaratiladi. 2-rasmda ko`rish mumkin.



[24] – maqola 0.50 foiz aniqlikda ishlagani uchun biz ushbu maqolani eng yaxshi natija sifatida oldik. So`zni o`zagini ajratib olingandan so`ng uni ba`zadagi o`zak so`zlar bilan solishtirish yo`li bilan topiladi. So`zni o`zagini ajratib olishda ba`zida o`zakdan ortiqcha harf olinib ketishi yoki o`zakda ortiqcha harf qolib ketish

ehtimoli bor. Shuning uchun o`xshash so`zlar solishtirish(string similarity approach) usuli bilan algoritmda qo`llaniladi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

[1] Y. Al-Nashashibi, D. D. Neagu and Y. Ali, "Stemming Techniques for Arabic Words: A Comparative Study," *2nd International Conference on Computer Technology and Development (ICCTD)*, 2010, pp. 270-276.

[2] H. Mohammad, B. Zuhair, C. Keely and M. David, "An Arabic Stemming Approach Using Machine Learning with Arabic Dialogue System," *ICGST AIML-11 Conference*, Dubai, April 2011, pp. 9-16.

[3] L. S. Leah, B. Lisa and C. E. Margaret, "Improving Stemming for Arabic Information Retrieval: Light Stemming and Co-occurrence Analysis," *SIGIR*, ACM, 11-15 August 2002.

[4] L. S. Leah, B. Lisa and C. E. Margaret, "Conservative Stemming for Search and Indexing," *ACM*, August 2005, pp. 15-19.

[5] S. Jikitsha and P. C. Bankim, "Stemming Techniques and Naïve Approach for Gujarati Stemmer," *International Conference in Recent Trends in Information Technology and Computer Science*, IJCA, 2012, pp. 9-11.

[6] A. F. Alajmi, E. M. Saad and M. H. Awadalla, "Hidden Markov Model Based Arabic Morphological Analyzer," *International Journal of Computer Engineering Research, IJCER*, Vol. 2, No. 2, 2011, pp. 28-33.

[7] M. Upendra and P. Chandra, "MAULIK: An Effective Stemmer for Hindi Language," *International Journal of Computer Science and Engineering, IJCSE*, Vol. 4, No. 5, 2012, pp. 711-717.

[8] R. Ananthakrishnana and R. D. Durgesh, "A Light Stemmer for Hindi."

[9] K. Dinesh and R. Kumar, "Design and Development of Stemmer for Pujabi," *International Journal of Computer Applications, IJCA*, Vol. 11, No. 12, 2010, pp. 18-23.

[10] S. Llia, "Overview of Stemming Algorithms," Depaul University.

[11] F. B. William and F. J. Christopher, "Strength and Similarity of Affix Removal Stemming Algorithms," James Maison University and Virginia Tech.

[12] O. H. M. Ali and L. Ma Shi, "Stemming Algorithm to Classify Arabic Documents," *Symposium on Progress in Information & Communication Technology*, 2009, pp. 111-115.

[13] A. James and K. Giridhar, "Stemming in the Language Modeling Framework," *SIGIR, ACM*, Toronto, 28 July-1 August 2003.

[14] A. Farag and N. Andreas, "N-Gram Conflation Approach for Arabic Text," *SIGIR, ACM*, Amsterdam, 7 July 2007.



- [15] K. Dinesh and R. Prince, "Stemming of Punjabi Words by Using Brute Force Technique," *International Journal of Engineering Science and Technology, IJEST*, Vol. 3, No. 2, 2011.
- [16] D. Sajib and N. Vincent, "Unsupervised Morphological Parsing of Bengali," *Lang Resource & Evaluation*, Springer, 2007
- [17] R. Monica, M. Scott and Y. Yiming, "Unsuperised Learn- ing of Arabic Stemming Using a Parallel Corpus," *Proceeding of the 41st Annual Meeting of the Association for Computation Linguistics*, July 2003, pp. 301-398.
- [18] N. S. Giridhar, K. V. Prema and N. V. Subba Reddy, "A Prospective Study of Stemming Algorithms for Web Text Mining," *Ganapt University Journal of Engineering & Te- chnology*, Vol. 1, 2011, pp. 28-34.
- [19] K. Chouvalit and B. Veera, "Inverted Lists String Match- ing Algorithms," *International Journal of Computer The- oryand Engineering*, Vol. 2, No. 3, 2010, pp. 352-357.
- [20] K. Koudas, S. Sunita and S. Divesh, "Record Linkage: Si- milarity Measures and Algorithms."
- [21] J. Ms. Anjali, "A Comparative Study of Stemming Algo- rithms," *IJCTA*, Vol. 2, No. 6, 2011, pp. 1930-1938.
- [22] B. Bal Krishna and S. Prajol, "A Morphological Analyzer and a Stemmer for Nepali," *Madan Puraskar Pustakalaya, Working Papers 2004-2007*.
- [23] F. Cuna Ekmekcioglu, L. F. Michael and W. Peter, "Stemming and N-Gram Matching for Term Conflation in Turkish Texts," *Information Research*, Vol. 2, 1996.
- [24] C. Sitaula, "Semantic Text Clustering Using Enhanced Vec- tor Space Model Using Nepali Language," *GESJ*, Vol. 36, No. 4, 2012, pp. 41-46.
- [25] MANNING, C. D., RAGHAVAN, P., AND SCH·UTZE, H. 2008. *Introduction to Information Retrieval*. Cambridge University Press. Cambridge, U.K.
- [26] AL-SHAMMARI, E. AND LIN, J. 2008a. A novel Arabic lemmatization algorithm. In *Proceedings of Conference AND '08*. 113–118.
- [27] SNAJDER, J., BAˆSIC, B. D., AND TADIC, M. 2008. Automatic acquisition of inflectional lexica for morphological normalization. *Inform. Process. Manag.* 44, 1720–1731.

## JAMIYAT RIVOJIDA ANIQ FANLARNING ROLI

Ozoda Bobojonova  
Xorazm viloyati, Yangibozor tumani, 10-IIM  
Jumaboyeva Shahzoda

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada uchburchaklar tadqiq etilib, uni o'rganishning o'ziga xos tomonlari ko'rsatib o'tiladi. Misollar, isbot va ta'riflar orqali misollar yechilishi tushuntiriladi.

**Kalit so'zlar:** Jamiyat, ta'lim, sifat, muammo, qoida, formula, uchburchak, teorema, isbot, ta'rif, masofa, kesma.

## THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE DEVELOPMENT OF SOCIETY

Ozoda Bobojonova  
Khorezm region, Yangibazar district, 10-SBS  
Jumaboyeva Shahzoda

**Abstract:** This article explores the triangles and outlines the specifics of studying them. Explains how to solve examples using examples, proofs, and definitions

**Keywords:** Society, education, quality, problem, rule, formula, triangle, theorem, proof, definition, distance, intersection.

Jamiyat rivojida ta'limning ahamiyati beqiyos hisoblanadi. Har narsaning zamirida bilim yotganidek, inson hayotida ta'limning roli beqiyosdir. Jamiyat taraqqiy etar ekan, ta'limning sifati va muammoli vaziyati ham kun sari oshib boradi. Ayniqsa, bu jarayon aniq fanlarda ko'zga yaqqol tashlanadi. Chunki unda muammoning yechilishi aniqlik va asosni talab qiladi. Ma'lum qoidaga bo'ysunadi, ma'lum formula yordamida yechim topadi. Buni uchburchaklar misolida isbotlashimiz mumkin:


Agar A va B nuqtalar bo'lsa ular orasidagi masofa deb AB kesmaga aytiladi. A va B nuqtalar ustma ust tushsa, ular orasidagi masofa 0 ga teng deb olinadi. Teorema: Uchta nuqta ixtiyor joylashgan taqdirda ham bu nuqtalarning istalgan ikkitasi orasidagi masofa ulardan uchinchi nuqtagacha bo'lgan masofalarning yig'indisidan katta emas. Bu esa bu masofalarning har biri qolgan ikkitasining yig'indisiga teng yoki undan kichik demakdir. [1]

Isboti: A, B, C – Berilgan uchta nuqta bo'lsin. Agar uchta nuqtadan ikkitasi yoki uchala nuqtaning hammasi ustma ust tushsa, teoremaning tasdigi ravshan. Agar

nuqtalarning hammasi xar hil va bir to'g'ri chiziqda yotsa, ulrdan bittasi masalan, B nuqta qolgan ikkitasining orasida u xolda  $AB+BC=AC$ . Bundan uchta masofaning har biri, qolgan ikkitasining yig'indisidan katta emasligi ko'rinib turibdi. Endi nuqtalar bir to'g'ri chiziqda yotmaydi deb faraz qilaylik.  $AB < AC + BC$  ekanini isbotlaymiz. AB tog'ri chiziqqa CD perpendikulyar tushiramiz. Isbotlanganiga ko'ra  $AB \leq AD+BD$   $AD < AC$ ,  $BD < BC$  bo'lgani uchun  $AB < AC + BC$ . Teorema isbotlandi.

Shuni takidlaymizki, nuqtalar bir to'g'ri chiziqda yotmagan holda , uchburchak tengsizligi  $C B(D ) A A D B$  qatiiydir. Bu esa har qanday uchburchakda har bir tomon qolgan ikki tomon yig'indisidan kichik demakdir. [2]

Masala: aylananing har qanday vatari diametridan katta emasligini va o'zi diametr bo'lgandagina diametriga teng bo'lishini isbotlang. Yechilishi: ( 2-rasm) Uchburchak tengsizligiga ko'ra  $AB \leq OA + OB = 2R$  shu bilan birga , agar O markaz AB kesmada O'tmasa , u holda tengsizlik qatiy boladi. Tenglik vatar markazidan o'tgandagina, ya'ni diametr bo'lgandagina o'rinlidir.



1-rasm

Ta'rif: Bitta ichki burchagi  $90^\circ$  bo'lgan uchburchak to'g'ri burchakli deyiladi (17-rasm  $\angle C = 90^\circ$ ). Uchburchakning to'g'ri burchak hosil qiluvchi AC va BC tomonlari uning katetlari, to'g'ri burchak qarshisida yotgan AB tomoni uning gipotenuzasi deyiladi. Endi to'g'ri burchakli uchburchakning xossalarini ko'rib o'tamiz. 1 – teorema. Agar to'g'ri burchakli uchburchakning to'g'ri burchagi uchidan gipotenuzaga balandlik o'tkazilgan bo'lsa: 1) balandlik gipotenuzada u hosil qilgan kesmalar orasida o'rta proporsional miqdordir; 2) har bir katet gipotenuza va bu katetning gipotenuzaga proyeksiyasi orasida o'rta proporsional miqdordir. [3]

Isboti: Berilgan uchburchakning katetlari va gipotenuzasini,  $AC=b$ ,  $BC=a$ ,  $AB = c$  deb, katetlarning gipotenuzaga proyeksiyalarini  $AD = b_1$ ,  $DB = a_1$  deb belgilaymiz (17-rasm). 1.  $CD = h$  balandlik tushirish natijasida hosil qilingan  $\triangle ACD$  va  $\triangle BCD$

to'g'ri burchakli bo'ladi, chunki  $CD \perp AB$ . Endi  $\angle CAD = \alpha$  bo'lsin. To'g'ri burchakli uchburchak o'tkir burchaklarining yig'indisi  $90^\circ$  ga teng bo'lganligidan  $\angle ACD = 90^\circ - \alpha$  bo'ladi. U vaqtda  $\angle DCB = 90^\circ - (90^\circ - \alpha) = \alpha$ , ya'ni  $\angle DCB = \angle CAD$ . Endi  $\triangle ACD$  va  $\triangle BCD$  ning ikkita burchaklari o'zaro teng bo'lganligidan,  $\triangle ACD \sim \triangle BCD$  bo'lishi kelib chiqadi. Bu uchburchaklarda mos tomonlarining nisbatini tuzamiz: bundan talab qilingan,  $h^2 = a_1 \cdot b_1$  tenglik kelib chiqadi.

2.  $\triangle ABC$  va  $\triangle ACD$  lar o'xshash bo'ladi, chunki ularning har ikkalasi ham to'g'ri burchakli va ularda  $\angle A$  umumiydir, ya'ni  $\triangle ABC \sim \triangle ACD$ . Bu uchburchaklarda mos tomonlarning nisbati bo'ladi, bundan  $b_2 = b_1 - c$  bo'lishi kelib chiqadi. Endi  $\triangle ABC$  va  $\triangle BDC$  ning o'xshashligidan (ularning har ikkalasi ham to'g'ri burchakli va ularda  $\angle B$  umumiydir), talab qilingan ikkinchi  $a_2 = a_1 \cdot c$  tenglik kelib chiqadi. 2-t e o r e m a (Pifagor). To'g'ri burchakli uchburchakda gipotenuza uzunligining kvadrati katetlar uzunliklarining kvadratlari yig'indisiga teng.

Isboti: Agar  $\triangle ABC$  da  $AB = c$ -gipotenuza,  $BC = a$  va  $AC = b$ - katetlar bo'lsa, Pifagor teoremasi  $c^2 = a^2 + b^2$  ko'rinishda yoziladi (18-rasm).  $\triangle ABC$  da  $CD \perp AB$  balandlik o'tkazamiz va katetlarning gipotenuzaga proyeksiyalarini  $AD = b_1$  va  $DB = a_1$  kabi belgilaymiz. 1- teoreмага asoslanib,  $AC$  va  $BC$  katetlar uchun  $b^2 = b_1 \cdot c$  va  $a^2 = a_1 \cdot c$  munosabatlarni olamiz va ularni hadmahad qo'shamiz:  $b^2 + a^2 = b_1 c + a_1 c = c(b_1 + a_1) = c \cdot c$ , ya'ni  $b^2 + a^2 = c^2$ . Teorema isbotlandi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsam, aniq fanlar aniqlikka asoslanadi. Undagi formula va yechimlar ham aniqlik asosiga tayanadi, shu boisdan ham boshqa fanlarga nisbatan aniq bo'lganligi uchun aniq fanlar deb nomlanadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Saydaliyev S., Chizma geometriya va muhandislik grafikasi. Toshkent – 2017.
2. Azimxo'jayev T., Sotvoldiyev A., Uchburchaklar nazariyasi. Termiz – 2018
3. Xoliyev B., Toshpo'latov S., Geometriya va uchburchaklar. Nukus – 2006
4. Umriyaliyev Z., Zohidxo'jayev K., Maktablarda matematik progresslar. Urganch – 1996.
5. To'raqulov Z., Inomiddinova F., Fayzullayev H., Geometrik nazariyalar., Guliston – 1992.

## TECHNIQUE OF LABORATORY WORKS IN PHYSICS USING INFORMATION TECHNOLOGIES

Mansurova Shabnam Mirzokhidovna  
Omonboeva Meruert Yerkinovna  
Kamalova Dilnavoz  
kamalova.di@mail.ru  
NavSPI

**Abstract:** This article examines the method of conducting laboratory work on physics using information technology. The use of information technology as an effective means of learning significantly expands the possibilities of pedagogical technologies.

**Keywords:** physics, laboratory, information technology, computer, demonstration, experiment.

## МЕТОДИКА ПРОВЕДЕНИЯ ЛАБОРАТОРНЫХ РАБОТ ПО ФИЗИКЕ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Мансурова Шабнам Мирзохидовна  
Омонбоева Меруерт Еркиновна  
Камалова Дилнавоз  
kamalova.di@mail.ru  
НавГПИ

**Аннотация:** В данной статье рассматривается методика проведения лабораторных работ по физике с использованием информационных технологий. Использование информационных технологий в качестве эффективного средства обучения существенно расширяет возможности педагогических технологий.

**Ключевые слова:** физика, лаборатория, информационные технологии, компьютер, демонстрация, эксперимент.

Currently, much attention is paid to improving the efficiency of the educational process. The solution to this problem is associated with the use of new teaching methods and techniques in the educational process. New information technologies can be effectively used in traditional lessons, including demonstration experiments in physics, in laboratory classes, as well as in the physics workshop.

The use of a computer as an effective teaching tool significantly expands the possibilities of pedagogical technologies: physical computer encyclopedias, interactive

courses, all kinds of programs, virtual experiments and laboratory work can increase the motivation of students to study physics. Teaching physics, due to the characteristics of the subject itself, is a fertile ground for the use of modern information technologies.

The effectiveness of using the means of the latest information technologies in the educational process largely depends on the successful solution of methodological problems related to the information content and the way of using automated training systems in the educational process.

The content of many modern electronic educational publications in physics includes animations, interactive models, constructors, simulators, video recordings of physical experiments, virtual laboratory work, etc. These educational objects can serve as the basis for organizing independent work of students both in the classroom and at home; they are designed to prepare students for laboratory classes in physics. These objects differ in their training capabilities.

Models of a fairly high didactic quality are presented in the virtual environment. Some of them are focused on practicing individual experimental skills among students (simulators, designers); others help to study physical phenomena that cannot be reproduced in a school laboratory; still others create conditions for students to independently model various physical situations.

A careful selection of model objects of electronic educational publications for laboratory studies is required. I believe that the most effective way to practice this organizational form is to use virtual manipulative models, as well as video clips of field experiments. There are still not enough such objects in the virtual information environment. The class of such educational objects must be consistently developed [1].

In physics lessons, it is impossible to do without a demonstration experiment, but the material base of the office does not always meet the requirements of a modern physics office. And that's why a computer experiment comes to the rescue here. The computer becomes an assistant not only for the student, but also for the teacher. The advantage of a students work with software is that this type of activity stimulates research and creative activity, develops the cognitive interests of students. Programs can be useful in preparation for laboratory exercises with real equipment and will be indispensable in the absence of it. Interactive experiences can be used to demonstrate in the lesson. This will help resolve issues related to the lack of laboratory equipment, optimally organize working hours. It will also be effective to use interactive laboratory work in student's independent work.

An important place in the formation of practical skills and abilities among students in physics lessons is given to a demonstration experiment and frontal laboratory work. A demonstration experiment in physics lessons forms students previously accumulated ideas about physical phenomena and processes, replenishes and expands the students' horizons. In the course of the experiment, conducted by

students independently during laboratory work, they learn the laws of physical phenomena, get acquainted with the methods of their research, learn to work with physical devices and installations, that is, they learn to independently acquire knowledge in practice.

Experience shows that the use of only the traditional methodology of conducting a physical experiment leads to a low level of skills and practical skills of students in physics, since not all students are able to [2]:

- analyze, understand and interpret graphs and tables obtained during the experiment (they are not able to use the knowledge gained in algebra and geometry when studying physics);
- explain the essence of physical phenomena (weak vocabulary of terminology in physics);
- to understand the laws of physical processes (do not see the cause-and-effect relationship);
- independently obtain the necessary information from various sources, including electronic ones.

The above listed gaps in students' knowledge affect the formation of information competence and the level of student exposure in physics. In this regard, an idea appears: if you carry out a physical experiment and frontal laboratory work using virtual models by means of a computer, then you can compensate for the lack of equipment in the physical laboratory of the school and, thus, teach students to independently acquire physical knowledge during a physical experiment on virtual models. Thus, there is a real opportunity to form the necessary information competence in students and to increase the level of radiation exposure of students in physics.

It should be noted that a computer experiment can supplement the "experimental" part of the physics courses and significantly increase the effectiveness of lessons. When using it, you can isolate the main thing in the phenomenon, cut off secondary factors, identify patterns, repeatedly test with variable parameters, save the results and return to your research at a convenient time. In addition, a much larger number of experiments can be carried out in the computer version. This type of experiment is implemented using a computer model of a particular law, phenomenon, process, etc. I believe that working with these models opens up enormous cognitive opportunities for students, making them not only observers, but also active participants in the experiments being conducted.

Techniques for laboratory work on physics using information technology allow:

1. To better understand the physical processes and patterns, as well as to learn how to apply the knowledge in practice.
2. Implement a personality-oriented approach in learning.
3. Integrate students' knowledge.

4. Encourage students to master a personal computer.

5. Phased experiments, creating a situation of success in the lesson, the opportunity to apply methods of differentiated learning.

6. Motivate students to research on a topic of interest to independently create multimedia models of interaction of bodies, physical phenomena and changing the parameters of interaction, clearly see the result.

Despite the big advantages, I recommend physics teachers not to give up completely from real practical work, because at the initial stage of physics (6-9 grades) teenagers are more developed subject activity than visual-shaped thinking, and in high school (10-11), when the education of students is based on the theoretical level of generalization, you can use computer models, developing the logic and thinking of students.

Expanding the teacher's knowledge in the field of "The method of conducting laboratory work on physics using information technology" allows the teacher:

1. To master the latest achievements of pedagogical science and practice.

2. Use the teacher in his work new technologies on an up-to-date, personally oriented basis.

3. Exercise optimal integrated selection of problematic, research, practical, reproductive teaching methods.

4. Use virtual manipulator models, video fragments of natural experiments.

5. To stimulate research and creative activity that develops the cognitive interests of students.

6. Use a computer experiment that can complement the "experimental" part of the physics course and significantly improve the effectiveness of lessons.

Thus, computer-based learning creates the conditions for effective manifestation of fundamental patterns of thinking, optimizes the cognitive process. The visualization of basic mathematical and physical patterns is a factor that allows this to be done.

### References

1. Kolmychevskaya E.A. Laboratory work on physics. 2013.

2. Akhmedov A.A., Kamolova D.I. Individual pedagogical approach to performing laboratory work on optics. "Educator and Modernity" is a scientific journal. Moscow. №1(15). 2015. P.81-88.



## TA'LIM JARAYONIDA O'QUVCHI-YOSHLARDA TANQIDIY FIKRLASHNI SHAKLLANTIRISH OMILLARI

Shovqiyeva Dinora Bobosherovna  
Djunayev Farxod Abduxamidovich  
fdjunayev@inbox.ru  
Navoiy davlat pedagogika instituti

**Annotatsiya:** Jamiyat ijtimoiy hayotining muhim tarkibiy qismi sifatida ta'lim tizimimiz takomillashib bormog'i, tubdan yangilanayotgan jamiyat manfaatlari yo'lida xizmat qilmog'i zarur. Chunki ta'lim jamiyat taraqqiyotining asosidir. O'quvchilarda mustaqil ijodiy fikrlash qobiliyatini shakllantirishda o'quvchi-yoshlarning tanqidiy fikrlashi va o'z faoliyatiga munosabatlarini o'zgartirish masalasi o'ta muhimdir. Chunki bu masala bevositayoshlarimiz ruhiyatiga, ongiga, tafakkuriga ta'sir etish yo'li bilan amalga oshiriladi.

**Kalit so'zlar:** o'quvchi-yoshlar, konsorsium, vaqt, tanqidiy fikrlash, tanqidiy tahlil.

## FACTORS FOR FORMING CRITICAL THINKING IN STUDENTS IN THE EDUCATIONAL PROCESS

Shovkiyeva Dinora Bobosherovna  
Djunaev Farkhod Abdukhamidovich  
fdjunayev@inbox.ru  
Navoi State Pedagogical Institute

**Abstract:** Improving the education system as an important part of society, the interests of a radically renewed society to serve in the cause. Because education is the development of society is the basis. The issue of changing students' critical thinking and attitudes to their work is very important in the formation of independent creative thinking skills in students. Because it is done by directly influencing the psyche, consciousness, thinking of our youth.

**Keywords:** students, consortium, time, critical thinking, critical analysis.

O'zbekistonda ta'lim tizimini tubdan isloh qilish, o'qitish sifati va mazmunini yangi bosqichga ko'tarish, malakali kadrlar tayyorlashning zamonaviy mexanizmini yaratish, o'quv dasturlari va adabiyotlarini yangilashga qaratilgan islohotlar bosqichma-bosqich, tizimli ravishda amalga oshirilmoqda.

Hozirgi kunda yurtimiz rivojlanishida Sharqona tarbiya mazmunini o`zida mujassam etgan ta`lim muassasalarimizdagi o`quvchi-yoshlarni o`rta asr Sharqining buyuk mutafakkirlari Xorazmiy, Forobiy, Ibn Sinolar ta`kidlaganlaridek, mustaqil tanqidiy fikrlashga o`rgatish hamda ushbu tanqidiy fikrlashi jarayonida o`zlashtirilgan bilimlar biror bir manbadan tayyor holda olingan bilimlar bilan qiyoslaganda katta afzallikka ega ekanligini uqtirish bugungi globallashtirish jarayonida o`rni muhim sanaladi.

Ayniqsa, to`liqroq va tezroq rivojlangan bu bilimlar o`quvchilar e`tiqodiga aylanadi va ularning tafakkuri hamda faol amaliy tanqidiy fikrlashi quroliga hisoblanadi. Tanqidiy fikrlash masalalarini tadqiq etish bilan ko`plab zamonaviy olimlar, pedagoglar, psixologlar va metodistlar shug`ullanadi. Xususan, V.V.Davidov, M.G.Davletshin, I.Y.Lerner, A.M.Matyushkin, M.I.Mahmutov, S.Rajabov, D.Shodiyev, E.G.,oziyev, A.M.Umronxo`jayev ishlarida muammoli ta`lim tamoyillarida umumlashirish turlari va ularning tuzilishi, o`quv jarayonini tashkil etish ochib beriladi, tanqidiy fikrlashining tuzilishlari, aqliy faoliyatning umumlashgan usullarini shakllantirish yo`llarini belgilovchi alohida komponentlarning o`ziga xos xususiyatlari tahlil etiladi.

Shu o`rinda Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning quyidagi gaplari yodimizga tushadi: "Tanqidiy tahlil, qat`iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo`lishi kerak".[1] O`sib kelayotgan o`quvchi-yoshlarimizda ham davlatimiz rahbari aytganlaridek, tanqidiy tahlilni yoshligidan o`rgatib boradigan bo`lsak, biz o`ylaymizki, ushbu o`quvchi-yoshlar kelajakda yurtimizning yetuk kadrlari bo`lib yetishadi.

Tanqidiy fikrlashning ijodiy manbalari qadim zamonlarga borib taqaladi. Yaqin va O`rta Sharqda yashab ijod etgan o`rta asr mutafakkirlari tabiiy-ilmiy asarlarida ilmning turli tomonlari, uning prinsiplari, tuzilishi, mezonlari, ilmning inson aqliy rivoji va ta`limi bilan bog`liqligiga jiddiy qiziqish borligini kuzatamiz. Xorazmiy, Forobiy, Beruniy, Ibn Sino, ularning safdoshlari va izdoshlari gnoseologik qarashlarining xarakterli xususiyati shundan iboratki, inson ongida predmet timsoli (obrazi)ni mavhumlashtirish jarayoni ular e`tiborini doimo jalb etgan, buning natijasida mazkur predmet mohiyati va o`ziga xosligi tushunchasi ishlab chiqilgan va shakllangan.

O`quvchi-yoshlar tanqidiy fikrlashini o`rganishda zamonaviy didaktika o`qish jarayonida o`quvchilar psixik tanqidiy fikrlashi bilan shug`ullanuvchi ta`lim psixologiyasi yutuqlaridan foydalanadi.

Ta`lim tizimida o`quvchi-yoshlarda tanqidiy fikrlashni o`stirishga xizmat qiladigan metodlar "Demokratik ta`lim uchun" konsorsiumi tomonidan amalga oshiriladigan "Tanqidiy fikrlash uchun o`qish va yozish" loyihasi doirasida ishlab

chiqilgan bo`lib, tanqidiy fikrlashning faol metodlarini ishlab chiqishda quyidagi asoslardan kelib chiqadilar: Tanqidiy fikrlash nima?

*Fikrlash* – o`qish, yozish, so`zlash va eshitishga o`xshash jarayon. U faol, muvofiqlashtiruvchi shunday jarayonki, o`zida biror haqiqat to`g`risidagi fikrlarni qamrab oladi. Fikrlash kontekstdan tashqarida hosil qilinadigan ko`nikma emas. Tanqidiy fikrlash ta`limiy dastur yoki kundalik hayotning umumiy kontekstidan yiroqlashgan sharoitda o`rganilishi lozim bo`lgan hodisa ham emas.

Braun (1989) ta`kidlaydiki, vazifa va real hayot maqsadlaridan ajratilgan o`quv ko`nikmalari ta`lim oluvchilarga ob`yektiv testlarni yaxshi topshirish imkoniyatini berishi mumkin, lekin ular bu ko`nikmalarni yangi vaziyatlarda qo`llay olmaydilar.[2]

Rixer ta`biri bo`yicha o`rganish va fikrlashning ta`rifi kognitiv psixologiya, falsafa va multimedia madaniyati ta`limi sohasidagi tadqiqotlar natijalariga asoslanadi.[3]

Tanqidiy fikrlash va o`rganish g`oya va tajribalarning turli – tumanligini pedagoglar tushungan va qadrlagan vaqtdagina amalga oshadi. Tanqidiy fikrlash “yakkayu yagona to`g`ri javob”ni qabul qiladigan mentalitet jarayonida yuz bermaydi.

Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish oson ish emas. Bu muayyan yosh davrida tugallangan va esdan chiqarilgan vazifa ham emas. Shu bilan birga tanqidiy fikrlashga olib boradigan tugallangan yo`l ham yo`q. Lekin tanqidiy fikrlovchilarning shakllanishiga yordam beruvchi muayyan o`quv sharoitlari to`plami mavjud. Uning uchun:

- tanqidiy fikrlash tajribasini egallashi uchun vaqt va imkoniyat berish;
- o`quvchi-yoshlarga fikr yuritish uchun imkoniyat berish;
- turli – tuman g`oya va fikrlarni qabul qilish;
- o`quvchi-yoshlarning o`quv jarayonidagi faolligini ta`minlash;
- o`quvchi-yoshlarni kulgiga qolmaslikka ishontirish kerak;
- har bir o`quvchi-yoshlarning tanqidiy fikr yuritishga qodir ekanligiga o`zlarida ishonch hissini uyg`otish;

- tanqidiy fikrlashning yuzaga kelishini qadrlash lozim.

Shu munosabat bilan o`quvchi-yoshlar:

- o`ziga ishonchni orttirish va o`z fikri hamda g`oyalarining qadrini tushunish;
- o`quv jarayonida faol ishtirok etish;
- turlicha fikrlarni e`tibor bilan tinglash;
- o`z hukmlarini shakllantirishga hamda undan qaytishga tayyor turishi lozim.

*Vaqt.* Tanqidiy fikrlash vaqt talab qiladi. Pirson, Xansen, Gordon (1979) lar ta`kidlashadiki, o`z fikrlarini ijod qilish go`yo avvalgi g`oya, tasavvur, uchrashuvlar va tajribalarni arxeologik jihatdan tadqiq qilishga olib keladi.[4]

Shuning uchun ham:

- fikrlarini o'z so'zlari bilan ifodalash;
- o'zaro tanqidiy fikrlar almashish;
- o'z g'oyalarini ifodalay olish va konstruktiv takliflarga javob ola bilish;
- fikrlarni muayyan g'oyalar qiyofasida, qulay muhitda amalga oshira olish va o'z g'oyalarini to'la va aniq ifodalay olish.

*Izn.* Tanqidiy fikrlashda erkinlik bo'lishi uchun o'quvchi-yoshlar ma'qul va noma'qul narsalarni aytish, ular haqida fikrlash, ijod qilish uchun ruxsat olishlari lozim. O'quvchi-yoshlar yo'l qo'yiladigan holatlarni anglab olishgach, tanqidiy tahlil qilishga faol kirishadilar. Tanqidiy tahlilga izn olish ongillik tamoyiliga asoslanadi. Bunda tahlil va haddan oshish orasidagi farq aniqlab berilishi lozim. Tanqidiy fikrlashga izn fikrlash uchun chinakam maqsad bo'lgan do'stona hamda samarali sharoitda beriladi.

*Rang-baranglik.* O'quvchi-yoshlarning fikrlash jarayonida turli fikrlar va g'oyalar paydo bo'ladi. Rang-barang fikr va g'oyalar yakkayu-yagona javob mavjudligi haqidagi tasavvur bartaraf qilingan chog'dagina yuzaga keladi. Fikrlarni ifoda qilish chegaralanganda o'quvchi-yoshlarning fikrlashiga chek qo'yiladi. Faqat birgina javob mavjud bo'lgan taqdirda xilma-xil vosita va jarayonlardan foydalanish joizki, uning yordamida o'quvchi-yoshlarlar ana shu javobni topa olsin.

*Faollik.* Tanqidiy fikrlash o'quvchi-yoshlarning faolligi bilan bevosita bog'langan. Odatda, o'quvchi-yoshlar sustkash tinglovchilar bo'lishadi, chunki ularda o'qituvchi bilimli yoki matnda uning bu bilimlari aks etgan, shu tufayli ularning bilimlari o'qituvchi mas'ul degan ishonch shakllanib qolgan. O'quv jarayonidagi o'quvchi-yoshlarning faol ishtiroki va o'qishlariga o'zlarining mas'ul ekanligiga tayyorligi tanqidiy fikrlashda kutilgan natijalarni beradi. O'quvchi-yoshlarni fikr yuritishga, o'z g'oyalari va fikrlari bilan o'zaro o'rtoqlashishga da'vat etish kabi pedagogik yondashuv ularning faolligini o'stiradi. Mixail Chikjentmixaliy (1975) ta'kidlaydiki, o'quvchilar o'sha murakkab darajadagi o'quv jarayonida faol ishtirok etishsa, bilish jarayonida qatnashganligidan katta bahra oladilar va o'zlarida chuqur qoniqish hissini sezadilar.[5]

*Tavakkalchilik.* Erkin fikrlilik tavakkalchilikka asoslanadi. Uning bilim faoliyatida qo'rqmay tavakkal qiluvchi insonlarni rag'batlantirib turish joizdir. Fikrlash jarayonida "ahmoqona g'oyalar" aql bilan tuzilmagan birikma va tushunchalar ilgari surilgan holatlar ham bo'lishi mumkin. O'qituvchi buni o'quv jarayonining tabiiy holati sifatida o'quvchi-yoshlarga tushuntirishi lozim.[6] O'quvchi-yoshlarni tavakkaldan holi bo'lgan, ya'ni g'oyalar qadrlangan, o'quvchi-yoshlarning fikrlash faoliyatida faol ishtirokini yuqori motivatsiyalash imkoni bo'lgan muhitda o'ylash lozimligiga ishonch hosil qilish zarur.

*Qadrlash.* Tanqidiy fikrlashning omillaridan biri o`quvchi-yoshlarning fikrlash jarayonini qadrlashidir. Tashkil etilgan fikrlash jarayonida o`quvchi-yoshlar o`z g`oyalari, tasavvurlarining o`qituvchi tomonidan qadrlanayotganini tushungan holda chuqur mas`uliyat va e`tiborga yarasha javob qaytaradilar. O`quvchi-yoshlar o`z fikrlash jarayonini qadrlashni namoyish qilishga harakat qiladilar, unga va uning oqibatlariga nisbatan jiddiy munosabatda bo`la boshlaydilar.

*Qimmatlilik.* Fikrlash jarayonini tashkil etish davomida o`quvchi-yoshlar ularning fikrlari, o`z tanqidiy tahlili natijalari qimmatli ekanligini ularning ongiga singdirish zarur. O`qituvchi o`quvchi-yoshlardan muayyan materialni shunchaki qayta ishlashni talab qilganda tayyor qoliplardan, andozalardan holi bo`lishi lozim. Bu esa o`quvchi-yoshlarda o`zgalar g`oyalari mexanik tarzda qayta ishlab chiqish eng muhim va qimmatli ekanligiga ishonch hosil qilishga olib keladi. Aslida o`quvchi-yoshlarga o`z fikri, o`ziga taalluqli bo`lgan g`oya va tasavvurlar qimmatli ekanligini ko`rsata olish zarur. O`quvchi-yoshlarning o`zlari ham o`z fikrlarining qimmatbaho ekanligiga ishonch hosil qila olishlari zarur. Ular o`z fikrining tushuncha va masalani muhokama qilish jarayonida o`ta muhim, shuningdek, katta hissa bo`lib hisoblanishini tan olishlari kerak.

*O`zaro fikr almashuv.* Fikrlash jarayoni o`quvchi-yoshlarning o`zaro fikr olishuvini ko`zda tutadi. O`quvchi-yoshlarning o`zaro fikr olishishi ularning bir – biridan o`rganishdagi o`rtoqchiligiga asos soladi. O`quvchi-yoshlardan fikrlovchi sifatida o`zlarida bo`lgan yirik fikr va oddiy xatoga bo`lgan qobiliyatlarini boshqalarga ochib berish talab etiladi. O`zaro fikr olishishda o`quvchi-yoshlardan diqqat bilan tinglash, o`zining qarashlar tizimini so`zlovchiga zo`rlab o`tkazish va boshqa so`zlovchilarni tuzatib turishdan o`zini tiyib turishi ham talab etiladi. Bunga javoban o`quvchi-yoshlar boshqalarning yalpi fikrlaridan foydalanish imkoniyatiga ega bo`ladi. Keng doiradagi munozara oqibati o`laroq o`quvchi-yoshlar o`zlariga tegishli bo`lgan g`oyalarni tahlil qilish va uni aniqlashga yanada qobiliyati orta boradi hamda ularni o`z bilimlari va hayotiy tajribalarida yaratgan g`oyalari tizimiga tirkab boradi. Fikrlash jarayonini tashkil etishda uni o`tkazishning bir necha modellari mavjud. Ular:

- o`ziga ishonch hosil qilish;
- ishda faol ishtirok etish;
- o`rtoqlar va o`qituvchi bilan fikr almashish;
- o`zgalar fikrini tinglay olish.[7]

Xulosa o`rnida shu alohida ta`kidlash joizki, axborotlarni chorlash, o`ylab ko`rish va fikrlash metodikalaridan foydalanish quyidagi muhim vazifalarni yechish imkoniyatini beradi:

- o`quvchi-yoshlarga maqsadlarini anglab olishga yordam beradi;
- mashg`ulotlarda faolligini ta`minlaydi;

- samarali munozaraga chorlaydi;
  - o'quvchi-yoshlarning o'zlari savollar tuzishi va uni savol tarzida bera olishi uchun yordam beradi;
  - o'quvchi-yoshlarga o'z shaxsiy bilimlarini ifoda qilishga yordam beradi;
  - o'quvchi-yoshlarning shaxsiy mutolaasi motivatsiyasini qo'llab-quvvatlaydi;
  - har qanday fikrlarga bo'lgan hurmat kayfiyatini yaratadi;
  - o'quvchi-yoshlarda personajlarga bo'ladigan iztirobini o'stirishga yordam beradi;
  - o'quvchi-yoshlarda qadrlanadigan fikrlashga sharoit yaratadi;
- O'z tanqidiy fikrlashini maqsadga qaratish va motivlashtirish qobiliyatiga ega bo'lish, o'z istak-mayllarini faol boshqarishga qobillik, har bir daqiqa o'z shaxsini takomillashtirishda foydalanish uchun vaqtni qadrlash eng muhimdir.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sh.M.Mirziyoyev "Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak". Mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-shtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo'ljallangan shtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bagishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruza. 2017-yil 14-yanvar.
2. Bepalko V.P. Pedagogika i progressivnie texnologii obucheniya. M., «Pedagogika», 1995. 233 bet.
3. Farberman B.L. Progressivnie pedagogicheskie texnologii.-T.,1999. 165-bet.
4. SOROS xalqaro ochiq jamiyatining «Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish asoslari» fanlararo dasturi. T. 2004.
5. Podlasiy I.P. Pedagogika. Noviy kurs. Kniga 1. M., «Vlados», 2000 g. 79 st.
6. Aganov I.G. K voprosu o formirovaniye kriticheskogo obrazovaniye. 2001.№ 2.
7. Nishonov A, Xaydarov B, Nuriddinov B. va boshqalar. Baholash metodlari. O'quv metodik qo'llanma. T., 2003. 190 bet.

### References

1. Sh.M.Mirziyoyev "Critical analysis, strict discipline and personal responsibility - should be a daily rule of every leader." Our country Report at the enlarged meeting of the Cabinet of Ministers on the main results of socio-economic development in 2016 and the most important priorities of the economic program for 2017. January 14, 2017.
2. Bepalko V.P. Pedagogy and progressive learning technologies. M., «Pedagogy», 1995. 233 pages.

3. Farberman B.L. Progressinie pedagogicheskie tekhnologii.-T., 1999. Page 165
4. Interdisciplinary program of SOROS International Open Society "Fundamentals of Critical Thinking". T. 2004.
5. Podlasiy I.P. Pedagogy. New course. Book 1. M., «Vlados», 2000. 79 st.
6. Aganov I.G. K voprosu o formirovaniye kriticheskogo obrazovaniye. 2001.№ 2.
7. Nishonov A, Khaydarov B, Nuriddinov B. and others. Assessment methods. Study guide. T., 2003. 190 pages.

## MILLIY SO'ZLARNING TARJIMADA BERILISHI

Pardayeva Sitorabonu Zohidjon qizi  
Samarqand davlat chet tillar instituti

**Anotatsiya:** Ushbu maqola tarjima jarayonida milliy koloritni saqlab qolishning muhimligi va milliy so'zlarning tarjima qilish usullari va muammolari haqida tanishtiradi. Har bir usulni P.Qodirovning "Yulduzli tunlar" va A.Qodiriyning "O'tkan kunlar" asarlarining ingliz tilidagi tarjimasidan keltirilgan misollar orqali yoritib beradi hamda qiyoslaydi.

**Kalit so'zlar:** tarjima, badiiy tarjima, milliy kolorit, milliy so'zlar, xos so'zlar, tarjima usullari, transliteratsiya, transkripsiya, sarlavha osti izohlari va tushuntirish, kalkalash, analogiya, tasviriy tarjima, realiya, ekvivalent.

## TRANSLATION OF NATIONAL WORDS

Pardayeva Sitorabonu Zohidjon qizi  
Samarkand State Institute of Foreign Languages

**Abstract:** This article describes the importance of preserving national coloring in translation and the ways and problems of translating national words. It illustrates and compares each method with examples from the English translation of P.Kadyrov's "Starry Nights" and A. Kadyri's "Days gone by"

**Keywords:** translation, literary translation, national coloring, national words, specific words, translation methods, transliteration, transcription, subtitles and explanations, overlap, analogue, visual translation, real, equivalent.

## ПЕРЕВОД НАЦИОНАЛЬНЫХ СЛОВ

Пардаева Ситорабону Зоҳиджон кизи  
Самарқандский государственный институт иностранных языков

**Аннотация:** В данной статье описывается важность сохранения национального колорита в переводе, а также способы и проблемы перевода национальных слов. Он иллюстрирует и сравнивает каждый метод с примерами из английского перевода «Звездной ночи» П. Кадырова и «Последние дни» А.Кадыри.

**Ключевые слова:** перевод, литературный перевод, национальная раскраска, национальные слова, специфические слова, методы перевода,



транслитерация, транскрипция, субтитры и объяснения, дублирование, аналог, визуальный перевод, реальный, эквиваленть.

Barchamizga ma'lumki, tarjima o'ta nozik jarayon bo'lib, bunda tarjimon bor mahoratini ishga solib uni qayta yaratish ustida tinimsiz samarali izlanishlar olib borishi talab etiladi. Uning dolzarbligi shundaki, kitobxon uchun notanish bo'lgan asar albatta tarjimon orqali yetib keladi va bu asardan ma'naviy ozuqa olishda yoki umumiy tasavvurga ega bo'lishda qayta yaratilgan asarning asliga muqobilligi juda muhimdir. Shu o'rinda A.Mo'minova bu haqida shunday fikr bildiradi: " Tarjima bilan shug'ullanuvchi shaxs, ya'ni tarjimon ikki til, ikki millat o'rtasidagi ko'prikdir, uning tarjima qilish qobiliyati orqali xalqning, millatning eng nozik qirralari aks ettiriladi" [Mo'minova, 2016]. Darhaqiqat, butun bir xalqning madaniyati, turmush tarzi, an'alari va dunyoqarashi albatta uning tilida namoyon bo'ladi. Shuning uchun ham bu jihatdan tarjimon zimmasida turgan mas'uliyat juda katta. Ayniqsa muayyan xalq tiliga mansub bo'lgan milliy so'zlarni ya'ni xos so'zlarni tarjima qilishda tarjimonning yondashuvi alohida e'tiborga molikdir. Chunki tarjimon asarni qanday ko'z bilan ko'rsa o'quvchi ham shundayligicha qabul qiladi, xulosa chiqaradi.

Ma'lumki, badiiy tarjimada milliy kolorit tushunchasi bizga noma'lum bo'lgan xalqning urf-odatlarini, hayot tarzi, umumiy olganda, milliy xususiyatlari tushuniladi. Shunday ekan, milliy koloritni saqlagan holda eng maqbul usullardan to'g'ri foydalanib tarjima qila olgan tarjimonni shakl-shubhasiz o'z kasbining ustasi deyish mumkin. Misol uchun, o'zbek tilida uchragan so'zlar va tushunchalar boshqa tillarda bo'lmasligi yoki mazmun, shakl, hajm jihatdan farq qilishi mumkin. Lekin aynan milliylikimizni ifoda etadigan vositalar ham shulardan ekanligini hisobga olgan holda madaniyatimizning o'ziga xos qirralarini o'quvchiga yetkazib berishda uning tarjima muammolari barchamizning oldimizda ko'ndalang turibdi.

Xos so'zlarni tarjima qilishda quyidagi usullardan barakali foydalanishimiz mumkin. E.Ochilov bunday usullardan 3 ta, F.Bakiyev esa 5 tasi misolida har bir usulning yutuq va kamchiliklarini yoritib bergan. Bular: 1) transliteratsiya yoki transkripsiya qilish, 2) sarlavha osti izohlari va tushuntirish, 3) kalkalash, 4) analogiya (o'xshash so'zlar bilan tarjima qilish), 5) tasviriy tarjimalar.

1. Transliteratsiya – bu usul Asliyat tilidagi so'zning harflarini o'zgartirish orqali Tarjima tilidagi boshqa harflarga moslashtirish. "Milliy xos so'zlarning transliteratsiya yo'li bilan tarjimada berilishining asosiy sababi asliyatda qo'llanilgan milliy xususiyatli til vositalarining tarjima tilida mavjud bo'lmaganligidir"[10, 2013, 32]. Quyidagi so'zlar ham transliteratsiya va transkripsiya usulida tarjima tiliga ko'chgan:

"Somebody knocked with a handle of *kamchi* at the gate" [3, 2017, 8]

"Shu payt kimdir *qamchi* dastasi bilan darvozani taqillatdi" [4, 2018, 10]

“Give to her newly made *kurpacha*, let them put it around sandalwood” [5, 2017, 31]

“Anovi yangi qoplag’an *ko’rpalarini* ber, tanchaga o’shani yopsin” [6, 2014, 34]

2. Ko’pincha transliteratsiya yoki transkripsiya usulida tarjimaga ko’chgan so’zlar anglatgan ma’no yoki tushunchani o’quvchi bilan yaqindan tanishtirish maqsadida sarlavha osti izohlari va tushutirishlaridan foydalaniladi. Quyidagi so’zlar ham shu yo’sinda tarjima qilingan.

“He ate two pieces of *handalak* (a small honey melon) and drank several *pialas* (a drinking bowl (as used in Central Asia)) of tea” [3, 2017, 10]

“Faqat bir-ikki tilim *handalak* yediyu uch-to’rt *piyola* choy ichdi” [4, 2017, 10]

“The guests in Qutidor’s house were well respected people, treated with first and second courses of many kinds of foods and sweets like *khalva* (pastry of nuts, sugar and oil) and *nisholda* (type of custard)” [5, 2017, 54]

“Qutidorning tashqarisig’a er mehmonlar, ichkarisiga xotin mehmonlar to’lg’anlar, ular quyuuq, suyuq oshlar, *holva*, *nisholda* bilan izzatlanardilar” [6, 2014, 59]

3. Ba’zan asliyatdagi so’zlarning tarjima tilida muqobili bo’lmasa ham saqlab qolish imkoniyati bo’ladi. Bunga kalkalash yo’li bilan erishish mumkin. Kalkalash-bu so’zma so’z tarjima qilishdir. Quyidagi gapda ham bu usuldan foydalanilganini yaqqol ko’rish mumkin:

“Call my father a lion-armed man” [3, 2017, 30]

“Sherpanja deb otamni aytsinlar” [4, 2018, 35]

4. Analogiya – bu asliyat tilidagi so’zni tarjima tiliga o’xshash va muqobil tushuncha bilan berish. “Tarjima tilida goho asliyatdagi lisoniy vositalar ma’nolariga ma’lum darajada yaqinroq mazmunli birlikar uchrasada ular o’zlarining shartli muqobillaridan xislat xususiyat, shakl, hajm-miqdor jihatdan farqlanadi, bu tafovut tarjimada o’zaro almashinuviga yo’l qo’ymaydi” [2, 2005, 93].

“Mullah Fazliddin left his heavy red chakmon and wet high boots at the *threshold* [3, 2019, 10].

“Mulla Fazliddin ho’l bo’lib og’irlashgan piyozi chakmoni va etigini *dahlizda* yechib qoldirdi” [4, 2018, 11].

5. Tasviriy tarjima- bu iboralarning mazmunini o’zgaruvchan so’z birikmalari yordamida berish [10]. Shunday holatlar bo’ladiki, tarjima tilida asliyat tiliga ekvivalent va o’xshash frazeologik birikma topilmaganda tasviriy yo’l bilan tarjima qilinadi. Milliy so’zlarni tarjima qilishda ham so’zlar ma’lum bir belgilariga ko’ra tasvirlangan holda tarjimaga ko’chadi. Quyidagi so’zlar ham shunday tarjima qilingan:

“There was a small but really heavy *iron box* in the sack” [3, 2019, 10].

“Tohir gapning ichida uncha katta bo’lmagan *po’lat sandiq* borligini sezdi” [4, 2018, 11]

“A dagger was hanging on Takhir’s belt which encompassed his wet homespun *striped shirt*” [3, 2019, 5]

“Tohir yomg’irda ho’l bo’lib, badaniga yopishib turgan qalami *yaktak* ustidan xanjar taqib olgan edi” [4, 2018, 7]

“And the next day he went to see his father at his *“shelter of solitude”*” [3, 2017, 434]

“Yana ikki kundan so’ng otasini borib ko’rish uchun *xobgohidan* chiqdi” [4, 2018, 535]

Shunday holatlar bo’ladiki, har bir tarjimon milliy so’zlarni tarjima qilishga turlicha yondashadi. Ayrim tarjimonlar ham borki, ular milliy bo’yoqdan holi bo’lgan va, tarjima tilida o’zlarining ma’no va vazifalari jihatlaridan uyg’un ekvivalentiga ega bo’lgan vositalarni ham milliylikini saqlab qolish maqsadida transliteratsiya usulida tarjima qilishadi. Masalan, birgina “ayvon” so’zi tarjimasining transliteratsiya va transkripsiya usulida 3 xil variantini sanash mumkin:

Ayvan [7, 2008]

Aivan [5, 2017]

Iwan [8, 2016]

“Hovuz” so’zi ham tarjimaga 3 xil ko’chgan:

Hovuz-reservoir (o’zbekcha realiya inglizcha realiya bilan almashtirilgan), [7, 2008]

Hovuz-haouze (transkripsiya), [7, 2008]

Hovuz-hauz (transkripsiya), [8, 2016]

Xulosa qilib aytganda, milliy so’zlarni tarjima qilish jarayonida tarjimondan ushbu usullarning yutuq va kamchiliklarini hisobga olib milliy koloritni saqlagan holda tarjima qilish talab etiladi. E.Ochilov ham o’zining “Badiiy tarjima masalalari” kitobida asar tarjimasida milliy koloritni saqlab qolishga bag’ishlangan qismini “Muammolar muammosi” deb atagani bejiz emas, albatta. Shunday ekan, tarjima usulini tanlashda matnning uslubiy hamda janr xususiyatlaridan kelib chiqib tarjima qilish, ayniqsa ahamiyatlidir.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mo’minova A. “Aka-uka Grimlarning “Katze und maus in gesellschaft” ertagida yurish-harakat fe’llarining qo’llanilishi va ularning o’zbek tiliga tarjimasidagi o’ziga xos birliklar” maqolasi, “Til, madaniyat, tarjima va muloqot” Respublika ilmiy-ommaviy konferensiyasi materiallari- Samarqand, 2016-2017 noyabr.

2. Q.Musayev “Tarjima nazariyasi asoslari”-Toshkent, 2005.

3. P.Qodirov "Starry nights Babur"-Samarqand, 2019.
4. P.Qodirov "Yulduzli tunlar"-Toshkent, 2018.
5. A.Qodiriy "Days gone by"-Toshkent, 2017.
6. A.Qodiriy "O'tkan kunlar"-Toshkent, 2014.
7. Arapov A.V "Samarkand masterpieces of Central Asia"-Toshkent-Moskva, 2008.
8. Bakiyev F "Gid ekskursovodlik matnlarida ekvivalentsiz birliklar tarjimasi" maqolasi, "Til, madaniyat, tarjima va muloqot" Respublika ilmiy-ommaviy konferensiyasi materiallari- Samarqand, 2016-2017 noyabr.
9. E.Ochilov "Badiiy tarjima masalalari"-Toshkent, 2014.

## “NAVODIR UN-NIHOYA” ASARINING LINGVOSTATISTIK TAHLILI

Nu'monova Dilafuz Mohirjon qizi  
Qo'ziyev Umidjon Yandashaliyevich  
Namangan davlat uniersiteti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Alisher Navoiyning “Navodir un-nihoya” asarini lingvostatistik tomondan tadqiq etiladi. Tadqiqotda nomlovchi birliklarning chastotasi o‘rganiladi.

**Kalit so‘zlar:** Lingvostatistika, tilshunoslik, soha, kompyuter, metod, matn, usul, tizim, ijtimoiy, birlik, nom.

## LINGUISTATICAL ANALYSIS OF "NAVODIR UN-NIHOYA"

Numonova Dilafuz Mohirjon qizi  
Kuziyev Umidjon Yandashaliyevich  
Namangan State University

**Abstract:** This article examines Alisher Navoi's Navodir un-nihoya from a linguistic-statistical point of view. The study examines the frequency of nominal units

**Key words:** Linguostatistics, linguistics, field, computer, method, text, method, system, social, unit, noun.

Lingvostatistika tilshunoslikda yangi sohalardan biri bo‘lib, u kompyuter yordamida amalga oshiriladigan metod hisoblanadi. Lingvostatistika matnni o‘rganishning o‘ziga xos usulidir.[1] Til o‘ziga xos tizimga ega bo‘lgan ijtimoiy hodisa bo‘lganligi tufayli til birliklari muayyan tizimda joylashgan bo‘ladi. Lingvostatistik tahlil imkoniyatlari til birliklarining qonuniyatlarini kuzatish va shu kuzatish natijalarini qayta ishlash jarayonida aniqlanadi. [2]

Lingvistik material yuzasidan mukammal lingvostatistik tadqiqotlar olib borishda lingvostatistik metod muhim hisoblanadi. Asarlarni o‘rganishda, tadqiq etishda lingvostatistik metod muhim hisoblanadi. Lingvostatistika – asar tilini o‘rganish uchun muhim. Hozirgi zamon tilshunosligida til qonuniyatlarini yaxlit tizim sifatida tadqiq etish uchun lingvostatistik kuzatishlarga katta ehtiyoj sezilmoqda. Amaliyotda mazkur usulni tatbiq etish uchun lingvistik kuzatishlar mobaynida aniq faktlarga tayaniladi.[3] Chunki matn o‘z-o‘zini tashkil etuvchi ochiq sistema sifatida hozirgi davrda mavjud bo‘lgan leksik, Grammatik va fonetik axborotlarni statistik saqlash tizimi hisoblanadi.[4]

Alisher Navoiyning "Navodir un-nihoya" asarida tarixiy, adabiy, mifologik shaxs nomlari va geografik, etnik nomlar faol qoʻllangan hisoblanadi. Ushbu maqolada ana shu nomlar lingvostatistikasi oʻrganiladi. Bunday nomlar asarda 112 tani tashkil etadi. Bu nomlarning 54,4%ini tarixiy, adabiy, mifologik shaxs nomlari tashkil etadi, absolut chastotaga koʻra 61 tani tashkil etadi. Geografik va etnik nomlar esa 45,5%ni tashkil etadi, ularning absolut chastotasi 51tadir.

$$\chi^2 = \sum \frac{(O - E)^2}{E}$$

Ushbu formula yordamida asarda qoʻllangan nomlovchi birliklarni tadqiq etamiz.

*Tarixiy, adabiy, mifologik shaxs nomlari*

№	Nomlar	Absolut chastota	Nisbiy chastota
1	Ayoz	1	1,63%
2	Ayyub	1	1,63%
3	Anas	2	3,27%
4	Anqr	1	1,63%
5	Aflotun	1	1,63%
6	Afridun(Faridun)	3	4,91%
7	Asas	1	1,63%
8	Ahmadi Mursal	1	1,63%
9	Ahraman	1	1,63%
10	Bahrom	1	1,63%
11	Barhaman	1	1,63%
12	Bishr	1	1,63%
13	Bilol	1	1,63%
14	Buzar	2	3,27%
15	Vomiq	1	1,63%
16	Yefas	1	1,63%
17	Jabrail	1	1,63%
18	Jam, Jamshid	12	19,6%
19	Joʻji	1	1,63%
20	Zulayxo	1	1,63%
21	Zulqarnayn	1	1,63%
22	Zuhal	2	3,27%
23	Iso	10	16,3%
24	Iskandar	1	1,63%
25	Kayxusrav	1	1,63%
26	Layli (Laylo)	19	31,1%
27	Majnun	98	160,6%
28	Malik shohi Soniy	1	1,63%
29	Maryam	3	4,91%

30	Masih	30	49,1%
31	Musai Umron	1	1,63%
32	Muso	1	1,63%
33	Mushtariy	1	1,63%
34	Moniy	1	1,63%
35	Musallo	1	1,63%
36	Nohid	1	1,63%
37	Nuh	3	4,91%
38	Odam	1	1,63%
39	Parvez	5	8,19%
40	Parvin (Hulkar)	2	3,27%
41	Sayyidjamoliddin	1	1,63%
42	Skandar	4	6,55%
43	Som	1	1,63%
44	Sulaymon	1	1,63%
45	Suxayb	1	1,63%
46	Suxayl	1	1,63%
47	Utorud	2	3,27%
48	Farhod	47	77,04%
49	Fuzayl	1	1,63%
50	"Xamsa"	1	1,63%
51	Xizr	1	1,63%
52	Xotam	1	1,63%
53	Xusrav	2	3,27%
54	Xusraviy G'oziy (G'oziy)	5	8,19%
55	Shirin	14	22,9%
56	Shohjahon	1	1,63%
57	Shuayb	1	1,63%
58	Yusuf (Yusufi Kan'on)	11	18,03%
59	Ya'qub	1	1,63%
60	Qorun	3	4,91%
61	Zuhra	2	3,27%

Nisbiy va absolut chastotalarning ko'rsatkichiga ko'ra Majnun nomi eng faol chastotaga ega bo'lgan birlik ekanligi ma'lum bo'ldi.

*Geografik va etnik nomlar*

№	Nomlar	Absolut chastota	Nisbiy chastota
1	Ajam	1	1,96%
2	Amu	2	3,92%
3	Arab	3	5,88%
4	Armani	2	3,92%
5	Aras	1	1,96%
6	Arlot	1	1,96%
7	Asas	1	1,96%

8	Astrobod	2	3,92%
9	Atrok	1	1,96%
10	Badaxshon	1	1,96%
11	Barlos	3	5,88%
12	Bag'dod	1	1,96%
13	Bog'ijahon	1	1,96%
14	Bog'izag'on	1	1,96%
15	Bog'isafid	1	1,96%
16	Bog'i Eram	1	1,96%
17	Dajla	1	1,96%
18	Jayxun	3	5,88%
19	Ibro	1	1,96%
20	Iroq	1	1,96%
21	Kan'on	2	3,92%
22	Ka'ba	16	31,3%
23	Kish	1	1,96%
24	Marv	1	1,96%
25	Mari	1	1,96%
26	Misr	1	1,96%
27	Mozandaron	1	1,96%
28	Oltoyi	1	1,96%
29	Rost	1	1,96%
30	Tarxon	2	3,92%
31	Totor	1	1,96%
32	Turk	1	1,96%
33	Tubut	1	1,96%
34	Xabash	1	1,96%
35	Xallux	1	1,96%
36	Xiton (Xito)	1	1,96%
37	Xomun	1	1,96%
38	Xuroson	3	5,88%
39	Xo'tan	1	1,96%
40	Shahna	3	5,88%
41	Shat	1	1,96%
42	Charkas	1	1,96%
43	Chin	5	9,80%
44	Chig'atoy	1	1,96%
45	Ya'juj	1	1,96%
46	O'zbek (o'zbek)	1	1,96%
47	Haybar	1	1,96%
48	Hijoz	3	5,88%
49	Hindu	4	7,84%
50	Hiriy (Hiro)	2	3,92%
51	Husayni (mazhab)	1	1,96%



Nisbiy va absolut chastotalarning ko'rsatkichiga ko'ra Ka'ba nomi eng faol chastotaga ega bo'lgan birlik ekanligi ma'lum bo'ldi.

Tahlillardan ko'rinadiki, bugungi kunda lingvostatistik jihatdan o'rganiladigan, tadqiq etiladigan noyob asarlarimiz bisyor. Lingvostatistik tahlil yordamida shoir nutqida faol qo'llaniluvchi birliklar haqida talaygina ma'lumotga ega bo'lish mumkin. Bugungi kunda o'zbek tilshunosligida ham bu sohada bir qancha tadqiqotlar amalga oshirilmoqda.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. S.Muhamedova, M.Saparnizoyova. Matn lingvistikasi. T – 2011. -B. -85,-86.
2. Piotrovskiy R.G. Informatsionnoe izmerenie pechatnogo teksta Entropiya yazika i statistika rechi. –Minsk, 1966. -S.5-86.
3. S.Muhamedova, M.Saparnizoyova. Matn lingvistikasi. – Toshkent, 2011. -B. -85, -86.
4. O'rinboyeva D.B., Xalq og'zaki ijodi: Janriy-lisoniy va lingvostatistik tadqiq muammolari. Avtoreferat. Samarqand – 2019. –B. 19.

## **CORRUPTION – IS THE GREAT OBSTRUCTION FOR PROGRESSING GOVERNMENT AND COUNTRY**

Nodirbekov Furqatbek Umarjon o'g'li  
Andijan State University

**Abstract:** This paper gives a reasonable explanation about corruption and its causes, the role of Uzbekistan in the ranking of international anti-corruption organizations, cooperation in the fight against corruption in the international arena, measures to prevent corruption and the laws adopted, the mechanism of their implementation are described in detail.

**Keywords:** Corruption, Transparency International, OLAF, social phenomenon, convention, reactive measure, "honesty vaccine", shadow economy, public sector, public scrutiny.

### *Introduction*

We must admit that independence gave us peace and tranquil life and gave a chance to reach our aims. It is not a secret that we arrived to these days through difficulties and behind of this we are witnessed to hard works which is worthful to praise. Today when we draw our attention to all field, it testifies that our industrious people are giving their heart for their motherland.

Indeed, we have to proud of people who are working hard for advancing our country. However, existence of some people who play prank and abuse their position and breaching government property is a poignant state. Our former President Islam Karimov discussed bribe and corruption in his book which is called "Uzbekistan is at the threshold of the XXI century: attack to safety, rules of stability and insurance of progress" and said that "Increasing illegality and corruption erodes the constitutional basis of the country, lead to breaking people's law and freedom solemnly. He emphasizes that unfit law such as aim for enforcing laws is breaking them and not to act to the laws is lead to deprivation from capability of saving the country's order and the simplest judicial order" [2].

There are two sided connection between corruption and cause which evokes it. Initially, we can put limit and decline its spreading through tackling causes and condition. Secondly, to solve this this problem struggling for corruption helps. It is indicated that in every condition people are hurting and injured from corruption. Therefore this problem is considered global and some program and other judicial norms have already taken into consideration.

### *Materials and Methods*

What is corruption? Corruption is putting private blessing irrespective of service job or striving toward others grade and outlawing in order to earn illegal money and presenting illegally [3]. Corruption activity is the most predominant kind of the secret economy. In some cases when corruption is said, we realize that taking bribe of the state workers in order to their private position and making a fortune.

However, not only state workers, but also citizens are participants of wrongful condition and they may implement it through exchanging things and they satisfy their requirements from this. Indeed, root of corruption is a social event which is linked with defects which forms the state service and psychology of the state servants. This include taking administrative and organizational measures.

Corruption is a spooky power which captures through some detrimental ways. It devastates the democracy and law predominance base and obstructs to the market progress, declines life quality and helps to increase terrorism and crime which menaces to the people's life. You encounter to this condition in every country irrespective of big or large, poor or wealthy.

As mentioned above, corruption harms country and government's political and economic growth, weaken supreme of law and constitutional basis of the state and it can lead to devastation of violating the rights of people. In order to organize through the world standard for struggling corruption, in 2008 Uzbekistan ratified "Convention against corruption" which is United Nations Organization enforced in 13 october,2003 year and additionally Uzbekistan implemented law about joining to the convention which is against taking bribe of UNO. In 2017 3 January and 2019 year 27 may Uzbekistan implemented law and decree about "Struggling against corruption" and "Consolidating struggle system in Uzbekistan" and according to this decree in 2019-2020 years state program is enforced in order to struggle against it.

As we know, corruption is spreading quickly in these days. If not only protecting systems of the law and rights but also everyone bring together and struggle, we will reach to high results. In the proclamation of President of the Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev which is aimed at Oliy Majlis he emphasized that "If the best specialists and citizens are not enticed for competing with corruption and never be vaccinated with honesty, we can not attain our goals. We must pretend it early rather than struggling with the results of corruption [4].

Due to the historical and modern practice and events in modern countries assist us to depict danger which comes from corruption. In 2017 7 February our President Shavkat Mirziyoyev declared "Actions strategy which is pointed to advancing Uzbekistan" and it is crucial and has great importance according to seizure mechanisms for preventing corruption.

According to the information of "Transparency international" company which works for corruption problems, because of corruption and taking bribe more than one

trillion dollar is accelerated. That is why without a doubt we can say corruption pest of advancement.

One of the global problems which UNO working on it is considered organizing program which is compromised through countries and "Convention against corruption" which came to force in 2005 December is national, legal document and its project has been discussed through 130 countries for 2 years. In it accelerating national and global struggle for corruption and its mechanisms is pointed.

After reaching independence and pacing to the progress, we pledge to erect democratic government and country which is based on free market attitude. However, when every country pass to the new social life, they face up to this unease. In 2019, 27 may law was enforced about "Strengthening system for struggling to the taking bribe and corruption" by our President Shavkat Mirziyoyev. This document is aimed at progressing struggle system, creating the most convenient business atmosphere and raising our country's dignity in international area.

According to decree in 2019 and 2020 years program for struggling against corruption is accepted and under the command of chairman of the senate Tanzila Narbayeva new composition for commission which is through republic and via administration is conformed.

In the composition of council of city and town deputies, council of Tashkent and province deputies Top council of Republic of Qaraqalpagistan [JUQORIGI KENGESI] is commission organized due to compete with corruption. They give information regularly about systemic problems which cause to corruption, knowing about conditions of the corruption complexly to the committee of Oliy Majlis which is working with rights and struggling with corruption and make an offer. State management organs and head chairs of local executive power organs are peached when they commit corruption and do not find out danger clearly and commit crime repeatedly.

In educational areas complex remedies have been being done related to preventing corruption and instructing legal education from the 1<sup>st</sup> September of 2019 year. Apart from this, in the syllabus of schools, colleges and universities themes related to this branch were reinforced. In order to the experiments, chief and foreign leaders were enticed and in higher education major construction work, project has been done which is called "branch which is remote from corruption" from 2019 year 1<sup>st</sup> august and this project is being implemented to the other branched gradually from 2020-year 1<sup>st</sup> April.

Additionally, "Road map" project is created in order to use mechanism of public monitoring beneficially. From this project strengthening role of Oliy Majlis and political parties, perfecting prestige of law-enforcement agencies in front of Oliy

Majlis and enforcing sufficient and transparent ways for providing participation of citizens is implied [5].

"Those who buy power for money want to benefit from it," said the philosopher Aristotle. How much water has flowed since the time of the ancient Greek philosopher. However, the problem of corruption has never lost its relevance. Moreover, no effective weapon has been created to combat it.

Corruption is broadly defined as the abuse of power and position by officials in the name of personal and group interests. The threat of corruption to healthy social relations began to be discussed more in the last quarter of the twentieth century, first at the national level and then at the international level. It began to be studied not only as a legal, but also as a social, psychological and political concept. Anti-corruption includes anti-corruption or anti-corruption activities. Just as corruption takes many forms, so does the scale and strategy of fighting corruption. Sometimes there is a general difference between preventive and reactive measures. In this context, investigative agencies and their attempts to detect corruption are treated as a reaction, while information on the negative impact of corruption or internal administrative compliance programs are classified as before.

Corruption is a negative social phenomenon that occurs and develops under the influence of socio-economic, legal and political factors and has its own psychological basis. In a society where corruption is rampant, there can be no question of the rule of law. It is clear that human rights are being violated. The historical processes reflected in the pursuit of social progress in foreign countries in the second half of the last century show that the effectiveness of reforms in the country is based on the successful fight against corruption, first of all, the goals of the ruling forces, compliance with democratic requirements. depending on the ability to go. In the absence of any of these positives, it has also had a negative impact on the social development reforms of states.

Hindistonda boshlang'ich va o'rta ta'lim majburiydir. Maktabgacha ta'lim 2 yil davom etadi. Maktab 10 yil davomida o'qidi. O'rta maktabni tugatgandan so'ng, kollejda kasb-hunar ma'lumotini olishingiz va universitetga kirishga tayyorgarlik ko'rishingiz mumkin. Mutaxassislikka qarab, u erda o'qish 6 oydan iborat bo'ladi. 3 yilgacha.

Keyingi bosqich - bu oliy ma'lumot. Hindistonda 700 dan ortiq universitetlar mavjud. Moliyalashtirish turiga qarab, ular uch turga bo'linadi.

1. Xususiy Ular davlatdan mustaqillik bilan ajralib turadi;
2. Markaziy. Hindiston oliy ta'lim bo'limiga bo'ysunadi;
3. Mahalliy. Davlat qonunlariga muvofiq ishlash.

Hindiston universitetlari uch bosqichni o'z ichiga oladi:

1. Magistratura. Ilmiy daraja asosiy o'quv dasturini tugatgandan so'ng beriladi;
2. Ustoz Buning uchun chuqur o'qitish va ilmiy ish yozish kerak. Qabul qilishning minimal yoshi - 21 yosh;
3. Doktorantura. 3-4 yillik o'qishdan va dissertatsiyani himoya qilganingizdan so'ng doktorlik dissertatsiyasini olishingizga imkon beradi.

Masofaviy ta'lim keng tarqalgan. O'zingizning mamlakatingizdan chiqmasdan bepul ma'ruzalar va bitiruv kurslarida qatnashish imkoniyatini Milliy Ochiq Universitet taqdim etadi *Indira Gandhi (IGNOU)*.

Kunduzgi o'qish bilan bir qatorda, ko'plab hind universitetlari masofaviy o'qishni (ham alohida maxsus kurslar darajasida, ham to'liq oliy ma'lumot olish darajasida), shu

jumladan chet ellik talabalar uchun ham taklif etadilar. Masofaviy o'qitish dasturlari, shuningdek, bunday dasturlarni tayyorlash uchun maxsus yig'ilgan bir nechta universitetlar bazasida mavjud (masalan, Madras, Kalkutta va Mumbay universitetlari "Virtual Universitet" savdo markasi ostida masofaviy o'qitish qo'shma dasturlari).

Hindlar uchun universitetda o'qish pulli yoki bepul bo'lishi mumkin, bu nafaqat ta'lim darajasiga bog'liq bo'lishi mumkin (bir qator bepul universitetlar va joylar mavjud, imtihonlarda eng yuqori ball to'plagan talabalar avtomatik ravishda o'qish uchun stipendiyalar olishlari mumkin). talabani kelib chiqishi (turli ijtimoiy guruhlar, regtonlar, qabilalar va boshqalar vakillari uchun joylar uchun kvotalar tizimini ishlab chiqqan).

Chet elliklar orasida Hindiston universitetlari uzoq vaqtdan beri mashhurdir. An'anaga ko'ra, Janubiy Osiyoning qo'shni mamlakatlaridan, shuningdek Afrika qit'asidan ko'plab talabalar Hindistonga o'qish uchun kelishadi. An'anaga ko'ra dunyoning barcha mamlakatlaridan kelgan talabalar Hindistonga o'qishga Hindistonning dunyoda etakchi mavqega ega bo'lgan joylariga (birinchi navbatda, axborot va innovatsion texnologiyalar sohasiga) tashrif buyurishadi. Bunga ko'p jihatdan oliy ta'lim sohasidagi puxta o'ylangan siyosat - ingliz tilida o'qitish, xalqaro diplomlar, o'qish va mamlakatda yashash uchun maqbul narxlar yordam beradi.

Chet elliklar uchun kirish talablari ma'lum bir ta'lim muassasasiga yoki tanlangan kursga bog'liq ravishda katta farq qilishi mumkin, ammo deyarli barcha yirik federal universitetlar chet ellik talabalar uchun bakalavr (BA), magistratura (MA) bosqichlarida o'qish uchun dasturlarni taklif qilishadi. Shuningdek, maxsus mutaxassisliklar va yozgi maktablar uchun qisqa muddatli mashg'ulotlar tizimi ishlab chiqilgan. Ba'zi hollarda, chet ellik talabalar o'qish uchun stipendiya olish imkoniyatiga ega bo'lib, uni nafaqat universitetdan, ham xususiy yoki davlat mablag'laridan olish mumkin. Ushbu ko'plab imkoniyatlar to'g'risida barcha ma'lumotni qiziqtirgan universitetlarning veb-saytlarida topish mumkin.

Shuningdek, Hindistonda tanlov asosida ishlaydigan chet elliklar uchun davlat tomonidan homiylik qilinadigan o'quv dasturlari mavjud. Dunyo bo'ylab bunday dasturlarning asosiy muvofiqlashtiruvchisi Hindiston madaniy aloqalar kengashi (ICCR) hisoblanadi.. Shu bilan birga, potentsial talabalarga grant olish uchun keng imkoniyatlar taqdim etiladi - ikkalasi ham to'laqonli o'quv kursi (ICCR stipendiyasi) uchun, shuningdek Hindiston texnik va iqtisodiy hamkorligi (ITEC dasturi) doirasida muayyan mutaxassisliklar bo'yicha qayta tayyorlash yoki malaka oshirish uchun qisqa muddatli kurslar. ICCR grant tanlovi har yili o'tkaziladi, odatda qishda, siz yiliga bir necha marta ITEC grantiga ariza topshirishingiz mumkin.

Shuni ta'kidlash kerakki, Hindistonning stipendiya dasturlari nafaqat fundamental fanlar bilan shug'ullanadigan talabalar, balki ijodiy mutaxassisliklarni o'rganayotgan

talabalar uchun ham qiziqarli bo'lishi mumkin. Hindiston hukumati Hindistonning raqs, musiqa va boshqa maktablarida o'qish uchun grantlar ajratmoqda.

Mamlakatimizda ta'lim borasida olib borilayotgan islohotlar bilan bir paytda o'zga davlatlarning ta'lim tizimini o'rganish foydadan holi bo'lmaydi albatta.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Madalimov, T. (2019). Qadimgi Xindistonдаги Ная фалсафий мактабининг билиш муаммолари. *Фалсафа ва ҳуқуқ*, 1(13), 33-36.
2. Madalimov, T. (2020). Qadimgi Xitoyda mantiq ilmining shakllanishi. *Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi*, 5(1), 51-52.
3. Madalimov, T. (2020). Qadimgi Hindistonda mantiq ilmining shakllanishi. *Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi*, 2(2), 37-39.
4. Madalimov, T. (2020). Мирзо Ғолиб фалсафасига қадимги ҳинд фалсафий мактабларининг таъсири. *Tamaddun nur*, 1(1), 52-55.
5. Madalimov, T., Akhatov, L., Xaytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review*, 1(1), 29-32.
6. Madalimov, T., Karimov, N., Is'haqov, M., Sulaymonov, J., & Alimova, R. (2019). Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith. *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)*, 9(1), 593-599.
7. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). THE PROBLEM OF TOLERANCE IN ORIENTAL PHILOSOPHY. *JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.
8. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). the PROBLEM of HUMAN PSYCHOLOGICAL CRISES in the VIEWS of EMIL DURKHEIM. *НАУКА ОБРАЗОВАНИЕ И КУЛЬТУРА*, 50(6), 50-57.
9. Madalimov, T., Mullajonov, I., Pulatov, S., Qodirov, M., & Valiyev, L. (2020). Some Characteristics of Modern Indian Philosophy. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 2(11), 47-49.
10. Xaytmetov, R., Akhatov, L., & Madalimov, T. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2(1), 53-61.
11. Xaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The spiritual connection of Sufism and Tolerance in the works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 1(2), 1-4.
12. Madalimov, T. A. (2019) "PROBLEMS OF KNOWING THE NYAYA PHILOSOPHY SCHOOL IN ANCIENT INDIA," *Central Asian Problems of Modern Science and Education: Vol. 4 :Iss. 2*

## References

1. Madalimov, T. (2019). Қадимги Ҳиндистондаги Няя фалсафий мактабининг билиш муаммолари. *Фалсафа ва ҳуқуқ*, 1(13), 33-36.
2. Madalimov, T. (2020). Qadimgi Xitoyda mantiq ilmining shakllanishi. *Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi*, 5(1), 51-52.
3. Madalimov, T. (2020). Qadimgi Hindistonda mantiq ilmining shakllanishi. *Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi*, 2(2), 37-39.
4. Madalimov, T. (2020). Мирзо Ғолиб фалсафасига қадимги ҳинд фалсафий мактабларининг таъсири. *Tamaddun nur*, 1(1), 52-55.
5. Madalimov, T., Akhatov, L., Haytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review*, 1(1), 29-32.
6. Madalimov, T., Karimov, N., Is'haqov, M., Sulaymonov, J., & Alimova, R. (2019). Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith. *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)*, 9(1), 593-599.
7. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). THE PROBLEM OF TOLERANCE IN ORIENTAL PHILOSOPHY. *JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.
8. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). the PROBLEM of HUMAN PSYCHOLOGICAL CRISES in the VIEWS of EMIL DURKHEIM. *НАУКА ОБРАЗОВАНИЕ И КУЛЬТУРА*, 50(6), 50-57.
9. Madalimov, T., Mullajonov, I., Pulatov, S., Qodirov, M., & Valiyev, L. (2020). Some Characteristics of Modern Indian Philosophy. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 2(11), 47-49.
10. Haytmetov, R., Akhatov, L., & Madalimov, T. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2(1), 53-61.
11. Haytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The spiritual connection of Sufism and Tolerance in the works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 1(2), 1-4.
12. Madalimov, T. A. (2019) "PROBLEMS OF KNOWING THE NYAYA PHILOSOPHY SCHOOL IN ANCIENT INDIA," *Central Asian Problems of Modern Science and Education: Vol. 4 :Iss. 2*

## СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ ХОРЕОГРАФИЧЕСКОГО ИСКУССТВА В РЕСПУБЛИКЕ КАРАКАЛПАКСТАН

Аманбаева Инжигул  
Нукусский педагогический колледж  
Айтаков Темур  
Нукусская специализированная школа культуры

**Аннотация:** Танец - это вид искусства, зародившийся в глубокой древности и играющий с тех пор большую роль в жизни общества. Искусство танца жизнеутверждающе. Оно живет во имя человека, во славу его, воспекает его величие и здоровый дух.

**Ключевые слова:** Танец, искусство, эпос, мифы, наскальные рисунки, вакопись, танцующие в скульптурных композициях, хореографические композиции.

## QORAQALPOQ RESPUBLIKASIDA XOREOGRAFIK SAN'ATNING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI

Amanbaeva Injigul  
Nukus pedagogika kolleji  
Aytakov Temur  
Nukus ixtisoslashtirilgan madaniyat maktabi

**Annotasiya:** Raqs - qadimgi davrlarda paydo bo'lgan va shu vaqtdan boshlab jamiyat hayotida muhim rol o'ynagan san'at shakli. Raqs san'ati hayotni tasdiqlaydi. Bu inson nomidan yashaydi, uning ulug'vorligi, buyukligi va sog'lom ruhini ulug'laydi.

**Kalit so'zlar:** Raqs, badiiy, epik, afsonalar, tosh rasmlari, vaza rasmlari, haykaltarosh kompozitsiyalarda raqslar, xoreografik kompozitsiyalar.

## FORMATION AND DEVELOPMENT OF CHOREOGRAPHIC ARTS IN THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN

Amanbaeva Inzhigul  
Nukus Pedagogical College  
Aytakov Temur  
Nukus Specialized School of Culture

**Abstract:** Dance is an art form that originated in ancient times and has since played an important role in the life of society. The art of dance is life-affirming. It lives in the name of man, for his glory, glorifies his greatness and healthy spirit.

**Keywords:** Dance, art, epic, myths, rock paintings, vase painting, dancing in sculptural compositions, choreographic compositions.

Искусство - это объемное и широкое понятие. Это область человеческой деятельности, в которой осуществляется духовно-образное отражение мира средствами художественно-эстетического творчества... Искусство начинается тогда, когда человек снова вызывает в себе чувства и мысли, испытанные им под влиянием окружающей его действительности, придает им известное образное выражение. Искусство - это универсальная модель творчества.

Танец - это вид искусства, зародившийся в глубокой древности и играющий с тех пор большую роль в жизни общества. Искусство танца жизнеутверждающе. Оно живет во имя человека, во славу его, воспевает его величие и здоровый дух. Как сказал К. Голейзовский: «Искусство без мысли и вдохновения, какова бы ни была его внешность, - не существует». [1.С.34].

Осмыслить природу танца, закономерности его развития и место в культурной жизни общества, понять, изучить специфику хореографии, как самостоятельного явления, невозможно, не зная истоков зарождения этого вида искусства. Все имеющиеся археологические данные, эпос, мифы, наскальные рисунки, вазапись, бесчисленные изображения танцующих в скульптурных композициях, в барельефных рисунках и другие источники свидетельствуют и рассказывают о широком распространении танцев, об их характере еще во времена древнего мира. Так, описания древнегреческих танцев можно встретить у Аристотеля, Филострата, в трагедиях Эсхила, Софокла, Еврипида, в комедиях Аристофана и у многих других античных авторов. Целый трактат «Диалог о танце» написал Лукиан. О танцах римлян писали Цицерон и Гораций.

В древних цивилизациях танцу принадлежала большая общественная и идеологическая роль. Много упоминаний о танцах содержится в Библии (например, в сказаниях о царе Давиде, который «скакаше и плясаше»). Как и музыка, танец нередко получал космогоническую трактовку, глубокое философское осмысление, рассматривался как раскрытие сущности вещей. Музыка и танцу придавался оттенок исключительности, недоступности, а происхождение танца считалось божественным. В Древней Индии танец нередко называли искусством богов. Согласно индуизму, создателем и первым исполнителем их являлся бог Шива. В своей ипостаси Натараджа он, исполняя космический танец, уничтожил во Вселенной все старое и одновременно

открыл новый цикл жизни. В Древней Греции многообразные плясовые формы были тесно связаны с культом бога Диониса: обряды, шествия и таинства, носившие массовый характер, представляли собой своеобразные хореографические композиции. [2.С.231].

Некоторые из древних форм танца зародились в процессе практической трудовой деятельности человека: процесс труда обнаружил значение ритма; движения, подчиненные ритму, породили пляску, которая и является одним из наиболее ранних проявлений культуры. «Пляски развивают гибкость, силу и красоту» - так говорил Платон. Аристотель определял смысл пляски следующими словами: «Пляска подражает своими ритмичными движениями нравам, страстям и обычаям и воплощает невидимую мысль». Безусловно, народные пляски того времени не дошли до нас в своем первоначальном виде. Однако дошедшие до нас памятники искусства и литературы показывают, какое большое значение всегда имел танец в жизни человека. Например, воинственные пляски, как и все первобытные танцы, были непосредственно связаны с магическими ритуалами, с верой человека в то, что, вызвав образ победы в пляске, он затем одержит ее в действительном столкновении с врагом.

Возникнув из многообразных движений и жестов человека, связанных с разными процессами деятельности и эмоциональными впечатлениями от окружающего мира, танец с давних пор стал выражением различных душевных состояний человека (радостных и печальных, интимных, лирических и празднично-торжественных) и средством идейно-эмоционального воздействия. Например, охваченный ликованием человек пускается в пляс; бьющая через край радость жизни, ощущение здоровья, наслаждение бытием выливаются в энергичные движения. Так, еще раскопки времен неолита показали, как в танце человек изображал чувства и события, важные для его жизни. Уже в те времена искусство танца приобретало общественное звучание. [3.]

Изначально танец находился в единстве со словом и музыкой, но постепенно стал вычлениваться из синкретичного искусства, приобретая устойчивые формы. Движения изменялись, подвергались художественному обобщению, в результате чего и сформировалось искусство танца, одно из древнейших проявлений народного творчества. Основные выразительные средства танцевального искусства - это гармоничные движения и позы, пластическая выразительность и мимика, динамика, темп и ритм движения, пространственный рисунок, композиция. Огромную роль играют также костюм, театральные реквизиты, выразительные средства драматургии, которые существенно обогащают и конкретизируют танец, придают ему особую силу воздействия. Но, пожалуй, прежде всего, никакой танец немислим без музыки,



усиливающей выразительность движений и жестов танцующих, эмоциональный строй танца в целом.

Танец, возникший как жанр прикладного назначения, всегда был прочно связан с определенными условиями его исполнения и восприятия, с конкретной жизненной ситуацией. Так, к примеру, обязательная составная часть богослужения - культовые пляски обладали величественным, строгим, торжественным характером; движения и музыка в них зачастую были строго регламентированы и обусловлены особенностями церемонии. Возникнув в недрах бытового искусства, они в дальнейшем значительно выходили за рамки прикладного жанра, требовали для своего исполнения профессионалов в области танца и музыки. Среда и обстоятельства, в которых возникал тот или иной танцевальный жанр, играли огромную роль не только при его зарождении, но и в дальнейшем развитии, в формировании особенностей хореографического искусства. С самого зарождения танцевальной культуры любого народа происходит взаимосвязь с другими видами искусства и взаимовлияние различных жанров. [4.С.323-325]

На развитие хореографии как самостоятельного вида искусства повлияло формирование танцевальной культуры народов мира, которое происходило под воздействием труда человека, его жизни, климатических, географических условий, общественного строя, религиозных убеждений. Танцевальная культура (наряду с песней) наиболее непосредственно связана с бытом и подвержена влиянию моды. В ее образном содержании преломляются стандарты вкуса и эстетической нормы каждой эпохи; в экспрессии танцевальной музыки отражаются и облик людей данного времени, и манера их поведения. Основой, объединяющей, собирающей и определяющей все необходимое для создания сценического произведения, является хореография, что позволяет ей выступать в качестве самостоятельного искусства.

Синтетическая природа хореографии как особенного и самостоятельного вида искусства - это закономерный результат его одновременной подчиненности пространственным и временным законам, что является одной из особенностей танца. [5.С.89]

*Хореография* - это определенная целостная сущность. Она имеет много общего, что объединяет ее с другими видами искусства: музыкой, поэзией, живописью, драмой, графикой, и то особенное, что делает ее именно хореографией. Эта особенность проявляется в собственных выразительных средствах хореографии, отличных от всех других видов искусства и создающих хореографическую образность.

Хореографическое искусство имеет свои особенности и отличительные черты. В танце, как и в каждом виде искусства, художественная правда находит

свой специфический, присущий только ему, конкретно-чувственный облик, обусловленный своими выразительными средствами. Выразительные средства танца:

- пластика человеческого тела (движения, позы, жесты, мимика);
- танцевальная лексика (традиционная, образная, естественно-подражательная);
- рисунок танца (пространственная композиция танца);
- музыка;
- сценическое оформление танца (костюм, грим, свет, декорации).

Все эти выразительные средства, составляя единое целое, называются композицией танца.

*Композиция* (от лат. *compositio* - соединение, связь) - это целостная художественно-выразительная система. Это понятие в равной степени относится как к целому хореографическому произведению, так и к определенному танцевальному этюду или танцевальной комбинации. Композиция определяет взаимодействие художественных средств, используемых в хореографическом произведении. Вне единства композиции не существует. Единство - качество, необходимое для композиции. Ее задача - способствовать созданию гармоничных художественных произведений.

Жизнелюбие - неотъемлемая черта характера народности. Это философская концепция хореографии. Отсюда и эстетическое воздействие танцевального искусства, любовь и интерес к нему народа. Вопросы теории хореографии далеко не разработаны. Жизнь хореографического искусства сталкивает нас подчас с нарушениями понимания природы танца, условий его существования. Это видно и по программам ансамблей народно-сценического танца, и по балетным спектаклям, и по целым направлениям хореографического искусства разных стран и периодов. Природа танца, границы его хореографической образности, наличие исторически сложившихся собственных выразительных средств делают неприемлемым служебное подчинение хореографии как драматичным приемам, так и музыкальным, и живописным. Такое подчинение может привести в лучшем случае к иллюстративности, потере целостности и лишению танца права выступать как самостоятельное хореографическое произведение. [6.С. 29–35]

Всякое успешное развитие предполагает, разумеется, знание, в данном случае - знание богатств, сложившихся традиций и закономерностей, определяющих природу этого самобытного художественного явления - хореографического искусства. Сила хореографии именно в том, что она дает отражение действительности, понятное без слов.

Искусство должно потрясать. Если оно не потрясает - это поделка, а не искусство. Если художник не выражает собственного страдания, не несет нам ощущения своей боли - он не может познать, не может излечить боли и страдания другого человека. Настоящее искусство - это всегда сложное искусство. Искусство сближает людей - делает их братьями... Искусство, было, есть и вечно будет необходимым. Оно, безусловно, оказывает свое - пусть очень своеобразное - воздействие на жизнь... Искусство - вечный поиск... Искусство творит чудеса.

Народный танец, безусловно, играет одну из самых важных ролей в сохранении и воспитании человеческих ценностей. Во-первых, данное направление танца воспитывало культуру общественного поведения многие века. Во-вторых, народные танцы, хороводы, пляски прививали любовь к трудолюбию, уважение к традициям, легендам и сказаниям. [7. С.197–201]

Таким образом, проанализировав задачи основных танцевальных направлений, можно сделать вывод о том, что хореография выполняет определённые социально-культурные функции, среди которых регулятивная, которая регулирует нормы поведения, образовательно-воспитательная, связанная с этической направленностью и приобщением индивида к культурному наследию, гуманистическая, которая заключается в развитии творческого потенциала индивида, а коммуникативная способствует взаимодействию людей и формированию общественных отношений между ними.

### **Использованная литература**

1. Авдеева Л. Мукаррама Туғунбоеванинг ракси. -Т.: 1989.
2. Авдеева Л. Ўзбек миллий ракси тарихидан. - Т.: 2001.
3. Азимова О.Н. Звуковой мир каракалпаков. -Т.: 2008.
4. Уснатдинов Ш. Полат Мадреймов – биринши карақалпақ балетмейстери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2011.
5. Renzland P. Traditional Social Dancing. Traditional Social Dance Salon, 2010. Available at: <http://dancing.org/traditional.html> (accessed: 06.08.2016]
6. Ткачук М. А. Социальный танец в системе межкультурной коммуникации // Ойкумена. Регионоведческие исследования. 2012. Выпуск 2 (21). С. 29–35.
7. Черкашина Т. В. Педагогические приёмы развития мотивации в обучении классическому танцу // Вестник Академии Русского балета имени А. Я. Вагановой. 2015. № 3 (38). С. 197–201.

## ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА БАДИИЙ АСАРЛАРГА ИЛЛЮСТРАТИВ РАСМ ИШЛАШНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

Рахматов Жамолиддин Юлдошович  
Самарқанд давлат университети

**Аннотация:** Ушбу мақолада тасвирий санъат дарсларида бадиий асарларга иллюстратив расм ишлашни ўргатиш методикаси ёритилган. Шунингдек, Алишер Навоийнинг “Хамса” асаридаги “Лайли ва Мажнун” достонига ишланган иллюстрация ва “Алпомиш афсонавий қаҳрамон” номли иллюстрациянинг бадиий таҳлили ҳам келтирилган.

**Калит сўзлар:** китоб графикаси, иллюстрация, адабий образ, эстетика, рангтасвир, композиция, сюжет, колорит.

## METHODOLOGY OF TEACHING ILLUSTRATIVE DRAWING ON ART WORKS IN FINE ARTS CLASSES

Rakhmatov Jamoliddin Yuldoshovich  
Samarkand State University

**Abstract:** This article describes the methodology of teaching illustrative painting to works of art in fine arts classes.. There is also an illustration of Alisher Navoi's epic "Layli and Majnun" in "Khamasa" and an artistic analysis of the illustration "Legendary hero of Alpomish".

**Keywords:** book graphics, illustration, artistic character, aesthetics, painting, composition, image, colorit.

Умумий ўрта таълим мактабларидаги ўқув-тарбия ишларининг энг самарали шакли ва услубларини қидириб топиш, ўқувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнида билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада тасвирий санъат дарсларида бадиий асарларга иллюстратив расм ишлашни ўргатиш муҳим ўрин тутди.

Қадимги нодир қўлёзмалар асосида бизгача сақланиб қолган китоблардаги нафис ва мўъжаз расмлар, алоҳида ўзига хос гўзаллик нафосат оламига эга эканлиги билан инсонларни ўзига жалб этади.

Ўрта асрлар Шарқ мамлакатларида яратилган китобларнинг деярли кўпчилиги нақшлар ва рангли расмлар билан безатилгандир.

Тарихдан маълумки китоб графикаси Шарқда ривожланган бўлиб, XV-XVII асрларда мусаввирлардан Камолиддин Бехзод, Махмуд Музаҳҳиб, Султон Муҳаммад, Қосим Али кабилар ижод қилиб шуҳрат қозонганлар. Шунингдек, ҳаттот, наққош, рассом, муқовасоз, зарҳал ҳарф ёзувчи мутахассисларнинг юксак бадиий маҳорати туфайли, китоблар юксак бадиий савиядаги асарлар даражасига етказилган. Бу китобларда миллатимиз тарихи, илм, фан сирлари, улў мутафаккирларнинг фалсафий ва эстетик қарашлари, дoston, рубоийлари ўз аксини топган. Шу боис ҳам жаҳоннинг энг йирик музей ва кутубхоналарида Шарқ китобат санъатининг нодир намуналари сақланмоқда.

Ўзбекистоннинг графикачи рассомлари миллий тасвирий санъатининг бадиий анъаналарини давом эттириб, юксак бадиий савиядаги асарларни яратганлар. Истеъдодли графикачи рассомлар, В.Кайдалов, В.Кедрин, О.Ошейко, И.Кириакиди, И.Икромов, Қ.Башаров, Т.Мухамедов, Н.Ҳакимов, Н.Тен, М.Кагаров, Б.Жалолов ва Ж.Умарбековлар сермазмун ижодлари билан ўзбек китоб графикаси санъатини ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Китоб графикаси тури дастгоҳ графикасидан фарқ қилиб, у бевосита китоб мазмуни билан боғлиқ бўлади ҳамда уларнинг мақсад ва мазмунини тўлароқ очиб бериш учун хизмат қилади. Китоб мазмунини тасвир орқали ифодалаб тушунишга ёрдам берувчи кўринишлардан бири бу иллюстрациялардир. Иллюстрация - бирон-бир бадиий асар билан боғлиқ бўлиб, шу асар мазмунидаги лавҳанинг тасвирини акс эттирадиган расмдир. Иллюстрациянинг мақсади бадиий асар мазмунининг чуқурроқ очилишига ва таъсирлироқ бўлишига ёрдам беришдир.

Иллюстрация яқин масофадан кўришга мўлжалланган бўлиб, уни ишлашда китоб мазмунига қараб қалам, туш, графит, пастель ва акварель, гуаш бўёқларидан ҳам тасвирий восита сифатида фойдаланилади.


Адабий образлар эса рассом қандай йўналишда ва техникада тасвир бажариш кераклигини белгилайди.

Иллюстрациянинг аҳамиятли томони шундаки, биринчидан у китобни безакли, чиройли бўлишига ёрдам беради, иккинчидан адабий образ – тимсолларни аниқ ва жонли бўлишига, ўқувчининг хотирасида узоқ вақт яхши сақланиб қолишига, уларни бадиий дидини ўстиришда хизмат қилади. Иллюстратив расм ишлашнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки унда тасвирий ижодий малакалар билан бирга ўқувчиларнинг бадиий тафаккури ҳам ривожланиб боради. Бу сифат бевосита адабий асарларга ишланган иллюстрацияларни таҳлил қилиш воситасида таркиб топтиради. Масалан: Рассом В.Кайдалов томонидан АлишерНавоийнинг “Хамса” асаридаги “Лайли ва Мажнун” достонига ишланган иллюстрацияда образлар, асарнинг сюжети, композицион кўриниши ва иллюстратив расм компонентлари бутун ҳолда

бадий эстетик аҳамият касб этиб, адабий асар кўринишини таъминлайди. (1-расм). Иллюстрация композиция шакл жиҳатидан динамик, рангдор, таъсир этувчи кўринишда бўлиб, адабий асарнинг мазмунини жозибали қилиб кўрсатишга ёрдам берган. Ундаги ёрқин ранглардаги образлар, нозик чизиқлар ва ажойиб мутаносиблик ўқувчиларга эстетик завқ бағишлайди.



1-расм. В. Кайдалов. “Лайли ва Мажнун” достонига ишланган иллюстрация



2-расм. Ж. Умарбеков. “Алпомиш афсонавий қаҳрамон”. Иллюстрация.

Китоб графикаси асарларини бадий таҳлил этиш, ўқувчиларни график рассомларнинг графика техникасида ишланган асарларини композицион ечимларини идрок этишги ўргатади. Ўқувчларда китоб графикаси асарларида тасвирланган иллюстрация мазмунга эстетик муносабатни таркиб топтиради.

Ўқувчиларни ижодий фаолиятида мустақил бадий асарларга иллюстрация ярата олиш малакаларини шакллантиради. Шунингдек, одам, қуш ва ҳайвон, ўсимликларни декоратив усулда ифодалашга ўргатади. Ўқувчилар декоратив композиция машғулотларида бирор бир асарга иллюстрация ишлашдан аввал, мазкур асарни яхшилаб ўқиб ва ўрганиб чиқиши, асардаги воқеа содир бўлаётган даврга доир материалларни ҳам тўплаши, ўша давр олимлари ва одамларининг маданияти, турмушини, мамлакат табиатини ҳам ўрганиш керак бўлади. Масалан: Рассом Жавлон Умарбековнинг “Алпомиш афсонавий қаҳрамон” номли график асари оқ-қора, қизил ранглар контрастида маҳорат билан тасвирланган. (2-расм). Асарда мазмунан ўйланган фикир композиция ечими орқали узил-кесил ва тўла ифодаланган. Композиция орқали асардаги Алпомиш образи мазмунининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида чизиқ, шакл ва оқ-қора, иссиқ ранглардан фойдаланилган. Рассом ҳамма элементларини бир композиция ечимига умумлаштирган.

Ўқувчилар ҳикоя ёки шеърга иллюстрация ишлашга ўтишдан олдин уни синчиклаб ўқийди, матнда тасвирланган ҳар бир образнинг характерини, воқеа содир бўлаётган жойнинг хусусиятларини ўрганиб чиқади, шундан кейингина унга иллюстрация ишлашга киришади.

Ўқитувчи иллюстратив расм ишлаш жараёнида ўқувчиларни иллюстрация ишлашнинг тартиб ва қоидаларини билишга ўргатади. Масалан, иллюстрация ишлаши лозим бўлган матн билан яхши таниш бўлиш, композиция учун мавзу ва кўриниш танлай билиш, уларнинг мазмуни асосида дастлабки хомаки расмлар, эскизлар ишлай олиш, уларни ўқитувчи билан муҳокама этгач керакли тузатишлар кирита билиш, ҳамда ўқитувчи томонидан тўлдирилган ва тузатилган вариант асосида қўшимча вариант ишлаш ва уларни янада такомиллаштириш, малакалари ҳам ривожланиб боради.

Узлуксиз таълим тизимининг барча буғинларида иллюстратив расм ишлаш машғулоти салмоқли ўрин тутаяди. Айнан иллюстратив расм ишлаш жараёнида тасвирий фаолият турларининг барча элементларини тадбиқ этиш учун қулай имкониятлар яратилади. Қолаверса, иллюстратив расм ишлашда фаолият турлари ўртасида узвийликни таъминловчи тасвирий восита вазифасини ҳам ўтайди. Иллюстратив расм ишлаш машғулоти тасвирий фаолиятнинг барча босқичларида мактабгача таълим муассасаларининг тайёрлов гуруҳларида, умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими, олий таълим мутахассислик йўналишларидаги фаолиятда узвийликни таъминлаш учун қулай педагогик шароитларни таъминлайди. Шунинг учун ҳам фаолият турлари ичида кўпроқ ўқувчиларнинг иллюстратив расм ишлашга бўлган билим, кўникма ва малакалари ривожлантирилиб борилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда ўқувчиларга тасвирий санъат дарсларида бадиий асарларга иллюстратив расм ишлашни ўргатиш ва китоб графикаси асарларини бадиий таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этиб, ўқувчилар ижодий фаолиятида билим, кўникма ва малакаларини янада мукамал бўлишига амалий ёрдам беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Р.Ҳасанов. Мактабда тасвирий санъатни ўқитиш методикдаси. Т., “Фан” 2004.
2. Ғ.Абдурахмонов. “Композитцияасослари”. Низомий. ТДПУ. Т.,2013.
3. С.Абдирасулов. Тасвирий санъат атамалари. Низомий ТДПУ.Т., 2002.
4. Зиганшина Н. А.Мусаввир ва китоб. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т.,1987.

## БОБУР ВА ШАРҚ МИНИАТЮРАСИДА ЧОРБОҒЛАР

Мамажонов Алишер

mamajonov0505@mail.ru

Андижон давлат университети

Абдувоситова Дилнавоз Алишеровна

Асака тумани, 55-мактаб

**Аннотация:** Ушбу мақолада Бобурийлар даври миниатюра санъатининг ўз мавзусига эга эканлиги, ҳаққонийлиги ва дунёвийлиги ҳамда шарқ миниатюрасида чорбоғлар ҳақида тушунча берилган.

**Калит сўзлар:** Шарқ миниатюраси, сулола, чорбоғ, аждодлар, цивилизация, ватан соғинчи.

## BOBUR AND THE EASTERN MINIATURE CHORBOGS

Mamajonov Alisher

mamajonov0505@mail.ru

Andijan State University

Abduvositova Dilnavoz Alisherovna

Asaka district, School 55

**Abstract:** This article provides an overview of the Baburi period miniature art, its subject matter, authenticity and secularism, and the gardens in oriental miniature.

**Keywords:** Oriental miniature, dynasty, garden, ancestors, civilization, nostalgia.

Киндик қони Андижон диёрида тўкилган, номи жаҳонга машҳур Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг кимлигини эндиликда тушунтиришга-ю исботлашга ҳожат йўқ. Темурийларнинг Фарғона мулки подшоҳи, кейинчалик улуғ Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳиндистондаги давомчиси, буюк саркарда, беқиёс шоир ва серқирра олимлигидан ташқари яна бир қанча улуғ сифатларга эга бўлган у зотнинг салобати ва салоҳияти йиллар ўтган сайин бутун жаҳонни лол қолдириб келяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ҳозирги пайтда жамият ва цивилизациялар аввало ижтимоий қадриятлар... буюк аждодларимиз бўлган мутафаккирларимиз асарларини, уларнинг бутун жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир” [1,35] деганлари буюк



аждоларимиз томонидан яратилган асарларни янада кенгроқ ўрганиш учун имкониятлар яратиб бермоқда.

Ана шундай асарлардан бири буюк юртдошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сидир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг шоҳ асари “Бобурнома”ни ўн икки ёшида, яъни Фарғона мулкига 1494 йили подшоҳ бўлганидан бошлайди. [2,4].

“Саодатманд шоҳ”- Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ҳинд тупроғида беш йилгина (1525-1530 йиллар) ҳукмдорлик нашъасини суриш насиб этди, холос. Лекин Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган давлат 332 йил давом этди. Жангу жадаллар, мислсиз уқубатлар, чексиз инсоний изтироблар, ватан соғинчи билан йўғрилган бу йиллар янги туркий-ҳиндий давлатнинг шаклланиш даври ҳамда ҳассос шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърӣ ижодининг гуллаган бир фасли бўлди.

Гарчанд Заҳириддин Муҳаммад Бобур тарих ҳукми билан бу юртларга фотиҳ сифатида лашкар тортиб келган бўлса-да, тақдир тақозосига кўра уни ўзига ватан тутди. Гарчанд туғилган диёри-Андижон, умрининг шиддатли дамлари кечган Самарқанд соғинчи сўнги нафасигача ёдидан чиқмаган бўлса-да, ҳинд тупроғига, ҳинд элига ҳам меҳр кўйди, уни обод ва яқдил қилишга интилди, ўзаро адоватли қабилаларни бирлаштириб, марказлашган давлатга асос солди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тарихий хизмати шундаки, у бир томондан, Шайбонихон истилоси туфайли Туркистонда барҳам топган темурийлар сулоласининг фаолиятини ўзга юртларда шуҳрат билан давом эттирган бўлса, иккинчи томондан, ўзи ва авлодарининг мамлакатдорлик сиёсати билан Ҳиндистон давлатчилиги тарихида янги саҳифа очди. Ҳинд мулкини забт этган фотиҳ ўлароқ у ўлканинг бойликларини юртига ташиб кетмади, аксинча, она ватанидан неки ганжу хирож олиб келган бўлса, барини шу диёрнинг ободончилигига, тараққиётига сарф қилди. Бобурийлар сулоласининг моддий ва маънавий хазиналари эвазига дунёга келган машҳур мумтоз обидалар, меъморӣ мўъжизалар бугун Ҳиндистоннинг ҳуснига ҳусн, доврӯғига доврӯқ кўшибгина қолмасдан, улкан иқтисодий фойда ҳам келтирмоқда [3,275-276].

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг қисқа ҳаёти давомида жуда катта адабий ва илмӣ мерос қолдириб кетди. Юқорида айтганимиздек унинг машҳур шоҳ асари “Бобурнома” алоҳида аҳамиятга эга. “Бобурнома”нинг бизга маълум бўлган миниатюралари икки мўътабар қўлёзмаларидан энг тўлиғи ва миниатюралари ниҳоятда юксак маҳорат билан ишланган тенги йўқ нусхаси Британия музейиникидир. 1969 йил сентябрь ойида ЮНЕСКОнинг Темурийлар даври санъатини ўрганиш бўйича ўтказилган халқаро илмӣ симпозиум муносабати билан “Бобурнома”нинг Британия музейи қўлёзмасидан танлаб олинган 32 миниатюра нашр этилди. Ана шу аснода филология фанлари доктори,

профессор Ҳамид Сулаймон муаллифлигида Бобурнома расмлари альбоми тайёрланди. Альбомда мазкур қўлёзмадаги 93 миниатюра биринчи марта тўлиқ нашр этилди.

Бизга тарихдан маълумки, Ҳирот миниатюра мактабига асос солган Шарқнинг гениал рассоми Камолиддин Беҳзод Алишер Навоий ҳомийлигида тарбия топган улуғ зотлардан биридир. Султон Ҳусайн Байқаро ҳукмронлиги 1506 йилда мағлубиятга учрагач, унинг кейинги эволюцияси Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистонда давом этган. XVI асрда Марказий Осиёнинг қатор шаҳарларида бадий қўлёзма ва миниатюра санъатининг янги мактаблари пайдо бўлиб, маҳаллий санъаткорлар маҳорати билан бойитилган ҳолда янги мазмун, янгича сайқал касб этди.

Шарқ миниатюра санъати тарихида қатор мактабларни ўзига бириктирувчи тўрт асосий давр мавжуд:

- 1) Темурийлар даври - Хуросон ва Мовароуннаҳр (Ҳирот, Самарқанд, Табриз, Шероз мактаблари );
- 2) Сафавийлар даври - Эрон ( Шероз, Табриз, Машҳад, Исфохон мактаблари );
- 3) Шайбонийлар даври- Ўрта Осиё ( Бухоро, Самарқанд мактаблари);
- 4) Бобурийлар даври- Ҳиндистон ( Агра, Деҳли мактаблари )[4,10-11].

“Бобирийлар, ҳақиқатдан, Темурийлар сулоласининг Ҳиндистондаги давом эттирувчиларидир,-деб таърифлайди тарих фанлари доктори, профессор И.М.Мўминов,-улар, айниқса, Бобур билан Акбаршоҳ Ҳиндистонда, Темур даврида Ўрта Осиёдаги иқтисодий ва маданий тараққиёт натижасида пайдо бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирдилар” [5,44]. Ҳирот ҳамда ўз ватани - Ўрта Осиё санъати, адабиёти ва маданиятининг ўткир билимдони Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ўрта Осиё ва Эрон билан Ҳиндистон ўртасида фаол алоқалар ўрнатиб ҳинд маданиятини янгича юксалиш йўлига бошлади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур меъморчиликка ҳам алоҳида эътибор бериб, чорбоғлар қуришга киришади. Чорбоғ Шарқнинг иқлим шароити билан боғлиқ бўлиб, ҳоким ёки подшоҳ оиласи баҳор ойларидан ушбу боққа кўчиб чиқиб, бутун ёзни шу ерда ўтказиши одат бўлган. Бундай боғлар шаҳар четида, кўпинча оқар сув бўйларида қурилган. Боғнинг кўрғон девори атрофларига соя берувчи турли дарахтлар экилган бўлади. Ундан сўнг тартиб билан ҳар хил мевали дарахтлар ва турфа гуллар экилади.

Бундай шоҳона чорбоғлар қуриш Шарқ меъморчилик анъанасининг ажралмас қисми ҳисобланган. Бу анъана темурийлар ва бобурийлар даврида, айниқса, раванқ топган.

Чунончи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Қобулда ўрнашиб олгач, унинг севган машғулоти - турли боғлар яратиш бўлган. У Афғонистонда ана шундай

ўнта боғлар қурдирган:Боғи Шаҳри оро, Чорбоғ, Боғи жиловхона, Ўрта боғ, Сурат боғ, Боғи Моҳитоб, Боғи Оҳухона, Боғи Вафо, Боғи Наврўзий, Боғи Беҳиштилар бунёд этилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонни эгаллаганидан сўнг, Агра шаҳрида боғлар яратишга киришди. Шулардан бири “Боғи гули Афшан”, “Боғи Ором” (Жамна дарёси бўйида жойлашган) бўлган” [2,21-22].

Гўзаллик ва гуллар шайдоси бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзи барпо этган боғларни дунёдаги бор бўлган кўчат-мевалар ва гуллар билан безайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур вафот қилганда дастлаб вақтинча уни Жамна дарёси бўйида жойлашган боққа дафн этишган эди. Боғ ўрни “Ром боғ”номи билан ҳозир ҳам зиёратгоҳ жой ҳисобланади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур вафотидан кейин гўзал боғлар барпо этишдек ажойиб анъанани Бобур Мирзонинг авлодлари ҳам давом эттирганлар. Бобурийлар сулоласининг энг буюк вакили Акбаршоҳ даври (1556-1605)да гўзал боғлар бунёд қилинди [6,71-72].

Кейинча чорбоғлар яратиш тартиби бир оз ўзгариб кетди. XIX асрда Бухорода қурилган “Ситораи моҳи хоса”, Андижоннинг Ойим қишлоғида барпо этилган “Моҳлар Ойим” чорбоғи энг сўнгги шундай қурилишлардандир.

Андижон шимолида “Кўштегирмон” мавзеидаги Эсон Давлатбегим чорбоғи ҳам ўша анаънавий қурилишлар қаторида туради.

Таникли инглиз адибаси Маргарет Румер Годеннинг (1907-1998) Бобур қизи Гулбаданбегимга бағишлаган асарида Эсон Давлатбегим чорбоғи тасвирланган иккита миниатюра берилган. Бирида ёш Бобурнинг катта онаси билан суҳбати тасвирланган. Миниатюрада чорбоғ ички-ташқи деворининг дарвоза қисмлари шарқона акс этирилган. Бир неча хизматчиларнинг суратлари ҳам берилган. Уларнинг бирида ташқи девор дарвозасига пиллапоядан кўтарилиб келаётган кишини дарвоза соқчиси кутиб олмоқда ва нимадир тушунтирмоқда. Сўнгра чорбоғнинг ички девор қисми, эшиги ва атрофида юрган хизматчилар акс этирилган. Энг тепада кўшк-айвонда шахзода Бобур катта онаси Эсон Давлатбегим билан суҳбатлашмоқда [2,28].

Иккинчи миниатюрада чорбоғдаги Бобурга Умаршайх Мирзонинг Ахсида юз берган ҳалокати ҳақидаги хабар етказилган пайт акс этирилган. “Бобурнома”да ёзилганидек, бу нохуш хабар, аввало, чорбоққа келган. “Умаршайх мирзоға бу воқеа даст берганда мен Андижонда, чаҳорбоғда эдим... изтироб ила отланиб, қошимдаги навкар ва савдар билан кўрғон азимати қилдим”, деб ёзади Бобур [7,17].

Миниатюрада, афтидан, чорбоғнинг ташқи томони акс этирилган: мулозимлар отда келган хабарчини ҳаяжон билан кутиб олмоқдалар. Пастда туя ва унинг жиловдори, одамлар кайфиятида бесаранжомлик ҳолати... Бу икки

миниатюра чорбоғ ҳақидаги тасаввуримизни анчагина кенгайтиради ва бизни бу борада янги маълумотлар тўплашга ундайди.

Пиримкул Қодиров “Бобур” романида Эсон Давлатбегим чорбоғини хаёлан қисқа иборада акс эттирган: “Шаҳарнинг шимолидаги кўркам чорбоғ баланд девор билан ўралган. Дарвозаларга соқчилар қўйилган” [8,34].

Бу таъриф миниатюрада акс эттирилган кўринишига ҳам айнан мос келади. Чорбоғ ичи, ундаги бинолар ёзувчи тасаввурида шундай намоён бўлади: кўшк, мрамар ҳовуз, ҳовуз бўйида тиллақори шийпон, эшиклари нафис ўймакорликлар билан безалган хоналар.

Шунингдек, романда Эсон Давлатбегимнинг махсус хонаси, дарсхона ва алоҳида мударрис хонаси ҳам тасвирланган.

Годен китобидаги миниатюрада, гарчи барча хоналар тасвир этилмаган бўлса ҳам, қисман кўшк, ҳовуз ва баъзи ташқи бинолар кўриниши бор. “Бобур” романининг Эсон Давлатбегимнинг чорбоғи ҳақидаги саҳифасини ўқир эканмиз, ёзувчи таърифлаган чорбоғ бизнинг тасаввуримиздан ўтади. Миниатюрадаги чорбоғ кўринишлари ёзувчи ифодаси билан қўшилиб, бу масалага оид билимимизни анча кенгайтиради.

Хулоса қилиб айтганимизда, “Бобурнома” расмларининг шарқ санъатининг ўлмас обидаларидан бирига айланганлиги ва унда Самарқанд, Ҳирот, Бухоро, Шероз, Табриз ва маҳаллий ҳинд мактабларининг энг яхши анъаналарини ўзига ижодий сингдирган ҳинд тасвирий санъатининг тенги йўқ нодир намуналари бўлиши билан бирга, Акбар даврида яратилган ҳинд миниатюра санъатининг юксак даражадаги янги услубини ҳам намоёниш қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2017.
2. Жалилов С. Шаҳзода Бобур. Тошкент. “Movarounnahr”. 2013.
3. Хайриддин С. Бобурийнома. Тошкент. “Шарқ”. 1997 .
4. Сулаймон Ҳ. Бобурнома расмлари. Тошкент. “Фан”. 1970.
5. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. - Тошкент. “Фан”. 1968.
6. Шамсутдинов Р.Т. Андижон тарихидан лавҳалар. Тошкент. Шарқ. 2013
7. Бобур З.М. Бобурнома. Тошкент. “Юлдузча”1989.
8. Қодиров П. “Бобур”. Тошкент. “Шарқ”. 2002.

## «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOYIY HARAKATINING O‘ZBEKISTONDAGI ISLOHOTLARNI AMALGA OSHIRISHDA TUTGAN O‘RNI

Muxtarov Sardorbek Saydullo o‘g‘li  
muxtarovsardorbek345@gmail.com

Baratov Muslimbek Alisher o‘g‘li  
muslimbek.baratov@gmail.com

Xolmatov Begzodbek

Ergasheva Zohidaxon Yuldashboy qizi  
Andijon davlat universiteti

**Annotatsiya:** ushbu maqolamizda «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakatining qanday vujudga kelganligi va O‘zbekistondagi islohotlarni amalga oshirishda tutgan o‘rni xususida to‘xtalib o‘tganmiz. To‘g‘ri bugungi kunda bu tashkilotning nomi, ishlash prinsiplari o‘zgargan bo‘lsada, lekin o‘z davrida juda katta ishlarni amalga oshirgan hamda qanchadan-qancha yoshlarni o‘z yo‘lini tanlashda beqiyos ahamiyatga ega tashkilot sifatida o‘z faolayati amalga oshirgan. Biz aynan shularni o‘z maqolamizda yoritishga harakat qildik.

**Kalit so‘zlar:** “Kamolot”, qonun, harakat, tashkilot, dasturlar, konstitutsiya, Markaziy Kengash, yoshlar.

## THE ROLE OF “KAMOLOT” YOUTH SOCIAL MOVEMENT IN IMPLEMENTING REFORM IN UZBEKISTAN

Mukhtarov Sardorbek Saidullo ogli  
muxtarovsardorbek345@gmail.com

Baratov Muslimbek Alisher ogli  
muslimbek.baratov@gmail.com

Kholmatov Begzodbek

Ergasheva Zohidahon Yuldashboy qizi  
Andijan State University

**Abstract:** In this article, we talk about how the Kamolot youth social movement came into being and its role in the implementation of reforms in Uzbekistan. It is true that today the name of this organization, the principles of its work have changed, but as an organization that has done a lot in its time and has played an invaluable role in the choice of many young people. carried out its activities. We have tried to cover this in our article.

**Keywords:** "Kamolot", law, movement, organization, programs, constitution, Central Council, youth.

O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan keyin sobiq komsomol tashkilotini isloh qilish natijasida O'zbekiston Respublikasi yoshlarini birlashtirish uchun «Yoshlar ittifoqi» tashkiloti tuzildi. Tashkilot yoshlarni o'z plenumi va konferensiyalari qarorlarini bajarishga safarbar qilishga urinishi, qarorlarda yoshlarning manfaatlari va ehtiyojlari to'la aks etmaganligi natijasida 1996-yilda «Yoshlar ittifoqi» tashkiloti tugatilib, shu yilning 17-aprelida O'zbekiston Respublikasi yoshlarining «Kamolot» jamg'armasi to'g'risidagi Prezident farmoni asosida yangi yoshlar tashkiloti tuzildi. Buning natijasida «Kamolot» jamg'armasi yosh avlodning har tomonlama kamol topishi, chuqur bilim, kasb egallashi, o'zlarida yuksak ma'naviyat, vatanparvarlik, mehnatsevarlik fazilatlarini hosil qilishi, ularning istiqbol ishining izchil davomchilari bo'lib yetishishlarida ko'p qirrali yordam ko'rsatishi o'zining dasturiy vazifasi qilib belgilanganligi ma'qullandi.

Jamg'arma yoshlarning ijtimoiy jihatdan muhofaza qilish ishlarida qatnashish, ularning bilim olish, mehnat qilish, siyosiy va (boshqa konstitutsiyaviy huquqlarini to'la amalga oshira olishlari uchun zarur shart-sharoitning yaratilishiga ko'maklashish vazifalariga e'tibor qaratdi. Bu o'rinda jamg'armaning Qoraqalpog'iston Respublikasi, Toshkent shahri, 12 ta viloyat va tumanlardagi bo'limlari, 12 mingga yaqin jamoat markazlari faoliyat olib borgan hamda amalga oshirgan ishlari yuzasidan axborotlar keltirib o'tilgan. 1996-2000 yillardagi «Kamolot» jamg'armasi boshqaruvi majlislari bayonnomalari va qarorlarida «Yoshlar muammolari instituti» ochilgani, «Kamolot va qonun» korxonalarini keng qamrovli faoliyat olib borganligi ko'rsatib o'tilgan.[1]

Biroq, jamg'arma yoshlarning ijtimoiy muammolarini hal qilishga qaratilgan amaliy ishlarni olib borgan bilan ham o'zining maqsadlarini to'la bajara olmadi. «Kamolot» jamg'armasiga yoshlarning ijtimoiy tashkiloti sifatida emas, balki oddiy bir jamg'arma sifatida qarashlar asosida faoliyat yuritishga moyillik kuchli bo'ldi. Hatto jamg'armaning butun faoliyatida uning dasturi ham ishlab chiqilmadi. Jamg'arma mamlakat yoshlariga yetakchilik qilish, juda bo'lmaganda yoshlar ishlarini muvofiqlashtirish qobiliyatiga ega tashkilot darajasiga ko'tarila olmadi. U yoshlar o'rtasida ma'naviyat va ma'rifat ishlarini muvofiqlashtirish vazifasini ham bajara olmadi.

Natijada 2001-yil 24-yanvar kuni Birinchi Prezidentimiz I. A. Karimov «Kamolot – yoshlarimizning chinakam suyanchi va tayanchi bo'lsin»[2] mavzusida nutq so'zladi va yangi yoshlar ijtimoiy harakatini tashkil etish, tashkilotning maqsad-vazifalarini belgilashda muhim ahamiyat kasb etdi. 2001-yil 25-aprelda O'zbekiston Respublikasi «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakatining ta'sis qurultoyi bo'lib utdi. Ta'sis qurultoyda harakatning Dasturi va Nizomi qabul qilindi. 2000- yilda Harakatning

Qoraqalpog‘iston Respublikasi, Toshkent shahri, 12 ta viloyat, 199 ta tuman (shahar) bo‘limlari Kengashlari, 17 mingdan ortiq boshlang‘ich tashkilotlari faoliyat ko‘rsatdi va 7 mln. 200 ming nafardan ortiq 14 yoshdan 28 yoshgacha bo‘lgan yoshlarning 4 mln. 600 ming nafardan ortig‘i yoki 64 foizi harakatga a‘zo bo‘lib kirgan.

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati orqali yosh avlodning tarbiyasi borasidagi siyosiy-huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy, ma‘naviy-ma‘rifiy, sport va jismoniy tarbiya, xalqaro faoliyat sohalarida amalga oshiriladigan asosiy yo‘nalishlar belgilab berildi.

Bolalar tashkiloti o‘z faoliyatini tarbiyaning o‘ziga xos yondashuv na usullaridan foydalangan holda, bolalarning qalbi va ongiga harakatning asosiy maqsad-muddaolarini singdirishga qaratgan.

«Kamalak» Bolalar tashkiloti tizimida sardorlar Kengashining faoliyati yo‘lga qo‘yilgan bo‘lib, 2001-yil respublikadagi 9702 ta umumta‘lim muassasalari va ulardagi 290 dan ortiq sinflarda bolalar tashkilotining sardorlari faoliyat olib bordi. 2008-yilga kelib 300 mingdan ortiq sardorlar faoliyat olib bordi. «Kamalak» bolalar tashkiloti o‘zining faoliyatini «Oltin meros», «Ma‘naviyat na ma‘rifat», «Umid», «Sog‘lom avlod», «Vatanparvar», «Mexr-shafqat» kabi yo‘nalishlarda tashkil etgan.

Harakatning negizi – boshlang‘ich tashkilotlar bo‘lib, ular mamlakatdagi barcha o‘quv muassasalari, mehnat jamoalari, shuningdek, Qurolli kuchlar, huquq-tartibot organlari tizimlarida yoshlarning hohish-irodasiga asosan tuziladi. Harakat Nizomiga asosan Harakatning boshlang‘ich tashkilotlari yoshlarning o‘qish, ish va xizmat joylarida tashkil etiladi.

Demak, «Kamolot» YIHning asosiy maqsadi – O‘zbekiston yoshlarining ozod va obod Vatan yaratishdek ulug‘ maqsad yo‘lida birlashtirish, ularning huquq-manfaatlarini himoyalash, sog‘lom turmush tarzi talablari asosida tarbiyalash, ma‘nan yetuk, dunyoqarashi teran, mustaqil fikrlovchi, milliy va umumbashariy qadriyatlarga asoslangan yosh yigit-qizlarning jamiyatda munosib o‘rin egallashlari uchun sharoit yaratib berishdan iborat.

Harakat 2001-2008 yillar davomida Respublika miqyosidagi yirik yoshlar tashkiloti sifatida shakllanib, o‘zining atrofida millionlab sog‘lom fikrli yoshlarni birlashtirdi va ularning hayotida muhim ahamiyat kasb etmoqda. Harakatning bevosita yordami bilan yoshlarning turli muammolarini yechish, ularning manfaatlarini himoya qilish, qobiliyatlarini yuzaga chiqarishga qaratilgan Respublika miqyosidagi o‘nlab ko‘rik tanlovlar, konferensiyalar, seminarlar, sport musobaqalari tashkil etildi. Bu o‘rinda harakat tomonidan turli darajada o‘tkazib kelinayotgan tanlovlar ham yoshlarning o‘zligini namoyon qilishiga katta yordam bermoqda.

«Kamolot» YIH nodavlat jamoat birlashma sifatida yosh barkamol avlodning har tomonlama kamol topishi, yoshlarda chuqur bilim, yuksak madaniyatni shakllantirish, vatanparvarlik, mehnatsevarlik fazilatlarini yuksaltirish, zamonaviy ishbilarmonlik, tadbirkorlik va omilkorlikni shakllantirish uchun shart-sharoit yaratish maqsadida

tashkil etildi. Yoshlarni iqtisodiy, siyosiy, ma'naviy, madaniy, huquqiy manfaatlari va ehtiyojlarini o'rganish, ularni qondirish yuzasidan dasturlar tuzish, hayotga tadbiriq etish, davlat, hukumat dasturlari, islohotlarni bajarishda ko'maklashish, yoshlarni Konstitutsiya, qonunlar, davlat va hukumat qarorlarini hurmat qilish, ularga amal qilish ruhida tarbiyalash, yoshlar uchun yangi ish joylarini yaratish, ularni ijtimoiy himoya qilish masalalarini o'rganish hamda mazkur masalalarni bartaraf etishda hukumat idoralari hokimliklar, boshqa manfaatdor vazirliklar, jamoat tashkilotlari bilan hamkorlik qilishdan iboratdir.

O'zbekiston Respublikasida «Kamolot» YIH ijtimoiy-siyosiy hayotda quyidagi vazifalarni bajaradi:

- yoshlarning siyosiy fikr va irodasini shakllantirish borasida, aniq maqsadlar sari kuchlarni safarbar etishga ta'sir o'tkazadi, ya'ni yoshlarning demokratik e'tiqodlarini ifoda etadi va tarqatadi;

- yoshlarning manfaatlarini birlashtiradi, ular faoliyatini ijtimoiy-siyosiy jarayonlarda namoyish qiladi;

- yoshlar uchun ijtimoiy-siyosiy harakat dasturlarini ishlab chiqadi, mamlakat istiqboliga doir innovatsion xarakterga ega bo'lgan rivojlanish yo'llari va imkoniyatlarini taklif etadi.

O'zbekiston Respublikasi siyosatida yoshlar orasidan eng iqtidorli, salohiyatlilarni tanlab olib, ularning ilmiy, madaniy-ma'naviy jihatdan kamolotga erishishlari, zamonaviy fan-texnika asoslarini chuqur o'zlashtirib olishlari uchun g'amxo'rlik qilish katta o'rin tutadi.

Harakat tomonidan milliy ta'lim-tarbiya tizimini takomillashtirish, zamon talablari bilan uyg'unlashtirish asosida jahon andozalari va ko'nikmalari darajasiga chiqarish maqsadi bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda. Bundan tashqari, yoshlar muammosini o'rganishda «Kamolot» YIH tomonidan anchagina xayrli ishlar amalga oshirilmoqda, jumladan, ilmiy-amaliy konferensiyalar o'tkazilmoqda.[3]

Harakatning tuman (shahar) bo'limlari mehribonlik, nogironlar uylariga otaliqqa biriktirilib, ulardagi tarbiyalanuvchi yoshlarning holidan xabar olish, ularga kitoblar, o'quv qurollari va boshqa anjomlar taqdim qilish, bayram dasturxonini yozish, ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar uyushtirish kabi 3739 ta turli xayriya tadbirlari, targ'ibot ishlari homiylarni jalb etgan holda tashkil etildi. Shuningdek, voyaga yetmagan yoshlarni qayta tarbiyalash koloniyalarida 1435 ta yuqoridagi kabi tadbirlar o'tkazildi.

Harakat tizimlari tomonidan yosh yigit-qizlarning o'z aql- zakovatini to'la namoyon etishi, jamiyatda munosib o'rin egallashlari uchun sharoit yaratish, bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etishga qaratilgan «Yoshlar ijtimoiy xizmatlari markazi»ning ishi yo'lga qo'yilgan.[4]



«Yosh oila» klublarining asosiy vazifasi yosh oilalar duch keladigan turli muammolarni yechish, yoshlarni hayotga tayyorlash va turli hayotiy muhim maslahatlar berishdan iboratdir.

Respublika miqyosida yosh fermer va tadbirkorlar o'rtasida 2007-yilda «Mustaqillik nihollari» tanlovi o'tkazildi. Mazkur tanlov namunali tadbirkor yoshlarni izlab topish, ularni rag'batlantirish, tajribalarini ommalashtirishda muhim ahamiyat kasb etdi.

Yoshlarni har tomonlama muhofaza qilish, ularning bandlik masalarini hal etish borasida harakatning hududiy va mahalliy bo'limlari tomonidan ishsiz yoshlarni ish bilan ta'minlash yuzasidan respublika bo'yicha bir qancha ishlar amalga oshirildi.

Harakatning Qoraqapog'iston Respublikasi, Toshkent shahri, viloyatlar bo'limlari tomonidan yosh tadbirkorlarning manfaatlarini himoya qilish, ularni imtiyozli mikrocredit mablag'lari bilan ta'minlash hamda yoshlarda tadbirkorlik ko'nikmalarini shakllantirish maqsadida berilgan amaliy yordam va targ'ibot-tashviqot ishlari natijasida joylardagi tijorat banklari tomonidan respublika bo'yicha 2001-yilda jami 95 nafar, 2002-yilda jami 413 nafar, 2003-yilda jami 632 nafar, 2004-yilda jami 593 nafar, 2005-yilda jami 188 nafar, 2006-yilda jami 142 nafar, 2007-yilda jami 637 nafar, 2008-yilda jami 1192 nafar yosh tadbirkorlar, o'rta va kichik biznes subyektlariga mustaqil ravishda tadbirkorlik bilan shug'ullanish uchun tijorat banklaridan kredit olishda yordam ko'rsatilgan.[5]

Bundan ko'rish mumkinki, mablag'lar 30 yoshgacha bo'lgan yosh fermer na tadbirkorlarga ajratilib, bu ularning o'z bizneslarini tashkil qilish hamda rivojlantirish imkonini yaratdi. Bundan tashqari O'zbekiston «Kamolot» YIH Markaziy Kengashining 2008-yil 6-martdagi «Mikrocreditbank» Aksionerlik tijorat banki hamda 2009-yil 6-martdagi O'zbekiston Savdo-sanoat palatasi bilan hamkorlik bitimiga asosan, yosh tadbirkorlarning manfaatlarini himoya qilish, ularni imtiyozli mikrocredit mablag'lari bilan ta'minlash hamda yoshlarda tadbirkorlik ko'nikmalarini shakllantirish maqsadida «Yosh tadbirkor – yurtga madadkor» loyihasi e'lon qilindi. Ushbu loyiha doirasida respublika hududida bo'ylab ishchi guruhlar faoliyati shakllantirildi. Hududiy ishchi guruhlar tomonidan yosh tadbirkorlarga «Kamolot» tavsiyanomalari asosida imtiyozli mikrocreditlar ajratish yo'lga qo'yildi.

2011-yilda ushbu loyiha doirasida «Mikrocreditbank» ATBning hamda O'zbekiston Savdo-sanoat palatasi bilan hamkorlikda joylarda tashkil etilgan ishchi guruhlariga murojaat etgan 1253 nafar yosh tadbirkorlarning 1192 nafariga tavsiyalar berildi va jami: 2383,7 mlrd. so'm mikrocreditlar ajratildi. Bundan tashqari, harakatning Qoraqalpog'iston Respublikasi, Toshkent shahri, viloyatlar, tumanlar bo'limi Kengashlari tomonidan yangi tadbirkorlik faoliyatini boshlagan va boshlamoqchi bo'lgan yosh tadbirkorlarni davlat ro'yxatidan o'tkazish hamda tijorat banklaridan kredit olish va me'yoriy xujjatlarini tayyorlashda ham amaliy yordam

ko'rsatib kelinmoqda. Jumladan, 2006-yilda 336 nafar, 2009-yilda 450 nafar, 2011-yilda 510 nafar yosh tadbirkorlarni davlat ro'yxatidan o'tkazish va tijorat banklaridan kredit olishda yordamlar ko'rsatildi.

O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I. A. Karimovning 2005-yil 31-oktabrdagi «O'zbekiston Respublikasining qurolli kuchlari safida muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan harbiy xizmatchilarga beriladigan imtiyozlar tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PK.-213-son qarori bilan muddatli harbiy xizmatni o'tagan va to'lov-kontrakt shakli bo'yicha o'qishga qabul qilingan talabalarga, ular o'qish davrida «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakatining faoliyatida faol ishtirok etgan taqdirda kontrakt summasining 35 foizini to'lov tariqasida moddiy yordam ko'rsatish to'g'risidagi taklif qabul qilindi.

Markaziy Kengashning 2007-yil 30-martdagi yig'ilishi 01-03/7- sonli «Kamolot» YIH quyi bo'g'in xodimlarini attestatsiyadan o'tkazish to'g'risida»gi qaroriga asosan, harakatning hududiy va mahalliy bo'limi Kengashi apparati mas'ul xodimlari 2007-yil 14-maydan 15-iyungacha Attestatsiyadan o'tkazildi. Shuningdek, Harakat tizimlarida faoliyat ko'rsatayotgan yosh xodimlarning malakasini oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat va jamiyat qurilishi Akademiyasining 10 oylik kurslarida o'qitildi. Jumladan, 2003-yili 4 nafar, 2004-yili 3 nafar, 2005-yili 3 nafar, 2007-yili 8 nafar yosh xodimlar Akademiyani bitirdilar.

Yoshlar masalani doimiy tadqiq etish, mavjud muammolarni tahlil etib, uni bartaraf etish choralarni ko'rishgina ishda o'z samarasini beradi. Harakat tomonidan yoshlar manfaatlarini himoya qilish 2008-yilda ham muhim ahamiyat kasb etdi.[6]

Xulosa qilinadigan bo'linsa, bugungi davr mamlakat va yoshlar oldiga ulkan vazifalar qo'yayotgan ekan, uni yoshlarga faqat uqtirish yoki talab qilish bilan amalga oshirib bo'lmaydi. Unga daxldor bo'lgan ta'lim-tarbiya, madaniyat va ma'naviy-ma'rifiy muassasalar, murabbiylar, oila, mehnat jamoalari bu borada uzluksiz va muntazam ishlashi kerak. Bu yoshlarga munosabatni, yoshlarning esa hayotga qarashlarini o'zgarishiga olib keladi. Harakatning bu davrdagi asosiy vazifasi qabul qilinadigan yoshlarga oid qonunlar, farmonlarda yoshlarning qiziqishlari, tashabbuslari va manfaatlarini aks ettirishdan iborat bo'lishi lozim. Davlat dasturlarining ishlab chiqilishi va uning amalga oshirilishidan bevosita harakat eng ko'p manfaatdor tashkilot sanaladi. 2001-yildan 2008-yilgacha bo'lgan davrda Harakat yoshlar orasiga chuqurroq kirib borishni, chekka hududlardagi yoshlar bilan ishlashni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan bo'lib, kerakli natijalarga erishildi. «Kamolot» YIH faqatgina markazlardagi yoshlar bilan chegaralanib qolmasdan, qishloqlardagi yoshlarning ham qiziqishlari va takliflarini inobatga olib, ularni ham birlashtira oldi.

Demak, mustaqillik davrida O'zbekiston yoshlarining ijtimoiy-siyosiy ahvoli, jamiyat hayotida tutgan roli va mas'ulligi oshdi. Mamlakatda demokratik tafakkurga va o'z mustaqil fikriga ega bo'lgan yoshlarning ijtimoiy hayotga kirib kelishi muhim

ahamiyat kasb etdi. Bu davrda yoshlarning ijtimoiy demografik holati va muammolarini tahlil etish, O‘zbekiston Respublikasi tomonidan amalga oshirilayotgan amaliy ishlarda o‘z yechimini topib bormoqda. Ayniqsa, 20 yoshgacha bo‘lgan yoshlar yangi davrda, mamlakat mustaqilligi yillarida o‘sdi va tarbiya oldi. Ularning ijtimoiy-siyosiy ahvoli, mustaqillik tafakkuri bilan shakllandi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Топилдиев О. Ёшлар – келажак бунёдкорлари... – Б. 35.
2. Каримов И. А. Камолот – ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 25.
3. «Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими» мавзудаги Республика илмий-амалий конференцияси. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 6.
4. Нурматова М. Ёшлар мамлакат таянчи // Жамият. – Тошкент, 2007, 28 сентябрь.
5. Топилдиев О. Ёшлар – келажак бунёдкорлари... – Б. 43.
6. Бўронова Д. Мустақиллик йилларида ёшлар ... – Б. 151.

## ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАРДА УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШ ТИЗИМИ

Мирзакаримова Махлиёхон Мадаминжонова  
maxliyo82uz@gmail.com  
16-умумий ўрта таълим мактаби

**Аннотация:** Ушбу мақолада умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитишда ишбилармонлик таълими тадбиркорларни тайёрлашнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланиши, у инсон фаолиятининг турли босқичларида нафақат давлат таълим муассасаларида, балки тадбиркор кадрларни тайёрловчи, бозор иқтисодиётининг вужудга келишини, ишбилармонлик фаоллиги ривожланишини таъминловчи ва ўз имкониятларини амалга оширишга қодир бўлган кадрларни шакллантиришга йўналтирилган нодавлат таълим муассасалари тармоғида ҳам амалга ошириладиган таълим жараёнлари ҳақида фикрлар баён этилган.

**Таянч сўзлар:** Тадбиркорлик, ишбилармонлик таълими, бошқарув, ишлаб чиқариш, соф фойда, таълим соҳасини ривожлантириш.

## СИСТЕМА ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ ОБЩИМ НАУКАМ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ

Мирзакаримова Махлиёхон Мадаминжонова  
maxliyo82uz@gmail.com  
Средняя школа №16

**Аннотация:** В статье описывается бизнес-образование является одной из важнейших форм обучения предпринимателей в направлении предпринимательства. взгляды на учебный процесс, который также осуществляется в сети негосударственных образовательных учреждений.

**Ключевые слова:** Предпринимательство, бизнес-образование, менеджмент, производство, чистая прибыль, развитие образования.

## SYSTEM OF EDUCATIONAL TEACHING OF GENERAL SCIENCES IN MODERN CONDITIONS

Mirzakarimova Mahliyokhon Madaminjonovna  
maxliyo82uz@gmail.com  
General Secondary School №16

**Abstract:** In this article, business education is one of the most important forms of training entrepreneurs in the direction of entrepreneurship. views on the educational process, which is also carried out in the network of non-governmental educational institutions.

**Keywords:** Entrepreneurship, business education, management, production, net profit, education development.

Олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим вазифаси - ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, уни ҳал этишнинг асосий йўли эса, ишловчининг меҳнат натижаларига бўлган қизиқишини оширишдир <sup>1</sup>.

Бозор муносабатлари меҳнат бозорида тадбиркорлик фаолиятини юритиш, ўз иш ўрнида турли муаммоларни ҳал этиш қобилиятига эга бўлган ходимларга бўлган талабнинг ортишига олиб келди.

Ижтимоий, ишлаб чиқариш ва бошқарув муносабатларининг тубдан ўзгариши, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган иқтисодий тузилмаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ишбилармонлик таълими кўринишидаги, иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларини, кадрларнинг касбий ихчамлигини таъминловчи қўшимча таълим ўқув муассасалари тизимини барпо этишни талаб этади.

Ишбилармонлик таълими тадбиркорларни тайёрлашнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланиб, у инсон фаолиятининг турли босқичларида нафақат давлат таълим муассасаларида, балки тадбиркор кадрларни тайёрловчи, бозор иқтисодиётининг вужудга келишини, ишбилармонлик фаоллиги ривожланишини таъминловчи ва ўз имкониятларини амалга оширишга қодир бўлган кадрларни шакллантиришга йўналтирилган нодавлат таълим муассасалари тармоғида ҳам амалга ошириладиган таълим жараёнларининг йиғиндиси ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва кенгайишининг асосий шартларидан бири малакали тадбиркор кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Бозор муносабатлари чуқурлашуви, истеъмолчилар талабларига мос келувчи товар ва хизматларни ишлаб чиқариш доираси кенгайиши, аҳолининг иш билан бандлиги ошиши хусусий корхоналар раҳбарларининг айнан билимларига, қобилиятларига боғлиқ. Замонавий иқтисодиёт эса ўз ишини яхши биладиган, ақл-заковатли тадбиркорлар билан шаклланади.

Ишбилармонлик таълимига эҳтиёж бозор муносабатларига кириш, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва мулкчиликнинг турли шакллари

---

<sup>1</sup> БакиеваИ.А. Ўзбекистонда тадбиркор кадрлар тайёрлаш тизими ва уни ислох қилиш хусусиятлари "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали, Т., 2011, 2-сон.

пайдо бўлиши муносабати билан пайдо бўлди. Хусусий мулк илгари олинган умумтаълим ва касб-хунар билимларига қўшимча равишда билим олиш талаб этилган тадбиркорлар синфининг шаклланишига олиб келди.

Ушбу ғояни амалга ошириш учун аҳолини бизнесга ўқитиш зарур. Умумий таълим ва касб-хунарга тайёрлаш мамлакатда инсон сармоясини сақлаб қолиш ва оширишни таъминловчи асосий тизимдир. Таълим тизимлари томонидан билимлар бериш тезлиги ва самарадорлиги инсон сармоясининг ривожланиш суръатларини белгилаб беради. Инсон сармоясини шакллантириш мулкдорлар синфининг ўсиш суръатларига таъсир кўрсатади.

Ўқитишнинг ягона тизими, иқтисодиётнинг нодавлат сектори учун кадрлар тайёрлаш умумтаълим ва касб-хунар мактабларидан бошланиб ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим муассасаларида, шунингдек, олий ўқув юртидан кейинги касб-хунар таълими (дипломдан кейинги таълим) тизимида ниҳоясига етказилиши керак.

Бундай тизимни тузиш турли (худудий, муниципал) даражадаги давлат органлари, ижтимоий ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг келишилган ҳолда ҳаракат қилишларини талаб этади. Бу ҳаракатлар давлат қонунчилик ҳужжатларини қабул қилишсиз, махсус воситаларни ажратишсиз, барча манфаатдор ташкилотларнинг ўзаро оператив ҳаракатларисиз амалга ошмайди. Ўрта махсусдан тортиб, то олий ва муқобил бизнес таълим тизимигача бўлган барча таълим бўғинларининг бирлашган ҳаракатлари билан ижобий натижага эришиш мумкин. Бу фикрга қўпчилик қўшилади, бироқ давлат ва жамият ушбу дастакни охиригача ишлата олмайди.

Ишбилармонлик таълимининг роли ва ўрнини чуқур англаб етиш учун биз унинг асосий функциясини, нодавлат ўқитиш сектори таълим тизимининг мазмунини белгилаб олишимиз зарур, чунки бугунги кунда иқтисодиёт нодавлат секторининг барча таркибий тузилмалари учун малакали кадрларни тайёрлаш, ўқитиш ва тарбиялаш асосан унинг зиммасига юклатилган. Бундан ташқари, жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлганларнинг умумтаълим ва махсус касб-хунар даражасини узлуксиз равишда ошириш жамиятнинг ва бозор иқтисодиётининг эҳтиёжига айланиб бормоқда. Шу сабабли таълим тизимининг, шу жумладан, ишбилармонлик таълимининг мазмуни узлуксиз ривожланиш босқичида турибди.

Давлат томонидан катта ҳажмдаги ресурслар ажратилишига қарамай бизнес-таълим ҳамда бизнес соҳаси учун кадрлар тайёрлашнинг янги вазифалари молиялаштириш манбаларини янада кенгайтиришни талаб этади. Жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотнинг таннархи таркибида таълим харажатларининг улуши камида 10 фоизни ташкил қилади. Мамлакатимиз тадбиркорлик тузилмаларининг аксарияти ўз ходимларининг малакасини

ошириш учун жуда кам миқдорда, корхоналар умумий харажатларининг 2-3 фоиз чегарасида маблағ ажратади, бу маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари даражасининг юқорилиги, бизнеснинг ишлаб чиқаришни ва инновацион фаолиятни кенгайтиришга бўлган қизиқишини пасайтирувчи қатор солиқ юкларининг мавжудлиги билан боғлиқ.

Иқтисодиётнинг хусусий сектори учун ўқув муассасаларини ташкил этишни ҳаётнинг ўзи, бозор муносабатларига ўтиш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш зарурати тақозо этди. Олинган билимлар тадбиркорлик фаолиятида амалга оширилади.

Давлат ва хусусий тузилмалар учун қўшимча таълим (ишбилармонлик таълими) соҳасидаги давлат концепциясининг талаблари қуйидаги тамойиллардан келиб чиқиши лозим:

- умуминсоний кадрлар ва шахснинг эркин ривожланиш устуворлиги: халқпарварлик, меҳнатсеварлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурматни тарбиялаш;

- таълимнинг ҳамма учун бараварлиги, таълим тизимининг тадбиркорлар тайёрлашни ривожлантириш даражасига ва хусусиятларига мослашувчанлиги:

- ишбилармонлик таълимининг эркинлиги ва плюралиزمи;

- таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги;

- жаҳон ишбилармонлик таълими тизимига киришда фан ва техника ютуқлари ва миллий анъаналарни сақлаб қолган ҳолда умумий, ўрта махсус, олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни интеграциялаш;

- фан-техника ва технологияни ривожлантириш йўналишларини аниқлашда, шунингдек, кадрларни тайёрлаш, тадбиркорлик тузилмалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ошкоралик.

Ишбилармонлик таълими концепциясида таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, тарихий ва миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда талабларнинг асослари шакллантирилиши лозим. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат ҳокимияти органлари ва турли даражадаги таълимни бошқариш органлари, шунингдек, давлат ва нодавлат таълим тизимлари ўртасида таълим соҳасидаги ваколатларнинг чегараланишини таъминлаши керак. Фуқароларнинг исталган турдаги, шу жумладан, дипломдан кейинги таълимни олиш борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимояланиши зарур.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг кадрлар тайёрлашнинг ушбу шакли соҳасидаги ҳуқуқлари, мажбуриятлари, ваколатлари ва жавобгарлигини, шунингдек, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини белгилаган ҳолда Ўзбекистон ҳудудида ишбилармонлик таълими тизими эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий кафолатларни яратиш лозим.

Ўсиб боровчи бизнес якка тадбиркордан маркетинг, менежмент, молия, бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги чуқур билимларни; мурасага келишни билишни; музокаралар олиб бориш ва жамоада ишлаш қобилиятини талаб қилади. Бизнес ва тадбиркорлик соҳаси учун мутахассисларни тайёрлашда умумтаълим фанлари мажмуини қамраб олиш зарур.

Тадбиркорларни тайёрлаш қуйидагиларни бериши лозим:

1. Билимлар:

а) бизнес имконияти;

б) бизнес-режалар (уларни тузиш усуллари);

в) мижозлар (уларга хизмат кўрсатишни билиш);

г) ишлаб чиқариш жараёнлари;

д) етказиб берувчилар (музокаралар юритишни билиш);

е) бизнесни бошқариш;

ж) бозор;

з) рақобатчилар;

и) тадбиркорлик соҳасининг ҳуқуқий асослари;

к) кўмаклашиш ва молиялаш манбалари (Ўзбекистонда: аҳоли жамғармалари, кичик кредит линиялари).

2. Бошқарув кўникмалари:

а) маркетинг (шу жумладан, сотиш);

б) молиявий бошқарув;

в) ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш;

г) режалаштириш;

д) раҳбарлик (шу жумладан, коучинг: ходимларни бошқаришнинг замонавий хили).

3. Қуйидагиларни ўз ичига оловчи шахсий тадбиркорлик хусусиятлари:

а) ташаббусни ўзига олиш қобилияти (етақчилик);

б) имкониятлар доирасида ҳаракат қилиш;

в) ахборотни якка тартибда қидириб топиш;

г) малака;

д) шартномаларни бажариш қобилияти;

е) муаммоларни ҳал этиш;

ж) мунтазам режалаштириш;

и) таваккал қилиш қобилияти.

Иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви, инвестицион сиёсат ва иқтисодиётдаги фаол таркибий ўзгаришлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, бозор тузилмалари тармоғи ва аҳолининг ўз-ўзини иш билан банд қилишнинг кенгайиши ўқув муассасаларининг ноанъанавий шакллари ривожланишига асос бўлди.



Таъкидлаш лозимки, кўшимча таълим кичик тизимида тадбиркор кадрларни тайёрлаш давлат стандартлари мавжуд эмаслиги, шунингдек кадрларни тайёрлаш ушбу тури фаолият кўрсатишининг аниқ механизми мавжуд эмаслиги туфайли кадрларни ўқитиш, улар малакасини ошириш, уларни бозор иқтисодиёти учун қайта тайёрлашга бўлган ўзгарувчан эҳтиёжларга тезкор мослаша олмайди. Бозор муносабатлари унитар, бир тарздаги давлат таълимидан танлов бўйича таълим олиш тизимига ўтишни талаб этди. Бу республикада таълим соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишига айланди.

Ушбу ҳолатда “Ким бўлмоқ” деган савол “Ким керак” деган савол билан боғланиши керак, яъни ишчи кучини тайёрлаш иқтисодиёт талаблари ва эҳтиёжларига мос келиши керак. Бунда қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

- иқтисодиёт эҳтиёжларига мос ҳолда ўқувчи ёшларни илмий-ташқилий касбга йўналтириш;
- билимларни янги техника ва технологиялар талабларига доимий равишда мос келишини таъминлаш.

Шу билан бирга қуйидагилар ҳам аҳамиятга эга:

- кадрларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш каби ишчи кучларини тайёрлаш жараёнларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- кадрларнинг касбий ва малакавий кўтарилиш тизимини яратиш;
- кадрлар тайёрлашнинг энг самарали шакллари танлаш.

Бизнингча, бозор ислохотларини чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон иқтисодиётини тадбиркор кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун уларни тайёрлашнинг янада самарали дастурини ишлаб чиқиш зарур. Мазкур дастур касбий ишбилармонлик маълумотига эга бўлишни истовчилар сони ўсишининг истиқболли тенденцияларини ҳисобга олиши ва кенг ихтисосли тадбиркорларни тайёрлашнинг турли шаклларида фойдаланишнинг кенгайтилишини кўзда тутиши керак. Бундан ташқари, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашга қандай янги омиллар таъсир кўрсатиши мумкинлигини назарда тутиш даркор.

Фикримизча, қуйидаги омиллар давлат секторида ҳам, хусусий секторда ҳам кенг соҳадаги мутахассисларга бўлган талабга таъсир кўрсатади:

- меҳнат қилиш соҳасини ривожлантириш;
- доимий равишда ортиб борувчи эҳтиёжларни қондириш зарурати;
- меҳнат унумдорлигини ошириш эҳтиёжи;
- технологик ва саноат ўзгаришлари;
- бевосита фирмаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зарурати;
- жаҳон амалиётида янги турдаги касбларни жорий этиш.

Шу муносабат билан ишбилармонлик таълими:

- ноу-хауни ўқитиш масалаларида ҳар томонлама таълимга айланади;
- содир бўлаётган ўзгаришларга тезда мослашиш имконини берувчи масъулиятли бўлади;
- мотивациялашган, бу ҳар бир таълим олувчида ўқишни давом эттириш истагини ривожлантиришга кўмаклашади;
- интеграциялашган, яъни назарий ва амалий ўқишни оқилона уйғунлаштиради.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Полонский В.М. Методы исследования проблем образования. – М: Педагогика, 1994.
2. Robson, Colin. 2002. *Real World Research: A Resource for Social Scientists and Practitioner-Researchers*, Malden: Blackwell.
3. Маликов Т. Молиявий менежмент – Т.: “Академия” – 1999.
4. Шарипова М.Ҳ. Мактаб бошқарувида раҳбарнинг ўзига хос – тадбиркорлик фаолияти. “Таълим технологиялари”, Т., 2016, 6-сон – 62-64-б.

### References

1. Полонский В.М. Методы исследования проблем образования. – М: Педагогика, 1994.
2. Robson, Colin. 2002. *Real World Research: A Resource for Social Scientists and Practitioner-Researchers*, Malden: Blackwell.
3. Маликов Т. Молиявий менежмент – Т.: “Академия” – 1999.
4. Шарипова М.Ҳ. Мактаб бошқарувида раҳбарнинг ўзига хос – тадбиркорлик фаолияти. “Таълим технологиялари”, Т., 2016, 6-сон – 62-64-б.

## MASOFAVIY TA'LIMDA AXBOROT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING YO'NALISHLARI

Qaxxorova Shaxnoza Abduvosit qizi

sh\_qaxxorova@mail.ru

Andijon shahar 7-umumta'lim maktabi

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada masofaviy ta'limda axborot xavfsizligini ta'minlashning asosiy yo'nalishlari va dasturlari yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Masofaviy ta'lim, axborot xavfsizligi, ta'lim texnologiyalari, zamonaviy operatsion tizimlar, axborotlarni himoyalash, operatsion tizim himoyasi uchun mo'ljallangan dasturlar.

## INFORMATION SECURITY DIRECTIONS IN THE DISTANCE EDUCATION

Kakhkhorova Shakhnoza Abduvasit kizi

sh\_qaxxorova@mail.ru

Andijan city, School №7

**Abstract:** This article describes the main directions and programs of information security in distance learning.

**Keywords:** Distance learning, information security, educational technologies, modern operating systems, information security, operating system protection software.

O'zbekistonda keyingi yillarda ta'lim tizimini rivojlantirishga keng e'tibor qaratilmoqda. Xususan, ta'lim tizimiga innovatsiyalarni, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini jalb etish birlamchi masalaga aylandi. Bu bo'yicha hukumatimiz tomonidan keng ko'lamlı ishlar amalga oshirilib, xalq ta'limi tizimida masofaviy ta'limni rivojlantirish bo'yicha bir qator tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Masofaviy ta'lim - masofaviy o'qitish jarayonini amalga oshiradigan tizim bo'lib, u ta'lim oluvchining keyingi ijodiy va mehnat faoliyatining asosi bo'ladigan muayyan ta'lim darajasiga erishish va tasdiqlash maqsadini amalga oshiradi [1]. Bugungi kunda masofaviy ta'lim mamlakatimizdagi oliy o'quv yurtlariga jadallik bilan kirib kelmoqda. Masofaviy ta'limni tashkil etishning muhim yo'nalishlaridan biri unda axborot xavfsizligini ta'minlash hisoblanadi. Axborot xavfsizligi ma'lumotlarni yo'qotish va o'zgartirishga yo'naltirilgan tabiiy yoki sun'iy xossalı tasodifiy va qasddan, ta'sirlardan, har qanday tashuvchılardan axborotning

himoyalanganligidir. Ilgarigi xavf faqatgina konfidensial (maxfiy) xabarlar va xujjatlarni o'g'irlash yoki nusxa olishdan iborat bo'lgan bo'lsa, hozirgi paytdagi xavf kompyuter ma'lumotlari to'plami, elektron ma'lumotlar, elektron massivlardan ularning egalaridan ruxsat so'ramasdan foydalanishdir.

Bulardan tashqari, bu harakatlardan moddiy foyda olishga intilish ham rivojlandi. Axborotning himoyalanganligi, ta'lim, boshqarish va ishlab chiqarish faoliyatining axborot xavfsizligini ta'minlovchi va tashkilot axborot zaxiralarining yaxlitligi, ishonchliligi, foydalanish osonligi va maxfiylikini ta'minlovchi qat'iy reglamentlangan dinamik texnologik jarayondir. Axborotning egasiga, uning foydalanuvchisiga va boshqa shaxsga zarar yetkazmoqchi bo'lgan noqonuniy muomaladan har qanday xujjatlashtirilgan, ya'ni identifikatsiya qilish imkonini beruvchi rekvizitlari qo'yilgan holda moddiy jismda qayd etilgan axborot himoyalaniishi kerak. Xavfsizlik siyosatining eng asosiy vazifalaridan biri himoya tizimida potensial xavfli joylarni qidirib topish va ularni bartaraf etish hisoblanadi [2].

Tekshirishlar shuni ko'rsatadiki, masofaviy ta'limdagi eng katta xavflar - bu ruxsatsiz kirishga mo'ljallangan maxsus dasturlar, kompyuter viruslari va dasturning ichiga joylashtirilgan maxsus kodlar bo'lib, ular kompyuter tarmoqlarining barcha obyektlari uchun katta xavf tug'diradi. Tarmoq xavfsizligini nazorat qilish vositalari zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining yutuqlari, himoya uslublarining bir qator zaruriy instrumental vositalarini yaratish imkonini berdi. Axborotlarni himoya qiluvchi instrumental vositalarga dasturlash, dasturiy-apparatli va apparatli vositalar kiritiladi. Ularning funksional to'ldirilishi xavfsizlik xizmatlari oldiga qo'yilgan axborotlarni himoyalash masalalarini yechishda samaralidir. Zamonaviy operatsion tizimlarda axborot zaxiralarini himoyalash vositalari mavjud. Bularga autentifikatsiyalash, identifikatsiyalash, ruxsatsiz kirishni ta'qiqlash, monitoring va audit, kriptografiya usullarining mavjudligi misol bo'ladi.

Albatta, ushbu vositalarning operatsion tizimlarda mavjud bo'lganligi ta'lim muassasalarining xavfsizlik siyosatiga mos keladi. Ammo operatsion tizimning noto'g'ri konfiguratsiyalanishi va uning dasturiy ta'minotidagi mavjud xatolar oqibatida axborot tizimlariga hujum uyushtirish imkoniyati paydo bo'ladi. Shu bois, operatsion tizimni tanlashda undagi kamchiliklarni tahlil qilish, masofaviy ta'limni amalga oshiruvchi ta'lim muassasalari tomonidan yo'l qo'yilgan xatolarning tan olinishi va ularni zudlik bilan tuzatishga kirishilishi talab etiladi. Operatsion tizim parametrlarining to'g'ri o'rnatilganligini yoki ularning o'zgarmaganligini tekshirish uchun "Tizim xavfsizligini skanerlash" deb nomlanuvchi 10 ga yaqin maxsus dasturlar ishlab chiqilgan. Masalan, "Solaris" operatsion tizimi uchun mo'ljallangan "ASET", "Netware" va "NT" uchun "KSA", "Unix" uchun "SSS" kabi dasturlar mavjud [3].

“SSS” (System Security Scanner) dasturi — “Unix” operatsion tizimi oʻrnatilgan kompyuterlarda xavfsizlik holatini tekshirish va operatsion tizimning tashqi hamda ichki zaif qismlarini aniqlashga yoʻnaltirilgan. Bundan tashqari u kirish xuquqlarini, fayllarga egalik qilish xuquqlarini, tarmoq zaxiralarini konfiguratsiyalashni, autentifikatsiyalash dasturlarini va boshqalarni tekshirishi mumkin. “SATAN” — tarmoq xizmatlarining himoyalanganligini tahlil qilish boʻyicha birinchi boʻlib ishlab chiqarilgan dasturlardan biri boʻlib, bu dastur 20 ga yaqin tarmoq xizmatlaridagi zaifliklarni aniqlay oladi.

“Internet Scanner SAFE suite” dasturi — tekshiruvlar doimiy ravishda va toʻliq amalga oshirilishi talab qilinganda “Internet Scanner SAFESuite” dasturlar paketi taklif qilinadi. Bu dasturlar paketi yordamida 140 ga yaqin maʼlum boʻlgan zaifliklar va tarmoq vositalari, yaʼni tarmoqlararo ekranlar, Webserverlar, Unix, Windows 9.x, Windows NT tizimli serverlar va ishchi stansiyalar, umuman TCP/IP protokoli qoʻllaniladigan barcha vositalar tekshiriladi [4]. “Internet Scanner” dasturi kompyuter tarmogʻida mavjud kamchiliklarni tarmoqqa ruxsatsiz kirishlarini amalga oshirish orqali testdan oʻtkazish yordamida aniqlashga yoʻnaltirilgan. Tarmoqning har xil qismlari (xostkompyuterlar, yoʻllovchilar, Web-serverlar, Windows 9.x/NT tizimida ishlaydigan kompyuterlar)ni tekshirishni ham amalga oshiradi. Yuqorida keltirilganlardan tashqari kompyuter tizimlariga ruxsatsiz kirishlarni doimiy ravishda nazorat qiluvchi dasturlar, masalan, “Internet Security Systems” kompaniyasi tomonidan ishlab chiqilgan “Real Secure” dasturi ham mavjud. Bu dastur tarmoqda sodir etilayotgan hodisalar, masalan, xakerlarning hujumlarini qayd qilish bilan birgalikda faol himoya chora-tadbirlarini tashkillashtirishi mumkin.

“Real Secure” dasturi yirik tashkilotlar uchun moʻljallangan boʻlib, har kuni tinimsiz ishlashga moʻljallangan. “Real Secure” dasturi ikki qismdan iborat: filtrlash va foydalanuvchining grafik interfeysi. Filtrlash qismi tarmoqda sodir etilayotgan hodisalarni faol kuzatish va boshqarish uchun xizmat qiladi. Filtrlash va sodir etilayotgan hodisalarga nisbatan himoya tadbirlarini avtomatik ravishda amalga oshirish mumkin boʻladi, masalan, qayd qilish, displeyga chiqarish, hodisani man etish va boshqalar. Bulardan tashqari barcha qayd etilgan hodisalar haqidagi maʼlumotlarni keyinchalik real masshtabda yoki tezkor yoki sekinlashgan rejimlarda koʻrib chiqish mumkin boʻladi. “Real Secure” dasturi bevosita “Sun OS”, “Solaris” va “Linux” operatsion tizimlarida ishlash uchun moʻljallangan.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Gulyamov S.S. i dr. Distansionnoe ekonomicheskoe obrazovanie. T.: “Shark”, 2004 g. S. 124.
2. Abduqodirov A.A., Pardaev A.X. Masofali oʻqitish nazariyasi va amaliyoti. Monografiya. T.: “Fan”, 2009 y. 86 b.

3. Raximov O.D. Axborotlashgan jamiyat ta'lim tizimida zamonaviy axborot va pedagogik texnologiyalar. Monografiya. T.: "Fan va texnologiyalar" 2014 y. 78b.
4. A. Abdullaev va boshqalar. "Axborot xavfsizligi asoslari". Andijon.

## ТАРЖИМАДА НОВЕРБАЛ ВОСИТАЛАРНИ ТУШУНИБ ЕТИШ МУАММОЛАРИ

Курбанов Музаффар Абдумуталибович  
adusifat@gmail.com  
Андижон давлат университети

**Аннотация:** Мазкур мақола нутқда новербал воситаларни таржима қилиш ва тушуниб етишдаги муаммоларига бағишланган. Мақолада ўзбек, инглиз, усмонли турк ва рус олимларининг новербал воситалар юзасидан фикр ва назарий қарашлари, мавзу бўйича йиғилган маълумот ва материаллар умумлаштирилиб, қиёсий таҳлил ўтказиш ва мазмун-моҳиятини ёритиб бериш орқали ўрганилган.

**Калит сўзлар:** паралингвистик воситалар, новербал мулоқот, новербал воситалар, лингво-прагматика, таржима муаммолари.

## DIFFICULTIES IN UNDERSTANDING OF NON-VERBAL MEANS IN TRANSLATION

Kurbanov Muzaffar Abdumutalibovich  
adusifat@gmail.com  
Andijan State University

**Abstract:** The article is devoted to the problems of translating and understanding of non-verbal means in speech. The article also summarizes the opinions and theoretical views of Uzbek, English, Turkish and Russian scientists on non-verbal means of communication, information and materials collected on this issue, as well as a comparative analysis and clarification of their content.

**Keywords:** paralinguistic features, non-verbal communication, non-verbal means, linguistic pragmatics, translation problems.

## ТРУДНОСТИ ПОНИМАНИЯ НЕВЕРБАЛЬНЫХ СРЕДСТВ В ПЕРЕВОДЕ

Курбанов Музаффар Абдумуталибович  
adusifat@gmail.com  
Андижанский государственный университет

**Аннотация:** Статя посвящена трудностям перевода и понимания невербальных средств в речи. В ней также обобщаются мнения и теоретические взгляды узбекских, английских, турецких и российских ученых на невербальные средства общения, информацию и материалы, собранные по этому вопросу, а также проводится сравнительный анализ и уточнение их содержания.

**Ключевые слова:** паралингвистические средства, невербальная коммуникация, невербальные средства, лингвопрагматика, трудности перевода

Таржимада новербал мулоқотни тушуниб етиш ва ўзга тилларга ўгириш муаммолари ҳозирги кунга қадар етарли даражада мукамал ўрганилмаган десак муболаға бўлмайди. Чунки новербал воситаларни бир тилдан иккинчи тилга ўгиришда миллий ва хусусийлик талаб қилиб, уларни таржима қилиш учун таржимондан ўрганилаётган тилда нолисоний воситаларни ҳам яхши ўзлаштириш талаб этади. Нутқда ишлатиб келинадиган паралингвистик (новербал) воситалар умумий, миллий ва хусусий характерга эга эканлиги илмий изланишларда ўз исботини топган. Жумладан, профессор А.Нурмонов адабий алоқалар жараёнида бир тилдан иккинчи тилга маълум бадий асарни таржима қилишда ҳам таржимон фақат шу халқ (миллат) тилини билиш билан кифояланиб қолмай, балки уларнинг ўзларига хос муомала маданияти, имо-ишораларини билиши ҳам керак деб айтган [6, Б. 212]. Тўғри, айрим ҳолатларда новербал воситалар вербал мулоқот билан умумий ёки унинг компоненти ўрнида ўрганилган. Лекин ушбу ҳолатлар билан новербал воситаларни нутқдаги ўрнини ва мазмун-моҳиятини тўлиқ ўрганилган деб айтиб бўлмайди.

Кўпчилик таржимашунос олимларнинг фикрига кўра моддий борлиқни акс эттиришда тиллар ўртасидаги фарқ унчалик катта эмас, яъни бу фарқ тиллараро коммуникацияни амалга оширишга ёки уни таржима қилишга ҳалақит беролмайди. Тиллараро алоқанинг мавжудлиги ва таржиманинг имкониятини кенглигини ҳисобга олиб шундай фикрни олға суриш мумкин: дунёдаги мавжуд халқларнинг этник-маданий жиҳатларининг акс этишида барча тиллар учун муҳим бўлган умумий тамойил ётади – у ҳам бўлса халқаро субстантив маънонинг мавжудлигидир. Бошқача қилиб айтганда бир тилдан иккинчи бир тилга таржима қилишнинг имконияти борлиги сабаб, дунё тилларининг барчаси умумий гносеологик асосга эга [5].

Бугунги кунга келиб таржима лингвистик воқелик сифатида эмас балки, психоллингвистик воқелик сифатида талқин этилмоқда. Масалан, профессор Ғайбулла Ас-Саломнинг фикрича таржима тушунчасини маъноси жуда кенг. Бир тилдан иккинчи тилга бадий адабиёт: шеър, драматик ва насрий асарлар, фаннинг турли-туман соҳаларига доир илмий ва илмий-оммабоп китоблар,



дипломатия ҳужжатлари, расмий қоғозлар, сиёсий арбобларнинг мақолалари ва нотикларнинг нутқлари, газета материаллари, бошқа-бошқа тилларда сўзлашувчи, "тилмоч"нинг ҳизматига муҳтож бўлган кишиларнинг суҳбатлари таржима қилинади, кинофильмлар ўтирилади. Аслида тил буюк бобокалонимиз Ал-Берунийнинг таърифига кўра "*Сўзловчининг тилагини тингловчига етказувчи таржимондир*" [9, Б. 36-38].

Усмонли турк тилшунослигида ҳам вербал ва новербал воситаларнинг таржимадаги прагматик жиҳатлари Истамбул университети профессори Х.Балжи томонидан изланилган. Олима прагматикани ижтимоий тузилишига кўра нутқда вербал ва новербал воситаларни фойдаланиш хусусиятларини очиб берган. Унинг фикрича, нутқда грамматика прагматикани қўллашдаги мақсад ва характерларини белгилаб беради [14, Б. 556-566].

Инглиззабон мамлакатларида новербал воситаларни лингво-прагматик жиҳатлари ва белгилар тизимини тушуниб етишдаги муаммолари фалсафий прагматизм оқими асосчилари бўлган, Америка ва Европанинг олимлари Ч.Пирс, Р.Карнап, Ч.Моррис, Л.Витгенштейн номлари билан боғлиқ [10, Б. 41]. Хусусан, америкалик олим Ч.Моррис ўзининг "Белгилар назариясининг асослари" (*Foundations of the theory of signs*) асарида сўзловчи ва белгилар муносабатларини ўрганган [11]. Олим уларнинг муносабатларини семиотика йўналиши доирасида тадқиқ қилиб, уларни қуйидаги 3 та гуруҳларга ажратган:

- а) семантика — белгининг объектга муносабати (табиатшунослик);
- б) синтаксис — белгиларнинг ўзаро боғлиқлиги (лингвистика, мантик);
- в) прагматика — белгиларнинг предметга муносабати (психология).

Лекин Ч.Морриснинг ушбу назарияси келгусида бошқа олимлар томонидан тўлдирилган. Масалан, немис олими Г.Клаус белгиларнинг ўзаро боғлиқлиги нафақат синтагматика, балки парадигматика доирасида ҳам учраб туришини айтган. Шунга кўра, Г.Клаус белгининг объект (референт)га муносабати — *сигматикани* қўшиб қўйган [4].

Шу билан бирга, америкалик антрополог Э.Холл коммуникантларнинг мулоқотида масофани сақлашига бўлган эҳтиёжини ўрганишга асос солган олим сифатида эътироф этилади. Хусусан, олим мулоқот жараёнида инсон масофаси сўзловчи ва тингловчилар ўртасидаги муносабатларни ифода этиб, таржимада алоҳида мазмун касб этишини айтган. Унинг натижаси ўрнида Э.Холл томонидан новербал мулоқотнинг масофавий яқинлик — проксемика компонентига асос солинган [8, Б. 29].

Шунга қарамасдан, юқоридаги олимларнинг тадқиқот ишлари фалсафа фани нуқтаи назаридан ўрганилган бўлиб, прагматикани лингвистика соҳасида тутган ўрни лингвист олимлар томонидан қайта кўриб чиқилган. Жумладан, инглиззабон мамлакатлари тилшунослари Р.Познер, Дж.Лич, М.Халлидей,

К.Бюлер, Р. Якобсон ва бошқа олимлар изланишларида лингво-прагматика соҳаси алоҳида ўрин эгаллаган. Ўз навбатида, Америка ва Европа лингво-прагматика йўналишининг ривожини учун Р. Якобсон каби бир қатор рус тилшунослиги олимларининг изланишлари ижобий таъсир қилганлигини қайд этиш лозим. Масалан, уларнинг сафини Н.Арутюнова, Ю.Апресян, А.Супрун, И.Сусов ва бошқалар билан тўлдириш мумкин. Улар орасидан Ю.Апресянинг назарий қарашлари лингвистик прагматикани янада кенгроқ тушуниб етишга хизмат қилган бўлса, А.Супруннинг изланишлари нутқда вербал ва новербал воситаларни ишлатишдаги жараёнларига ойдинлик киритди десак муболаға бўлмайди. Хусусан, А.Супрун илмий изланишларида прагматика ва сигматика нутқда сўзнинг ташқи омил (экстралингвистик) алоқаларини, семантика ва синтактика эса унинг ички (интралингвистик) хусусиятларини очиб берилиши асослаб берилган [12, Б. 15].

Юқорида олимлар томонидан берилган илмий фикрлари ва назарий қарашлари ўзбек, усмонлик турк, инглиз ва рус тилларида деярли бир-бирига яқин. Фақатгина уларда қисман назарий қарашларда ва ўрганиш усулларида фарқликларни кузатиш мумкин. Чунки дастлаб фанда прагматика оқимида асос солинганда айрим олимларнинг қўшимча изоҳлари ёки қарши фикрлари ҳозирга қадар уларнинг издошлари томонидан давом эттирилмоқда. Аммо вербал ва новербал воситаларни лингво-прагматика доирасида ўрганиш ва таржима қилишдаги муаммолари барча тилларда бир ҳил кечмоқда. Уларни таржима қилишда новербал воситаларни асл мазмуни ёки унинг эквиваленти ўрнида ишлатиладиган ибораларини тўғри танлаш каби муаммолар ечимини топиш талаб этилмоқда. Шу сабабли, бугунги кунга келиб таржима назарияси мустақил фан сифатида бўй кўрсатган бўлса ҳам унинг моҳияти турли таржимашунос олимлар томонидан турлича талқин қилинмоқда. Айниқса нутқда новербал воситаларни таржима қилиш муаммолари ёки уни тўғри тушуниб етиш масаласи нафақат хорижликлар, балки бошқа ҳудудда яшовчи миллатимиз вакилларида ҳам қийинчиликлар туғдирмоқда. Уларга барча новербал мулоқот компонентлари бўлган паралингвистик воситаларни киритиш мумкин. Нутқда қўлланиладиган мазкур турдаги паралингвистик воситалар лингво-прагматик жиҳатларини намоён қилиб, турли вазиятларда турлича маъноларни англатиб келади. Айниқса, уларни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш ёки тушуниб етишда таржимон ва коммуникантда ўзига хос мураккаблик келтириб чиқаради. Мисол учун ўзбек тилида "елкасини қоқиш" новербал ишора ҳаракатининг бизга маълум бўлган: *орқадан чақирши, қайғудан юпатиши, сўзларига ишонтириши, миннатдорлик билдириши, қилган ишини мақташ, гапини маъқуллаш, танбеҳ бериши, фикрини изҳор қилиши, вербал*

воситаларни жиддийлигини таъминлаш ва овқат танаввул вақтида йўталганда уриб қўйиши каби 10 дан ортиқ семалари мавжуд.

Масалан:

Ўзбек тилида – *Йўлчи дўстининг сўзларига хахолаб кулди, маъқул дегандай қўлини чўзиб, унинг елкасини қоқди* [7, Б. 103].

Турк тилида – *"Tam vaktinde geldiniz don Lino..." dedi hakim ve dost hareketlerle omzunu sivazladı onun* [13, S. 434].

Инглиз тилида – *"You never offered to do that," she complains to Sam, slapping his shoulder* [16, P. 229].

Рус тилида – *Ничего, добреющий мальчик, ничего! прибавил он, стукнув Заметова по плечу, я ведь не назло, "а по всей то есь любви, играючи", говорю, вот как работник-то ваш говорил, когда он Митьку тузил, вот, по старухиному-то делу* [2, С. 146].

Айтиш жоизки, паралингвистик воситалар нутқда инсон ички рухий кечинмаларини ифода этишда асосий новербал мулоқот компоненти ўрнида фойдаланилади. Мисол учун *қўлни чап кўкрагига қўйиши* — меҳрни; *ўнг қўли билан бўйни орқа қисмини ушлаш* — иккиланишни; *томоқни қўл билан ушлаш* — томоқ оғриқни; *суҳбатдоши елкасига қўлини қўйиши* — дўстликни; *суҳбатдоши елкасини қоқиши* — хамдардликни; *елка қисми* — таажжуб ёки билмасликни; *қўлини муштраб кўкрагига такрор уриши* — ўзлигини; одатда оғриқ жойини кўрсатиш: *қорин ёки белни ушлаш* — касалликни; *икки қўли билан икки бел (биқин)ни ушлаш* — диққатини жалб қилишни; *ўнг қўлини муштраб бел (биқин)ни ушлаш* — ғазабни ва икки қўллаб қорнини ушлаш — таъзимни ифода этиши мумкин. Лекин бу ерда новербал воситаларни нутқ контекстига қараб аниқлашни тавсия қиламиз. Чунки вербал воситалар кўп маънолик бўлгани сингари, айтиш бир новербал восита ҳам турли маъноларга эга. Улар мулоқотда аниқ ифодаланиши лозим. Айтишса, қўшимча вербал ва новербал воситалар билан бирга қўлланган тақдирда, нутқда ифода этишдаги асл маъносини сақлаб қолади.

Масалан:

Ўзбек тилида – *Жўра қўлларини ёйиб, елкасини оғизона қисиб умидсиз эканини ифода қилди* [7, Б. 9].

Турк тилида – *Ben, omuzlarımı kısarak, dilimi çıkararak kös kös dışarı çıkarken çocuklar gülüyorlar, hoca cetveliyle hafif hafif kürsüye vurarak onları sükût ve ciddiyete davet ediyordu* [17, S. 27].

Инглиз тилида – *D'Artagnan would have remonstrated at this; but Athos put his hand upon his shoulder, with a smile, and d'Artagnan understood that it was all very well for such a little Gascon gentleman as himself to drive a bargain, but not for a man who had the bearing of a prince* [15, P. 354].

Рус тилида – *Ваше несчастье смешит меня, сказал Атос, пожимая плечами: мне хотелось бы знать, что вы скажете, когда я расскажу вам одну любовную историю* [3, С. 254].

Ўз навбатидида, новербал воситаларни қўллашда суҳбатдош учун мумкин бўлган тушунмовчилик комплекс бажарилиши лозим бўлган новербал мулоқотни қисқартирилиш жараёни ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Мисол учун инсон суҳбатдошининг берилган савол ёки жавобидан қониқиш ҳосил қилмаганда ҳамда таажжубланганда ёки иккиланганда *елкасини қисииш, қошларини кўтариши, пешонасини тириштириши, кўзини олиб қочиши, лабини буриштириши, кафтларини икки ёнга ташлаб очиқ холатга келтириши, чуқур хўрсиниши* ва *бошини чайқаш* каби комплекс ҳаракатлар ёрдамида ифода этади.

Бундан ташқари, ўгириш деганда биз нафақат бир тилдан иккинчи тилга вербал ёки вербаллашган ишора ҳаракатларини таржима қилиш, балки тасвирий санъат ва мусиқий композиция каби новербал сигнал воситаларини нутққа кўчиришни ҳам тушунишимиз лозим. Чунки рассом ва композиторлар томонидан ўз ижодий асарларида инсонларнинг ички кечинмаларини сўзларга, уларни эса ранг тавсир ва мусиқа оҳангларига кўчириш (кодлаш) орқали етказиб бериши жараёнларини вербал сўзларга қайта ўгириш (декодлаш) холатлари ҳам мавжуд. Жумладан, рус олими И.Горелов мусиқий тилни вербал воситаларга таржима қилиш жараёнини психоллингвистика фани нуқтаи назаридан талқин қилишга ҳаракат қилган [1, Б. 47]. Новербал мулоқотни кодлаш ёки декодлаш инсонларнинг руҳий холатига ҳам боғлиқ. Айниқса, сахнада пантомимик актер томонидан имо-ишора ҳаракатлари ёрдамида маълум бир ҳикояни тасвирланиши турли томошабинлар томонидан турлича талқин қилиниши мумкин.

Ўрни келганда айтиш мумкинки, таржима туфайли жаҳон адабиёти дурдоналари — араб ижодий фантазиясининг маҳсули "Минг бир кеча", ҳинд эртаклари "Калила ва Димна", Гомернинг "Илиада" ва "Одиссея"си, Умар Ҳайём рубоийлари, А.Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достони, Бобурнинг "Бобурнома", Данте, В.Шекспир, Сервантес, Байрон, Вольтер, И.Гёте, А.Пушкин, Н.Гоголь, Л.Толстой, Даниель Дефо, Робиндранат Тагор асарлари жаҳон халқларининг тилларига қайта-қайта таржима қилиниб, ер юзининг турли қитъаларида асрлар давомида билим ва маърифат манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Бу асарларнинг аксарияти бевосита эмас, балки билвосита йўл билан ўгирилган. Шунинг учун мазкур асарларнинг таржимларида ғализ жумлалар, семантик нуқтаи назардан ноадекват, яъни мос келмаслик холатлари учрамайди. Аслида ҳам таржима жараёнида миллий этник тушунчаларни ўгиришда тасвирий йўлни танлаш маъқулроқ кўрилади. Чунки аслиятга яқин бўлмаса ҳам семантик йўқотишлар минимумга келтирилади. Бу борада

профессор Л.Бархударов шундай ёзади: "*Таржима матни ҳеч қачон тўла ва аслият матнга абсолют эквивалент бўла олмайди*" [9, Б. 36-38]. Шунинг учун бир тилдан иккинчи бир тилга таржима қилаётганда семантик йўқотишларни минимал ҳолатга келтириш учун маъно турларининг қайсинисидир қурбон этилиши керак. Масалан, рус адаби Л.Пенковский миллатимиз буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг "Фарход ва Ширин" достонини рус тилига таржима қилишда "*плакать*" — "*ийгламоқ*" тасвирловчи сўз ўрнига "*рассыпать жемчуг слез*" ҳамда "*разбудил*" — "*уйғотди*" сўзи ўрнига эса "*Солнечный рубин открыл глаза Шапиру*" перифрастик иборасидан моҳирлик билан фойдаланган.

Этник-маданий жиҳатларни ифодаловчи новербал воситаларни бадий таржимада асл ҳолида берилиши мушкул. Лекин шунга қарамасдан Ж.Голсуорсининг "То Let" романида туркий "*олиб бостир*" сўзи "*алебастер*" шаклида ўгирилган. Яна шу романда ўзбек тили учун хос бўлган "*карвонсарой*" сўзи русчага калкалаштирилиб "*caravansaray*" тарзида берилганлигини кўришимиз мумкин [9].

Ўз навбатида, ўзбек тилига хос бўлган этник-маданий хусусиятни ифода этувчи "*Атлас кийган Сарвинозим*", "*Онанг айлансин*", "*бўйларинга гиргиттон*", "*бўйларинга бўй тумор*", "*кўз тегмасин*" ва "*ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин*" каби паралингвистик воситалардан ташкил топган перифрастик ибораларини бошқа тилларга ўгириш таржимашунослик фанининг долзарб муаммоларидан бир бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам экзотик лексика сифатида қабул қилинган ўзбек тилидаги "*наранжи*", "*чимилдиқ*", "*тумор*"; усмонли турк тилидаги "*afiyet olsun*", "*zemheri*", "*maalesef*"; инглиз тилидаги "*football widow*", "*catch and release*", "*table queen*"; рус тилидаги "*пошлость*", "*стушеваться*", "*хандра*" каби лексемаларини бошқа тилларга семантик йўқотишсиз таржима қилиш мумкин эмас деб ҳисоблаймиз.

Демак, ўзбек тилида новербал воситаларни усмонли турк, инглиз ва рус тилларига ўгиришда унинг асл таржимаси ёки эквивалентини топиш каби муаммолар, айниқса қўлланилган паралингвистик воситаларни тингловчи томонидан тўлиқ тушуниб етишда ўзига хос мураккабликлар мавжуд. Шу сабабли, лингвистикада новербал воситаларни лингво-прагматик жиҳатлари ва таржима қилиш етарли даражада мукамал ўрганилмаган йўналишларга киритиш мумкин. Уни илмий нуқтаи назаридан ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Горелов И. Невербальные компоненты коммуникации. –М.: Книжный дом "Либроком", 2009.
2. Достоевский Ф. Преступление и наказание. – М.: АСТ., 2015.

3. Дюма А. Три мушкетера. –М.: ЛитРес, 2015.
4. Клаус Г. Сила слова: гносеологический и прагматический анализ. –М.: Прогресс, 1967.
5. Колшанский Г. Соотношение субъективных и объективных факторов в языке. –М.: Наука, 1975.
6. Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.: Академнашр, 2012.
7. Ойбек. Қутлуғ қон. Учинчи том. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969.
8. Пиз А. Язык телодвижений. –М.: Эксмо-през, 2010. –С. 29.
9. Раҳимов С. ва бошқ. Таржиманинг лингвистик моҳияти нимада?//Таржиманинг лингвокогнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик аспектлари. –Андижон: АДУ, 2015.
10. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. –Т.: Давлат илмий нашриёти, 2008.
11. Степанов Ю. Семиотика: антология. 2-изд. –Екатеринбург: "Деловая книга", 1999.
12. Супрун А. Методы изучения лексики. –Минск: БГУ, 2009.
13. Asturias M. Gözleri Açık Gidenler. –Istanbul: Yordam Kitap, 2010.
14. Balci H. Relation of Pragmatics and Grammar//International Journal of Languages Education and Teaching. № 5, 2017.
15. Dumas A. The Three Musketeers. –New York: Modern Library, 2001.
16. Frank E. Life is Funny. –New York: Atheneum Books for Young Readers, 2016.
17. Güntekin R. Çalikuşu. – Istanbul: Inkilap Kitabevi Yayın Sanayi ve Ticaret AŞ, 2017.

### References

1. Горелов И. Невербальные компоненты коммуникации. –М.: Книжный дом "Либроком, 2009.
2. Достоевский Ф. Преступление и наказание. – М.: АСТ., 2015.
3. Дюма А. Три мушкетера. –М.: ЛитРес, 2015.
4. Клаус Г. Сила слова: гносеологический и прагматический анализ. –М.: Прогресс, 1967.
5. Колшанский Г. Соотношение субъективных и объективных факторов в языке. –М.: Наука, 1975.
6. Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.: Академнашр, 2012.
7. Ойбек. Қутлуғ қон. Учинчи том. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969.
8. Пиз А. Язык телодвижений. –М.: Эксмо-през, 2010. –С. 29.

9. Раҳимов С. ва бошқ. Таржиманинг лингвистик моҳияти нимада?//Таржиманинг лингвокогнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик аспектлари. –Андижон: АДУ, 2015.

10. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. –Т.: Давлат илмий нашриёти, 2008.

11. Степанов Ю. Семиотика: антология. 2-изд. –Екатеринбург: "Деловая книга", 1999.

12. Супрун А. Методы изучения лексики. –Минск: БГУ, 2009.

13. Asturias M. Gözleri Açık Gidenler. –Istanbul: Yordam Kitap, 2010.

14. Balci H. Relation of Pragmatics and Grammar//International Journal of Languages Education and Teaching. № 5, 2017.

15. Dumas A. The Three Musketeers. –New York: Modern Library, 2001.

16. Frank E. Life is Funny. –New York: Atheneum Books for Young Readers, 2016.

17. Güntekin R. Çalikuşu. – Istanbul: Inkilap Kitabevi Yayin Sanayi ve Ticaret AŞ, 2017.

## ОСНОВНЫЕ ЧЕРТЫ ЛОГИКИ ДРЕВНЕГО ВОСТОКА

Мадалимов Тимур Абдувалиевич

t.madalimov1991@mail.ru

Чирчикский государственный педагогический институт

Ташкентский области

**Аннотация:** В статье рассматривается развитие логики в древнем Китае и Индии и ее значение в современном образовании.

**Ключевые слова:** логика, рассуждение, вывод, аналогия, сомнение

## MAIN FEATURES OF THE ANCIENT LOGIC

Madalimov Timur Abduvaliyevich

t.madalimov1991@mail.ru

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region

**Abstract:** The article discusses the development of logic in ancient China and India and its importance in modern education.

**Keywords:** logic, reasoning, conclusion, analogy, doubt.

Логика древнего Востока была в основном связана с исламом. В частности, хадисная наука ученого Термизи была прелюдией к логике в мусульманской науке[1]. В исламе философия суфизма служила для созерцания.[2] Работы Абдурахмана Джамии дают наглядные примеры этого[3] Но история древней восточной логики начинается в Индии и Китае.

История развития логики в Индии делится на четыре периода:

1. Логика первого Будды охватывает VI-V века до нашей эры;
2. Логика Ньяя и Вайшешика - III-II вв. До н.э.
3. Школа Дхармы и Дхармакирти - VI-VIII вв. Н.э.
4. Четвертый период охватывает VIII-XVII века[4]

Ранняя буддийская логика была в значительной степени посвящена философской эпистемологии, в которой мышление объяснялось главным образом через эмоциональное познание. С другой стороны, логика Ньяи и Вайшешика радикально изменила индийскую логику, что привело к классическому периоду индийской мысли

В древнеиндийских философских школах путь к правильным знаниям показан по-разному. Например:

В философской школе чарвака локайата - через интуицию (пратьякша);



Миманса - через устное свидетельство (шабда);

В школах вайшешики и буддизма - через интуицию и умозаключение (анумана);

Санкхья-интуиция, заключение, через устное свидетельство;

Ньяя - через интуицию, заключение, устное свидетельство, сравнение;[5]

Прабхакара - через интуицию, заключение, сравнение, устные показания, догадки;

Бхакти и Веданта - через интуицию, заключение, сравнение, устные свидетельства, догадки, несуществование;

Знание классифицируется по вероятности, интуиции, выводу, сравнению, устному свидетельству, предположению, несуществованию.

Особенность индийской философской школы заключается в том, что ее силлогизмы отличаются от классической логики древней Греции. В школе Миманса говорят, что правильность знания достигается устным свидетельством (шабда). Устное свидетельство является образцовым свидетельством попечителя (апта), то есть того, кто обладает истинным знанием и является обладателем истины. По словам Миманса, заслуживающий доверия человек должен обладать следующими качествами:

- без суеверий и предрассудков;
- отсутствие интереса к информационным результатам;
- признаны заслуживающими доверия другими органами власти;

Мнение опекуна не обсуждается, только необходимость обладать вышеуказанными качествами при выборе его. Но субъективность не допускается при выборе.

Основное внимание философских учений Пхабкары уделяется вероятности знания. Вероятность (самбхава) - существование чего-либо означает существование его спутника. Например, вывод о том, что «если нет (черного) облака, дождя нет», то можно сделать вывод, что «если есть черное облако, то идет дождь». В школах бхакти и веданты специфика знания объясняется методом небытия. Отсутствие - это существование одной из двух противоположностей, отсутствие другой. Это определяется вторым законом формальной логики, Законом нацизма: «Две противоположные точки зрения, выраженные одновременно, не могут быть правдой одновременно». Например, отсутствие солнца указывает на наличие звезд. Неверно, что есть два противоположных взгляда (солнце и звезды) одновременно.[6] Наиболее оптимизированная форма логики в древней Индии дана в философской школе Няя. Учения системы Найя направлены на создание логической основы для изучения и познания истины. Найя занимается критическим исследованием. Он изучает все верования - традиционные и современные и резко борется со всеми суевериями,

обоснованными и нелогичными верованиями. Везде, где конструктивное мышление направлено на получение реального понимания, необходима логика. Это желание искать истину рождается в природе человека, и логика позволяет нам практиковать конструктивное рациональное мышление. Цель логики - понять себя, предоставляя средства обучения, слушания, размышления и оценки. Это заканчивается устранением сомнений и приводит к зрелой мудрости или утверждению того, что принято в соответствии с традицией. В Ньяе аналогия принимается как независимое средство получения правильного знания, потому что оно производит правильное знание, которое не может быть достигнуто через эмоциональное познание или умозаключение. Правила и методология Няя должны применяться при возникновении сомнений, и, следовательно, правда должна быть проверена, чтобы подтвердить или разъяснить правду.

Есть 4 типа подозрений:

1. Восприятие общих черт или отсутствие восприятия различий. Например, в темноте проволоку можно спутать с человеком или веревку со змеей.
2. Противоречивые показания свидетелей или расхождения во мнениях двух или более лиц по тому или иному вопросу
3. Ложные чувства. Слыша шум листьев куста, с подозрением глядя на то, что там может быть животное или человек
4. Ошибка нечувствительности. Например, не верить в существование чего-либо, не имея описанных качеств или основанных на способности верить в его существование.

История логики в Китае начинается с правления Фу Си. По мнению экспертов, логика в Китае впервые возникла в периоды Чун Сюй и Чжан Сюй. В школах логики этого периода мышление по аналогии было предпочтительным. Благодаря этому методу был разработан метод классификации названий по степени их общности и классификации вещей по видам. Кроме того, логики изучили теорию концепций, вопросы, связанные с искусством дебатов. Одной из таких школ была Мин-дзя, или Школа Имен, основанная Мо Ши, которая изучала методы формальной логики. Эта школа изобрела категорический силлогизм с Аристотелем. В древнем Китае большинство логических теорий и учений были отражены в различных брошюрах о политике, философии, этике и естественных науках. Школа имен (мин-дзя), школа юристов (фаз-дзя), школа Конфуция (жуц-дзя) и особенно школа Мо-дзы построены на логике. Древний китайский философ Мо-дзы и его последователи разработали логику и теорию познания. Они подчеркнули необходимость разработки правильных концепций. «Имена» являются важным фактором в процессе обучения. Родовое имя - это всеобъемлющее понятие. Родовое имя - это всеобъемлющее понятие. Правильное имя - это предел реальности. это особенность. Моли считал понятие

«бьян» (суждение) основным методом логики. Благодаря этому пониманию истина и ложь определяются законными и незаконными действиями. Кроме того, закон подлинности и нацизма стремится устранить отношения и подозрения между именами. Позже ученики Моззи написали трактат по логике под названием Мобьян. Логика Моззи утверждает, что два противоположных суждения не могут быть ложными одновременно. Мо Цзы изобрел 7 категорий мышления. К ним относятся:

1. Сюо (вероятность)
2. Сзя (угадай)
3. яо (имитация изображения)
4. би (совместимость)
5. Муо (сравнение)
6. Юань (со ссылкой на мнение оппонента)
7. Туй (раздача)

Мобьян фокусируется на аргументах тезисов, дискуссиях, правилах вывода, аналогиях, правилах дебатов, переговорах. Согласно брошюре, источник истинного знания делится на три части:

- 1) Сзин Чжи (прямое знание) исходит из индивидуального опыта каждого человека
- 2) Вэнь Чжи (услышанное знание) - это знание, полученное непосредственно от других людей.
- 3) Шо-чжи (рациональное знание) - это знание, которое выражается через суждения и выводы.

Эти типы знаний взаимосвязаны, причем первые два являются главными и образуют третий. Они создали логическую систему и попытались доказать законы идентичности и третье исключение. Автор статьи «Древнекитайская логика I» предоставил интересную информацию о законах логики, существовавших в династии Пан Шимо Син;

- 1) Теория имен
- 2) Теория Ци (утверждение)
- 3) теория «шо» и «бьян» (обсуждение)
- 4) О законах созерцания

Пан Шимо перечислил особенности древнекитайской логики. Они есть:

1. Логические теории "мин" (существительные) и ци (предложения и высказывания)
2. Логика напрямую связана с языком, и к ним относятся категории «мин» и «ци».
3. Обычно это происходит из практической риторики

4. В древнем Китае логика оказала сильное влияние на различные политические учения и моральные принципы. Китай всегда был страной с чувством подчинения. Младшие должны подчиняться старшим, младшие должны подчиняться старшим. Так же, как Конфуций при построении учения о логике эти особенности древнекитайской системы сделали практически невозможным создание четкой системы знаний о выводах.

### Использованная литература

1. Madalimov, T. (2019). Қадимги Ҳиндистондаги Ния фалсафий мактабининг билиш муаммолари. *Фалсафа ва ҳуқуқ*, 1(13), 33-36.
2. Madalimov, T. (2020). Qadimgi Xitoyda mantiq ilmining shakllanishi. *Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi*, 5(1), 51-52.
3. Madalimov, T. (2020). Qadimgi Hindistonda mantiq ilmining shakllanishi. *Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi*, 2(2), 37-39.
4. Madalimov, T. (2020). Мирзо Ғолиб фалсафасига қадимги ҳинд фалсафий мактабларининг таъсири. *Tamaddun nur*, 1(1), 52-55.
5. Madalimov, T., Akhatov, L., Xaytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review*, 1(1), 29-32.
6. Madalimov, T., Karimov, N., Is'haqov, M., Sulaymonov, J., & Alimova, R. (2019). Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith. *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)*, 9(1), 593-599.
7. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). THE PROBLEM OF TOLERANCE IN ORIENTAL PHILOSOPHY. *JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.
8. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). the PROBLEM of HUMAN PSYCHOLOGICAL CRISES in the VIEWS of EMIL DURKHEIM. *НАУКА ОБРАЗОВАНИЕ И КУЛЬТУРА*, 50(6), 50-57.
9. Madalimov, T., Mullajonov, I., Pulatov, S., Qodirov, M., & Valiyev, L. (2020). Some Characteristics of Modern Indian Philosophy. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 2(11), 47-49.
10. Xaytmetov, R., Akhatov, L., & Madalimov, T. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2(1), 53-61.
11. Xaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The spiritual connection of Sufism and Tolerance in the works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 1(2), 1-4.
12. Madalimov, T. A. (2019) "PROBLEMS OF KNOWING THE NYAYA PHILOSOPHY SCHOOL IN ANCIENT INDIA," *Central Asian Problems of Modern Science and Education: Vol. 4 :Iss. 2*

## References

1. Madalimov, T. (2019). Қадимги Ҳиндистондаги Няя фалсафий мактабининг билиш муаммолари. *Фалсафа ва ҳуқуқ*, 1(13), 33-36.
2. Madalimov, T. (2020). Qadimgi Xitoyda mantiq ilmining shakllanishi. *Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi*, 5(1), 51-52.
3. Madalimov, T. (2020). Qadimgi Hindistonda mantiq ilmining shakllanishi. *Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi*, 2(2), 37-39.
4. Madalimov, T. (2020). Мирзо Ғолиб фалсафасига қадимги ҳинд фалсафий мактабларининг таъсири. *Tamaddun nur*, 1(1), 52-55.
5. Madalimov, T., Akhatov, L., Haytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review*, 1(1), 29-32.
6. Madalimov, T., Karimov, N., Is'haqov, M., Sulaymonov, J., & Alimova, R. (2019). Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith. *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)*, 9(1), 593-599.
7. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). THE PROBLEM OF TOLERANCE IN ORIENTAL PHILOSOPHY. *JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.
8. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). the PROBLEM of HUMAN PSYCHOLOGICAL CRISES in the VIEWS of EMIL DURKHEIM. *НАУКА ОБРАЗОВАНИЕ И КУЛЬТУРА*, 50(6), 50-57.
9. Madalimov, T., Mullajonov, I., Pulatov, S., Qodirov, M., & Valiyev, L. (2020). Some Characteristics of Modern Indian Philosophy. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 2(11), 47-49.
10. Haytmetov, R., Akhatov, L., & Madalimov, T. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2(1), 53-61.
11. Haytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The spiritual connection of Sufism and Tolerance in the works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 1(2), 1-4.
12. Madalimov, T. A. (2019) "PROBLEMS OF KNOWING THE NYAYA PHILOSOPHY SCHOOL IN ANCIENT INDIA," *Central Asian Problems of Modern Science and Education: Vol. 4 :Iss. 2*

## ПЕДАГОГИКАДА “ТАЛАБАЛАР КАСБИЙ МОТИВАЦИЯСИ” ТУШУНЧАСИНИНГ ТАҲЛИЛИ

З.М.Раҳмтова  
АДТИ

**Аннотация:** Мақолада мотив моҳиятини тушунтириш бўйича хулоса қилиш имконини берадиган долзарб педагогик-психологик тадқиқотлар таҳлил қилинди, терминологик аппарат тушунчаси, талабаларда касбий мотивациянинг ўзига хослиги ҳамда касбий тайёргарлик босқичлари билан боғлиқ касбий мотивация, унинг динамикаси ўрганилди.

**Калит сўзлар:** мотивация, касбий тайёргарлик, мотивация турлари, талабаларнинг касбий мотивацияси.

## АНАЛИЗ ПОНЯТИЯ “ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ МОТИВАЦИЯ СТУДЕНТОВ” В ПЕДАГОГИКЕ

З.М.Раҳматова  
АГМИ

**Аннотация:** В статье проанализированы актуальные психолого-педагогические исследования, которые позволили сделать выводы относительно объяснения сущности мотива, изучен понятийно-терминологический аппарат, изучена профессиональная мотивация, ее динамика в соответствии с этапами профессиональной подготовки и специфика профессиональной мотивации у студентов.

**Ключевые слова:** мотивация, профессиональная подготовка, виды мотивации, профессиональная мотивация студентов.

## ANALYSIS OF THE CONCEPT "PROFESSIONAL MOTIVATION OF STUDENTS" IN PEDAGOGY

Z.M.Rakhmtova  
ASMI

**Abstract:** The article analyzes the current pedagogical and psychological research, which allows drawing conclusions on the nature of the motive, the concept of terminological apparatus, the specifics of professional motivation in students and

professional motivation associated with the stages of professional training and its dynamics.

**Keywords:** motivation, professional training, types of motivation, professional motivation of students.

Муаммонинг қўйилиши. Ўқувчиларнинг билим фаолиятини таъминлаш ўқув фаолияти активациясини ташкил қилувчи муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Бунда ижтимоий ҳимояланмаган ва иқтисодий турғун бўлмаган шароитларда ёшларнинг ўз келажакларига нисбатан ишончсизликларига сабаб бўлишига асосий эътибор қаратилади. Замонавий шароитда олий таълимга ўқиш учун ҳужжат топшириш касбни онгсиз ва мустақил бўлмаган равишда танлашга олиб келмоқда, шунинг учун касбий мотивациянинг шаклланишига тузатишлар киритиш эҳтиёж сезади, бунинг учун ота-оналар, педагоглар ва жамият томонидан қизиқиш ҳамда бошқарув талаб қилинади. Касбий мотивация шахс хусусияти сифатида касбга онгли муносабатнинг ривожланиши, малака ва кўникмага эга бўлиш ҳақидаги билимларни фаол ўзлаштиришга талабани ундовчи мақсадлар тизими, эҳтиёж ҳисобланади. Шунинг учун талабаларда касбий мотивацияни шакллантириш олий таълимнинг асосий вазифаларидан бири саналади.

Мотивация тушунчасига кўплаб хорижий олимлар: А.Бандур, С.Занюк, Г.Айзенк, В.Асеев, Д.Браун Г.Мюррей, А.Реан, В.Столина, Х.Хекхаузен, Ф.Хоппе ва бошқалар ўзларининг илмий ишларини бағишлаган.. Улар орасида касбий мотивацияни тўлиқ ўрганган олимлар В.Бирюк, А.Вербицкий, Н.Кузмин, А.Ступников, Е.Рогов, В.Сластенин ва бошқалар ҳисобланади.

*Мақоланинг мақсади* педагогикада “талабалар касбий мотивацияси” тушунчасини ўрганиш ҳисобланади.

Олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, чуқур ижтимоий инқироз, ишлаб чиқаришнинг хусусий тармоқларининг кенгайиши, глобаллашишга мойиллик ва замонавий шароитда ишбилармонлик муҳити талабаларнинг касбий тайёргарлигига янги талаб ва мезонларни илгари сурди. Касбий мотивация муаммоси, биринчи навбатда, замонавий жамиятда рўй бераётган таълим ва ижтимоий ўзгаришларни замонавийлаштириш жараёнида жавоб олади. Кўрсатилган далиллар замонавий педагогни доимий касбий ривожланишга, ўсишга, ўз фаолияти мобайнида малака ва кўникмаларини амалга оширишга чорлайди, замонавий меҳнат бозорининг оддий бўлмаган шароитида рақобатбардошлик кафолати ҳисобланади.

Маҳаллий ва хорижий муаллифлар инсоннинг мотивацион доирасини кенг кўламда кўриб чиқади, шахс фаолияти ва психологиясининг марказий муаммоларидан бирини аниқлайди. Психологиянинг фан сифатида

ривожланиши, амалиётга эҳтиёж (мотивларнинг мураккаблиги ва турли туманлиги) ва бу муаммога қизиқишнинг кескин ўсишини муаллифлар муболаға қилишмаган (Л.Божович, Л.Выготский, Д.Узнадзе, В.Орлов ва бошқалар).

Кўп миқдорда олиб борилган фундаментал тадқиқотларга қарамай, мотивация феноменига назарий аниқлик ва қарашларнинг бир хиллиги ҳанузгача мавжуд эмас, бу муаммога мавжуд қарама қарши ёндашувлар билан мазкур тушунчанинг кўп қиррали эканлиги боғлиқ. Бир томондан, мотивация хулқ-атворга йўналтирилган ва уни қўллаб-қувватловчи омиллар мажмуи сингари кўриб чиқилса, бошқа томондан – организм фаоллигини чақирувчи ва унинг йўналишини аниқловчи уйғониш ёки мотивлар сингари мажмуа, яъни инсон хулқ атворини уйғотувчи ва йўналтирувчи омиллар мажмуи сифатидаги кўриб чиқилади. Ундан ташқари, мотивация инсоннинг аниқ фаолиятини бошқарувчи жараён сифатида ўрганади.

Шундай қилиб, педагогик-психологик адабиёт таҳлил натижалари бўйича контекстда берилган муаммога кўра, бугунги кунда дидактика ва таълим психологиясида тадқиқотнинг устувор йўналишларидан бири сифатида “мотивация” тушунчасининг моҳияти ҳақида жуда катта илмий маълумот мавжуд бўлиб, “мотивация” ва “мотив” тушунчаларига аниқлик киритилади. Демак, мотив айти вақтда шахснинг ички ҳолати ва унинг ҳаракатларини талаб қилиш сифатида қаралади, бунда мотив сифати қизиқиш, ният ва эҳтиёж бўлиши мумкин. Замонавий тадқиқот контекстларига асосланган мотивация, шахс томонидан ҳаётнинг маълум бир босқичида шаклланадиган, ўз фаолиятини амалга оширадиган ва йўналтирилган шахснинг ўзаро ички мотивининг онгли тизими сифатида қаралади.

Психологик-педагогик адабиётда касбий мотивация турлича талқин қилинади:

- мотивлар иерархияси назариясига кўра, касбий фаолият, касбий ўз-ўзини англаш, касбий такомиллаштиришга ундовчи эҳтиёжлар, қизиқишлар мажмуи ва касбий амалга ошириш сифатида [1];

- шахс ва профессионализм ривожланишининг ички омил сифатида унинг юқори даражада шаклланиши асосида шахс маданияти ва маълумотининг самарали ривожланиш эҳтимолини мутахассис шахсиятининг ривожланишига мослиги;

- талабанинг самарали ўқув фаолиятига, унинг айрим компонентларини оптималлаштиришга касбий тайёргарлик жараёнида когнитив ёки тушуниш фаолиятига муваффақиятли мослашишга таъсир қилувчи омиллар сингари талаба ориентациясига мослиги;



- фаолият назариясининг шахс ва профессионализм ривожланишининг ички ҳаракатлантирувчи омилларига мослиги.

Е.В.Яковлев таъкидлашича, касбий мотивациянинг тузилишли компонентлари инициация мотивацияси (фаолиятга чорлайди), селекция мотивацияси (мақсад танлашга сабаб бўлади), амалга ошириш мотивацияси (бошқаришни, мавжуд ҳаракатни бажарилишини амалга оширилишини назорат қилишни таъминлайди), амалга оширилганидан кейинги мотивация (ҳаракат яқунланишини таъминлайди ва бошқа ҳаракатга чорлайди). Демак, касбий мотивация шахс хусусияти сингари касбга онгли муносабатда бўлиш, малака ва кўникмага эга бўлиш, билимларни фаол ўзлаштиришга талабаларни қўзғатувчи эҳтиёж, мақсадлар тизими ҳисобланади.

Касбий мотивация ёрдамида педагогика фани машғулотларида талабаларнинг танқидий фикрлашларини ривожлантириш учун таълимнинг интерфаол ва инновацион усулларида фойдаланилади. <sup>1</sup> Бунинг учун фан машғулотларида талабаларга касбий мотивация бериш зарур. Уларга мавзу моҳияти ва унинг келгуси фаолият жараёнидаги аҳамияти ҳаётий мисоллар билан тушунтирилади.

Хулоса. Тадқиқот муаммолари бўйича адабиётларнинг назарий таҳлили касбий мотивацияни олий таълим муассасалари ҳамда ундан ташқарида касбий ва амалий фаолиятнинг онгли тизими сингари аниқлашга имкон беради, бу касб эгаллаш бўйича талаба шахси фаолиятининг ўсишини таъминлайди..

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Агасиева Н.М. Касбий мотивация талаба шахсияти ва профессионализми ривожланишининг ҳаракатлантирувчи омили сифатида // Замонавий фан ва таълим ривожланишининг долзарб муаммолари– 2018. – 97–98 бетлар.

2. Таълим шахс ва замонавий жамиятнинг интеллектуал –ахлоқий салоҳиятининг ривожланиш омили сифатида – 2018. – 140–143 -бетлар.

3. З.М.Рахматова, М.М.Қўзибоева, М.Р.Ахунова Развитие критического мышления студентов// ООО «Институт управления и социально-экономического развития. Мирвая наука.2018. 244-247-бетлар.

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ МУСИҚАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Умарова Мехрибан Бостан қизи  
Романова Санобар  
НДПИ

**Аннотация:** Мақола баркамол авлод тарбиясида мусиқанинг ўрни ва аҳамияти, умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида мусиқа маданияти фани буйича укув машғулотларини олиб боришнинг баъзи муаммо ва ечимлари, шунингдек, болаларнинг ёшига мос асарлар танлаш ҳамда уни ўқитиш методикаси борасида фикр-мулоҳ, азалар юритилган.

**Калит сўзлар:** Баркамол авлод, шахс, давлат таълим стандарти, укув режа, мусиқа, куй, кушик.

## РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ МУЗЫКИ В ВОСПИТАНИИ ВСЕСТОРОННЕ РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ

Умарова Мехрибан Бостан кизи  
Романова Санобар  
НГПИ

**Аннотация:** Статья посвящена роли и значению мўзыки в воспитании всесторонне развитого поколения, некоторым проблемам и их решению в проведении уроков мўзыкальной культуры в начальных классах общеобразовательной школы, выбору произведений в соответствии с возрастом детей и методике преподавания мўзыки.

**Ключевые слова:** Гармонично развитое поколение, личность, государственный образовательный стандарт, учебный план, мўзыка, мелодия, песня.

## ROLE AND SIGNIFICANCE OF THE NATIONAL MUSIC IN THE BREEDING OF COMPREHENSIVE EDUCATED GENERATION

Umarova Mehriban Bostan qizi  
Romanova Sanobar  
NSPI

**Abstract:** The article is devoted to the role and significance of music in

breeding comprehensive educated generation, some issues of music lessons arrangement and to teachings method in initial classes of primary schools. There is discussed the ways of appropriate musical composition choice to the pupils' age.

**Keywords:** comprehensive educated generation, person, state, state education standart, teaching plane, music, melody, song.

*Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойлиқлари, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти билан кучлидир. [1]*

Ҳар қандай жамиятда ёш авлод тарбияси давлат олдида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Чунки, жамиятнинг жамият сифатида раванқ топиши ва ривожланиши ана шу келажак авлоди тарбиясига боғлиқ. Маълумки, тарбия шахсни жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатларига тайёрлаш, шунингдек, унинг маънавий, ақлий, жисмоний ва муסיқий ривожланишига мунтазам таъсир этиб борувчи ўзлуксиз жараён. Эндиликдаги асосий вазифа ана шу ёшларга таълим ва тарбия бериш, ўларнинг куч ва садоқатини ана шу Ватанга муҳаббат, юрт тинчлиги ва особийшталлиги, республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йулида сафарбар этишдир. Буни дунёнинг кўпгина давлатлари қатори Қорақалпоқистон Республикаси ҳукуматининг олиб бораётган одилна сиёсати натижасида амалга ошириляётган кенг ишлар куламида пайқаш кийин эмас.

Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йилларида «Қорақалпоқистон ватаним маним», «Фольклор» этнографик ансамблларнинг Республика танловлари, бахши-оқинларнинг ҳалқаро танлови, Ҳалқаро «Шарк тароналари» муסיқа фестивали каби қатор нуфўзли танловларни тилга олиш мумкин.

Қадимий ва бой тажрибага эга қорақалпоқ миллий муסיқа маданияти баркамол ёш авлодга таълим ва тарбия беришда асосий восита ҳисобланади.

Бу ўринда устоз-шогирд аънасини мисол қилиб олиш ўринли. Қадимги даврларда муסיқа санъатини ўзига касб қилмокчи бўлган ёшлар уста санъаткорга шогирд тушиб, йиллар мобайнида унинг уйида яшаб, нафақат устознинг санъат бобидаги маҳоратини, балки унинг барча яхши фазилятларини ўзига сингдириб олган. Вақт утиши билан устоз-шогирд аънаси маҳорат мактабларининг вужудга келишида пойдевор вазифасини утаган. Бундай мактабларнинг са марали фаолияти мазмунида шахсни жамиятда камол топиши ва ўз ўрнини белгилашида муסיқа ҳақиқий маънодаги касбий тарбия воситаси эканлиги ўз ифодасини топди.

Қорақалпоқ халқининг юксак миллий кадр- қиммати, ор-номуси ва шон-шарафи ўнинг ута меҳрибонлиги ва соф виждонлигига асослангандир.[1.Б.34] Фарзанд туғилиши билан унга алла орқали ота-онанинг орзу умидлари, хис-

хаяжонлари, ўй-кечинмалари оҳанг орқали сингдирилиб борилади. Бола улғайиб борган сари унга турли жанрдаги кўшиқ-айтим ва куй-оҳанглар ҳамроҳ бўлади. Кўшиқ айтимнинг куй-оҳанг ва шеърый маъно мазмуни ўсиб келаётган ёш авлодни ўз тарбиясига олади. Боланинг ҳатти-ҳаракатларида намоён бўла бошлайди. Бу жараёнда фарзандларимиз қандай куй-қўшиқ эшитаётганлиги орқали унинг хатти-ҳаракатларидаги ўзгаришларни кўзатиб бориш мумкин бўлади.

Баркамол авлод камолотида мусиқа тарбиясини амалга оширишда мусиқа соҳаси буйича кадрлар тайёрлаётган таълим муассасаларида «Мусиқа ўқитиш методикаси» фани катта аҳамият касб этади. Бу фан мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактабларининг бошланғич синфи, ўрта ва юқори синфларида мусиқа ўқитиш методикаси орқали сингдирилиб борилади. «Мусиқа ўқитиш методикаси» фан сифатида ўзининг тизимига мансуб бўлиб, мусиқий фанлар тармоғида ўзининг мустақил ўрнига эга.[2.Б.76]. Унда мусиқий тарбия мазмуни, методлари, сифат ва самарадорликка эришиш йуллари, қонуниятлари ўрганилади. Ўқувчи-ёшларни мусиқа машғулоти асосида тарбиялашда нафосат, мусиқа физиологияси, мусиқий психология каби катор фанларнинг тажрибаларига таяниш лозим. Чунки мусиқа инсон руҳияти билан ўзвий боғлиқ бўлиб, унга энг осон таъсир этувчи куч ҳамдир.

Мусиқа асарини онгли идрок этиш, асар мазмунини тушунтиришда ўқувчиларга мусиқа тинглаш машғулотларини туғри ташкил этиш муҳимдир. Бу уларда тажриба туплаш ва ундан оқилона фойдаланиш, шу билан бирга маънавий дунёсини бойитишда ёрдам беради. Ёшларни мусиқага бўлган қизиқишида мусиқий эстетик дидини тарбиялайди.

Кишиларнинг мусиқий маданияти фақатгина мактабнинг таъсири остидагина шаклланмайди. У уйда, теварак-атрофда, жамоат жойларида, туй-ҳашамларда, байрамларда, ҳам шаклланади. Бунда оммавий ахборот воситалари ҳам катта роль уйнайди. Гап мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳақида борар экан, бунда албатта, мусиқий педагогик методлар ўз ечимини кутади:

а) ўқувчи-ёшларда ижодий мусиқий қобилиятни эрта ривожлантириш;  
б) ижро маҳорати, овоз ривожланишини назорат қилиш;  
в) тарбияланувчи ёши ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш;  
г) ўқувчиларнинг мусиқий фаолиятларининг турли шаклларда ривожланишида кенг шарт-шароитлар яратиш.

Юқорида таъкидланганидек, баркамол авлод тарбияси, мусиқа таълими ва тарбиясини ташкил этишда таълим муассасалари етакчи омил ҳисобланади. Чунки ўқувчиларнинг оммавий тарзда жалб этилиши мактабдаги мусиқа фанига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бунда хох у мактабгача таълим муассасаси

бўлсин, хоҳ умумтаълим мактаби бўлсин яратилаётган давлат таълим стандартлари (ДТС) ҳамда ўқув дастурларини тўзишда ўқувчининг ёшга ҳос психологик ҳусусиятларини инобатга олиш лозим. [3.Б.135-136]

Болада жуда ёшлигидан бошлаб мусиқа ҳиссиётини тарбиялаш лозим, бу эса унинг руҳий ҳолатини мустаҳкамлайди, деган ғояни илгари суради. Дарҳақиқат, мусиқа нафакат инсоннинг руҳиятига самарали таъсир этувчи восита, балки ўз моҳияти ва жамиятдаги мақсад ва вазифаларига кура, тарбия воситаси ҳамдир.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб шаклланишида барча фанлар қатори мусиқанинг ўрни нақадар катта эканлигини ҳамма жуда яхши билади. Мусиқа шахс маънавий баркамоллигининг таркибий ва ўз ўрнида ажралмас қисмларидан бири сифатида намоён бўлади. Мусиқа санъатининг ёш авлодга кўчлироқ таъсир кўрсатиши фақат уни тинглаш ёки чуқур идрок этишни эмас, балки ўқувчиларнинг шу санъат буйича мусиқа маданияти дарслари жараёнида ўрганилаётган куй- кўшиқларни уларнинг тафаккурида шакллантириш ва ривожлантиришни тақозо қилади.

Ўқувчиларда юқорида келтирилган билим ва куникмаларни шакллантиришда «Мусиқа маданияти» фанининг асосий назарий таркибий қисмини ташкил этувчи «Мусиқа назарияси», «Сольфеджио», «Гармония», «Мусиқий чолғуларни ўрганиш» бўлимларига алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир. Бу фаолият ўқувчиларда нота ўқишни шакллантириш билан бир қаторда мусиқани онгли равишда идрок этишни ҳам ривожлантиради. Бу эса ўқувчиларда мусиқа дарсларининг вокал, хор, жамоа бўлиб қушиқ айтиш, мусиқа назарияси, мусиқа тинглаш каби бошқа қатор фаолиятларини осонлик билан ўзлаштиришларида жуда катта ёрдам беради.

Мусиқа дарсларининг унумли бўлиши учун дарс машғулотлари давомида сольфеджио, яъни нота ўқиш, нотага караб куйлаш фаолиятларига кўпроқ вақт ажратиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчилар куйлаш машғулотлари давомида барча фаолиятларини назарий ва амалий жиҳатдан бир-бирига боғлайди.

Ўқитувчи мусиқа дарсларини ташкил этишда ўнинг мазмунини ранг-баранг кўринишларда ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мусиқа дарси бир қолипга тўшиб қолмаслиги керак. Мазкур дарснинг сифат ва самарадорлиги болаларда бошқа фанларни ўзлаштиришларига замин яратиши лозим. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўз ишига ижодий ёндашиши, мусиқа дарсларини утказишнинг шакл ва методларини кидириши ва яхши натижаларига эришиши керак. Мусиқа дарсларини ташкил этишнинг бир неча жиҳатлари мавжуд. Дарснинг мақсади мазмуни ва тўзилиши билан белгиланади. [4.Б.78]

Хулоса ўрнида, баркамол авлодни мусиқа орқали тарбиялашда куйидаги асосий тамойилларни илгари сўришни тавсия этамиз:

1. Ўқувчи-ёшларнинг бадиий дидини миллий куй-қўшиқлар асосида устириш тамойили. Мазкур тамойилнинг асосий вазифаси асосан ўқувчи-ёшларнинг бадиий-муסיқий дидини устиришдан иборат. Бунда асосан қорақалпоқ муסיқий мероси қатламларида мавжуд халқ қушиқлари ва миллий чолғу куйларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Ўқувчи-ёшларнинг эшитувчанлик қобилиятини устириш тамойили. Мазкур тамойил бугунги кунда ута муҳим аҳамият касб этмоқда. Сир эмаски, ғарб мамлакатларидан «оммавий маданият» деган тушунча жадал суръатда бутун Шарк мамлакатлари маданиятига таъсир қилмоқда. Бу ҳолат Қорақалпоғистонни ҳам четлаб ўтгани йук.

2. Оммавий маданиятнинг ёшларга сингдирилишида мусиқа асосий восита ҳисобланади. Шунинг учун ёшларга таълим ва тарбиявий аҳамиятга эга миллий куй-қўшиқларни эшиттириш ва уни куйлаш йул-йуриқларини ўргатиш анча самара беради. Демак, баркамол авлодни тарбиялашда мусиқа эшитиш тарбиясини туғри ташкил этиш муҳим.

3. Ўқувчи-ёшлар тарбиясида миллий, умуминсоний ғояларни ўзида мужассам этган, Она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳияти касб этган куй-қўшиқларни ўргатиш ва ўларни дастурларнинг асосий қисми сифатида қараш тамойили.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистоннинг тараққиётининг пойдевори. - Т.: «Шарк», 1997.
2. Шарипова Г. Мусиқа ва ўнинг ўқитиш методикаси. - Т., 2006.
3. Мансуров А., Норхужаев Н. Мусиқа. 5-синф учун дарслик. - Т., 2004.
4. Иброхимов О. ва бошқалар. Мусиқа. 7-синф учун дарслик. - Т., 2007.
5. Илхомов М. Баркамол авлод тарбиясида шеър, қўшиқ, оханг. - Т., 2010

## СИРОЖИДДИН САЙИД ШЕЪРИЯТИДА ТЎРТЛИК ВА ФАРД ЖАНРЛАРИ

Одилжонова Камола Абдувосит қизи  
kamola\_odiljonova@mail.ru  
Андижон давлат университети

**Аннотация:** Ушбу мақолада Сирожиддин Сайид шеъриятидаги тўртлик ва фард жанрларига мансуб бўлган ижод намуналари, уларнинг таҳлили, ғоявий бадиий хусусиятлари батафсил ёритилган.

**Калит сўзлар:** мумтоз адабиёт, мумтоз лирик жанрлар, тасаввуф фалсафаси, образ, синтез, афористик характер, фольклоризм.

## QUARTER AND FARD GENRES IN THE POETRY OF SIROJIDDIN SAYYID

Odiljonova Kamola Abduvosit kizi  
kamola\_odiljonova@mail.ru  
Andijan State University

**Abstract:** This article describes in detail the works of Sirojiddin Sayyid in the poetry of the quartet and fard genres, their analysis, ideological and artistic features.

**Keywords:** classical literature, classical lyrical genres, philosophy of tasavvuf, image, synthesis, aphoristic character, folklorism.

Маънавий қадриятлар тизимида адабиётнинг ўрни муҳимдир. Хусусан, глобаллашув жараёни шиддат билан инсон ҳаётининг барча жабҳаларини ишғол этаётган бир даврда адабиётга, китобхонликка бўлган муносабат тубдан янгиланмоқда. Адабиёт кенг маънода маънавий инқироздан чиқишнинг асосий йўли бўлиб қолмоқда. Шундай экан миллий ўзликни англаш, миллат маънавиятини шакллантиришда асосий омил бўлган адабиётни ҳар томонлама изчил тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Халқимизнинг ҳозиргача ўрганиб келинаётган бой тарихи ҳамда жуда катта адабий мероси билан бирга шаклланиш ва ривожланишда давом этаётган адабиёти ҳам бор. Бу ҳақида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев: “... бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаманки, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади.”[1] Шу маънода адабиётимиз

ва санъатимизни яратишда тинмай ижод қилаётган ижодкорларимиз ижодини ўрганиш ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги олдидаги долзарб вазифалардандир. Хусусан, ҳозирги ўзбек адабиётида қалам тебратаётган, шонли ўтмишдан ибрат олиб, аждодлар ўғитларини асарлари қатига жойлаган Сирожиддин Саййид ижодини ўрганиш, бадииятини тадқиқ қилиш, улардан ёшлар маънавиятини шакллантиришда, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Сирожиддин Саййид ҳозирги шеърятимизда қалам тебратаётган истеъдодли шоирлардан биридир. Унинг мумтоз адабиёт анъаналари асосида шаклланган бир қанча ижод намуналари мавжуд. Шоирнинг “Хамса” ҳайратлари”, “Ғазал машқи”, “Ғазал дафтари”, “Хайёмдан бир коса, Румийдан бир жом”, “Қирқ ҳадис” каби туркум ва тўпламларидаги ғазал, мухаммас, рубоий, тўртлик ва фардлари шулар жумласидандир. Сирожиддин Саййид мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттириш билан бирга уни янги ғоялар билан бойитиб, ривожлантириб келмоқда. Шоир Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Умар Хайём, Жалолиддин Румий, Хофиз Шерозий, Фурқат, Собир Термизий каби ижодкорлар ижодидан илҳомланиб ижод қилди ҳамда улар асарларидаги ўлмас ғояларни ҳозирги давр кишиси руҳиятига яқинлаштиришга ҳаракат қилди. Шунингдек, у ўз ижодидаги мумтоз лирик жанрларда шўролар даврида унутилган тасаввуфий-ухровий мазмуннинг содда талқинини бера олди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, биз ушбу мақоламизда Сирожиддин Саййид ижодидаги мумтоз адабиёт анъаналарини ёритишга мақсад қилдик. Сирожиддин Саййид ижодидаги мумтоз адабиёт анъаналарини тадқиқ этиш учун шоирнинг бугунга қадар чоп этилган тўпламлари ( “Хайёмдан бир коса, Румийдан бир жом”, “Ғазал машқи”, “Ғазал дафтари”, “Тун била тонг”, “Қирқ ҳадис”, “Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур...” , ““Хамса” ҳайратлари” каби) объект қилиб олинди.

Сирожиддин Саййиднинг “Хайёмдан бир коса, Румийдан бир жом” тўпламида тўртлик ва фардлари жамланган бўлиб, шоир унда мумтоз адабиётдаги мавзуларни ривожлантиради. Ҳозирги ўзбек шеърятининг асосий мавзуларидан бўлган ухровий мазмундаги шеърларга дунё ва унинг ўткинчилиги, тасаввуф фалсафаси ҳамда ислом ғоялари асосида шаклланган шеърлар киради.

Истиқлол даври ўзбек шеърятининг барча жанрларида бўлгани каби фикр, оҳанг ва шакл янгилигига интилиш кичик мумтоз лирик жанрларда ҳам кузатилди.

Мумтоз адабиётдаги тўртлик ва фардларни яратишда, ушбу жанрлардаги тасаввуфий-фалсафий ҳамда ухровий мазмунни беришда Умар Хайёмнинг



рубойларидан ва Румийнинг эса маснавийларидан илҳомланган. Сирожиддин Саййид мумтоз адабиётдаги инсонийликка даъват қилиш тўртлик ва фардларида ўз инъикосини топган.

Сирожиддин Саййиднинг мумтоз адабиёт анъаналари асосида яратилган лирик асарлари ва дostonларида бадиий тасвир воситаларидан маҳорат билан фойдаланган ҳолда салафлар ижодидаги мавзуларнинг гўзал ва янги талқинлари яратилади.

Сирожиддин Саййид мумтоз адабиётда кенг қўлланган умрнинг ўткинчилиги, бу дунёнинг бевафолиги каби мавзуларни тўртлик ва фардларида гўзал поэтик услубда ифодалаш орқали давом эттирди. Шунингдек, янги тимсолларни адабиётга олиб кирди, шеърийатнинг вазн ва қофия имкониятларини кенгайтди.

Сирожиддин Саййид тўртликлари мазмун, образ ва тасвир воситалари билан салафлар ижодидаги анъаналарга таянилган бўлса-да, унинг вазнида ўзгаришлар юз берди.

Сирожиддин Саййид тўртликларида Умар Ҳайём, Жалолиддин Румий каби устоз ижодкорларнинг рубойи, фард, маснавий каби жанрлардаги ухровий, тасаввуфий-фалсафий фикрлари ривожлантирилди.

Тўртлик ва фардларда устоз шоирлар илгари сурган ижтимоий-маънавий, ахлоқий-таълимий, тасаввуфий-фалсафий масалалар моҳиятини очиб берилган. Мумтоз ижодкорлар ижодида асрлар давомида сайқалланиб келган мазмунни кучайтириб ифодалаш орқали замонавий ўқувчига тушунарли қилинган.

Сирожиддин Саййиднинг ушбу тўртлиги мавзуга муносабат жиҳатидан Умар Ҳайём рубойларига эргашганини тасдиқлайди:

Бир қўлда қуролу бир қўлда Қуръон,  
Сен қайси манзилга кеб қолдинг инсон?  
Қасри бунёдингни барбод айласанг –  
Қайсинг кофирсану қайсинг мусулмон?[2]

Тўртликнинг бошланма вазифасини бажарувчи илк бандида Умар Ҳайёмнинг “Бир қўлда Қуръону бир қўлда жом” рубойисининг биринчи байти ўзгаришга учраган ҳолда келтирилади. Тезис сифатида келган илк мисрада Қуръон оятларини нотўғри талқин қилиш орқали уни қуролга айлантириш ва минглаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлишдек ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммосига ишора қилинади. Ҳайём рубойларида берилган инсонларнинг бир қўлда Қуръону бир қўлда жомни тутган ҳолда “на чин мусулмон, на кофир тамом” бўла олмаётган инсонлар ҳақидаги лирик субъект фалсафий мушоҳадалари берилган бўлса, Сирожиддин Саййид уни тўртлик жанри имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўз даври муаммоларига боғлаган ҳолда янгича талқин қилади. Шоир бир қўлда қуролу бир қўлда Қуръонни тутган

ҳолда инсонлик манзилдан чиқиб, шайтоний маконга бориб қолган инсонларнинг фожеали ҳолатидан қайғурган лирик субъект кечинмаларини тасвирлайди. Шоир тўртликнинг учинчи мисрасида “қасри бунёдинг” истиорасини икки хил маънода қўллайди: бири инсон жисми бўлса, бири унинг макони бўлган заминдир. Яъни мисрада Аллоҳ яратган инсон жисмини барбод айлаш, Аллоҳ макон қилиб берган заминни барбод қилиш на кофирликнинг, на мусулмонликнинг мезонларига тўғри келмаслиги ҳақида фалсафий умумлашма берилади. Тўртликнинг иккинчи ва тўртинчи мисрасидаги риторик савол орқали шоир инсонларга асл моҳиятни англашга йўл кўрсатади.

Сирожиддин Саййид тўртликларидаги асосий хусусият улардаги ғоянинг теранлиги ва мазмуннинг ҳозирги давр воқелиги билан бойитилганлигидир. Шоир тўртлик воситасида замонасининг долзарб масалаларини акс эттирди. Тўртликлар қандай мавзуда бўлмасин, шоир давр ва замон кишилари қалбида Ватанни севиш, миллат равнақи йўлида хизмат қилишни асл саодат деб билган давр кишисининг образини яратган. Шоирнинг лирик қаҳрамони тилидан айтилган фикрлар, нидо ва хитоблар, фалсафий умумлашмалар миллатпаврварлик пафоси даражасига кўтарилган.

Демагил ичгали, егали келдинг,  
Йўқлик ғуборига синггали келдинг,  
Ҳар дамнинг ранж ила синов дунёга,  
Эй инсон, ўзингни енггали келдинг.[2]

Юқоридаги тўртликда ҳам мумтоз адабиётимиздаги анъанавий бўлган бу дунёнинг синовли дунё экани, унга инсонлар ранж чекиб покланиш имтиҳонига келганлиги мавзуси ривожлантирилади. Шоир мумтоз адабиётда ғазал, рубоий каби жанрларда ва уларга мос оҳанг бўлган аруз вазнида берилган мавзунини тўртлик шаклида, бармоқ вазнида, содда услубда ифода этади. Тўртликнинг илк мисрасида инсоннинг бу дунёга еб, ичиш – қорин тўйдириш учунгина келмагани ҳақидаги фикр тезис сифатида берилади. Иккинчи мисрада эса инсон алалоқибат йўқлик ғуборига сингишга, яъни ўлиш учун келгани ҳақидаги тезис берилади. Учунчи мисрада эса сўнгги мисрадаги хулосани беришга кўприк вазифасини бажарувчи фикрни беради, яъни бу дунё синовли дунё бўлиб, унда инсон ўзини поклаш йўлида ранж чекиб яшаши керак. Сирожиддин Саййид тўртликнинг умумлашма шаклида келган сўнгги мисрасида худди рубоийлар каби синтезни беради. Яъни инсон бу синовли дунёга ўзини, ўз нафсини енгиб, уни камол топтиришдек вазифа учун келган деган тасаввуфий- фалсафий қарашнинг синтезини беради.

Сирожиддин Саййид ижодида рубоийлар деярли учрамайди, лекин шоир мумтоз жанр учун хос бўлган фалсафий-тасаввуфий, ахлоқий-таълимий мазмунни тўртлик шакли орқали ифодалайди. Бизга маълумки, рубоийлар аруз



бўлган эпиграф фардлар Алишер Навоий асарлари таъсирида пайдо бўлганлигини англашимизга очкичлик вазифасини бажаради. Сирожиддин Саййид ҳазрат Навоий асарлари таъсирида пайдо бўлган ҳикматли фикрни мантиқан давом эттиради ва ўз хулосалари асосидаги синтезни беради.

Ушбу қисмдаги фардларда мазмун жиҳатидан Навоий фардлари анъаналари янгиланаётгани кузатилади. Мазмуний жиҳатдан таълимий характерда бўлган куйидаги фардда :

Жило бер юрт тупроғига

Токи сайқалинг қолгай,

Агарчи ҳайкалинг қолмас,

Яратган пайкалинг қолгай. [2]

Ватанпарварлик ғояси илгари сурилади. Фардда юрт тупроғига жило бериш, меҳнаткашлик ҳам ватанга хизмат қилишга киради. Арзимасдек туюлган бу иш орқали инсон ўзидан яхши ном қолдиради. Фардда “яхшидан боғ қолар” мақолининг мазмунига (оддий фольклоризм) мос фикр берилади. Яъни шоир фардда юрт равнақи йўлида оддий ишларни қилсанг ҳам ўзингдан яхши боғ – пайкални қолдиришинг мумкин деган фалсафий умумлашмани беради.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, Сирожиддин Саййид шеърятини шаклланишида, жанрлар такомида мумтоз адабиёт анъаналарининг таъсири катта. Мумтоз адабиёт вакиллари ижодидаги анъаналар Сирожиддин Саййид ижодининг кенг қамровли бўлишини таъминлайди. Шоир ижодидаги кичик лирик жанрлар давр ижтимоий воқелигидаги масалалар ва муаммоларни ёритишда бадиий восита бўлиб хизмат қилган. Сирожиддин Саййид шеърятда барча кичик мумтоз лирик жанрларнинг шакли, қофия талабларини ўзида акс эттирган бўлиб, уларни мазмун жиҳатдан янгилашга ҳаракат қилган. Сирожиддин Саййид ижодидаги мумтоз адабиёт анъаналар асосида шаклланган асарлари мумтоз жанрларнинг янги шароитда ривожланаётганлиги кўрсатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини ксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017, 4 август. – №153 (6347).

2. Сирожиддин Саййид. Хайёмдан бир коса, Румийдан бир жом. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2015.

3. Қуронов Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. - Т.:Академнашр, 2010. - 408 б.

4. Адабиёт энциклопедияси. Тузувчи: Ҳ.Болтабоев. — Тошкент: MUMTOZSOZ, 2015.
5. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2011. – 320 б.
6. Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент.: Академнашр, 2018. – 480 б.

### References

1. The development of literature and art, culture is a solid foundation for the development of the spiritual world of our people. Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev at the meeting with representatives of the creative intelligentsia of Uzbekistan // People's speech. - 2017, 4 August. - №153 (6347).
2. Sirojiddin Sayyid. A cup from Khayyam, a cup from Rumi. - T. : Ghafur Ghulam Publishing House, 2015.
3. Quronov D. and b. Dictionary of Literary Studies. - T.: Akademnashr, 2010. - 408 p.
4. Encyclopedia of Literature. Compiled by: H.Boltaboev. —Tashkent: MUMTOZSOZ, 2015.
5. Ishakov Yo. Dictionary of word art. - Tashkent. : Uzbekistan, 2011. - 320 p.
6. Quronov D. Fundamentals of literary theory. - Tashkent. : Akademnashr, 2018. - 480 p.

## РОЛЬ ЛИТЕРАТУРЫ В ФОРМИРОВАНИИ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА

(на основе произведений Джорджа Оруэлла «Скотный двор» и аль Фарабий «Трактат о взглядах жителей добродетельного города»)

Аделя Ибрагимова Нургалиевна  
Исломбек Сабурязов Кудратович  
Мадинабону Махмуджоновна Ахмедова  
mad784@mail.ru

Ташкентский государственный юридический университет

**Аннотация:** В статье рассматривается роль гражданского общества через призму литературных произведений: сущность и взаимоотношения с государством, объективный анализ самого влияния государства на гражданское общество на основе анализа произведений Джорджа Оруэлла «Скотный двор» и Аль Фараби «Трактат о взглядах жителей добродетельного города», а также сравнение современного юридического понятия гражданского общества с совокупным анализом двух произведений. Аль Фараби в своем произведении особо подчеркивал важность политики в процессе поддержания порядка в обществе, а, следовательно, и в государстве. Несмотря на то, что труды мыслителя были написаны ещё в период раннего средневековья, его идеи о государственном устройстве, гражданском обществе, ценности человеческого самосовершенствования, гуманизма находят своё отражение и в современных политических концепциях различных государств, в том числе и Республики Узбекистан. А в произведение Джорджа Оруэлла «Скотный двор», место института гражданского общества в современной политике, является скотный двор. Британским писателем была изображена открытая сатира на советскую политическую идеологию строительства коммунизма посредством тоталитаризма, в частности, диктатуры и культа личности Иосифа Сталина. В повести прототипами животных в произведении являются исторические личности, а также иносказательно изображён угнетаемый пролетариат. Ярко показан переход от идей либеральной демократии, свободного и равно подчинённого принятым законам общества, к тоталитарному режиму во главе со свиньёй Наполеоном.

**Ключевые слова:** проблема, позиция, цель, общество, государство, произведения, управление.

## ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ

(Жорж Орвеллнинг “Ҳайвонлар ҳўжалиги” ва ал Фаробийнинг “Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари ҳақида рисола” асарлари асосида)

7. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). THE PROBLEM OF TOLERANCE IN ORIENTAL PHILOSOPHY. *JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.
8. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). the PROBLEM of HUMAN PSYCHOLOGICAL CRISES in the VIEWS of EMIL DURKHEIM. *НАУКА ОБРАЗОВАНИЕ И КУЛЬТУРА*, 50(6), 50-57.
9. Madalimov, T., Mullajonov, I., Pulatov, S., Qodirov, M., & Valiyev, L. (2020). Some Characteristics of Modern Indian Philosophy. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 2(11), 47-49.
10. Haytmetov, R., Akhatov, L., & Madalimov, T. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2(1), 53-61.
11. Haytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The spiritual connection of Sufism and Tolerance in the works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 1(2), 1-4.
12. Madalimov, T. A. (2019) "PROBLEMS OF KNOWING THE NYAYA PHILOSOPHY SCHOOL IN ANCIENT INDIA," *Central Asian Problems of Modern Science and Education: Vol. 4 :Iss. 2*

## ТАЪЛИМДА УСТОЗ - ШОГИРДЛИК АНЪАНАСИ (ДАҲОЛАР ТИМСОЛИДА)

Турсиметова Гулара Турсинбаевна  
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, 20-мактаб

**Аннотация:** Мазкур мақолада таълим жараёнида бутун инсоният томонидан минглаб йиллардан бери қўлланилиб келинаётган устоз – шогирд анъанаси ва унинг, фан борасидаги даҳоларни етиштиришда ва ёки шаклланишдаги ўрни кўриб чиқилади. Мақолада хусусан бутун башар фарзанди сифатида танолинган Жалолиддин Румий ҳамда немис мумтоз файласуфи Иммануил Кантнинг файласуф бўлиб шаклланишида устозларининг ўрни борасидаги фикрлар қиёсий тарзда таҳлил қилинади. Шу билан бирга ҳозирги биз яшаб турган замонда ҳам таълим жараёнида устоз-шогирдлик масаласи қанчалик долзарблигига ҳам алоҳида тухталиб ўтилади.

**Калит сўзлар:** таълим, даҳо, догма, инновация, суфизм, фалсафа, педагогика, психология.

## TRADITION OF MENTOR-APPRENTICE IN EDUCATION (IN THE IMAGE OF GENIUSES)

Tursimetova Gulara Tursinbayevna  
School 20, Chirchik city, Tashkent region

**Abstract:** This article examines the teacher-student tradition, which has been used by all mankind for thousands of years in the educational process, and its role in the development or formation of geniuses in science. The article comparatively analyzes the views of Jalaliddin Rumi, known as the son of all mankind, and the role of his teachers in the formation of the German classical philosopher Immanuel Kant as a philosopher. At the same time, the urgency of the issue of mentor-apprentice tradition in the educational process in our time is also emphasized.

**Keywords:** education, genius, dogma, innovation, Sufism, philosophy, pedagogy, psychology.

Инсоният тарихида даҳолар алоҳида ўринга эга. Улар нафақат ўзлари мансуб бўлган миллатга ёки давлатга балки бутун инсониятга тегишлидирлар. Сабаби улар қолдирган меросдан бутун инсоният фойдаланиб келмоқда. Шу борада яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки улар ўз даврининг маҳсулидир. Шу билан бирга уларнинг шу даражага эришишида устозларининг

ҳиссаси ҳам жуда каттадир. Зеро антик давр файласуфларидан тортиб то янги замоннинг донишмандларигача ҳаммаси устоз шогирдлик анъанасининг натижасидир десак хато бўлмайди бизнингча. Масалан, инсониятга маълум тарихнинг энг қадимги донишмандларидан бўлмиш натурфилософ Фалес ўз шогирдлари Анаксимен, Анаксимандрларнинг фан тарихида номлари абадий қолишини таъминлаган бўлса, Суқрот эса Афлотун ва Арастулар буюклигини таъминлаб берди, ўз навбатида Шарқда ҳам бу анъана давом этиб келган бизнинг Марказий Осиё даҳоларимиз ҳам қадимги юнон олимларидан маънавий озуқа олишлари билан бир қаторда, ўзаро бир-бирларига ҳам бевосита устоз шогирдлик қилгани тарихдан бизга маълумдир. Беруний билан Ибн Сино, Шамс Табризи билан Румий, Абдурахмон Жомий билан Алишер Навоий ва ҳоказоларни келтириш мумкиндир. Янги замон Ғарб олимлари ҳам бу анъанадан мустасно эмас албатта. Масалан олмон мумтоз файласуфлари ёрқин вакиллари билан бири бўлмиш Иммануил Кант эса француз маърифатпарлари Жан Жак Руссо ва инглиз файласуфи ва психологи Девид Юм асарларидан жуда таъсирланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Ўз навбатида унинг ўзи ҳам бир қатор жаҳонга машҳур шогирдларни тайёрлагани ҳозирда бизга маълумдир.

Ва ёки бошқача қилиб айтганда “Илк Уйғониш даврида етишиб чиққан Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Қафқол аш-Шоший, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Бурҳонуддин ал-Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро каби алломалар, сўнгги Уйғониш даврида яшаб ижод этган Амир Темур, Баҳовуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Шарафиддин Али Яздий, Заҳиридин Муҳаммад Бобур каби буюк тарихий сиймолар қолдирган бебаҳо маданий мерослар, илмий, бадиий асарлар нафақат ўзи мансуб миллатнинг, балки бутун инсониятнинг маънавий бойлиги сифатида қадрлидир. Уларни ўрганиш, турли нуқтаи назарлардан келиб чиққан ҳолда уларни илмий тадқиқ қилиш, мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш бутун башарият учун катта илмий янгиланишларга йўл очади” [1].

Ушбу мақолада биз юқорида номлари зикр этилган даҳолардан иккитасини яъни Жалолиддин Румий ҳамда Иммануил Кант ижодида устоз – шогирдлик анъанасининг ўрнини кўриб чиқамиз.

“Румий қарашларида бир неча бор инқилоблар содир бўлган бўлиб, шундан биринчиси ва энг асосийси уша замоннинг машҳур илоҳиётшунос олими, сўфий Шамси Табризий<sup>1</sup> билан боғлиқдир” [2]. Яъни Мавлоно Румий устози Шамси

<sup>1</sup> Тўлиқ исми Мавлоно Шамсулҳаққ ва-д-дин Муҳаммад ибн Малиқдод Табрзий тахминан 1185-1248 йилларда яшаб ўтган мистик олим, сўфий, файласуф ва теологлардан бири. У ёшлигида жуда катта истеъдодга эга бўлган

Табризий билан учрашгунига қадар шариат қонунлари ва диннинг ташқи амаллари билан чекланган бўлса, эндиликда тариқат ва ёки сўфийлик билан қизиқиб қолади. Румийнинг айтишича агар у Табризий билан учрашмаганида оддий рационалист файласуф даражасида қолиб кетган бўлар эди. Табризий унга деярли янги нарса ўргатмайди, фақатгина ортиқча фикрлардан қутқаради холос. Уларнинг ўзаро суҳбати 40 кундан 3 ойгача бўлган деган ривоятлар ҳам йўқ эмас.

Румийга Шамс Табризийдан кейин яна бир неча тариқатчилар ўз тасирини ўтқаздилар. Хусусан улардан яна Салоҳиддин Заркуб ва Ҳусайин Чалабидир. Айнан Ҳусайин Чалаби Румийга Атторнинг “Лисон ут-тайр”га ухшаш асар ёзишини таклиф қилади. Шундан сўнг “Маснавийи маънавий” ни ёзишга бел боғлайди. Юқорида таъкидланганидек унинг энг машҳур асари устозлари таъсирида ёзилгандир. Агар номлари келтириб ўтилган устозлари бўлмаганида бизнингча у ўрта миёна файласуф сифатида қолиб кетган булар эди. Уни шариатга нисбатан мавжуд бўлган догматик тафаккурдан халос этганлар ҳам бу унинг устозларидир. Зеро догматик тафаккур ҳеч қачон инсониятга яхшилик келтирмаган. Чунки догматизм тарихда қандай оқибатларга олиб келганлигию ва қолаверса ҳозирги кун одамиани қандай муаммоларга дучор қилаётганини куриш учун катта ақл керак эмас бизнингча [3]. Худди Навойининг ирфоний қарашларида машҳур форс шоири Абдурахмон Жомийнинг ўрни бекиёс бўлгани каби. Ва бу устоз шогирдлик натижаси ўлароқ Навойининг ўнлаб машҳур суфизмга оид асарлари дунё юзини кўрди [4]. Қолаверса Алишер Навоийни толерант дунёқараш эгаси бўлиб шаклланишида Жомийнинг ирфоний қарашларининг ўрни бекиёсдир [5].

Ўз навбатида бу анъана Ғарб оламида ҳам давом эттирилди. Хусусан Иммануил Кант тафаккурида содир бўлган инқилобларнинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор эди. Яъни Кант даҳо бўлиб етишишида онаси [6] билан бир қаторда буюк устозларнинг ҳам ўрни бекиёсдир. Қизиғи шундаки у ҳақида ёзилган автобиографик асарларда ёзилишича у мактаб чоғида умуман фалсафага қизиқмаган. Ва у шу даражада машҳур файласуф бўлиб етишишига ҳеч кимнинг кўзи етмаган. Кант кейинчалик Кёнигсберг университетига ўқишга киради. Университетда унда математика ва фалсафа ўқитувчиси (Кантдан атиги 10 ёшга катта эди) Мартин Кнутценъ катта таъсир ўтқазади. Мана шу ёш ўқитувчи Кант дунёқарашани тубдан ўзгартириб юборади. Кант бу инсон билан учрамасдан олдин теология ҳамда филологияга (Кант ёшлигидан иккала дўсти билан латин

---

бола бўлган ва Қуръонни ўрганаётган пайтда “Шамс” сурасига келганда унга мафтун бўлиб қолади ва ўзини исмини ушбу кундан Шамс деб эълон қилади. Румий ва Табризийнинг муносабатлари ҳақида кўплаб ривоятлар мавжуд бўлиб айрим мутахассислар Румий Табризийнинг шогирди деса айримлари унинг аксини айтади. Умуман шуниси маълумки улар бир-бирларига катта маънавий таъсир ўтқазган ва кейинги ижодларида бу ўз аксини топгандир. У яна бир жойда қуним топмаганлиги учун яъни ҳар доим кўчиб юриши сабабли “қуш” деган лақаб олган.

билан шуғулланишган ва маълум бир натижаларга эришган) қизиқиши баланд бўлади. Беш йиллик университет таълимидан сунг Кант ўз фаолиятини дўстлари ва яқинлари кутганидек теология соҳасида эмас, балки математика, физика ва фалсафа соҳасида давом этади. Бу ёш ўқитувчидан ташқари Кант дунёқарашига яна бир қатор файласуфлар ҳам ўз таъсирини ўтқаздилар. Ҳаттоки кейинчалик гносеологик масалада агностиклар тарафдори бўлиб қолишида ҳам Д.Юмнинг скептицизмнинг ўрни каттадир [7].

Дунёқараш диалектикаси (ўзгарувчанлиги) бу барча инсонлар ва ёки даврларга хос феномендир [8]. Лекин мана шу ўзгариш нуқтасини белгилаб берувчи фигуралар бу чинакам қаҳрамонлар деса хато бўлмайди. Бугунги кунда мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг асл мақсади бу креатив фикрлайдиган ёшларни тарбиялашдир. Шу билан бирга жаҳонда содир бўлаётган капиталистик ислохотлар жараёнида рақобатбардош кадрларни тарбиялашдан иборатдир. Яна бунга қушимча қилиб тобора авжига чиқиб бораётган руҳий инқирозлардан ҳам ёшларни сақлаб қолиш ҳам ҳозирда долзарб муаммолардан биридир [9]. Ва кун сайин бутун дунёни қамраб олишга илдам қадам ташлаб борётган “истеъмолпарастлик” касаллигига ҳам даво оила тарбияси билан бирга бевосита таълим тизимига боғлиқдир [10].

Юқоридаги мисоллардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, таълим тизимида кун сайин муртлашиб бораётган устоз – шогирд анъанасини қайта тиклашга фақатгина қоғозларда эмас, балки реал ҳаётда ҳам жиддироқ қарасак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг натижасида аввалари бўлгани каби ҳар бир таълим даргоҳида академик мактаблар очилади. Бу эса модерн [11] дунёга қадам қўймоқчи шахтам қадам ташлаб бораётган мамлакатимизни сифатли кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади. Шунда бизнинг жамиятимизда ҳам ота-боболаримиз каби даҳолар чиқса ажаб эмас.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Khodjamkulov, U., Makhmudov, K., & Shofkorov, A. (2020). The Issue of Spiritual and Patriotic Education of Young Generation in the Scientific, Political and Literary Heritage of Central Asian Thinkers. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05), 6696.
2. Хайтметов, Р. (2020). Мавлоно Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асаарида амалий ахлоқ масаласи. *Тамаддун нури*, 1, 76-79.
3. Хайтметов, Р. (2020). *Догматизм ва унинг оқибатлари*. Retrieved February 28, 2019,
4. Akhatov, L., Madalimov, T., & Xaytmetov, R. (2020). The Spiritual Connection of Sufism and Tolerance in the Works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 2, 1-4.

5. Akhatov, L., Madalimov, T., Xaytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review*, 3, 29-32.

6. Хайтметов, Р. (2020). Иммануил Кант фалсафасида олам ва одам муаммоси. *Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси*, 5, 71-74.

7. Хайтметов, Р. (2020). *Иммануил Кант агностицизми*.

8. Хайтметов, Р. (2020). Дунёқараш диалектикаси. *Фалсафа ва ҳуқуқ*, 1, 81-85

9. Khaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The Problem of Human Psychological Crises in the Views of Emil Durkheim. *Наука, образование и культура*, 6(50), 50-57.

10. Хайтметов, Р., Мадалимов, Т., & Ахатов, Л. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2, 53-61.

11. Utamuradov, A., Khojiev, T., Isanova, G., & Khaytmetov, R. (2020). The Prospects of a New Template of the Modernization Uzbekistan. *Jour of of Adv Research in Dynamical & Control Systems*, 2(12), 2670-2676.

12. Хайтметов Р.К. Капитализм ва протестантлик. О'zbekistonda ilm-fan va ta'lim №2-sonli konferensiya to'plami. 2020 й. 2-сон, Б.- 34-37.

13. Makhmudov, K. (2019). Integrating a Mother Tongue while Teaching a Foreign Language: Problems and Solutions. *The Issues of Language, Literature and History*, 1, 89-91.

14. Khaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The Problem of Tolerance in Oriental Philosophy. *Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.

## References

1. Khodjamkulov, U., Makhmudov, K., & Shofkorov, A. (2020). The Issue of Spiritual and Patriotic Education of Young Generation in the Scientific, Political and Literary Heritage of Central Asian Thinkers. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05), 6696.

2. Хайтметов, Р. (2020). Мавлоно Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асаарида амалий ахлоқ масаласи. *Тамаддун нури*, 1, 76-79.

3. Хайтметов, Р. (2020). *Догматизм ва унинг оқибатлари*. Retrieved February 28, 2019,

4. Akhatov, L., Madalimov, T., & Xaytmetov, R. (2020). The Spiritual Connection of Sufism and Tolerance in the Works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 2, 1-4.



5. Akhatov, L., Madalimov, T., Xaytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review*, 3, 29-32.
6. Хайтметов, Р. (2020). Иммануил Кант фалсафасида олам ва одам муаммоси. *Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси*, 5, 71-74.
7. Хайтметов, Р. (2020). *Иммануил Кант агностицизми*.
8. Хайтметов, Р. (2020). Дунёқараш диалектикаси. *Фалсафа ва ҳуқуқ*, 1, 81-85
9. Khaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The Problem of Human Psychological Crises in the Views of Emil Durkheim. *Наука, образование и культура*, 6(50), 50-57.
10. Хайтметов, Р., Мадалимов, Т., & Ахатов, Л. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2, 53-61.
11. Utamuradov, A., Khojiev, T., Isanova, G., & Khaytmetov, R. (2020). The Prospects of a New Template of the Modernization Uzbekistan. *Jour of of Adv Research in Dynamical & Control Systems*, 2(12), 2670-2676.
12. Хайтметов Р.К. Капитализм ва протестантлик. О'zbekistonda ilm-fan va ta'lim №2-sonli konferensiya to'plami. 2020 й. 2-сон, Б.- 34-37.
13. Makhmudov, K. (2019). Integrating a Mother Tongue while Teaching a Foreign Language: Problems and Solutions. *The Issues of Language, Literature and History*, 1, 89-91.
14. Khaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The Problem of Tolerance in Oriental Philosophy. *Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.

## ПЕДАГОГИКАДА ПЕДОЛОГИЯ

Умарова Маликахон Абдурасуловна  
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, 20-мактаб

**Аннотация:** Мазкур мақолада педагогикага педологик ёндошув масаласи қисқача ёритилган. Хусусан мақолада педагогик фаолият билан шуғулланувчи ҳар бир ходим (ўқитувчи) педология борасида маълум даражада билимларга эга бўлиши ва ушбу билимларни эгаллашда нималарга аҳамият бериши лозимлиги борасида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** педогогика, педология, физиология, психология, таълим, тарбия, фан.

## PEDODOLOGY IN PEDAGOGY

Umarova Malikakhon Abdurasulovna  
School 20, Chirchik city, Tashkent region

**Abstract:** This article summarizes the issue of pedalogical approach to pedagogy. In particular, the article discusses the fact that every employee (teacher) engaged in pedagogical activities should have a certain level of knowledge in pedalogy and what should be important in the acquisition of this knowledge.

**Keywords:** pedagogy, pedology, physiology, psychology, education, upbringing, science.

Инсоният ўз тарихи давомида эришган ютуқларнинг деярли барчаси таълим-тарбия ва ёки бир сўз билан айтганда фан билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам замонавий ривожланган мамлакатларнинг барчаси ривожланиш стратегияларини айнан таълим соҳаси билан ўзвий боғлиқликда олиб боришган. Зеро 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида урғу берилган ва таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар заминида ҳам айнан мана шу стратегияда назарда тутилган режалар ётибди. Демак Ўзбекистон ҳам ўз келажагини фаннинг ривожланишида кўрмоқда.

Таълим тизимининг асосий иштирокчилари иккита яъни ўқитувчи ва ўқувчидан иборатдир. Бу жараён инсон омили билан боғлиқдир. Инсон эса ўзгарувчан руҳиятга эга ва ёки инсон кайфиятнинг махсулидир. Шуларни инобатга олиб ривожланган мамлакатларда педология (*юн. бола ҳақидаги фан*)

соҳаси ривожлана бошлади. Хусусан 1893 АҚШ Оскар Крисмен томонидан фанга киритилган ушбу термин кейинчалик ривожланиб боради. Бу термин ўз ичига болага таълим беришда тиббий, биологик, педагогик ва психологик ёндашувларни ўз ичига олади. Биз эса мазкур мақолада юқоридагилардан фақатгина психологик ёндашувни қисқача кўриб чиқамиз.

Психология соҳаси антик даврдан бошлаб ривожланиб келаётганига қарамай ҳозирги вақтда ҳам жуда кўп ноаниқликларга эга. Бунинг сабаби инсон ўзгарувчан мавжудотдир. Яъни унинг руҳияти ёши, яшаб турган муҳити, шароити, билимлари, истеъмол қилаётган озуқаси ва бошқа омилларга қараб ўзгариб туради. Бола ҳам бундай ўзгаришлардан холи эмас албатта.

Ҳар бир тарихий давр унда ҳукмронлик қилаётган илмий парадигмага қараб бола психологиясига бўлган муносабат борасида ҳам бир-биридан фарқ қилади. Масалан; Антик давр олимлари ўзнинг натурфалсафий қарашларидан келиб чиққан ҳолда инсонга табиатнинг маҳсули сифатида қарадилар. Илк ўрта асрларда эса инсонга Худонинг маҳсули (креационизм) сифатида қарай бошладилар. Бу даврда инсоннинг ўз-ўзини англаши унинг Худони англашига олиб боровчи йўл сифатида қабул қилинган. Масалан, ўрта асрлар асосчиларидан бири бўлмиш Аврелий Августиннинг айтишича: “Инсон танаси унинг жони ёрдамида бошқарилади. Ушбу бошқарув эса ирода асосида содир бўлади. У бу таълимоти иштиёрийлик (валюнтаризм) асосида қўрган бўлиб, кейинчалик бу йўналиш алоҳида йўналиш сифатида ривожланади” [1]. Бир сўз билан айтган унинг психология борасидаги қарашларининг асосида эътиқод ётар эди. Бу даврда нафақат психология, балки, барча фанлар эътиқодга ва ёки динга бўйсундирилгандир. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки уша даврдаги психологик қарашлар фаталистик асосга эга эди.

Ўрта асрларнинг охирига келиб вазият бирмунча ўзгарди. Хусусан, олдинги теоцентризм назарияси ҳукмронлик қилаётган даврда инсон борлиқда деярли ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган бўлса, гуманизм даврга келиб эса инсон биринчи ўринга чиқиб қолди. Энди инсонни ҳар томонлама ҳам моддий ва ҳам руҳий оламини ўрганишга аҳд қилишди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Шарқ мутафаккирларидан бир ёшга оид психофизиология билан тарихда илк бора бобокалонимиз Ибн Сино шуғулланган. У илк бор бола руҳий ҳолатининг ўзгаришини, унинг организмга боғлаб тушунтириб берди. Ва унинг қарашларидан ҳозиргача медицина вакиллари, психологлар ва биз педагоглар унумли фойдаланиб келамиз. Яъни болага таъсир ўтказишда ва ёки дарс беришда унинг ёшини ва руҳий ҳолатини албатта ҳисобга олиш лозим. Шарқда асосан дидактик асарлар ва дидактикага асосланган тадқиқларида болани қандай қилиб тарбияли, толерант дунёқарашга

эга бўлган шахс қилиб тарбиялаш [2,3,4] ва ҳоказо масалалрни ўрганиб чиқишган.

Янги давр эса ўзидан олдиниги давр бўлмиш ренесанс даври қарашларини давом эттирди ва унга қушимча тарзда тажрибани (эмперика) фандаги асосий методлардан бири сифатида кўрсатди. Бу борада инсон психологиясига бўлган муносабат ҳам бирмунча ўзгара бошлади. Хусусан, Роттердамлик Эразмнинг рағбат назариясига кўра бола тарбиясида, ўрта асрларга хос бўлган авторитар методда эмас, балки, гуманизм асосида ҳаракат қилиш лозимдир. Чунки айнан рағбатлантириш методи орқали муносабатда бўлиш бола руҳига ижобий таъсир қилади ва унинг дарсга қизиқиши ҳамда яхшироқ ўзлаштиришга ундайди. Айнан мана шу замонда педагогикада бола индивидуал хусусиятлари ҳисобга олиш тамойили ишлаб чиқилган бўлиб (1559 йилда Вютенберг мактабида илк бор таълим ёрдамида болага қувонч олиб келиш ҳамда таълим тизимида болага билиб беришда унинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш тўғрисида қонун қабул қилинади), ҳозиргача амал қилиб келинмоқда. Яъни боланинг касб танлашида унинг индивидуал қобилияти ва қизиқишларни ҳисобга олиниши, унинг ўзлаштириш даражасини ошишига, натижада унинг сифатли кадр бўлиб етишишига кўмаклашади. Бунда асосий масъулият бугунги кунда боланинг ота-онаси, синф раҳбари, мактаб психологи ва қолаверса у қизиқадиган фан ўқитувчисига тушади. Айнан улар боланинг келажакда қандай мутахассис бўлишини ҳал қилади. Шу жойда яна шуни таъкидлаш лозимки болага гуманизм тамойили ила ёндашув бошланғич синф ўқитувчиларга ҳам боғлиқдир. Чунки ҳар биримизни илм дунёсига олиб кирувчи зот бу бошланғич таълим ўқитувчиларидир.

Умуман янги давр олимлари бола ақлий ва психик ривожланишини ташқи таъсир ва ёки атроф-муҳит билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Уларнинг камчилиги замонамизнинг буюк рус олимаси Татьяна Давидовна Марцинковскаянинг айтишича “бу замон олимлари болага пассив мавжудот сифатида қараганлар. Ва катталар болани худдики юмшоқ лой сингари ўз тарбиявий усуллари билан хоҳлаган шаклга кирита оладилар”. Аслида эса олиманинг фикрича бола психологияси мураккаб жараён бўлиб унинг шаклланиши ҳамма вақт ва тўлиқ ташқи муҳит билан боғлиқ эмас. Шу уринда биз субъектив омилларни ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз лозимдир.

Ушбу давр вакили бўлмиш Христиан Вольф (1679-1754) ўзининг “Қобилиятлар психологияси” номли асарида инсон қобилияти ва қизиқишлар асосини ўрганади ва ушбу асари орқали Европа илмий доирасига психология атамасини киритади. Унгача бу тушунча турли атамалар ёрдамида ўрганилган эди.

Лекин янги давр вакиллари инсон руҳиятини механик жараён сифатида ўргана бошлашди. Энг янги замонга келиб, хусусан, экзистенциализм тарафдорлари механистик қарашни рад этиб, инсон психологияси алоҳида ва индивидуал жараён эканлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Шу билан энг янги даврга келиб инсонга нисбатан яна янги қараш бошланди. Бу қарашлар натижасида Фрейднинг психоанализ назарияси ва шу каби турли оқимлар пайдо бўлди.

Замонавий педагогикада бола руҳияти ва психик ўзгариш ҳолатларини билмасдан натижага эришиб бўлмайди. Бунинг сабаби ҳар бир бола алоҳида “Мен”га эга бўлиб, унга мана шу ўзининг “Эго”сига қараб муомаала қилиш лозимдир. Шу билан бирга уларнинг ўзлаштириш натижалари ҳам ҳар хилдир. Яъни боланинг ўзлаштириши унинг яшаб турган муҳити, озуқаси, жисмоний соғлиғи ва албатта руҳий ҳолати билан боғлиқдир. Мана шуларни пайқаган бир қатор АҚШ олимлари педология соҳасида ўз тадқиқотларини бошладилар. Хусусан, Г.С.Холлом, Ж. Болдуин ва 20 ас рус олимлари В.М.Бехтерова, А.П.Начаев, Э.Мейман ва дефектолог Г.И.Россолимларни шулар қаторига қушиш мумкин. Россияда ҳаттоки педологик институтлар “Болалар уйи” (Дом ребенка) ташкил этилди ва уларда бир нечта тажрибалар ўтказилди.

Юқоридаги тадқиқотлар натижасида Совет иттифоқи таълим тизимидаги айрим камчиликлар маълум бўлди. Масалан унда, боланинг ривожланишида унинг наслини инобатга олиш масаласи. Лекин 1936 йилда бу таълим Совет иттифоқи ҳудудида “ёлғон таълим” сифатида эълон қилинди. Чунки бу юқорида кўрсатилган инсоннинг индивидуал қобилиялари компартия мафкурасига тўғри келмас эди. Шу билан бу таълим Совет иттифоқи ҳудудида шу жумладан бизнинг мамлакатимизда ҳам бу йўналиш ривожланмай қолиб кетди. Бунинг асорати ханузгача ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Зеро педологияга асосланган таълим бу болага бир бутун феномен сифатида қарашдир. Яъни унинг физиологияси, психологияси, ўзлаштириш қобилияти, келиб чиққан муҳити ва бошқа омилларга комплекс ёндошиш демакдир.

Бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган таълим тизимидаги ислохотларга [5] педология соҳасини ривожлантириш масаласи қушилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби ислохотлар моддий ресурслар билан эмас, балки инсон омили билан боғлиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Марцинковская Т.Д. История детской психологии. - М., 1998. С-19.
2. Akhatov, L., Madalimov, T., & Xaytmetov, R. (2020). The Spiritual Connection of Sufism and Tolerance in the Works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 2, 1-4.

3. Akhatov, L., Madalimov, T., Xaytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review*, 3, 29-32.

4. Khaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The Problem of Tolerance in Oriental Philosophy. *Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.

5. Utamuradov, A., Khojiev, T., Isanova, G., & Khaytmetov, R. (2020). The Prospects of a New Template of the Modernization Uzbekistan. *Jour of of Adv Research in Dynamical & Control Systems*, 2(12), 2670-2676.

6. Khaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The Problem of Human Psychological Crises in the Views of Emil Durkheim. *Наука, образование и культура*, 6(50), 50-57.

7. Хайтметов, Р., Мадалимов, Т., & Ахатов, Л. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2, 53-61.

8. Makhmudov, K. (2019). Integrating a Mother Tongue while Teaching a Foreign Language: Problems and Solutions. *The Issues of Language, Literature and History*, 1, 89-91.

9. Madalimov, T., Karimov, N., Is'haqov, M., Sulaymonov, J., & Alimova, R. (2019). Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith. *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)*, 9(1), 593-599.

10. Хайтметов, Р. (2020). Мавлоно Румийнинг "Маснавийи Маънавий" асаарида амалий ахлоқ масаласи. *Тамаддун нури*, 1, 76-79.

## References

1. Марцинковская Т.Д. История детской психологии. - М., 1998. С-19.

2. Akhatov, L., Madalimov, T., & Xaytmetov, R. (2020). The Spiritual Connection of Sufism and Tolerance in the Works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 2, 1-4.

3. Akhatov, L., Madalimov, T., Xaytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review*, 3, 29-32.

4. Khaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The Problem of Tolerance in Oriental Philosophy. *Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.

5. Utamuradov, A., Khojiev, T., Isanova, G., & Khaytmetov, R. (2020). The Prospects of a New Template of the Modernization Uzbekistan. *Jour of of Adv Research in Dynamical & Control Systems*, 2(12), 2670-2676.

6. Khaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The Problem of Human Psychological Crises in the Views of Emil Durkheim. *Наука, образование и культура*, 6(50), 50-57.

7. Хайтметов, Р., Мадалимов, Т., & Ахатов, Л. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2, 53-61.

8. Makhmudov, K. (2019). Integrating a Mother Tongue while Teaching a Foreign Language: Problems and Solutions. *The Issues of Language, Literature and History*, 1, 89-91.

9. Madalimov, T., Karimov, N., Is'haqov, M., Sulaymonov, J., & Alimova, R. (2019). Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith. *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)*, 9(1), 593-599.

10. Хайтметов, Р. (2020). Мавлоно Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асаарида амалий ахлоқ масаласи. *Тамаддун нури*, 1, 76-79.

## ИММАНУИЛ КАНТНИНГ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ

Умирова Гулнора Ғуломовна  
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, 25-мактаб

**Аннотация:** Мазкур мақолада 18-аср машҳур олмон файласуфи ва педагоги Иммануил Кантнинг бола тарбияси ва педагогикага оид қарашлари замонавий қарашлар билан қиёсий таҳлил қилинади. Шу билан бирга мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларга ҳам бирмунча эътибор қаратилади.

**Калит сўзлар:** Кант, педагогика, таълим, тарбия, фалсафа, ахлоқ.

## PEDAGOGICAL VIEWS OF IMMANUEL KANT

Umirova Gulnora Gulomovna  
School 25, Chirchik city, Tashkent region

**Abstract:** This article compares the views of the famous 18th century German philosopher and educator Immanuel Kant on child rearing and pedagogy with modern views. At the same time, some attention will be paid to the ongoing reforms in the field of education in our country.

**Key words:** Kant, pedagogy, education, upbringing, philosophy, ethics.

*“Маърифат - бу ўз ақлидан фойдаланиш йўлидаги жасоратдир”*  
И.Кант

Тарихий даврлар билан бирга одамлар ҳам ўзгариб боради. Яъни уларнинг физиологиясидан тортиб то тафаккур тарзи ва дунёқарашига-ча [1]. Инсоният тафаккур тарзини ўзгаришида таълим соҳасининг ўрни бекиёсдир. Ҳозирда мамлакатимизда ҳам ҳам бу борада қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Шу боис педагогика соҳаси тарихи ва машҳур педагоглар фаолиятини ўрганиб бориш давр талабидир. Ана шу мақсадни амалга ошириш мақсадида мазкур мақолада 18 - асрнинг машҳур олмон файласуфи, олими ва педагоги Иммануил Кантнинг бола тарбияси ҳамда педагогика борасидаги фикрлари замонавий педагогик ёндашувлар билан қиёсий тадбиқ этилади.

Немис классик фалсафасининг йирик намояндаларидан бири Иммануил Кант 22-апрель 1724 йилда Шарқий Пруссиянинг Кёнигсберг ҳозирги Россия Федерациясига қаршли Калининград шаҳарчасида дунёга келди. Унинг ота томонидан келиб чиқиши ҳақида 2 хил қараш бор. Биринчиси Шотландия ва



иккинчиси Литва бўлиши ҳам мумкин. Онаси эса немис миллатига мансуб эди [2].

Кантнинг педагогик қарашлари унинг фалсафасидан келиб чиққан бўлиб, у асосан танқидга, рационализмга, императив (амалий) ахлоққа, агностицизмга, скептицизм (ҳар бир илмий назарияларга шубҳа билан қараш)га асолангандир [3].

“Шуни қайд этиш жоизки, И .Кантнинг амалий педагогика бўйича университетда ўқиган маърузалар курси (уни 1776 ва 1787 йиллар оралиғида камида тўрт марта ўқиган) тўлиқ ва мустахкам х ақиқий ҳамда амалий асосга эга бўлган. Тингловчиларнинг ёзув-қайдлари асосида қайта тикланган мазкур маърузалар унинг шогирди Ф.Т.Ринк томонидан И.Кантнинг ҳаётлик давридаёқ, 1803 йилда («И .Кант педагогика тўғрисида») номи остида нашр этилган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, биринчидан, И. Кант нашр қилиш учун тайёрланган матнни шахсан ўзи маъқуллаган; иккинчидан , унинг педагогикага оид асосий ғоялари қатор асарларида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, унинг фалсафий қарашларига тўлиқ мос келади” [4].

И.Кант таълим деганда билим ва кўникмаларни шакллантиришни назарда тутган ва уни жисмоний кучлар ҳамда ақлий қобилиятлар ривожига ва тартиб-интизом шаклланишини ўз ичига оладиган табиий тарбияга тааллуқли деб ҳисоблаган. Маориф эса одоб-ахлоқни шакллантиришга оид бўлиб, мактаб таълими ёки ўқитиш (маҳорат ҳосил қилиш) ва прагматик тарбия (ақл-фаросатлиликка эришиш)дан фарқли ўларок, амалий тарбияга тааллуқлидир. Мана шу жойда алоҳида таъкидлаш лозимки амалий тарбия (амалий ахлоқ) масаласи шарқда ҳам бир қатор мутафаккирлар томонидан ҳам муаммо сифатида кўтарилган [5, 6].

И.Кант фикрича, таълимнинг асосий вазифалари - ижтимоий тартиб-интизом тарбияси, кўникмалар ҳосил қилиш , маданиятга эриштириш, маънавий-ахлоқий тарбиядир. И.Кант шахснинг маънавий юксалишига алоҳида аҳамият берар экан, табиий тарбиянинг ҳам муҳим эканлигини уқдириб ўтади. У академик ва меҳнат таълимини бирга кўшиб олиб бориш зарурлиги тўғрисида фикр билдирган. Кантнинг мана шу фикри ҳозирги замонавий таълимга ҳам тадбиқ этилади яъни назария билан амалиётни бирга олиб бориш масаласи. Олий таълимда ҳам амалиёт соатлари йил сайин кўпайиб бораётгани ҳам бунга яққол мисолдир.

Кант инсонни тарбиялаш мумкин, деган ғояни асос қилиб олган. Маърифат инсонни табиий ҳолатдан чиқариб, уни хушахлоқ мавжудотга айлантиради, ўз ақлидан фойдаланишга ўргатиб, озодликка эриштиради. Таълим ва тарбия мана шу мақсадларни амалга оширишнинг асосий воситаларидир. Улар инсонни билим билан қуроллантириб, ҳаётга ва амалий фаолиятга тайёрлашлари лозим.

Кант таълимоти асосида ўз ақл-идрокидан фойдаланадиган инсон мужассамдир. Яъни, сўраб-суриштирадиган, танқидий кўз билан қарайдиган, фикр-мулоҳазалари наинки ўзи, балки бутун жамият учун ҳам ярай оладиган маънавий қадриятлар асосида таркиб топган билимли, ўқимишли, маърифатли инсон. Шунинг учун ҳам Кант педагогикасининг негизини ана шундай инсонни тарбиялаш масаласи ташкил этади. Тарбия деганда ҳамиша яна қандайдир мажбурият шакли ҳам тушуниладики, бунинг боиси болаларни хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш лозимлиги ва уларни ҳар доим ҳам ўз ихтиёрларига қўйиб бўлмаслигидадир. Хўш, энди вақтинча мажбурият билан инсоннинг ўз эрк-иродасини намоён этиш қобилиятини қандай қилиб бир-бири билан боғлаш, уйғунлаштириш, бирга қўшиб олиб бормок мумкин? Шубҳасиз, ушбу савол ҳозирги замон педагоглари ҳам ўйлантирадиган масалалардан ҳисобланади. Зеро, мазкур масала юзасидан Кант билдирган асосий фикр ва мулоҳазалар бугунги кунда ҳам долзарбдир.

Кантнинг уқтиришича, ахлокий тарбиядаги «қулларча мажбурият» одамни муте қилиб қўяди, у ҳамма нарсага унинг асл маъно ва мазмун-моҳиятини тушунмаган ҳолда механик тарзда бўйсунга бошлайди. Ҳар бир киши ўзи учун биргаликда бамаъни ҳаёт кечиришга олиб борадиган қонун-қоидаларни кашф этмоғи лозим. Бунинг учун у, тарбиянинг барча мажбуриятлари билан бирга доимо ўзи мустақил қарор қабул қила олиш эркинлигини ҳам ҳис этмоғи зарур. Ана шундагина ташки мажбуриятга асосланган оддий интизомдан ҳақиқий ўз-ўзини англаш асосида қоидаларни қўллаш билиш ва мажбуриятларга амал қилиш қўникмаси ҳосил бўлади. Ана шундагина бола кейинчалик ўз эркинлигидан ижобий фойдаланишга, яъни ўзини ўраб турган жамиятга ва бошқаларнинг эркинлигига ҳурмат билан муносабат билдиришга қодир бўлади.

Билимларни маъносига тушуниб етмай, қурук ёдлаб олиш билангина болани ўқимишли инсон қилиб тарбиялаб бўлмаслиги ҳақида Кант билдирган фикр ҳам худди мана шу нарса билан боғлиқдир. Қурук ёдлаш орқали ақли, чиройли сўзлаш ва худди билимли инсондек таассурот қолдириш мумкин деган балки, лекин бундай йўл билан янги илм яратиш бўлмайди. Чунки унда ўрганилаётган соҳага чуқур кириб борилмайди, ҳақиқий ақл идрок, зехн йўқолади. Бундай киши эса буюк ишлар қилишга қодир бўлолмайди [7]. Айниқса, бугунгидек мураккаб замон шароитида. Жамият табақалашини туфайли ишлаб чиқариш даражаси бир неча баробар ортди, бу эса ҳар бир шахснинг ҳар қадамда мисли қўрилмаган муаммоларга дуч келишига сабаб бўлмоқда. У бу муаммоларни мустақил ва ижодий тарзда ҳал этмоғи, жасорат намуналарини қўрсатмоғи, керак бўлса, муваффақиятсизликларга ҳам тайёр турмоғи, баъзан эса синалмаган, қалтис йўллардан ҳам юриб бормоғи лозим бўлади. Айнан шу йўл билангина тараккиётни сақлаб қолиш мумкин.

Булар - бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ эътибор бериш зарур бўлган энг муҳим фикрлардир. Билимларга нисбатан танкидий муносабатга кўмаклашиш, болалар шахсиятини камол топтириш, уларнинг ахлоқ асосидаги ақл-идрокини ўсишида кўллаб-қувватлаш, — бу уларни муттасил ўзгариб бораётган дунёга мослашишга қодир бўлган билимли инсонлар килиб тарбиялашнинг ягона йўлидир. Муайян соҳанинг маъносини, мазмун-моҳиятини чуқур тушуниб етган кишигина янгилик олдида эсанкираб [8] қолмайди, аксинча, у бундан қандай фойдаланишни ўрганади. Замоиавий дунё учун бу элементар (энг оддий) қобилият саналади. Наинки бетўхтов ўзгараётган илм-фан янгидан-янги талаб ва имкониятларни келтириб чиқараётган иқтисодиёт соҳасида, балки ижтимоий ҳаётда ҳам, чунки у ҳам мисли кўрилмаган тезлик билан ўзгариб бормокда. Демографик таркиб ўзгаришлари, миграция оқимлари, оила ва яхши ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларнинг ўзгариб бориши - буларнинг барчаси шундай таассуротлар сирасига кирадики, уларга нисбатан одамлар ҳамиша ва ҳар доим ўзларини мослаб, созлаб боришларига ҳамда янгича мувозанат сақлашларига тўғри келади. Бунга эса, аввалги билимларига мос келмай қолгани учунгина янгиликдан кўз юмиш ўрнига, аксинча, уни маънавий қадриятларга таянган ҳолда ўрганиб, унга янгича баҳо бера оладиган кишигина муваффақ бўлади.

“Кант эса таълим келажак сари йўналтирилган бўлмоғи ва ўз олдида дунёда эзгулик ва мукамалликни мақсад килиб кўймоғи лозимлигини талаб қилади, чунки акс ҳолда жамият келгусида ривожланолмай қолган бўларди.”

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда кўйдагича хулоса қилиш мумкин. Агар замонга ва ёки кун сайин янгилаб бораётган техноген цивилизацияга фарзандларимизни билим ва руҳий борада тайёрлаб бормас эканмиз, улар руҳий борада турли кризисларга учраши мумкин. Ва ҳаттоки бу кризис фожеа билан тугагини йилдан-йилга сон жиҳатдан ортиб бораётган суицид ҳолатлари ҳам яққол мисол бўла олади [9]. Зеро бизнинг жамиятимизнинг энг олий мақсадларидан бири ҳам замонвий (modern) давлат ва жамият куришдан иборатдир [10].

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Хайтметов, Р. (2020). Дунёқараш диалектикаси. *Фалсафа ва ҳуқуқ*, 1, 81-85.
2. Хайтметов, Р. (2020). Иммануил Кант фалсафасида олам ва одам муаммоси. *Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси*, 5, 71-74.
3. Хайтметов, Раимберди. *Иммануил Кант агностицизми*. Ўзбекистонда илм-фан ва таълим 28.03.2020. N.p., 2020. Print.
4. Иммануил Кант. Педагогика тўғрисида. Тошкент, 2013. Б. 9.

5. Хайтметов, Р. (2020). Мавлоно Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асаарида амалий ахлоқ масаласи. *Тамаддун нури*, 1, 76-79.
6. Akhatov, L., Madalimov, T., & Xaytmetov, R. (2020). The Spiritual Connection of Sufism and Tolerance in the Works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 2, 1-4.
7. Хайтметов, Р. (2020). *Догматизм ва унинг оқибатлари*. Retrieved February 28, 2019,
8. Хайтметов, Р., Мадалимов, Т., & Ахатов, Л. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2, 53-61.
9. Khaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The Problem of Human Psychological Crises in the Views of Emil Durkheim. *Наука, образование и культура*, 6(50), 50-57.
10. Utamuradov, A., Khojiev, T., Isanova, G., & Khaytmetov, R. (2020). The Prospects of a New Template of the Modernization Uzbekistan. *Jour of of Adv Research in Dynamical & Control Systems*, 2(12), 2670-2676.
11. Khaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The Problem of Tolerance in Oriental Philosophy. *Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.
12. Madalimov, T., Karimov, N., Is'haqov, M., Sulaymonov, J., & Alimova, R. (2019). Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith. *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)*, 9(1), 593-599.
13. Madalimov, T., Mullajonov, I., Pulatov, S., Qodirov, M., & Valiyev, L. (2020). Some Characteristics of Modern Indian Philosophy. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 2(11), 47-49.
14. Khodjamkulov, U., Makhmudov, K., & Shofkorov, A. (2020). The Issue of Spiritual and Patriotic Education of Young Generation in the Scientific, Political and Literary Heritage of Central Asian Thinkers. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05), 6696.
15. Makhmudov, K. (2019). Integrating a Mother Tongue while Teaching a Foreign Language: Problems and Solutions. *The Issues of Language, Literature and History*, 1, 89-91.

### References

1. Хайтметов, Р. (2020). Дунёқараш диалектикаси. *Фалсафа ва ҳуқуқ*, 1, 81-85.
2. Хайтметов, Р. (2020). Иммануил Кант фалсафасида олам ва одам муаммоси. *Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси*, 5, 71-74.
3. Хайтметов, Раимберди. *Иммануил Кант агностицизми*. Ўзбекистонда илм-фан ва таълим 28.03.2020. N.p., 2020. Print.

4. Иммануил Кант. Педагогика тўғрисида. Тошкент, 2013. Б. 9.
5. Хайтметов, Р. (2020). Мавлоно Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарида амалий ахлоқ масаласи. *Тамаддун нури*, 1, 76-79.
6. Akhatov, L., Madalimov, T., & Xaytmetov, R. (2020). The Spiritual Connection of Sufism and Tolerance in the Works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 2, 1-4.
7. Хайтметов, Р. (2020). *Догматизм ва унинг оқибатлари*. Retrieved February 28, 2019,
8. Хайтметов, Р., Мадалимов, Т., & Ахатов, Л. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2, 53-61.
9. Khaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The Problem of Human Psychological Crises in the Views of Emil Durkheim. *Наука, образование и культура*, 6(50), 50-57.
10. Utamuradov, A., Khojiev, T., Isanova, G., & Khaytmetov, R. (2020). The Prospects of a New Template of the Modernization Uzbekistan. *Jour of of Adv Research in Dynamical & Control Systems*, 2(12), 2670-2676.
11. Khaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The Problem of Tolerance in Oriental Philosophy. *Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.
12. Madalimov, T., Karimov, N., Is'haqov, M., Sulaymonov, J., & Alimova, R. (2019). Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith. *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)*, 9(1), 593-599.
13. Madalimov, T., Mullajonov, I., Pulatov, S., Qodirov, M., & Valiyev, L. (2020). Some Characteristics of Modern Indian Philosophy. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 2(11), 47-49.
14. Khodjamkulov, U., Makhmudov, K., & Shofkorov, A. (2020). The Issue of Spiritual and Patriotic Education of Young Generation in the Scientific, Political and Literary Heritage of Central Asian Thinkers. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05), 6696.
15. Makhmudov, K. (2019). Integrating a Mother Tongue while Teaching a Foreign Language: Problems and Solutions. *The Issues of Language, Literature and History*, 1, 89-91.

## “ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ” ДОКТРИНАСИННИНГ АХЛОҚИЙ МОҲИЯТИ

Д.Худойқулов

Ўзбекистон Миллий университети

**Аннотация:** Мақолада “Темур тузуклари” доктринасининг ахлоқий моҳиятига доир фикр-мулоҳазалар баён этилган. Тузуклардаги ахлоқий ғоялар темурийлар даври илм-маърифат, маънавият ва маданият ривожига муҳим ўрин тутишини ҳамда бой тарбиявий-ахлоқий аҳамиятига эга эканлигини кўрсатади. Жаҳон тарихида одил ҳукмдор ва моҳир саркарда сифатида ном қолдирган, бадий асарларда ҳам буюк салтанат ва тахт соҳиби деб тилга олинган Амир Темурнинг ҳаётий тажрибалари, ахлоқий, фалсафий қарашлари кўрсатиб берилган “Тузуклар”да бошқарув одоби, дипломатик этикет, муомала одобига доир масалалар тизимли таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** тузук, доктрина, ахлоқ, одоб, шахс.

## THE MORAL ESSENCE OF THE DOCTRINE OF "TEMUR'S RULES"

D.Khudoikulov

National University of Uzbekistan

**Abstract:** The article contains comments on the moral character of the doctrine of the “Temur’s rules”. Moral ideas in the charters show that the Timurid period played an important role in the development of science, spirituality and culture, and also had a rich educational and moral value. Amir Temur, who is known in world history as a just ruler and skillful commander, and who is also mentioned in works of art as the owner of a great kingdom and throne, systematically analyzes the issues of governance, diplomatic etiquette and mores in “Temur’s rules”

**Keywords:** rule, doctrine, morality, decency, personality.

“Темур тузуклари” Амир Темурга нисбат берилдиган, халқимизга хос кўплаб маънавий тамойиллар акс этган тарихий-сиёсий рисола ҳисобланади. Ушбу рисола XIV-XV асрлар тарихига оид қимматли манба бўлиб, унда Амир Темурнинг Мовароуннахрни муғуллардан халос қилиши, ҳокимиятни қўлга киритиши, мустақил ва марказлашган давлат тузиши ҳамда Соҳибқирон олиб борган ижтимоий-сиёсий ва маданий фаолият ҳақида сўз юритилади. Файласуф И.Мўминов ўз даврида “Темур тарихчилар тасвирича, ўрта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий арбобларидан эди. Унинг “Тузуки Темур” – “Темур тузуклари” асарини ўқиган киши бу фикрнинг ҳаққонийлигига қаноат ҳосил қилади. Ушбу

асарда Темурнинг доктринаси изоҳланган. Унинг жамиятга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга қарши, бирлашган қудратли феодал давлатининг сиёсий ва ахлоқий принциплари ифодалангандир”, -дея таъкидлаган эди.

Шуни таъкидлаш зарурки, “Темур тузуклари” ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий тарбиявий мазмундаги машҳур пандномалар сирасига киради. Мамлакатларни фатҳ этгучи бахтли фарзандлари ва жаҳонни идора этувчи қудратли набираларига чақириқ билан бошланган “Тузуклар”да Соҳибқирон салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка ажратиб ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма (дастур ул-амал) ёзиб қолдирганлигини маълум қилади. Бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдаланишларини кўрсатиб ўтадики, “уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназулдан омон бўлмай”.

“Тузуклар”ни ёзилишига сабаб ҳам моҳиятан ахлоқий ҳисобланади. Шунинг учун ушбу маълумот эҳтимол, «Темур тузуклари»нинг ёзилишига асос бўлган бўлса ажаб эмас. Бу ҳақда “Дину шариат ишлари тузукини тартибга келтирганимдан сўнг, салтанатим корхонасининг тузукини тузишга киришдим. Салтанат ишларини қонун ва қоидалар (тўра ва тузук)ка солиб, унинг мартабалари (аҳволи)ни мустаҳкамладим. Салтанатнинг мартабалари тузукини қуйидагиларга таяниб туздим”- деган эди.

“Темур тузуклари” доктринасининг ахлоқий моҳияти қуйидаги омилларга асосланади:

Биринчи омил - Темур салтанатининг қонун-қоидалари ва мустаҳкамланиши Ислом дини ва унинг ахлоқий асосларига таянганлиги: “Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди.”

Иккинчи омил - муомала ва муносабатларни муроса-мадора (компромис) тамойилига асосланганлиги: “Дўст-душманни муросаю мадора мартабасида тутдим. ... Дўст-душмандан ким менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнингдушманлиги дўстликка айланди.

Учинчи омил – ҳалоллик, садоқат, мурувват ақидасига асосланганлиги: “Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан четда қолдирмадим”.

- «Темур тузуклари» икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда салтанатни қўлга киритиш учун олиб борган курашлари ва бу борада ўз яқинлари билан ўтказган кенгашлари, амирлар билан олиб борган музокаралари акс этган. Бу “Темур тузуклари”даги

“Биринчи мақола”да баён этилган бўлиб, унинг мазмуни бошқарувчи ва бошқариш ахлоқига доир масалаларга эътибор қаратилган. Бу борада:

- давлатни қуриш;
- салтанатни тузиш;
- салтанатнинг дастлабки даврларида амалга ошириладиган ишларни белгилаш;
- Жете лашкарини синдириш;
- салтанатни тиклаш;
- салтанатни мустаҳкамлаш;
- салтанатга ривож бериш;
- лашкарни иттифоққа келтириш;
- ҳужум қилиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш;
- душман лашкарига шикаст етказиш;
- душманнинг макру-ҳийласидан қутулиш;
- мамлакатларини забт этиш каби ижтимоий-сиёсий масалаларни хал этишга қаратилган кенгашларнинг мақсадини кўрсатиб ўтиш мумкин.

“Темур тузуклари”нинг иккинчи қисми моҳиятан Соҳибқирон сиёсатининг ахлоқий тамойилларига бағишланган. Бунда адолат, мурувват, тартиб, рағбатлантириш ва бошқа шу каби ахлоқий муносабатларни рўёбга чиқарадиган масалаларга эътибор қаратилган. Жумладан:

- кўмак ва ёрдам сўраб келганларга меҳр ва мурувват кўрсатиш;
- салтанатни сақлаш ва ҳимоя қилиш;
- сипоҳларга, ўғиллар ва набираларга улуфа бериш тартиблари;
- салтанатда интизом сақлаш ҳақида.
- амалдорларнинг вазифалари ва одоби;
- Вазирларнинг хизмат қилиш тузуги.
- Навқарнинг бегига ва бекнинг навқарига муомала қилиш қоидалари;
- Дўсту душманга муомала қилиш тузуги.
- Салтанат саройида ўтириш ва ўрин олиш тузуги.
- Мамлакатларни забт этиш ва салтанатни идора этиш;
- Мамлакатдаги фуқароларнинг раъият аҳволидан хабардор ва огоҳ бўлиш сингари масалаларда Темурнинг ахлоқий принциплари ўз аксини топган.

“Темур тузуклари”нинг концепцияси Амир Темурнинг мамлакатларни забт этиб, салтанатни бошқариши ва салтанат тахтига зебу зийнат бериши 12 та қоида – шиорга асосланади. Бу қоидалар қуйидаги ахлоқий принципларга таянади:

1-қоида: Ислом динини қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш ва маърифатини ривожлантириш.

2-қоида: мамлакатларни забт этишда бамаслаҳат иш олиб бориш.



3-қоида: дўсту душман билан мурасаю мадора қилиш.

4-қоида: хайрихоҳ дўстларни хушнуд этиш, қувватлаш ва ҳимоя қилиш.

5-қоида: халқни адолат ва инсоф билан рози қилиш (*Амир Темурнинг гуноҳкорга ҳам, беғуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқарганлиги ҳамда золимлардан мазлумлар ҳаққини олиб золимлар етказган зарарларни исботлаганидан кейин, уларни шариятга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилганлиги ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабрзулм ўтказмаганлиги ҳақида манбаларда кўплаб далиллар мавжуд*).

6-қоида: аллома ва олим эътиборли одамлар ҳисоблаб, уларнинг иззату ҳурматларини жойига қўйиш.

7-қоида: ҳар қандай ишда қатъиятли, зеҳнли бўлиш.

8-қоида: халқнинг аҳволидан доим хабардор бўлиш.

9-қоида: паноҳига кирган кишиларнинг улуғларига ҳурмат кўрсатиш, яхшиларига — яхшилик қилиш ва ёмонларини ўз ёмонликларига топшириш.

10-қоида: фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшнилари, дўстлик қилган барча одамларни унутмаслик;

11-қоида: дўсту-душман билан келишиб яшаш;

12-қоида: ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат қилиш.

Мазкур қоидалар Амир Темурнинг подшоҳ ва шахс сифатида юксак ахлоқ эгаси эканлигини кўрсатади. Шу боис “Темур тузуклари” илмий жамоатчилиқни 600 йил мобайнида қизиқтириб келмоқда ва Муҳаммад Тарағай Баҳодир ўғли Амир Темурнинг ҳаёти ва давлат арбоби сифатида юритган сиёсати асрлар давомида ибрат ва андоза бўлиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, “Темур тузуклари” доктринасининг ахлоқий моҳиятини ҳамда Амир Темур ҳаётининг мазмунини инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони ташкил этган. Бу ҳақда “Жаҳонгирлик қилишга киришганимда тўрт нарсани хотирамда маҳкам сақладим, деган эди Соҳибқирон. Биринчиси — қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлсам, тўғри тадбир ва кенгаш билан иш тутдим. Иккинчиси — хатога йўл қўймаслик учун ҳар бир ишни кўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан қилдим. Учинчиси — уч юз ўн уч асил зотли, шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофимга бирлаштирдим. Тўртинчиси — бугунги ишни эртага қолдирмадим.

Хулоса қилиб айтганда, “Темур тузуклари”нинг ахлоқий моҳияти Соҳибқироннинг беназир ақл-заковати ва юксак тафаккури ўз халқининг ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашларини мукаммал билган инсон бўлганлигини кўрсатади. “Фақат инсонни севиш орқалигина адолатпарвар бўлиш мумкин”, деб ёзади фаранг файласуфларидан бири. Бу ҳикмат буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳақида айтилган, десак янглишмаган бўламиз.

### Фойдаланилган адабиётлар

- [1] Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли (ёзма манбалар ва маълумотлар асосида). Иккинчи нашр. –Тошкент: Фан, 1993. -9 б.
- [2] Темур тузуклари. -Тошкент: Маънавият, 2010. -125 б.
- [3] Хукхэм Х. Властитель семисозвездий /Пер. с англ. Г.Хидоятова. – Ташкент: Адолат, 1995. – 165 с.
- [4] Aерcke К. Au tirioir des peurs occidentals / Samarkande 1400–1500. – Paris, 1995. – Pp. 55-72.

### References

- [1] Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли (ёзма манбалар ва маълумотлар асосида). Иккинчи нашр. –Тошкент: Фан, 1993. -9 б.
- [2] Темур тузуклари. -Тошкент: Маънавият, 2010. -125 б.
- [3] Хукхэм Х. Властитель семисозвездий /Пер. с англ. Г.Хидоятова. – Ташкент: Адолат, 1995. – 165 с.
- [4] Aерcke К. Au tirioir des peurs occidentals / Samarkande 1400–1500. – Paris, 1995. – Pp. 55-72.

## ЗАМОНАВИЙ ПСИХОЛОГИЯДА СТРЕССГА БАРҚАРОРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА ЎРИТИЛИШИ

Хакимова Ирода Мухаммаджонова  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Садиров Азамат Айтбаевич  
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

**Аннотация:** Мазкур мақолада стресс тушунчасининг турли давр олимлари томонидан ўрганилганлик даражаси ўритилган бўлиб, бунда, психологик атамалар ҳамда уларнинг асосчилари томонидан мазкур тушунчаларнинг мазмун-моҳияти тушунтириб берилган. Шунингдек, мазкур мақолада, стресснинг инсон хулқ-атворида физиологик ҳамда психологик таъсири натижасида жамиятда юриш-туриш қоидаларининг бузулишини олдини олиш йўллари илмий-назарий жиҳатдан ўритилган. Мақолада берилган илмий асосланган маълумотлардан илмий тадқиқот ишларнинг илмий-назарий бўлимларида фойдаланиш мумкин.

**Калит сўзлар:** Стресс тушунчаси, стресс, психологик стрессорлар, депрессия, дезорганизация, психологик стресс ҳолатида барқарорлик ва беқарорлик, профилактика, коррекция.

## ФОРМИРОВАНИЕ СТРЕССОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ В СОВРЕМЕННОЙ ПСИХОЛОГИИ КАК ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА

Хакимова Ирода Мухаммаджонова  
Академия МВД РУз  
Садиров Азамат Айтбаевич  
Ташкентский Институт Усовершенствования врачей

**Аннотация:** Данная статья вначале показывает векторность для изучения данного понятия, а также смежных с ним психологических понятий и терминов направляя читателя к авторам основоположникам, конкретные труды которых доподлинно объясняют суть психологии как науки и понятие стресс, в частности вплоть до современных авторов. Далее рассмотрены последствия, вызванные невмешательством при состояниях, связанных со стрессом и наиболее важная часть — это помощь, а также своевременные меры, направленные на профилактику последствий, связанных со стрессом, здоровьем

душевым и физическим, возможным личностным изменениям у подвергнувшегося стрессу человека и безопасностью его поведения в обществе. Знания, описанные в статье, помогают в росте продуктивной и творческой деятельности и могут использоваться в научных исследованиях.

**Ключевые слова:** Понятие стресса, стресс, психологические стрессоры, депрессия, дезорганизованность, психологическая устойчивость при стрессе, профилактика, коррекция.

## STRESS SUSTAINABILITY FORMATION IN MODERN PSYCHOLOGY AS A PSYCHOLOGICAL PROBLEM

Khakimova Iroda Mukhammadjanovna

Aminasadirova@mail.ru

Academy of the Ministry of internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

Sadirov Azamat Aytbayevich

Azamatsadirov7@gmail.com

Tashkent Institute of advanced medical Training

**Abstract:** This article first shows the vector for the study of this concept, as well as related psychological concepts and terms, directing the reader to the founding authors, whose specific works truly explain the essence of psychology as a science and the concept of stress, in particular up to modern authors. Next, the consequences of non-intervention in stress-related conditions are considered, and the most important part is assistance, as well as timely measures aimed at preventing the consequences associated with stress, mental and physical health, possible personal changes in a stressed person and the safety of his behavior in society. The knowledge described in the article helps in the growth of productive and creative activities and can be used in scientific research.

**Keywords:** The concept of stress, stress, psychological stressors, depression, disorganization, help with stress, prevention, correction.

Мамлакатимиздаги олий таълим тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида унинг асосий вазифаси унинг сифатини таъминлаш, профессионал ва фуқароларнинг фаол, соғлом, рақобатбардош шахсини шакллантиришдир. Бироқ, инсоннинг бир қатор индивидуал психологик хусусиятларини ривожлантириш бўйича мақсадли ҳаракатларни ташкил қилмасдан, ушбу муаммони тўлиқ ҳал қилиш қийин, улар орасида стрессга қарши кураш алоҳида ўрин тутди. Кўплаб асарлар стрессга бағишланган бўлишига қарамай, стрессга қарши курашни ўрганишни ўз ичига олган наشرлар нисбатан кам. Аввало,

мазкур масалаларга бағишланган илмий тадқиқотлар психологиянинг турли назария мактаблари намоёндалари томонидан ўрганилган бўлиб, жумладан: Августин Иппонский (353-430 й.) (*Детерминизм*)<sup>1</sup>, Ансельм Кентерберинский (1033-1109 й.)<sup>2</sup>, Шамполик Вилгельм (1121-1170 й.)<sup>3</sup> (*Реализм*), Иоанн Росцелин (1050-1125 й.)<sup>4</sup>, Дунс Скотт (1265-1308 й.)<sup>5</sup>, Вильям Оккам (1200-1349 й.) (*Номиналистлар*)<sup>6</sup>, Беррес Сниккер (1904-1990) (*Бихевиоризм*)<sup>7</sup>, Альберт Эллис (1913-2007) (*Рационализм*)<sup>8</sup>, Адольф Адлер (1870-1937), Карл Густав Юнг (1875-1961)<sup>9</sup> (*Фрейдизм*) Зигмунд Фрейд (1856-1939) (*Психоанализ*)<sup>10</sup> кабиларнинг катор илмий-психологик манбаларида, фалсафа, тиббиёт, физиология, психология соҳалари бир-бирини тўлдирувчи, бир-бирисиз мавжуд бўлмайдиган фанлар эканлигини исботлаб, фан ва унинг тараққиётига хизмат қилиб келаётган турли қонуният ҳамда назарияларни яратиб қолдирганлар. Шунингдек, бу йўналишда кўплаб мумтоз психология намоёндалари, жумладан: Л.С.Выготский (1896-1934)<sup>11</sup>, П.П.Блонский (1884-1941)<sup>12</sup>, С.Л.Рубинштейн (1889-1960)<sup>13</sup>, А.Н.Леонтьев (1903-1979)<sup>14</sup>, Б.Г.Ананьев (1907-1972)<sup>15</sup>, Л.И.Божович (1908-1981)<sup>16</sup> лар ҳам ўзларининг юксак хизматлари билан ҳисса қўшганлар.

Замонавий илмий адабиётларда рус олимларидан Бодров В.А.<sup>17</sup>, Абабков Б.А.<sup>18</sup>, Китаев-Смык Л.А.<sup>19</sup>, Моница Г.Б.<sup>20</sup>, Дубровина М.В.<sup>21</sup>, Вейнингер О.<sup>22</sup>,

<sup>1</sup> Богословские размышления о благодати божией и о воле человеческой. — СПб., 1786. — 140 с.

<sup>2</sup> Ансельм Кентерберийский // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). — СПб., 1890—1907.

<sup>3</sup> Тураев Б. А. Шпигельберг, Вилгельм // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). — СПб., 1890—1907

<sup>4</sup> Новая философская энциклопедия. В четырех томах. / Ин-т философии РАН. Научно-ред. совет: В.С. Степин, А.А. Гусейнов, Г.Ю. Семигин. М., Мысль, 2010, т. III, Н – С, с. 467.

<sup>5</sup> Перевод В. Л. Иванова // «EINA1: Проблемы философии и теологии» № 1 (001), СПб, 2012.

<sup>6</sup> Оккам У. Семь избранных диспутов. // Антология средневековой мысли в 2х тт. (т.2) Хрестоматия. Учебно-научное издание под ред. С. С. Неретиной, Л. В. Бурлаки. Изд-во РХГИ, СПб, 2001-2

<sup>7</sup> 1931 The concept of the reflex in the description of behavior. Journal of General Psychology, 5, 427—458

<sup>8</sup> Эллис А., Драйден У. Практика рационально-эмоциональной поведенческой терапии. — СПб.: Речь, 2002. — 352 стр.

<sup>9</sup> Юнг К. Г. Психологические типы. — М.—СПб.: Прогресс-Универс, 1995. — 718 с

<sup>10</sup> Штеренсис, Михаил. Зигмунд Фрейд. — ISRADON / ИкраДон, Феникс, 2012. — 160 с

<sup>11</sup> Стеценко, А. П. Заметки о популярности Л. С. Выготского на Западе // Вопросы психологии. — 1997. — № 1. — С. 107—109

<sup>12</sup> Блонский П. П. Избранные психологические произведения. — М.: «Просвещение», 1964.

<sup>13</sup> Ф.642 Рубинштейн, Сергей Леонидович (1889-1960): архивный фонд, 1890-е-1965, Фонд Научно-исследовательского отдела рукописей Российской государственной библиотеки

<sup>14</sup> Развитие памяти: Экспериментальное исследование высших психологических функций. — М.-Л.: Государственное учебно-педагогическое издательство, 1931

<sup>15</sup> Логинова Н. А. Психологическая наука — дело всей жизни Бориса Герасимовича Ананьева // Санкт-Петербургский университет. — 2007. — 22 окт

<sup>16</sup> Божович Л. И. Проблемы формирования личности: избранные психологические труды / Под ред. Д. И. Фельдштейна. — Москва; Воронеж: Ин-т практической психологии, 1995. (В данную книгу избранных трудов выдающегося психолога вошли основные её работы по психологическим закономерностям и этапам развития личности, мотивации поведения детей и др.)

<sup>17</sup> Психологический стресс: развитие и преодоление М.: Пер Сэ, 2006. — 528 с.

<sup>18</sup> Абабков В.А., Перре М. Адаптация к стрессу. СПб.: Речь, 2004. — 165 с.

Водопьянова Н.Е.<sup>23</sup>, Щербатых Ю.В.<sup>24</sup>, Андреева Г.М.<sup>25</sup>, Ильин Е.П.<sup>26</sup>, Черепанова Е.М.<sup>27</sup>, А. А Матвеевколар<sup>28</sup> ҳам кўплаб илмий-психологик манбаларида инсон ҳуқ-атвори билан боғлиқ ҳолатларни ўрганган бўлсалар, мамлакатимиз олимларидан, Э.Ғозиев<sup>29</sup>, Б.Қодиров, А.Жабборов,<sup>30</sup> Д.Мухамедова<sup>31</sup> Ғ. Шоумаров,<sup>32</sup> Ш.Баратов,<sup>33</sup> В.Каримова,<sup>34</sup> Н.Сафаев,<sup>35</sup> З.Нишанова, Б. Умаров, А.Расулов, Н.Камилова П.Эргашев, Н.Халилова, Э.Усмонов, Н.Исмоилова, Б.Сирлиев, Е.Агзамова, И.Арифходжаеваларнинг тадқиқотларида шахс, ҳуқ, девиант ҳуқ, суицидал ҳуқ-атвор, руҳий зўриқиш, стресс барқарорликни шакллантиришнинг психологик хусусиятлари кўриб чиқилган.

Л.И.Анцыферова, Л.Г.Дикая асарларида стресс барқарорлик, шахснинг етуқлиги инсоннинг муайян мақсадларга йўналтириш қобилияти, вақт истиқболнинг табиати, уларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ. Стрессни енгишда шахс омилининг таъсири муаммосига В.И. Медведев, В.Е. Милман, В.Д. Небылицын, Г.С. Никифоров ва бошқаларнинг ишлари бағишланган. Уларнинг ишларида алоҳида қизиқиш хатти-ҳаракатларнинг енгиш стратегиялари деб аталадиган, курашиш жараёнида юзага келадиган қийин ҳаётий шароитларга нисбатан шахснинг ўзини тутиши муаммосига қаратилади.

<sup>19</sup> Китаев-Смык Л.А. Психология стресса. Психологическая антропология стресса. 2-е изд. — М.: Академический Проект, 2009. — 943 с.

<sup>20</sup>Монина Г.Б., Раннала Н.В.Тренинг Ресурсы стрессоустойчивости СПб.: Речь, 2009. — 250 с.

<sup>21</sup> Психология : учебник / И.В. Дубровина, Е.Е. Данилова, А.М. Прихожан ; под ред. И.В. Дубровиной. — М. : Академия, 2011. — 464 с.

<sup>22</sup> Пол и характер : [Невозможно указать на общие половые различия между всеми мужчинами и всеми женщинами] / Отто Вейнинггер ; пер. с нем. В.О. Лихтенштадт. — Москва : Астрель : Полиграфиздат, 2012. — 509, [2] с

<sup>23</sup> Профилактика и коррекция синдрома выгорания : методология, теория, практика / Н.Е. Водопьянова. — Санкт-Петербург : Изд-во Санкт-петербургского ун-та, 2011. — 159 с. — (Психология).

<sup>24</sup> Избавиться от страха. Узнай причину страхов, подбери свое «лекарство» : практическое пособие по преодолению страхов / Юрий Щербатых. — М. : Эксмо, 2011. — 298 с. : ил., табл. — (Позитивная психология).

<sup>25</sup> Социальная психология : учебник / Г.М. Андреева. — Изд. 5-е, испр. и доп. — Москва : Аспект пресс, 2012. — 362, [1] с. : ил. — (Учебник для вузов)

<sup>26</sup> Психология общения и межличностных отношений / Е.П. Ильин. — Москва и др. : Питер, 2012. — 573 с. : ил. — (Мастера психологии).

<sup>27</sup> Черепанова Е.М. Психологический стресс. М.: 1996.

<sup>28</sup> Технологии определения стрессоустойчивости работников клиентоориентированных предприятий сферы сервиса. [http://www.ivdon.ru/uploads/article/pdf/IVD\\_49\\_matveenco.pdf\\_1529.pdf](http://www.ivdon.ru/uploads/article/pdf/IVD_49_matveenco.pdf_1529.pdf)

<sup>29</sup> Социал психология: Э.Ғ.Ғозиев; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети – Тошкент: Noshir, 2012. — 316 б.

<sup>30</sup> Формирование психологических и этнических особенностей у учителя узбекской школы жаббаров а.м., жаббаров и.а. узбекистан, каршинский государственный университетkardu@mail.ru

<sup>31</sup> Социально-психологические аспекты инновационного менеджмента в образовании Д. Мухамедова

<sup>32</sup> Оила энциклопедияси 2016 йил.

<sup>33</sup> Научно-практические основы создания психологической службы в узбекистане№ 1. 2016 “psixologiya” ilmiy jurnal \* научный журнал \*scientific journal

<sup>34</sup> The importance of learning values in managing social behavior of a person№ 1. 2016 “psixologiya” ilmiy jurnal \* научный журнал \*scientific journal

<sup>35</sup> Социально-психологические проблемы формирования социально-зрелой личности1. 2016 “psixologiya” ilmiy jurnal \* научный журнал \*scientific journal

*Стрессга бардошлиликнинг феноменологик жиҳати.* Ҳозирги вақтда психология фанида "стрессга чидамлик" тушунчасининг турли хил таърифлари ишлаб чиқилган. Шундай қилиб, "стрессга чидамлик" атамаси остида С.В. Субботин (1992) ҳиссий барқарорлик, стрессга психологик қаршилик, стрессга чидамлик, умидсизликка бардошлик каби ўзига хос таркибий қисмларни тушунади. Стрессга чидамлик феноменининг бундай кўриниши жуда кенг тарқалган. Муҳандислик психологиясида стрессга чидамлик муаммоси экстремал (махсус) шароитларда инсон операторининг барқарорлиги сифатида қаралади, бу ерда унинг учта жиҳати бирлаштирилган ҳолда таҳлил қилинади: объектив, физиологик ва психологик. Агарда В.А.Бодров (1998) таъкидлашча, барқарорликни субъектив самарали таҳлил қилиш, меҳнат мавзусидаги ўзгаришларни, унинг самарадорлиги ва сифатини тавсифловчи фаолиятнинг натижавий параметрларини ақс эттирса, у ҳолда физиологик ва психологик ёндашувлар барқарор фаолиятни қўллаб қувватлаш ва таъминлаш жараёнини белгилайди. Б.Х. Варданян (1983) стрессга чидамликни ақлий фаолиятнинг барча таркибий қисмларининг, шу жумладан ҳиссий фаолиятнинг махсус ўзаро таъсири сифатида белгилайди: "Стрессга қарши курашиш эмоционал ҳолатдаги ақлий фаолиятнинг барча таркибий қисмлари ўртасида уйғун муносабатни таъминлайдиган шахсий хусусият сифатида аниқланиши мумкин ва шу билан фаолиятни муваффақиятли амалга оширишга ҳисса қўшади". Стрессга чидамликнинг муҳим жиҳатларидан бири тўғрисида П. Б. Зилберман (1984) таъкидлаганидек, барқарорлик ўзгарувчан вазиятга мос ақс эттиришнинг етишмаслиги, мослашувчанлик етишмаслигидан далолат берувчи тушунарсиз ҳодиса бўлиши мумкин. У стрессга бардошлиликни ўз изоҳида қуйидагича таклиф қилади, "... шахснинг ақлий фаолиятининг ҳиссий, ихтиёрий, интеллектуал ва мотивацион таркибий қисмларининг бундай ўзаро таъсири билан тавсифланганда, мураккаб ҳиссий муҳитда шахснинг ўз мақсадига оптимал тарзда, муваффақиятли эришишидир.<sup>36</sup> В.С. Мерлиннинг (1986) интеграл шахс назарияси нуқтаи назаридан стрессга чидамликнинг яқин таърифида С.В.Субботиннинг: "Стрессга бардошлик - бу индивидуал психологик хусусият бўлиб, ажралмас индивиднинг кўп даражали хусусиятларининг ўзига хос ўзаро боғлиқлигидан иборат бўлиб, бу тизимнинг биологик, физиологик ва психологик гомеостазасини таъминлайди ҳамда ҳаёт ва фаолиятнинг турли шароитларида субъектнинг атроф-муҳит билан мақбул ўзаро таъсирга олиб келади." деган диссертация тадқиқотларини таклиф қилади.<sup>37</sup> Стрессга чидамликнинг юқоридаги барча таърифларидан келиб

<sup>36</sup> Зильберман, П.Б. Эмоциональная устойчивость оператора / П.Б. Зильберман // Очерки психологии труда оператора. М.: Наука, 1974. С. 138-172.

<sup>37</sup> Субботин, С.В. Устойчивость к психическому стрессу как характеристики метаиндивидуальности учителя: дис. ... канд. психол. наук: 19.00.07 / С.В. Субботин. - Пермь, 1992. - 152 с.

чикиб, ушбу ходиса (сифат, хусусият, мулк), асосан, фаолиятнинг самарадорлигига (муваффақиятига) таъсир этувчи хусусият сифатида функционал нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Фақатгина Б.Х. Варданян ва С.В. Субботин таърифларида стрессга чидамлилиқнинг иккиламчи табиати ғоясини кузатиш мумкин. Бу хусусият стрессга чидамлилиқни фаолият натижасига таъсир этувчи хусусият сифатида (муваффақият-муваффақиятсизлик) ва тизим сифатида, инсоннинг гомеостазини таъминловчи хусусият сифатида кўриб чиқишда намоён бўлади. Ушбу позициялардан стрессга қаршилиқ, фаолиятли (ташқи) ва шахсий (ички) кўрсаткичлар сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Стрессга чидамлилиқнинг "ички" шахсий таркибий қисми, агар субъектнинг имкониятлари маълум бир фаолиятнинг шартлари ва талабларига жавоб бермаса фаол бўлади. Ушбу компонентнинг роли одамни стресс омилларидан ҳимоя қилиш учун бундай тизимни ишлаб чиқишдир, бу эса инсоннинг барқарорлигини (хавфсизлигини) хафагарчилик ҳолатининг ривожланишидан ҳимоя қилади.

Айтиш мумкинки, кутилмаган, ўта мураккаб, кам стереотипик вазифалар билан тўйинган экстремал ишларда юқори шовқин иммунитетини ва стрессга қарши туришни таъминлайдиган кучли, ҳаракатчан ва мувозанатли асаб тизимига эга бўлган одамлар учун катта имкониятлар мавжуд. Аммо бу ҳолат стресснинг генларига эга бўлган касбий фаолиятнинг барча турлари учун тоқат қилиб бўлмайди, бунда фаолиятнинг самарадорлиги ва касбий стресс омилларига қарши курашиш фаолият субъектининг шахсий ва операцион хусусиятлари воситасида амалга оширилади.

*Темперамент.* Шахснинг энг муҳим хусусиятлари ва уларнинг мураккаб шакллари умуумийлиги энг интегратив шаклда темперамент кўринишида намоён бўлади.<sup>38</sup> Шахс ҳақидаги таълимот тарихида тадқиқотчилар темпераментнинг намоён бўлишини белгиловчи омилларни ҳисобга олган ҳолда темпераментнинг турли назарияларини илгари сурдилар. Айзенкнинг (1960) фикрига кўра, темперамент икки чизикли-ортодоксал симптом комплекслари билан ажралиб туради: экстраверсион, интроверсион ва невротизм, улар доимий ва нормал тақсимотга эга.<sup>39</sup> Р. Кеттелл шахсиятнинг умуумий тузилишида мустақил ва автоном бўлган темперамент ва характерга боғлиқ бўлган бир қатор омилларни аниқлади [61]. Бошқа бир олимлар гуруҳи (К.Г. Жунг, 1995; Г.В. Аллпорт, 1937) темперамент турларининг мавжудлигини тан олади ва уни индивидуал фарқларнинг оралиқ, сифатий тавсифи деб билади. Бир вақтлар конституциявий тузилиш хусусиятларидаги индивидуал фарқларнинг асосини кўриб чиққан темпераментнинг морфологик назариялари

<sup>38</sup> Ананьев, Б.Г. Избранные психологические труды / Б.Г. Ананьев. 1-й Т. 1. М.: Педагогика, 1980. - С. 58-62.

<sup>39</sup> Eysenk, H.J. Biological aspects of personality / H.J. Eysenk. - London, 1965.



кенг тарқалди (Е. Кретчмер; В. Шелдон). Назарий жиҳатдан И.П. Павловнинг (1951) анча оқланган таълимоти бу хатти-ҳаракатларнинг психофизиологик хусусиятларини белгиловчи субстратни ифодаловчи асаб тизимидир. И.П.Павловнинг таълимотларини ривожлантиришда В.Д. Небылицын темперамент тузилишидаги учта асосий таркибий қисмни аниқлайди: инсоннинг умумий ақлий фаолияти; восита компоненти; "Ҳиссийлик" (сезгирлик, таъсирчанлик, ҳиссий қобилят).<sup>40</sup> В.С. Мерлин темперамент тури остида темпераментнинг маълум хусусиятларининг ўзаро боғлиқлик моделини тушунади, унга қуйидаги ақлий хусусиятлар киради: сезгирлик; ҳиссий кўзгалувчанлик; фаолият; реактивлик; фаоллик ва реактивлик нисбати; реакциялар тезлиги; қаттиқлик-пластиклик; экстравертлик-интровертлик. Полшалик психолог Ж. Рейковский эмоционал барқарорликнинг реактивликка боғлиқлиги тўғрисида маълумотларга асосланади. А.В. Махнач ва Ю.В. Бушов (1988) стресснинг кечишини аниқлайдиган бир қатор темпераментли хусусиятларини аниқлайди: экстраверсия, қаттиқлик, таъсирчанлик, асабий ҳолатлардаги реакциялар йўналиши типи деб ҳисоблайди.<sup>41</sup>

*Стрессга бардошлилик ва соғлиқ.* Б.Б.Величковскийни изланишларида (2009) стрессга индивидуал қаршилик даражаси ва инсон фаровонлигининг турли жиҳатлари ўртасидаги доимий алоқалар аниқланди.<sup>42</sup> Хусусан, стрессга индивидуал юқори қаршилик, текширувдан олдинги олти ойлик даврда ўткир касалликларнинг ривожланиш эҳтимолини пасайишига олиб келади, шунингдек стрессга индивидуал юқори қаршилик сурункали касалликларнинг ривожланиш хавфини сусайтириш билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Хулқ-атвор даражасида, одамнинг стрессга юқори даражада қаршилик кўрсатиши, чекиш ва спиртли ичимликларни камроқ истеъмол қилиш каби стрессни енгиб ўтишнинг кам учрайдиган шакллари намоён қилади. Ушбу "ёмон одатлар" нинг ўзига хос хавфи шундан иборатки, улар қисқа муддатда муайян енгиликни келтириб чиқаради, натижада улар соматик саломатликнинг сезиларли даражада ёмонлашишига олиб келади ва одамнинг стрессга қарши туриш қобилятини сезиларли даражада камайтиради. Тренинглари шуни кўрсатдики, одамнинг стрессга нисбатан юқори қаршилик кўрсатиши, чекишга нисбатан паст қаршилик кўрсатадиган одамларга қараганда чекиш ва алкоголь ичимликларни камроқ истеъмол қилишади. Умуман олганда, стрессга индивидуал юқори қаршилик кўрсатадиган одамлар соғлом турмуш тарзи

<sup>40</sup> Небылицын, В.Д. Психофизиологические исследования индивидуальных различий / В.Д. Небылицын. -М.: Наука, 1976. -336 с.

<sup>41</sup> Махнач, А. В. Зависимость динамики эмоциональной напряженности от индивидуальных свойств личности / А.В. Махнач, Ю.В. Бушов // Вопросы психологии. № 6. - 130-133.

<sup>42</sup> Величковский, Б.Б. Индивидуальная устойчивость к стрессу как фактор психического и соматического здоровья / Б.Б. Величковский // Здоровье нации и образование: материалы Всероссийского науч.-практ. конгр. - М., 2009. - С. 23-25.

билан ажралиб туради, бу иш ва дам олиш режимига ҳамда жисмоний машқларнинг мунтазамлигига мувофиқ намоён бўлади. Стрессга индивидуал қаршилик даражаси ва сурункали психологик стресснинг энг хавфли оқибатларидан бири ўртасидаги ишончли боғлиқлик ҳам аниқланди, бу - психологик сўниш синдроми. Шундай қилиб, стрессга нисбатан юқори индивидуал қаршилик, бу мураккаб комплексли психологик касалликнинг олдини олишни огоҳлатиришда катта, балки энг муҳим марказий рол ўйнайди. Бу нафақат инсоннинг ҳаёт сифатини кескин пасайишига олиб келади, балки унинг касбий, шахслараро муносабатларга бўлган муносабатининг яхлитлигини сезиларли даражада камайтиради. Иккинчиси жамият фаровонлигига таҳдид соладиган хавфли вазиятларнинг пайдо бўлиши хавфининг ошишига олиб келиши мумкин. Умуман олганда, психологик стресснинг салбий оқибатлари ривожланишининг олдини олишда стрессга индивидуал қаршилик кўрсатишнинг роли аниқланди. Шундай қилиб, стрессга индивидуал қаршилик кўрсатиш "ютиш вазифасини" бажаради, мавжуд объектив стрессорларнинг таъсирини нейтраллаштиради, бу эса узоқ умр кўриш қийин бўлган тақдирда ҳам юқори руҳий ва соматик саломатликни сақлашга имкон беради. Замонавий шароитларда стресс юкининг интенсивлиги объектив ҳолатда доимий равишда ўсиб борадиган бўлса, стрессга юқори даражада индивидуал қаршиликни сақлаб туриш ва шакллантириш вазифаси алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Богословские размышления о благодати божией и о воле человеческой. — СПб., 1786. — 140 с.
2. Ансельм Кентерберийский // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). — СПб., 1890—1907.
3. Тураев Б. А. Шпигельберг, Вильгельм // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). — СПб., 1890—1907
4. *Новая философская энциклопедия. В четырех томах. / Ин-т философии РАН. Научно-ред. совет: В.С. Степин, А.А. Гусейнов, Г.Ю. Семизин. М., Мысль, 2010, т. III, Н – С, с. 467.*
5. Перевод В. Л. Иванова // «EINAI: Проблемы философии и теологии» № 1 (001), СПб, 2012.
6. *Оккам У. Семь избранных диспутов. // Антология средневековой мысли в 2х тт. (т.2) Хрестоматия. Учебно-научное издание под ред. С. С. Неретиной, Л. В. Бурлаки. Изд-во РХГИ, СПб, 2001-2*
7. 1931 The concept of the reflex in the description of behavior. *Journal of General Psychology*, 5, 427—458

8. Эллис А., Драйден У. Практика рационально-эмоциональной поведенческой терапии. — СПб.: Речь, 2002. — 352 стр.
9. Юнг К. Г. Психологические типы. — М.—СПб.: Прогресс-Универс, 1995. — 718 с
10. Штеренсис, Михаил. Зигмунд Фрейд. — ISRADON / ИсраДон, Феникс, 2012. — 160 с
11. Стеценко, А. П. Заметки о популярности Л. С. Выготского на Западе // Вопросы психологии. — 1997. — № 1. — С. 107—109
12. Блонский П. П. Избранные психологические произведения. — М.: «Просвещение», 1964
13. Ф.642 Рубинштейн, Сергей Леонидович (1889-1960): архивный фонд, 1890-е-1965, Фонд Научно-исследовательского отдела рукописей Российской государственной библиотеки
14. Развитие памяти: Экспериментальное исследование высших психологических функций. — М.-Л.: Государственное учебно-педагогическое издательство, 1931
15. Логинова Н. А. Психологическая наука — дело всей жизни Бориса Герасимовича Ананьева // Санкт-Петербургский университет. — 2007. — 22 окт
16. Божович Л. И. Проблемы формирования личности: избранные психологические труды / Под ред. Д. И. Фельдштейна. — Москва; Воронеж: Ин-т практической психологии, 1995. (*В данную книгу избранных трудов выдающегося психолога вошли основные её работы по психологическим закономерностям и этапам развития личности, мотивации поведения детей и др.*)
17. Психологический стресс: развитие и преодоление М.: Пер Сэ, 2006. — 528 с.
18. Абабков В.А., Перре М. Адаптация к стрессу. СПб.: Речь, 2004. — 165 с.
19. Китаев-Смык Л.А. Психология стресса. Психологическая антропология стресса. 2-е изд. — М.: Академический Проект, 2009. — 943 с.
20. Моница Г.Б., Раннала Н.В. Тренинг Ресурсы стрессоустойчивости СПб.: Речь, 2009. — 250 с.
21. Психология : учебник / И.В. Дубровина, Е.Е. Данилова, А.М. Прихожан ; под ред. И.В. Дубровиной. — М. : Академия, 2011. — 464 с.
22. Пол и характер : [Невозможно указать на общие половые различия между всеми мужчинами и всеми женщинами] / Отто Вейнингер ; пер. с нем. В.О. Лихтенштадт. — Москва : Астрель : Полиграфиздат, 2012. — 509, [2] с

23. Профилактика и коррекция синдрома выгорания : методология, теория, практика / Н.Е. Водопьянова. – Санкт-Петербург : Изд-во Санкт-петербургского ун-та, 2011. – 159 с. – (Психология).
24. Избавиться от страха. Узнай причину страхов, подбери свое «лекарство» : практическое пособие по преодолению страхов / Юрий Щербатых. – М. : Эксмо, 2011. – 298 с. : ил., табл. – (Позитивная психология).
25. Социальная психология : учебник / Г.М. Андреева. – Изд. 5-е, испр. и доп. – Москва : Аспект пресс, 2012. – 362, [1] с. : ил. – (Учебник для вузов)
26. Психология общения и межличностных отношений / Е.П. Ильин. – Москва и др. : Питер, 2012. – 573 с. : ил. – (Мастера психологии).
27. Черепанова Е.М. Психологический стресс. М.: 1996.
28. Технологии определения стрессоустойчивости работников клиентоориентированных предприятий сферы сервиса. [http://www.ivdon.ru/uploads/article/pdf/IVD\\_49\\_matveenco.pdf\\_1529.pdf](http://www.ivdon.ru/uploads/article/pdf/IVD_49_matveenco.pdf_1529.pdf)
29. Социал психология: Э.Ф.Ғозиев; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети – Тошкент: Noshir, 2012. – 316 б.
30. Формирование психологических и этнических особенностей у учителя узбекской школы жабборов а.м., жаббаров и.а. узбекистан, каршинский государственный университет [kardu@mail.ru](mailto:kardu@mail.ru)
31. Социально-психологические аспекты инновационного менеджмента в образовании Д. Мухамедова
32. Оила энциклопедияси 2016 йил.
33. Научно-практические основы создания психологической службы в узбекистане № 1. 2016 “psixologiya” ilmiy jurnal \* научный журнал \*scientific journal
34. The importance of learning values in managing social behavior of a person № 1. 2016 “psixologiya” ilmiy jurnal \* научный журнал \*scientific journal
35. Социально-психологические проблемы формирование социально-зрелой личности 1. 2016 “psixologiya” ilmiy jurnal \* научный журнал \*scientific journal
36. Субботин, С.В. Устойчивость к психическому стрессу как характеристики метаиндивидуальности учителя: дис. ... канд. психол. наук: 19.00.07 / С.В. Субботин. - Пермь, 1992. - 152 с.
37. Махнач, А. В. Зависимость динамики эмоциональной напряженности от индивидуальных свойств личности / А.В. Махнач, Ю.В. Бушов // Вопросы психологии. № 1988. - № 6. - 130-133.
38. Величковский, Б.Б. Индивидуальная устойчивость к стрессу как фактор психического и соматического здоровья / Б.Б. Величковский //

Здоровье нации и образование: материалы Всероссийского науч.-практ. конгр. - М., 2009. - С. 23-25.

## USMON BAXSHI MAMATQUL O'G'LINING "BO'TAKO'Z" DOSTONI BADIYATI HAQIDA

To'xtasinov Jahongir Ma'murjon o'g'li  
Uchqo'rg'on tuman "Yorqin hayot" gazetasi  
Shoabdullayeva Munavvar Adhamjon qizi  
Uchqo'rg'on tuman "Barkamol avlod" bolalar maktabi

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Qayqi dostonchilik maktabining yirik vakili Usmon baxshi Mamatqul o'g'li tomonidan kuylangan "Bo'tako'z" dostoni badiiyati haqida mulohazalar yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** Qayqi dostonchilik maktabi, Usmon baxshi Mamatqul o'g'li, "Bo'tako'z" dostoni.

## THE ART OF THE POEM "BO'TAKO'Z" OF USMON BAXSHI MAMATQUL O'G'LI

To'xtasinov Jahongir Ma'murjon o'g'li  
"Yorqin hayot" newspaper, Uchqo'rg'on district  
Shoabdullayeva Munavvar Adhamjon qizi  
School "Barkamol avlod", Uchqo'rg'on district

**Abstract:** This article discusses the art of the "Bo'tako'z" epic, sung by Usmon bakhshi Mamarqul's son, a great representative of the Kayki school of poetry.

**Keywords:** Kayki school of poetry, Usmon bakhshi Mamatqul's son, "Bo'tako'z" epic.

Farg'ona dostonchiligida muhim o'rin egallagan Qayqi dostonchilik maktabining yirik vakili Usmon baxshi Mamatqul o'g'lining "Bo'tako'z" dostoni haqida fikr yuritmoqchimiz.

"Bo'tako'z" dostonining kompozitsion tuzilishi umumo'zbek dostonlaridagi ma'lum bo'lgan nazm va nasriy matndan iboratdir. Asar mazmuniga ko'ra Go'ro'g'lining o'g'illari Avazxon, Xasanxon va turkman biylari o'rtasidagi majaro, sevgi-muhabbat, mardlik va Vatanga bo'lgan hurmat masalalari yotadi. Asar bosh qahramoni Avaz bo'lib, turkman biyi Oqchishvoyning qizi Bo'tako'zni olib qochadi. Bu turkman biylariga yoqmaydi va Avazni o'ldirib berishni talab qilib Go'ro'g'liga arzga keladi. Go'ro'g'li uchun qanchalik og'ir bo'lmasin u bu shartga ko'nadi. Bizningcha, Go'ro'g'li qadrdon qo'shnichilik, do'stlik ipi bog'langan turkmanlarga

qarshi fikr ayta olmaydi. Yagona va sevimli farzandi bo'lsa ham Avaz o'limiga roziday bo'ladi. Ammo bu rozilik zamirida boshqa fikrlar ham tug'yon uradi.

Ishbilarmonlik, ustalik bilan ish yuritgan Go'ro'g'li hamda Avaz g'alaba qiladilar. Zero. Go'ro'g'lining farzandlari Xasan va Avazlarda odillik bor di.

Asar konflikti ham Avaz va Xasanni gunohsiz ko'rsatadi. Katta to'y ulog'iga taklif etilgan Go'ro'g'li o'zi bormay o'g'illari Avaz, Xasan va soqchilarni yuboradi. Biroq, Oqchishvoyning va turkman boylari Go'ro'g'lining kelmaganligiga hafa bo'ladilar. Xasan va Avazxonni uloqqa kiritmaydilar. Bundan xabar topgan Xasanxon uloqni olib qochadi. Bu Oqchishvoyning qizi Bo'tako'zni ham uloq maydoniga olib kiradi. U Xasanxon olib qochgan uloq orqasidan ketgan turkman yigitlarining quruq qaytayotganini ko'rib jahllanadi. Bundan ko'rinadiki, Bo'tako'z obrazi mardlik va jasoratga to'la qahramon ayol obrazidir.

Shuningdek, dostonda Avazxon, Xasanxon, Soqi, Go'ro'g'li kabi ijobiy obrazlarga qarama-qarshi salbiy obrazlar Oqchishvoy va turkman biylari beriladi. Bu obrazlar kurashi ijobiy kuchlar g'alabasi bilan tugaydi. Asarda boshqa xalq dostonchilari maktablaridan farqli tomonlar ham mavjuddir. Bulardan biri "Go'ro'g'li" turkum dostonlarida Soqi, Chaqqonlarni ham Xasan va Avaz singari talqin etilgan.

"Bo'tako'z" dostoni yana shu bilan farqlanadiki, nazm qismi nasr qismiga qaraganda ko'proqdir. She'riy misralar ko'proq 7-8-10-11 hijolarda barmoq vaznida bo'lib, ular ham o'z ichida turoqlarni o'zgarib turishi bilan turli xilda ko'rinadi. Uzun vaznli she'rlar harakatni tinch me'yorda davom etayotganini ko'rsatadi. Bu hol dostonda rang-barang harakat obrazlarini yaratgan.

7 hijoli: *Chog'ir sarka bosh qilib*

*Yuzta sarka tosh qilib*

8 hijoli: *Avazga sharbat ichirgan*

*Beqalin beldan quchirgan*

*Yorin Xunxorga qochirgan*

*Boshqa yor, allayor-allayor!*

11 hijoli: *Foni dunyo barcha qulga omonat*

*Kimki o'lgan bo'lsa davri qiyomat*

*Och ko'zingni, ko'tar boshing uyqudan*

*O'r ichinda yotgan yolg'iz mubozat.*

Doston qofiyalanishida ham bir-biriga ohangdosh so'z olinadi.

*Belimda bog'langan kamar sadog'im*

*Ko'ksimda qolmasin alamli dog'im*

*Qomatingga bobong bo'lsin sadag'a*

*Xush kelibsan Xasanxonday chirog'im*

Bu misralarda sadog'im-dog'im-chirog'im so'zlari bir- biriga to'la qofiyadir. Dostonchi mahoratidan yana biri doston misralarida radifli qofiyalarning ko'pligidir.

*Xizmatiga tayyor bo'l qushday chog' bo'lib*

*Qolmasin nechaning ko'ksi dog' bo'lib*

Yoki, juda ko'p she'riy misralarda ichki qofiyalanish, so'zlarning takroriy qaytariqlari orqali ham asar qimmatini oshirilgan.

*Ol-ol bo'lsin bugun senga ol bo'lsin*

*Ol-ol dedim ololganing bol bo'lsin*

Qayqi dostonchiligida ham boshqa xalq baxshilari yaratgan barcha dostonlardagidek badiiyatning tasviriy vositalari: sifatlash, o'xshatish, metafora, kinoya, mubolag'a, metonimiya, sintaktik tasviriy vositalar, fonetik tasviriy vositalar mavjud bo'lib, bular haqida so'z yuritadigan bo'lsak, Usmon Mamatqul o'g'li "Bo'tako'z" dostonida har bir so'z va iborani o'z o'rnida ishlata olgan.

So'z san'atida aytmoqchi bo'lgan fikrning chuqur, ta'sirchan va badiiy bo'lishi uchun so'zlarni o'z o'rniga qo'yishva iqtisod qilish so'z san'atkorlaridan juda ko'p mehnat talab qiladi. Qunt bilan ishlagan ijodkorning uzoq tajribalari uning ijodiy yuksalishini, balog'atini ta'minlaydi. So'zning o'rinli ishlatilmasligi fikrning o'quvchiga yetarli, tushunarli bo'lishiga to'sqinlik qiladi. So'z tanlash mehnati juda murakkab bo'lib, fikrni aks ettirib berishidagina emas, balki hayotdagi hamma holat va harakatlarni aniqlaydigan, ifoda etadigan, asarning o'sha o'rniga mos keladigan, ommaga yetib bora oladigan so'zlarni qidirishda, sara mazmunini so'z orqali ifodalash uchun intilishda, xalqning o'z tilida so'zlashga urinishida ko'rinadi. Olim fikrlariga to'la qo'shilgan holda Usmon Mamatqul o'g'li yaratgan obrazlar, iboralar, hayotiyliigi, yuqorida aytib o'tilganidek so'zning o'rinli ishlatilishi, ommaga yetib borishida yaqqol ko'ramiz. Dostonchi o'z asarida Avazxonni Chambilbeldan o'z yurtiga qaytayotganini quyidagi misralarda tasvirlaydi.

*Tezroq chopsa og'zini sherday ochadi,*

*Suvlik chaynab morday ko'pik sochadi*

*Qoraqumni tuman qilib changitib*

*Lochin quvgan quyunday bo'b qochadi*

Bu misralarda ot sherday og'zini ochayotgani, mortuyaday ko'pik sochayotganini, ya'ni tez chopayotganini tasvirlaydi. Ot shunchalik tez bormoqdaki, uning ortidan chiqayotgan chang va to'zon Qoraqumni tuman qilgan, osmon ko'rinmaydi.

*Yoki: Tosqoqdan terlari muzlab qotadi*

*Misli tosqig'ini oqday otadi*

*Qumda qistab chopsa boshi qo'yib*

*Changlari quyunday kunni tutadi...*



Yuqoridagi misralardan ham Usmon shoir o'xshatishlar orqali bir qancha fikrlarni mujassamlashtirgan.

Avaz oti shunday tez chopardiki, oyoqlari ostidan loy sachraydi, orqasidan chiqqan chang quyun bo'lib, ko'kni tutadi. Qayqi dostonchiligida o'xshatish, qiyoslash, mubolag'a, san'ati ham ancha mukammal rivojlangan. Usmon Mamatqul o'g'li dostonlarida yana bir holat-sifatlash masalasi ham ancha yaxshi hal etilgan. Xalq dostonlarida eng ko'p ishlatiladigan so'zlar sifatlashdir. Boshqa dostonchilik maktablaridagidek Qayqi dostonchilari ham sifatlashga katta e'tibor berganlar. Chunki, busiz badiiy asar qimmatini uncha oshmagan bo'lardi.

Birgina misol:

*Ostingda arillab o'ynaydi oting*

*Boshda toju, egningda po'lat sovuting*

*Men so'rayman asling qaydan kelasan*

*Yo'l yurmoqdan nedir sening maqsading?*

Bu misollardagi po'lat, arillab so'zlari tushirib qoldirilsa ham ma'no anglashiladi. Ammo tasvir aniq, ravshan gavdalanmaydi. Po'lat, sovut, arillab o'ynaydi kabi so'zlari esa misralarga go'zallik bag'ishlab, asar qimmatini oshirgan. So'z qimmatini oshirishda sifatlash san'ati katta ro'l o'ynaydi.

*O'smani qo'yadi qoshiga*

*Durrani soldi boshiga*

*Satta gavhar, yoqut, munchoq-*

*Marjonlar osadi to'shiga*

banddagi tagiga chizilgan misra to'la sifatlashdir. Shuningdek, dostonda xalq qahramonlari tasavvurida botir jihatlari, qurol-yarog'larining keskirliги va boshqa jonvorlar tasvirida juda ko'p sifatlashlar uchraydi. Masalan: botir, mard, pahlavon, sheryurakli, oltin bilakli, keskir, o'tkir va hokazolar asar qimmatiga qimmat qo'shuvchi so'zlardir. Yoki, Go'ro'g'li hamda boshqa qahramonlarning kiyimlari, G'irko'k va boshqa otlarning egar-jabduqlariga ham kumush, egar, zarkokilli Avaz, oltin qalpoq, po'lat dubulg'a, ilon kabi pishqirib kabilar ham sifatlash turiga kirib, qahramon ot obrazlariga bo'yoq sifatida qo'llanilgan.

Qayqi xalq dostonchilarida ayniqsa, badiiylikni ko'rsatuvchi o'xshatish ham asosiy o'rin tutadi. Bu doston va dostonchi hamda tinglovchi o'rtasidagi bog'liqlikni oshiradi. Unga qiziqish uyg'otadi. Obrazlardan kuch, iroda va qudratini yanada oshiradi. Ko'pincha dostonlarda kuylab kelinadigan Razzoq baxshi, Usmon baxshi, Alim shoir, Mahmud Dug'umbayev va boshqa dostonchilar ijodi, dostonlariga nazar tashlasak, o'xshatish naqadar kuchli bo'lganligini ko'ramiz. Bu asarlarda asosan yor go'zalligini oyga, qoshlarini pilikka, yuzlaridagi xolini ikki yulduzga, yoki yulduzday, qoyadagi kiyikday, qarchig'ayday uchadi, burgutmisol quchadi, selday oqib, toshadi, ajdahoday bo'kiradi, qo'tos kabi o'kiradi, go'zday qadam tashlaydi

kabi misralar uyqashib keladi. Yoki, jo'jabirday jonim bor, muhrlangan joyim bor, toshday qotib, do'lday otib boradi. Misralaridagi o'xshatishlar ham aniq aniqlik bilan ishlangan.

*O'yla bolam mening jonu-dilimsan*

*Bulbul bo'lsang qo'nar toza gulimsan*

kabi misralarda bola jonu dilga, bulbulga, toza gulga o'xshatiladi. Majoziy ma'noda kelgan otlar o'xshatish vazifasini bajaradi.

Dostonda qahramon psixologiyasini ochish, konflikt yaratish, obrazlarni obrazlarga chog'ishtirish masalalari ham bir zanjir sifatida bog'lanib kelgan.

*Chaqqonbekka aytdi so'zning poyoni*

*Ul arosat bo'ldi Avaz vatani*

*Avaz bilan Chaqqonbekning tovshiga*

*Uyqusidan bedor bo'ldi Nurali*

Demak Avazning Nurali og'li ham bor. Otasining Avaz o'limiga roziligi sababli og'ir ahvolda qolgan qahramon o'z yurti Gurjistonga ketmoqchi bo'ladi. Biroq sevimli farzandlarini tashlab ketish Avaz uchun o'g'ir edi. Dostonchi shu bois ham shu epizodlarni katta mahorat bilan aytadi.

Dostonda yaratilgan barcha badiiy obrazlar o'zining mukammalligi, ibrat bo'larli darajada tasvirlanganligi bilan qimmatlidir. Shuningdek, dostonda o'zbek adabiy til me'yorlari, badiiy tasvirlash vositalaridan unumli foydalanilgan. Keyingisi esa baxshi xalq fantaziyasi asosida orzu va umid yo'lida katta ishlarga qo'l urgan, botir-qahramon, tipik obrazlar yarata olgandir.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Usmon Mamatqul o'g'li. "Bo'tako'z".-Yozib oluvchi S.Ibrohimov, Nashrga tayyorlovchi T.Ashurov.-T., "Fan", 1968.
2. Zaripov H.T. "Alpomish" eposining asosiy motivlari".-"Sharq yulduzi" jurnali, 1957.
3. Saidov M. "O'zbek xalq dostonchiligida badiiy mahorat". Doktorlik ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya.-"Fan", 1969

### **References**

1. Usmon Mamatqul o'g'li. "Bo'tako'z".-Yozib oluvchi S.Ibrohimov, Nashrga tayyorlovchi T.Ashurov.-T., "Fan", 1968.
2. Zaripov H.T. "Alpomish" eposining asosiy motivlari".-"Sharq yulduzi" jurnali, 1957.
3. Saidov M. "O'zbek xalq dostonchiligida badiiy mahorat". Doktorlik ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya.-"Fan", 1969